


# Шарқ Юлдузу

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN'AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK
- SAN'ATSHUNOSLIK



# Sharq yulduzi



**Тўра СУЛАЙМОН**  
**(1934–2005)**



Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston MK

# Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Саййид  
Муҳаммад Али  
Кенгесбой Каримов  
Энахон Сиддикова  
Икбол Мирзо  
Қахрамон Куронбоев  
Минҳожиддин Мирзо  
Жумакул Курбонов  
Фармон Тошев  
Исажон Султон

Хайриддин Султонов  
Маҳмуд Тоир  
Гулистон Матёкубова  
Шерзод Ирзоев  
Ҳаётхон Ортиқбоева  
Тоштемир Турдиев  
Шухрат Маткаримов  
Адхамбек Алимбеков  
Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир — Сирожиддин Рауф

Бош муҳаррир ўринбосари — Азиз Саид

Масъул котиб — Дилором Муротова

Назм бўлими мудирлари — Икром Отамурод

Наср бўлими мудирлари — Саид Анвар

Адабиётшунослик бўлими мудирлари — Ориф Ҳожи

2

2020



*МИР БҒИИДА ЖУМЛАҒҒИЯН БОҶА*

Мамлакатимиз Раҳбари Олий Мажлисга Мурожаат-номасида шарқ донишмандларининг ҳикматли сўзларини эслатди: “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта кашшоқлик – бу билимсизликдир”. Жорий йилимизнинг “Илм-маърифат ва ракамли иқтисодийetni ривожлантириш йили” деб номланишида катта мазмун ва улугвор вазифалар мужассам. Маърифатли халқ улуг бунёдкорлик ишларини амалга оширишга қодир бўлади.

---

*ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАРДА*

**Маишхура ШЕРАЛИЕВА**



*2019 ЙИЛ ЎЗБЕК ҚИССАЛАРИ*

“Дашти кипчоқ лочини” қиссасида Шайбонийхон образи “Юлдузли тунлар” (П.Қодиров) таъсирида тасаввуримизга муҳрланган қиёфадан тамоман фарқ қилади. Ёзувчи Шайбонийхоннинг ҳарбий юришларини тасвирлаш билан бирга, унинг шоирона нозик таъб эгаси эканини ва шариат аҳкомлари борасидаги билимини ҳам урғулаб кўрсатишга ҳаракат қилган.

---

*МАҶНОИРА*

**Норинисо ҚОСИМОВА**



*СИМИЛАЙДИ ЮРАҒИМ*

Йиғлатади тунлари бехос,  
Кундузлари ўртайверади.  
Оқу қора суратдан қараб,  
Қўлларимда титрайверади.

“Мен биринчи севгингман” дея  
Қулоқ тутсам нолаларига.  
Ҳамон мени қутаётгандек  
Мажнунтолнинг сояларида.





Тўра СУЛАЙМОН

### Зора субҳ еллари келтирса мужда

#### Илтижо

Баҳор келса, бошланур боғда булбул хониши,  
Саъва, кумри нағмаси, суралай товланиши,  
Қирларда лола сайли, кишлоқларда йилбоши,  
Тўхтагай табиатдан ҳаққушлар зорланиши,  
Баҳор кетма, менинг боғимдан.

Қилмиши қинғир зотга давр қайда, даврон қайда,  
Ватангадо кимсага, беминнат макон қайда,  
Ёлғиз отга оламда ном қайда, нишон қайда,  
Баҳор, сенсиз сахрою тоғу тошга жон қайда,  
Баҳор кетма, менинг боғимдан?

Ўлмасликка ишора – ўланга ошиқлигим,  
Саодатга ишора – замонга ошиқлигим.  
Теранликка ишора – уммонга ошиқлигим,  
Гўзалликка ишора – бўстонга ошиқлигим.  
Баҳор кетма, менинг боғимдан.

Бу кун қай бир ерда қиш, қайда хазонрезгилик,  
Қайларда ёз, қайда қуз жондан безгилик,  
Кўкларнинг ҳар нафаси умрга арзиғулик,  
Боғсиз, боғбонсиз ерда не ҳам қилсин эзғулик,  
Баҳор кетма, менинг боғимдан.

---

*Тўра СУЛАЙМОН – (1934–2005). Ўзбекистон халқ шоири. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) ўзбек филологияси факультетини тугатган. Ижодкорнинг “Мен қайга борар бўлсам”, “Интитор”, “Илтижо”, “Сизни эсламан”, “Тул бир ён, чаман бир ён”, “Сайҳон”, “Сайланма” номли йиғирмадан ортиқ китоблари нашр этилган.*

Гиёҳ билан қопланмиш кўҳна қабр бошлари,  
Майсадаги шудринглар – кимларнинг кўзёшлари,  
Бу ерда ётар отам ҳам узангидошлари,  
Ҳар баҳор эслар уни қавму қариндошлари,  
Баҳор, кетма менинг боғимдан.

Ёз бўйи қорга зорман, қишда баҳорга зорман,  
Чаманда гул бўйига интиқман, интизорман,  
Куз келмай хазон бўлган севги, гулдан безорман,  
Баҳорсиз ҳам диёрсиз эл ичра беназарман.  
Баҳор кетма, менинг боғимдан...

## Ўхшайди

Жонини элидан аямас эрлар,  
Қарвонни бошловчи норга ўхшайди,  
Ўз кадрини билмас баъзи беорлар,  
Ёру дўст меҳрига зорга ўхшайди.

Ҳеч кимнинг кўнглида армон бўлмасин,  
Номи эл ичинда ёмон бўлмасин,  
Маскани ер туриб осмон бўлмасин,  
Бундайлар ҳар ерда хорга ўхшайди.

Бу қандай кўргилик: қўли эгрилар,  
Йўсини, йўриғи, йўли эгрилар,  
Элда эътиборсиз – дили эгрилар,  
Ҳали орамизда борга ўхшайди.

Мард туриб номардга кун чикқан дамлар,  
Битар иш битмасдан кечикқан дамлар,  
Товус тор қафасга кўникқан дамлар,  
Айни кўклам ёққан қорга ўхшайди.

Чинор ўрнин босмас: терак билан тол,  
Зоғнинг сор бўлиши – қайғули бир ҳол,  
Қадимдан қолган гап: синик бир сопол,  
Лаъл, ёқут йўк ерда зарга ўхшайди.

Тенглаб бўлармиди тамални тошга,  
Ўн беш кунлик тўлин ойни куёшга,  
Бахтинг боғлик бўлса бир бағритошга,  
Бу олам қурилган дорга ўхшайди...

## Мажнунтол

*Мажнунтол тагига ўтқазинг мени.*

**Миртемир.**

“Мажнунтол тагига ўтқазинг мени”,  
Мажнунтолдай эгай бу кун бошимни.  
Узлат қилмиш бу кеч шеър билимдони,  
Ўксиб-ўксиб тўкай кўзда ёшимни.

“Мажнунтол тагига ўтқазинг мени”,  
Мажнунтолдай қадим ё бўлмиш, ё Раб!  
Мангуликка тобин устознинг номи,  
Қайтадан дилимга жо бўлмиш, ё Раб!

“Мажнунтол тагига ўтқазинг мени”,  
Табиатга айтай арзу додимни.  
Не ажаб, ушалса шогирд армони –  
Инобатга олса эътиқодимни.

“Мажнунтол тагига ўтқазинг мени”,  
Мажнунтолнинг куни тушмиш бошимга,  
Жонга-жон бермоқнинг бўлса имкони  
Бу жонимни берай бовурдошимга.

“Мажнунтол тагига ўтқазинг мени”,  
Шогирдлар бошига тушмиш мушкулот.  
Наҳотки, зулумот бўлса макони,  
Қора ер тагида ётса улкан зот?

“Мажнунтол тагига ўтқазинг мени”,  
Оқиб турган дарё қолмасин тўхтаб.  
Оқинни соғинмиш хешу Ватани,  
Ҳатто, қўмсагандай кўкдаги офтоб.

“Мажнунтол тагига ўтқазинг мени”,  
Зора субҳ еллари келтирса мужда.  
Умри боқий шоир руҳи қошида,  
Вожаб, ўлим ҳам қилмишдир сажда.

“Мажнунтол тагига ўтқазинг мени”,  
Тунд кўнглим Зухродай бўлсин мунаввар.  
Шоир шеърятти, шуҳрати, шаъни,  
Шубҳасиз, Туркистон тоғидай пойдор.

“Мажнунтол тагига ўтқазинг мени”,  
Устод билан суҳбат курай бир нафас.  
Бошқа ўғил бўлиб, тонг пайти шоир,  
Бу дунёга қайтиб келганлиги рост...

## Билмадим

Бўлсам бўлгандирман бойлик, бисотлик,  
Бирок, бағри бутун бўла билмадим.  
Қадамда йўлдошим бўлиб бедодлик,  
Тутдайн тўкилдим,  
Тўла билмадим.

Менинг-чун бу олам серғалвамидир,  
Фақат тазйикмидир, тавалломидир,  
Беминнат бир маскан норавомидир,  
Кўрган куним қаттик,  
Кула билмадим?

Кўринишим одам, танда жоним йўк,  
Суйиб, суйқангулик жонажоним йўк,  
Ғам, алам чекмаган бирон оним йўк,  
Отимни тўдага  
Сола билмадим.

Тушган аравамнинг жири бўлакча,  
Айтилган жирларнинг сири бўлакча.  
Бу эл, бу улуснинг тури бўлакча,  
Кўнгил бериб, кўнгил  
Ола билмадим.

Дунё деб аталмиш, ушбу қаерда,  
Ўрнимни тополмай даврада, курда,  
Ўзга хонишларга жўр бўлиб бирда,  
Ўз созимни ўзим  
Чола билмадим...

## Умр ўтмоқдадир дарё мисоли

Эсиз, болаликни қолдириб ортда,  
Умр ўтмоқдадир, дарё мисоли.  
Қолдириб-қолдирмай из бу ҳаётда,  
Умр ўтмоқдадир, дарё мисоли.

Оппоқ тонгни улаб тийрай шомга,  
Бирда шак келтириб сирли оламга,  
Гоҳо таъзим қилиб бадкор, бадномга,  
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Қай кезлар ушалмай орзу-армонлар,  
Бирда ғолиб келиб тулкисимонлар,  
Бирда бой берилиб, бебаҳо онлар,  
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Денгиздай мавж уриб, кирғоқдан тошиб,  
Юрар йўлимиздан бирда адашиб,  
Ким биландир зимдан мансаб талашиб  
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Яратиб не сирлар, не мўъжизалар,  
Қутлуғ кун кетидан кун ўтказилар.  
Бехуда ўтган дам – кўнгил эзилар,  
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Ҳар тонгда тўрғайдан олдин уйғониб,  
Чаманлар яратиш ишқида ёниб,  
Бирдачи: эътиқод, имондин тониб,  
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Эрта билан боғлик – не дамларимиз,  
Билиб-билмай босган кадамларимиз,  
Хайрли иш, алам, қарамларимиз  
Умр ўтмоқдадир, дарё мисоли.

Кексалик мўралаб эшик қоқмоқда,  
Болалик қайтадан қайтарилмоқда,  
Биздан эрта кунга нелар қолмоқда,  
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Ўлмас созни ўйлаб, дегинг, келмайди,  
Ўчмас издан сўйлаб, дегинг, келмайди,  
Мангуликка бўйлаб, дегинг, келмайди,  
Умр ўтмоқдадир, дарё мисоли...

# СИР БЎЙИДА ГУЛЛАЁТГАН ВОҲА



**Гофуржон МИРЗАЕВ**

Бугун бугун мамлакатнинг нигоҳи Сирдарё воҳасига қаратилган. Вилоятимизда амалга ошириляётган улуг бунёдкорлик ишлари, катта кўламдаги қурилишлар, айниқса, вилоятнинг маркази навқирон шаҳар – Гулистоннинг бугунги жамоли кўзни қувонтиради. Гуллар билан бурканган сўлим хиёбонлар, равон кўчалар, замонавий кўприklar, салобат билан кад кўтараётган кўп қаватли турар-жойлар шаҳарнинг кўркига-кўрк қўшмоқда. Ўтган йили кад кўтарган Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби, вилоят телерадиокомпаниясининг янги бунёд этиляётган замонавий биноси, Юрт байроғи хиёбони, Алишер Навоий хиёбони, хотира майдони, амфитеатр, “Сирдарё вилояти тарихи ва маданияти музейи”, қайта таъмирланган вилоят мусиқали драма театри бинолари, сўлим сайлгоҳлар Гулистон шаҳрига афсонавий бир қиёфа бағишлаган.

Бундан уч йил мукаддам Сирдарёда бўлган одам бугун Гулистон шаҳрига ташриф буюрса, адашиб қолиши турган гап. Сирдарё вилояти мамлакатимиз вилоятлари ичида имкониятлари чекланган аграр вилоятлардан ҳисобланар эди. Мен бу вилоятга раҳбар бўлиб келганимда вилоятдаги саккизта туманнинг аҳволи танг эди. Уларнинг 400 млрд сўмга яқин қарзи бор эди. Бу мураккаб шароитдан чиқиб олиш учун халқ билан яқдил бўлиб, қўлни-қўлга бериб, фидойи бўлиб ишлаш керак эди. Аввало, Президентимизнинг қолаверса, Ҳукуматимизнинг кўмаги билан вилоят ахлининг фидойилиги туфайли сўнгги уч йил ичида катта ишларни амалга оширдик. “Обод кишлок” ва “Обод маҳалла” давлат дастурларининг ижроси, шунингдек, вилоят экспорт салоҳиятининг ошиши, инвестиция муҳитининг такомиллашуви натижасида сўнгги йигирма йилда бажарилмаган ишлар амалга оширилди.

Бугун Сирдарё бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатаётган, фермерлик ҳаракати ривожланган, кластер тизимлари ишлаб турган илғор вилоятлар қаторига чиқиб олди. Ҳозирда Сирдарё воҳасини катта қурилиш майдонига қиёслаш мумкин. Кенг кўламдаги қурилиш ишлари нафақат Гулистон шаҳрида, балки вилоятимизнинг барча туманларида олиб борилмоқда. Ховос туманида қуриляётган 30 та кўп қаватли бинолар Ховос шаҳарчасининг қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Шаҳарда қуриляётган кўп қаватли уйларда коммуникация, канализация ва бошқа тармоқлар комплекс тарзда амалга оширилмоқда. Ховос туманида бошланган бу бунёдкорлик ишлари Сайхунобод, Сирдарё ва Сардоба туманларини ҳам камраб

*Гофуржон МИРЗАЕВ – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси. Сирдарё вилояти ҳоқими. 1964 йилда туғилган. Тошкент политехника институту (ҳозирги ДДТУ), Тошкент давлат иқтисодий университету ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини битирган. “Меҳнат шухрати” ордени, “Содиқ хизматлари учун” медали билан тақдирланган.*

олди. Сайхунобод туманидаги “Сайхун планет” мажмуасининг фаолияти нафақат туман аҳолисига, балки бутун вилоят аҳлига хизмат кўрсатмоқда. Вилоят аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги, яратилаётган имкониятлар шарофати билан Сирдарё вилояти аграр вилоятдан ишлаб чиқариш саноати ривожланган воҳага айланмоқда. Вилоятдаги кўплаб қўшма корхоналарда, тадбиркорлик субъектларида янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли бандлиги муаммолари бартараф этилмоқда. Айниқса, чекка кишлоқлардаги хотин-қизларни, ёшларни иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор бермоқдамиз. Айниқса, мамлакатимиз раҳбарининг ўтган йили 19 февралдаги вилоятимизга ташрифиди олдимизга қўйилган улкан вазифаларни амалга оширишда ибратли ишлар қилмоқдамиз. Ўтган йили Президентимиз таклифи билан Сирдарёда туғилган “беш ташаббус” мамлакатимиз бўйлаб қулоч ёйди, Сирдарё намунасини чинакам садоқат намунасига айлантиришга ҳаракат қилишга бел боғлаганмиз.

Яқин йилларда “Сирдарё эркин иқтисодий зона”сининг учдан икки қисмида янги лойиҳаларни ишга тушириш режалаштирилган бўлса, учдан бир қисмида доривор плантацияларни барпо этиш кўзда тутилмоқда. 97 та янги инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. Натижада 7500 та иш ўринлари яратилади. Бу шунчаки қуруқ гап эмас. Сирдарёликлар олдида аниқ мақсадларни қўйдими, уни албатта улдасидан чиқадилар, мен бунга ишонаман.

Сирдарё эркин иқтисодий зонасида жойлашган Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси ва 9 та корхона-заводни бирлаштирган “Peng-Sheng”, “Сирдарё Мега Люкс”, “Сирдарё универсал ойна”, Гулистон шаҳрида жойлашган “Зиннур” Ўзбекистон-Хитой қўшма корхоналари вилоят иқтисодиётини ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Масалан, “Сирдарё универсал ойна” қўшма корхонасида 500 нафар аёллар ва ёшлар учун кўшимча иш ўринлари яратилди. Бу корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хорижга экспорт қилинмоқда. “Сирдарё Мега Люкс” Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида 650 дан ортиқ иш ўринлари яратилган. “Peng-Sheng” қўшма корхонасида ҳозирги кунда 1600 дан кўпроқ маҳаллий ишчилар ва 400 нафар хитойликлар меҳнат қилмоқда, корхонада 60 дан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Гулистон шаҳрида жойлашган “Бест фэйшн” Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасининг трикотаж маҳсулотлари, Сирдарё туманидаги “Река-мед-фарм” корхонаси дори-дармонлар учун махсус шиша идишлар ишлаб чиқармоқда. Ушбу корхоналарнинг фаолият кўрсатаётганлиги кўплаб ёшларни иш ўринлари билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мирзаобод туманида фаолият юритаётган “Бек Кластер” – кўп тармоқли ишлаб чиқариш бирлашмаси кўплаб хотин-қизларга иш ўринлари яратиш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқда. Айни пайтда сув ҳавзалари соҳилларида янги-янги боғлар яратилмоқда. Дам олиш ҳудудлари ва оромгоҳлар қурилмоқда. Келажақда бу дам олиш масканлари вилоятга ташриф буюраётган хорижий сайёҳларнинг эътиборини тортадиган сўлим масканларга айланади. Вилоятимизда ўтказиладиган анъанавий “қовун сайли”, “гуллар фестивали” байрамларига ташриф буюрган хорижлик ҳамкорларимиз “Биз ўзимизни эртақлар оламига тушиб қолгандек ҳис қилябмиз” дея ҳайратга тушганларини кўрганнимизда кўнглимизда тоғдек ғурур юксалди.

Мамлакатимиз Раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида шарқ донишмандларининг ҳикматли сўзларини эслати: “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир”. Жорий йилимизнинг “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб номланишида катта мазмун ва улуғвор вазифалар мужассам. Маърифатли халқ улуғ бунёдкорлик ишларини амалга оширишга қодир бўлади.

Ҳар бир юртининг довуғини элга ёядиган асл фарзандлари бўлади. Сирдарёда фан ва маданиятни юксалтиришга, ёшларни ватанпарварлик ва юксак ғоялар руҳида тарбиялашга салмоқли ҳисса кўшган фидойи салоҳиятли олимлари, зиёлилари, атоқли ижодкорлари, санъаткорлари ҳақида тўхталишни ҳам жоиз деб ўйлайман. Гулистон давлат университетининг ўқитувчилари – филология фанлари докторлари, профессорлар Анкабой Кулжонов, Акрам Каттабеков, физика фанлари доктори, профессор Саме Самадов, адабиётшунос олимлар Қаршибой Самадов, Босим Тўйчибоев, атоқли таржимон, филология фанлари номзоди Янглиш Эгамоваларнинг (охиратлари обод бўлсин) номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Бугунги кунда Гулистон давлат университетига фаолият кўрсатаётган университет ректори, техника фанлари доктори, профессор Мухсин Хожиев, биология фанлари докторлари, профессорлар Хабиб Кушиев, Абдувоит Фозилов, техника фанлари докторлари, профессорлар Инобат Широнова, Расулжон Давлатовлар, тарих фанлари номзоди Ўғилой Эрбўтаева, фалсафа фанлари номзоди, профессор Равшанбек Махмудовлар ёшларга чуқур билим ва таълим-тарбия бериш, ёш кадрларни тайёрлаш, ёшлар маънавиятини юксалтиришда, уларга мураббийлик-устозлик қилишда фидойилик кўрсатмоқдалар.

Ўзбекистон халқ шоирлари Тўра Сулаймон, Ҳалима Худойбердиева, атоқли ижодкорларимиз Ҳамрокул Ризо, Жонибек Субҳон, Турғун Жамолов, Саминжон Султонов, Мирза Қайнар, Мухтор Носир каби шоир ва адилларимиз ўзларининг катта адабий мерослари билан Сирдарё адабиётини юксалтиришга ҳисса кўшганлар.

Сирдарё адабий муҳтида ўз ўрни, ўз овозига эга бўлган таниқли шоирлар, ёзувчилар, журналистлар кўпчиликини ташкил этади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ҳаётхон Ортиқбоева, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари – Норинисо Қосимова, Анвар Тоғасев, Баҳор Холбекова, Аликул Хонимкулов, Абдуғани Абдурахмонов, Аҳрор Байзо, Али Насирли, шоирлар Алишер Нур, Ҳасан Абдувоҳидов, Мунаввар Пардаев, Дилором Исмадиёрова, Нодира Дўстматова, Шухрат Ҳакимов, ёш шоирлар Мақсуда Мирзаева, Шоҳиста Эргашева, Моҳигул Жабборовалар ўз ижодлари билан Сирдарёда юз бераётган улуғвор ўзгаришларни тараннум этмоқдалар.

Беш ташаббус доирасида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар ҳақида гапирганда вилоятимизда Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабининг иш бошлаганини айтиб ўтиш қувонарлидир. Мактабда 120 нафар фарзандларимиз нафақат адабиёт, балки бошқа фанлардан чуқур билим олишлари учун ҳам барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Вилоятимиздаги улуғвор янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари, меҳнат қаҳрамонларининг ҳаёти бугунги кунда ижодкорларимиз яратаётган асарларда ўз аксини топмоқда. Ўтган 2019 йил давомида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими томонидан тўртта китоб нашр этилди. “Сайхун саболари” деб номланган шеъринг антологияси, “Сирдарё мавжлари” деб номланган насрий антология нашрлари ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Бу икки китобда сирдарёлик ижодкорларнинг шеъринг ва насрий асарлари саралаб жамланди. “Сирдарёдаги улуғвор ўзгаришлар” деб номланган китобда эса, Сирдарёнинг бугунги меҳнат қаҳрамонлари сиймоси акс эттирилган публицистик мақолалар, очерклар ва лавҳалар жамланган. Шунингдек, 37 нафар ёш ижодкорларнинг сараланган шеърлари жамланган “Дунёларга танитамиз, Сирдарёни” номли ёшлар баёзи чоп этилди.

Мухтасар қилиб айтганда, Сир воҳасида улуғ ўзгаришлар, юксалишлар юз бермоқда. Бу юксалишларнинг замирида сирдарёликларнинг самарали, барақали меҳнати, фидойилиги, ҳамжихатлиги ва ташаббускорлиги мужассам. Биргина мақолада Сирдарёда бўлаётган ўзгаришларни мухтасар баён этмоқ мушкул. Бугунги ўзгаришлар ҳақида, бугуннинг қаҳрамонлари ҳақида Сирдарёни юксалтираётган захматқаш эл ҳақида ижодкорларимиз катта-катта асарлар яратадилар, деб ишонамиз.



Хаётхон  
Ортиқбоева

## Кўнгилга шиддатлар, виқорлар қайтар

### Шукрона айт

Деразангдан кирган офтоб зиёсига,  
Юзларингни сийпалаган сабосига,  
Дуога қўл очган отанг дуосининг  
Юрагингда жаранглаган садосига –  
Шукрона айт!

Дарвозангдан кирган кутлуғ кадамларга,  
Чехрасидан нур ёғилган одамларга,  
Ҳар лахзаси умрларга киёс кунлар  
Азиз умринг узайтирган шу дамларга –  
Шукрона айт!

Қалдирғочлар омон қайтмиш айвонингга,  
Чуғурлашиб тинчлик тилар хонадонингга,  
Ҳалол ризқ-рўз сўрайвергин Яратгандан  
Дастурхонинг тўлдирган лукма-нонингга –  
Шукрона айт!

Кексайганда набиралар асо бўлсин,  
Дилда имон, диёнати расо бўлсин,  
Умр, асли, фидоликдир, азиз дўстлар  
Умримиз шу улуғ юртга фидо бўлсин –  
Шукрона айт!

---

*Хаётхон Ортиқбоева – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. 1946 йилда тугилган. “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби. Шоирнинг “Феруза оқшомлар”, “Кўклам эртаклари”, “Ҳумолари қайтган юрт”, “Не бахт бу дийдор”, “Ой қўнган айвон”, “Тонглариңда эсган насимман” шеърини тўпламлари чоп этилган.*

Шукур қилмок имонингга тарозидир,  
Шукур қилсанг, берганига Ҳақ розидир,  
Шукур қилсанг, қаноатни шиор қилсанг:  
Юрт розидир, эл розидир, халқ розидир –  
Шукрона айт!

\* \* \*

Юрган йўлимиздан бир маёқ қолсин,  
Меваси шовуллаб яшил боғ қолсин,  
Ўтган умримиздан бир чироғ қолсин,  
Бу умр бизларга имтиҳон, дўстим.

Бедор яшамокни дарёдан ўрган,  
Ибратни, ҳикматни дунёдан ўрган,  
Бу замин не асрор, синоат кўрган,  
Дунёни асраган пок имон, дўстим.

Кўнглингга гуллар эк, яшнаб турсин у,  
Умрингни тўлдириб, чошлаб турсин у,  
Ҳар тонг яхшиликка бошлаб турсин у,  
Эзгулик ғолибдир, сен ишон, дўстим.

Бўлолсанг куёш бўл, дилларни ёрит,  
Кўнгилларга борар йўлларни ёрит,  
Чаманлар юзидан губорни арит,  
Бу олам меҳрдан нурафшон, дўстим.

Элга фарзанд бўлсанг меҳригиёсан,  
Ватанга суянчсан, нурсан, гиёсан,  
Элинг қўллаб турса, тошқин дарёсан,  
Дарёдай яшамок – шараф-шон, дўстим.

## **Сизга бахтдан хабар эди**

Қизғалдоқдай учради у йўлингизда,  
Чиροқ ёқди, олов ёқди кўнглингизга,  
Зилол чашма бўлиб оқди дилингизга,  
Эсиз, дарё бўлмадингиз, тўлмадингиз.

Ойдаи тўлиб умрингизни ёритганин,  
Наво бўлиб ғамингизни аритганин,  
Ҳар тонг райҳон бўйдаи ифор тутганин,  
Сезмадингиз, сезиб қадр қилмадингиз.

Йўлингизга атиргулдаи эгилди у,  
Пойингизга япроқдайин тўкилди у,  
Энг хокисор, энг қадрсиз гул бўлди у,  
Билмадингиз, билмадингиз, билмадингиз.

Умрингизга бир мунаввар сахар эди,  
Юрагингиз кунжидаги гавхар эди,  
Аслида, у, сизга бахтдан хабар эди,  
Бой бердингиз, англадингиз,  
Йнгладингиз, йнгладингиз, йнгладингиз...

Қизғалдоқдай учради у йўлингизда...

## Кўнглимга ойдинлик сўрайвераман

*Худо хор қилганни бандаси бор этолмас,  
Худо ёр қилганни бандаси хор этолмас  
Қўшиқдан.*

Сенга ҳасад деган иллат ғам берган,  
Кибрни, ҳавони ҳеч бекам берган.  
Менга сеҳрли сўз – бир қалам берган,  
Меҳрдан ёришган бир олам берган.

Яшаймиз бир ёруғ осмон остида,  
Сен томон қаҳратон, мен томон баҳор.  
Сенинг муз кўнглимда музлар қисирлар,  
Менинг гул кўнглимда гуллар қикирлар.

Менга қувонч тутар мунаввар тонглар,  
Кўнглимга ойдинлик сўрайвераман.  
Сўнг, сенга сўрайман Худодан имон,  
Осий бўлмоқликдан асрасин омон.

## Саболар хуш

Саболар хуш, саболар майин,  
Саболар хуш атиргулдайн,  
Хуш саболар эслатса сизни,  
Соғинчимни кимга айтайин?

Соғинчимни айтмайман сизга,  
Сирли мактуб битмайман сизга.  
Сабо бўлиб, ҳар субҳидамда  
Ишқ ифорин тутгайман сизга.

Сабо сизга элтса субҳидам,  
Сочларимнинг райҳон атрини.  
Кўнглингизда гул очса кўклам  
Ҳис қиларсиз меҳр кадрини.

Ҳис қиларсиз сизни ҳам кимдир,  
Соғинади йироқ-йироқда.  
Исмингиз ҳам муқаддас сирдир,  
Талпинади сизга юракдан.

Ишқ сирини тутиб пинҳона,  
Маст айлағум ўйларим билан.  
Охир, сизни қилғум девона –  
Атиргулдай бўйларим билан.

\* \* \*

Кулимсираб чиққан куёш саломида,  
Япроқларнинг шивирлаган каломида,  
Ҳар кун бизга Яратганнинг инъомида,  
Умрингизга ҳар тонг бахтдан хабар келсин.

Қалдирғочлар қанотида келган кўклам,  
Ўрикларнинг гул хатида келган кўклам,  
Шаббодалар баётида келган кўклам,  
Умрингизга ҳар тонг бахтдан хабар келсин.

Қайрилсангиз ортда ёруғ изларингиз,  
Улғайибди гулдай ўғил-қизларингиз,  
Бу оламга чакнаб боксин кўзларингиз,  
Умрингизга ҳар тонг бахтдан хабар келсин.

Қутлуғ кунлар узайтирсин умрингизни,  
Имон, куёш ёруғ қилсин йўлингизни,  
Шукроналик Ҳаққа бурсин кўнглингизни,  
Умрингизга ҳар тонг бахтдан хабар келсин.

## Бу қутлуғ даргоҳда даҳолар ўсар

*Ҳалима Худойбердиева номидаги Ижод мактабининг  
очилишида ўқилган шеър*

Бу қутлуғ даргоҳда даҳолар ўсар,  
Зулфияхонимлар, аҳли донолар.  
Қалбига устозлар сабоғин жойлаб,  
Улғаяр Улуғбек, Ибн Синолар.

Шул қора кўзларнинг нигоҳларида,  
Заковат, истеъдод зиёсин кўрдим.  
Орзулар чакнаган қароқларида,  
Ҳазрати Бобурнинг сиймосин кўрдим.

Шу сафда тургандир Абдулла Ориф,  
Қўлларида ўтли қалами билан.  
Муҳаммад Юсуф ҳам жилмайиб маъюс,  
Турибди ўз нурли олами билан.

Улуғ юксалишнинг тоза нафаси,  
Ёруғ умидимиз тимсоллари – Сиз.  
Миллатнинг кўз нури, тоғдай гурури,  
Кўнгил боғидаги ниҳоллари – Сиз.

Толе йўлларингиз этгай мунаввар,  
Куёшли тафаккур, ақл машғали.  
Биз эккан ниҳоллар гуллар, гуркирар,  
“Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали” .

Юзлаб Ҳалималар ижоди билан,  
Кўкларга кўтарар Ватаннинг шонин.  
Навоий авлоди албат мукаррар,  
Ҳайратга солгайдир кўхна дунёни.  
Дунёга танитгай Ўзбекистонни.

### **Дунёга омонлик тилайлик**

Яшаймиз ҳар тонгдан муждалар кутиб,  
Билган-билмаганга меҳримиз тутиб,  
Йиллар келаварар бахт ваъда этиб,  
Кўнгилга ойдинлик сўраб яшайлик.

Шивирлаб бўй чўзган куёшга томон,  
Ям-яшил бу боғлар улғайсин омон,  
Биздан юз ўгириб кетмасин имон,  
Оламни меҳрга ўраб яшайлик.

Ҳар тонг оёғингга бош қўйса майса,  
Бахт тилаб ҳовлингга гуллар жилмайса,  
Ватан осмонида порлаган ойсан,  
Дунёга омонлик тилаб яшайлик.

Чақмоқнинг умрича лаҳзадир умр,  
Танграм, ўйларимга мунавварлик бер,  
Боболардан мерос ёркин тафаккур,  
Шу элнинг корига яраб яшайлик.

Йиллар келаварар, баҳорлар қайтар,  
Заминга гул бўйли ифорлар қайтар,  
Кўнгилга шиддатлар, викорлар қайтар,  
Минг шукур, мен айтган ҳаёт кўшигин  
Жўшқин оҳангларда набирам айтар.

Кўшиққа кўшилиб куйлаб яшайлик,  
Кўнгилга ойдинлик сўраб яшайлик!..

# КЎЗГУДАГИ ҚИЁФА

Ҳикоя



Рустам БОЙТЎРА

У анчайин эҳтиёткор одам. Шу туфайлими, ё бошқа сабаб ахён-ахёнда бўлса-да, ўз туриш-турмушини тафтиш қилиб қолади. Қувнок давраларни унчалик ҳам ҳушламайдиган бу одам алғов-далғовли шахар ҳаётига аралашиб кетмай кўпроқ четдан кузатишга кўниккан. Бошқалар билан деярли ёзилиб гаплашмайди, атрофдагиларга ҳам бефарқ. Унинг четдан қараганда осуда туюлган ҳаётида бугун "ўзгариш" рўй берди, аниқроғи, штат қисқарганлиги муносабати билан ишдан бўшатишди.

Бундан у унчалик қайғурмади. Кўшниси эса, одатдагидек кўнгилни кўтариш ва дардлашмоқ ниятида кечга томон "яримта" кўтариб чиқди. Қанча қистовга олмасин унга атаб пиёлага қуйилган ичкилик суҳбат охиригача шундоқлигича қолди. Кўшниси эҳтиёткор одамга, "Бўшсиз", дея танбех берди ва алламаҳалгача қандай яшаш, катталар билан қандай муомала қилиш кераклиги ҳақида фалсафа ўқиди. У бўлса жимгина, гўёки ҳамсуҳбатининг насиҳатларидан каттиқ таъсирланаётгандек юзига ўта жиддий тус бериб тинглади. Ниҳоят кўшни ўз насиҳатларидан ўзи ҳам ҳориб уйига чиқиб кетгач, эҳтиёткор одам хотини, болалари ухлаб ётган хонага бир назар солди. Кейин эса, ҳеч қачон ҳеч кимга кўрсатмаган қалин кўнғир дафтарини китоблари турадиган картон қутининг энг тагидан суғуриб олди. Ярим тунга бориб унда қуйидаги ёзувлар пайдо бўлди:

"...Энди бари бошқача бўлса керак (хар қалай мен ўзимни шундай деб ишонтиришга уринаяпман). Чунки шу кунгача ҳамма нарса аён, барчаси таниш эди. Айтилик, хар куни эрталаб таниш автобусда ишга бораман. Таниш зиналардан юқорилар эканман қай томонга қайрилиш, қай хонага бош суқиш, у ерда кимлар, қандай кишиларни учратиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайман. Ахир ҳаммаси аён. Юз йилдан бери келаман бу ишхонага...

Хонага кириб бепарвогина салом бераман, кимдир бепарвогина алик олади. Гўё виждон олдида қийналмаслик учун аввалига озроқ ишга шўнғиган бўламиз, кейин ҳаммаси одатдагидек: озгина чойхўрлик, озроқ сиёсатдонлик, режалар, оилавий машмаша, ғийбат...

Уйга қайтаётиб, ҳали остонага оёқ етмасдан, эртага ҳам ишхонада худди шу ҳол такрорланишини сезиб турасан киши. Қунлар ҳам худди ер шари каби ўзгармас, бир

*Рустам БОЙТЎРА – 1963 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎЗМУ) тамомлаган. Республика матбуотида қатор ҳикоялари чоп этилган. Э. Хемингуэй, О. Генри, Ф. Лорощфуко, М. Моньтен каби жаҳон адабиёти ёзувчиларининг айрим асарларини ўзбек тилига таржима қилган.*

хил – юмалокдек туюлаверади. Биз шундай сукутли, гўёки осуда муҳитга ўрганган, ва ҳеч ким бундайин бир хилликдан нолимас ҳам эди. Сабаби, ҳаммаси аён, кечаги кунинг ҳам, бугунинг, ҳатто эртаги кун тўғрисида бош котиришга ҳожат йўқ. Биз гўё узок вақт боғлаб боқилган, арқон бўшатиладан кейин ҳам қозик атрофида айланаётган от каби эдик. Аммо бундайин сукут ичида дахшатли қўрқув яшашини юкоридан ходимлар штатини қискартириш кераклиги ҳақида хабар келган куни билиб колдим...

Ўша куни уяси бузилган чумолилар сингари ҳамма типирчилаб колди. Ким йўлақда, ким хонама-хона изғийди, қаергадир, кимларгадир телефон қўнғироклари бошланди. Ҳамма ким қандайлигини муҳокама қилишни бошлади. Худди гўзаллар танловидаги каби ким қандай, оиласи, юриш-туриши ҳақида гап кетди. Ҳамма бир-бири тўғрисида кўп нарса билиб олди. Тортишув, жанжал бошланди. Хуллас, идорада ортикча ходим мен бўлиб чиқдим ва ишдан кетишга сўзсиз рози бўлдим. Чунки, мен ҳамкасбларимнинг кутилмаганда арзимас нарсалар учун бир-бирларига мағзава тўкишларидан ачиниб кетдим ва қаттиқ нафратландим. Қолганлар қўлимни сиқиб, хафа бўлмаслигимни, бу ерга келиб туришимни, менинг иктидорли ходим эканлигимни, уларда яхши таассурот қолдирганлигимни қайта-қайта таъкидлашарди. Қизикки, бу ишни ҳамма ўзича, гўё сирли бир гап айтган каби алоҳида-алоҳида бажарди. Бундайин мактов ва ҳамдардлик аслида ишдан кетишга қаршилиқ кўрсатмаганим учун билдирилаётган хушомад эканлигини сезган эдим. Мен кўпчилик одамларнинг табиатан зид бошқа бир кишилар билан мустаҳкамроқ алоқа ўрнатиш истагининг асл сабабидан, бутун умр ўзи учун эмас, бор-йўғи ўзгаларга ёкиш учун яшаётганидан ва бундан чуқур лаззат топиб, ўзлари ҳам ишонмайдиган чиройли қоялар, эътиқодлар соясида жон сақлашидан ҳайратланмаганимда бу тўғрида гапириб ҳам ўтирмас эдим. Ушбу ёзувларни ўзгаларга кўрсатиш ниятим ҳам йўқ. Фақат... Атрофимдаги воқеа-ҳодисаларга, одамларга ўз хоҳишимдан чиқиб баҳо бераётиб, аслида ўзимнинг кимлигим кизиқтириб қолади...

Ана шунда ғалати, ўйларга бораман. Сўнг эса биласизми?..

Балки бу бошқаларга кулгили, ҳатто аҳмоқона туюлар, аммо мен шундай киламан: кўзгу олдида ўзимга-ўзим тикилиб, ўзимнинг ҳақиқий башарамни ошкор қилиш ва билиш ниятида ўтган кунлардаги турлича ҳолатимни, хатти-ҳаракатим сабабини сўроқлаб чиқаман. Кўзгудаги "Мен"нинг кўзларига тик қараб суҳбатлашиш чексиз кўкка боқиб ёки бағрингни ёстиққа берганча хаёл суришдан кўра одилроқ туюлади. Бунинг одаддаги кунларда эмас, тушқунликка берилган дамларда рўй бериш сабабини ҳам билдим.

Кўзгу олдида мендан сўзамолроқ одам йўқдай, бироқ танишларим, мен биладиган барча кишилар бошқача фикрда. Чунки мен уларга кўзгу олдидаги каби бор гапни айтолмайман. Аслида ҳар бир инсоннинг ҳеч кимга ҳеч қачон айтмайдиган, айтолмайдиган ўй-фикри бўлади. Кимгадир айта олишинг учун табиатга, жамики мавжудотга, ҳатто энг майда-чуйда воқеаларга муносабатда сендан заррача фарқ этмовчи инсон бўлиши зарур. Бироқ, бунақаси бўлмайдди, ҳатто энг яқин, кил ўтмас сирдош дўстлар орасида ҳам.

Ҳамма ҳам бутун ҳаёти давомида бир неча бор ожизлик дамларини бошдан кечиради. Шу ҳолатдан қутулмоқ учун баъзи шундай хаёлларга борасанки, шундай хатти-ҳаракатлар қиласанки... Айни ҳолатда кишининг асл қиёфаси намоён бўлади. Кейинчалик бу тўғрида ҳеч кимсага чурқ этмасликнинг сабаби ҳам ожизликни тан олишдан кўриқшдир.

Мен ожизлик деганда бошга бирор мусибат ёки ташвиш тушган пайтни айтма-япман. Кўпгина маза-беъмаза истакларинг, майда хохишларингни амалга ошираётган маҳал бутунлай бошқа қиёфага кириб олиш ҳақида сўз юртаяпман. Масалан, менинг кичик бир илтимосимни бажо келтирган танишим, кеча тушдан сўнг хонамга келиб, аллақандай кишилар тўғрисида салкам бир соат ғийбат қилишига, шундоқ бурним остида папирос буркситиши-ю, ғашимни келтирадиган қилиқлар қилишига жимгина, гўё эътиборсиз қарайман. Тутуриқсиз латифалар айтганда башарамни бир амаллаб бужмайтиришим, сўнг тишимнинг оқини кўрсатиб илжайишимга тўғри келди. У илтимосимни ерда қолдирмагани учун ўзини олийжанобликнинг яна бир поғонасига кўтарилгандай ҳис этиб, шу дамда менинг олдимда кўп нарсага ҳақлиман деб ҳисоблайди. Мабодо мен уни унча хушламаётганимни ошқора айтганимда у буни одобсизлик, кўрнамақлик деб талқин этиши тайин эди. Мен шу ҳолатдаги ожизлигимни мана шу баҳона билангина изохлашим мумкин. Умуман одам нафақат энгилтақлигидан, муҳтожликдан, ўткинчи ҳавасга эришмоқ ниятида ҳам кўпчиликдан яшириб юрган хатти-ҳаракатларини ошқор қилиб кўяди. Буни биров сезиб қолгудек бўлса, ҳаёт шунга мажбур қилаяпти, деб ўзларини оқлаган бўлишади. Уларнинг шохиди бўлмоқ учун атайлаб қидирмоқ шарт эмас, атрофга тузукроқ разм солсангиз бас. Шахсан мен бу тўғрида ўйлаганимда, нимагадир, ишхонамиздаги сартарош жувон ёдимга тушаверади.

Сартарош жувонни кўпол дейишлари унчалик тўғри эмас. Балки керакли ҳолатда унинг энг кувнок, “хушмуомала” аёлга айланишини балки кўпчилик сезмас. Мен, масалан, ундаги бундайин кескин ўзгаришни хизмат ҳақида берган пулимдан қайтим бермагани заҳоти билдим. Ҳар гал қайта кирганимда у шу сафар ҳам қайтим сўрамаслигим ва менга ёқиш учун шунчалар тиришиб ҳаракат қиладик, қаршимдаги катта тош ойнада унинг сохта табассум аримайдиган юзини кўриб, хайрон қоламан.

Агар мен ўша арзимас қайтимни талаб қилсам, гўё зўрма-зўраки жилмаётган бу қиёфанинг бир зумда тунд тус олишини кўз олдимга келтира олмай гаранг бўлишим тайин. Бора-бора унинг илжайишлари ғашимни келтира бошлади. Кейинчалик креслога ўтирган заҳотим, кўзимни юмиб оладиган бўлдим. Барибир, унинг қиёфаси киприқларим орасидан сизиб кириб, шундоқ кўзим олдида гавдаланаверади. Мен кўзимни чирт юмиб олдим. Шунда у, “Вой, бирон жойингиз оғрияптими?” деган гапни шундай оҳангда айтдики, беихтиёр кўзимни очиб юбордим ва қаршимда қайчи ушлаган, бутун юзини хайрат аралаш табассум эғаллаган жувонни кўрдим. Шунда бир сўм чиқариб илтимос, битта хўмрайинг десам, у албатта рози бўлади деб чиппа-чин ишондим. Зарур ҳолда ўз болаларига, эрига, боринки яқинларига беролмаган меҳрини арзимас чақага алишаётган бу аёлнинг сочларимни силаётган узун бармоқларига қараб, “Ўзини неча пулга сотиб олиш мумкин?” деган бемаъни хаёлга ҳам бордим.

Ишонаманки, у ҳеч маҳал, ҳеч бир тирик жонга ўзининг бундайин яшаш усули ҳақида айтмайди. Ожизликнинг бир кўриниши балки, мана шудир.

Табиатан ожиз ва хокисор одамларга эса атрофдагилар деярли эътибор бермайди. Сабаби улар ҳаётининг айрим дақиқалари эмас, бутун қисмати фақирликда ўтиб кетади.

Менинг шундай танишларимдан бирининг бутун туриш-турмушидаги барча кўринишларга ҳамма аллақачон кўникиб бўлган. Ундан бирон нарса сўраб бораётган танишлари худди ўзининг хўжайини ёхуд мартабалироқ киши олдига қираётгандаги каби қай оҳангда гапириш, ўзини қандай тутиш кераклиги ҳақида ҳеч ҳам ўйлаб кўрмайди.

Масалан, ундан болта сўрагани чиккан кўшниси худди товон талаб килаётган киши каби кириб боради:

– Давлатбой, хў-ў Давлатбой, каердасан? Болтани бериб тур. Ия, бу расво бўпти-ку-а, сопини янгиласанг бўлмайдами? – дея дашном ҳам бериб кўяди. У бўлса айбдордек елка қисганича қола беради. Ҳатто болтанинг сопи синиб қайтганда ҳам ўша танбех эсига тушиб хижолат чекади: – Майли, майли зарари йўк, шу... ўзи сопи анча эскириб қолганди... бошқа кўярман.

Кўшни бўлса бутун айбни сопнинг чириганлиги-ю, ёрмоқчи бўлган тўнканинг қаттиқлигига ағдарди ва янги соппи каердан, қандай ёғоч туридан танлаб олиш кераклиги ҳақида "доно" маслаҳатлар бериб, секингина чиқиб кетади. Бу унинг кечираётган қунларидаги оддий хангомаларидан бири.

Албатта у ўша вақт норози оҳангда бирор нарса деб тўнғилласа, кўшни кейинги сафар бошқача муомалада бўлар ва бошқаларга Давлатбой "айнибли" дея кўшиб-чатиб гапириши аниқ эди. Агар Давлатбой азалдан "айниганда" эди, бунга эътибор қилишмасди. Ажабланарлиси, Давлатбойдаги юмшоқ кўнгилик ҳеч қачон ўз кадрини топмаган. Одамлар бундай юмшоқ кўнгил, соддалардан кўра айттайлик, олибсотар танишини кўпроқ ҳурмат қилади. Сабаби олибсотар истаган пайтда Давлатбойдек юмшоқ кўнгил бўла олиши мумкин, аммо Давлатбой ҳеч қачон олибсотар каби ишнини битириш учун сизга норка телпак ёки хотинингизга фаранг атрини "совға" қилолмайди. Бошқалар эса, Давлатбойдан кўра бой ва айёрроқ бўлгани учун ўзини ақлли санайди, Давлатбойларга шундай муомалада бўлиш мумкин деб ўйлашади.

Мен бундай пайт моддий ночорлик кишини шу аҳволга солиб қўйиши мумкинлигидан ажабланаман.

Балки шунинг учун ҳам кўпчилик танг аҳволда қолганда бу йўлдан ялтоқланиб чиқиб кетишини, бирор йўлини қилишни ёки ўзини хокисор қилиб кўрсатишини афзал деб билар. Аниқроғи, сизда шундай тасаввур уйғотишга интилса керак.

Ҳа, айтгандай бу ҳам яшаш усули. Ахир ўз айбини яширишнинг йўлларида бири ўзгалар хаёлида ёқимли таассурот уйғотиш-ку. Чунки тасаввур муносабатни туғдиради. Биз эса муносабатлардан кўргончалар куриб яшаймиз. Муносабатлар канчалик мустаҳкам бўлса, яшаш шунча бехатар ва лаззатлидир. Бошқалар ҳисобига тўқ ва беобрў ҳаёт кечирмоқ истасангиз шундай йўл тутинг. Бунда яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам, оддий салом-алик ҳам ҳисоб-китобли бўлади. Шахсий манфаатдорлик ва шухратпарастлик бутун вужудингизни қамраб олади. Сиз ажойиб худбинга айланасиз. Бундан асло кўрқманг, кўпчилик буни сезмайди. Билганлар эса айтмайди, энг муҳими шу.

Сиз эса бемалол ҳаммани, шунингдек ўзингизни алдаб яшайсиз. Ҳатто гадойнинг қалтираган кўлига садақа ташлаётиб усталик билан ўзингизни ва атрофдагиларни бошлаб лақиллатасиз. Гадойга чин юракдан ачинганингиздан эмас, ўзингизни "мен раҳмдил ва сахийман" дея ишонтириш учун садақа берасиз. Бу билан гўёки айрим гуноҳларингизни ювгандек ҳам бўласиз. Шу орқали бошқалардан яхшироқ одам эканлигингиздан бағоят хурсанд бўласиз. Сиз эса, ўлай агар, ўша дамдан бошлаб ёғлироқ жой кидира бошлайсиз. Эргалаб нонушта маҳал ўтирган курсингиз тагингизга ботиб кетгандек туюлади ва ишга олланаётиб, ойнага сўнгги бор қараб, "шундай ажойиб одамнинг ўрни, албатта каттароқ креслода" деган ўй хаёлингиздан ялт этиб ўтади. Юмшоқ креслога эса сизни кун сайин танангизни киздираётган ҳукмронлик ҳисси элтади.

Умуман мансаб-мартабалар учун жиққамушт бўлиш мазмуни қонунда йўқ

ҳақ-ҳуқуқлар, имтиёзлардан баҳра олиш ҳамда ҳукмронлик чегарасини янада кенгайтириш бўлса керак. Ана шу лаззатли деб билган ҳаёт учун сиз ҳамма нарсадан воз кечишга тайёрсиз.

Оддий одамлар эса, кўпгина амалдорларни ақлли бўлгани учун шунча юқори мансабга кўтарилиди, деб ўйлашади. Ўз муҳитида рўй берган ҳар бир янгиланишни одатда амалдорлар мен туфайли деб ўйлайди.

Тўғри, у туфайли лекин кўпгина холларда бирор қаромат кўрсатаётганлигидан эмас, ўша янгиланишга қаршилик кўрсата олмагани учунгина ўзгариш рўй берган бўлади, холос. Худбинона ички қувонч ва ишонч ўзингиз ҳақингиздаги ҳақиқатни тан олмайди. Бу ожизликни никобланинг энг мақбул йўли.

Бундай ҳолатларни кўзгудаги "мен"нинг кўзларига қараб тафтиш қилаётиб, руҳим янгиланаётгандек бўлаверади. Юзимдаги ясама мағрурлик шундоқ оқиб тушади. Бу "мағрурлик" энди фақат хотирласа бўладиган кунларда осойишталигимни таъминлаш учун хизмат қилган никоблигини сезиб қоламан. Ўзимга бошқа биров қиёфасидан қараб тергай бошлайман. Ҳатто овоз чиқариб ўзимга ҳам айтиш ноқулай бўлган, шу пайтгача атрофдагилардан яшириб келган хусусиятларим ошқор бўлади. Ахир мен ўзимдан қочиб кета олмайман.

Ана шунда эртадан бошқача инсон бўлишни истаб қоламан. Бирок эртадан бошлаб мен айтайлик ўта гапдон ёки кўпол одамга айлансам ҳамма танишларим боринки хотиним, болаларим ҳам ажабланиб қарай бошлайди. Албатта, бундай ўзгариш сабабига ета олмай хавотирланиб қолса ҳам керак. Чунки ҳар бир киши бошқалар тўғрисида маълум тасаввурга эга, у сизнинг ким, қандай одам эканлигингиз ҳақидаги ўз фикрини маълум бир темир қолишга солиб олган. Агар сиз бутун умрингиз давомида бир бор, ақалли бир марта шу қолишга тўғри келмайдиган ҳаракат қилсангиз тамом. Бошқалар сизни кўрганларида энг аввал ана шу "нобоп" қилингангизни эсга олишади ва доим ёдда саклайди. Сизнинг асл қиёфангиз боққача эканлиги тўғрисида бурчак-бурчакда миш-миш, пичир-пичир гап қиладилар.


Мен шулар ҳақида ўйлар эканман, ожиз дамларда бағоят талантли актёрга айланаётганларни кўриб ажабланмайман. Бугунги куннинг аслида мен ўзим қачонлардир пойдевор қўйган келажак эканлигини ўйлаб ҳайратланаман холос...

...Эртага қуёш яна тонгни етаклаб келади. Аслида у менинг бугунимдан бошланади. Ўтган кунлар орасида бирор лаҳзани, дақиқани олиб ташлашнинг ҳеч ҳам имкони йўқ. Улар ортимдан мен хоҳлаганимча эмас, мен яратган кўринишда эграшиб келаверади.

Энди ортга қараб истаганча кулишим, йиғлашим, завқланишим, яхши ёки ёмон деб ҳукм чиқаришим мумкин, бироқ улар рангини, шаклини, мазмунини ўзгартириш имкони йўқ. Ҳечам имкони йўқ.

Бундаин тафтиш мактовга муҳтож бўлмаган кўзгудаги "мен"нинг менга берган баҳосидир. Тўғри, мен келажак ҳақида ҳам узуқ-юлуқ хаёлларга бораман, аммо келажагим бугундан, шу дақиқалардан, мени чулғаб олган ҳаёт борасидаги ҳозирги тартибсиз хулосаларимдан бошланажagini кўпинча сезмай қоламан...

Ана шунда аламдан қўлим бармоғини қаттиқ тишлайман. Аммо оғриқ бармоқда эмас, негадир юракда пайдо бўлади.



Абдулла ШЕР

## Жунун водийсида

Туркумдан



### Ёр висоли

Учиб-қўниб ўйнар ниначи  
Соҳилдаги улкан харсангда.  
Гарчандки, сен жиндак гиначи,  
Лекин бошим яна тиззангда.

Ноз-араздан қўзинг сузилган  
Ва лабларинг чўччайган андак:  
Дудоғингдан беҳос узилган  
Бўса бизни қилдику тентак.

Илк ўпичнинг шунчами кучи –  
Икки танга солди қалтироқ?  
Нимадандир ноқулай, чўчиб,  
Сочларимга шўнғир беш бармоқ.

Бир хавотир, безовта бир хис,  
Йўқолгандек қадрли нарсанг.  
Титраб турар мен бош қўйган тиз,  
Жилмайгандек бўлади харсанг.

\*\*\*

Ўлтирамиз дарё бўйида,  
Тошдан-тошга сакрайди мавжлар.  
Шовулаган дарё куйида  
Баландлашар тобора авжлар.

---

Абдулла ШЕР – 1943 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини битирган. Шоирнинг “Кўклам табассуми”, “Алёр”, “Атиргул сояси”, “Роз”, “Қадимги куй”, “Севги олмоши”, “Сарбаст қўшиқлар”, “Гул йиллар, булбул йиллар” тўпламлари нашр этилган.

Юрагингнинг “дук-дук”ин тинглаб,  
Қўл олмайман нозик белингдан.  
Гоҳ тиланар ненидир бу лаб:  
“Севаман” деб, айтган тилингдан.

Гоҳо, афсун қилгандек бизни  
Чирчиқтолда читиллар читтак.  
Юз босаман... Қитиклар юзни  
Кўйлагингга сиғмаган куртак.

Ох, мен шоҳман шу бугун, ё Раб,  
Биз ўлтирган харсанг – кумуш тахт!  
Ҳайкираман дунёга қараб:  
Шу эмасми, ахир, асл бахт?

\* \* \*

Жим қўлингдан ушлайман титраб,  
Тортиб олмоқ бўласан, лекин –  
Бармоқлар сал бегонасираб,  
Кўникади кафтимга секин.

Ой мўралар шоҳлар оралаб,  
Жамалагинг – нурли қўнғирок.  
Мен ўпаман, икки бахтли лаб  
Чўғдек ёниб туради узоқ.

Чирилдоқлар тинмас сабрсиз,  
Булбул жўшар толзорда бедор.  
Фаришта қиз, мени севган қиз,  
Юзларимга боқасан хумор.

Лаб жуфтлайсан, мен кутган сўзга,  
Аммо, кўймас қизлик ғуруринг.  
Сўзинг ўзга, истагинг ўзга:  
“Бўлди энди, кетайлик, туринг”.

\* \* \*

Дарё бўйи. Ўлтирамиз жим.  
Лойқа босган тошларга қараб.  
Ўйнагандек иккимиз дим-дим,  
Оғзимиздан чикмас бирор гап.

Ва, ниҳоят обу ҳавони  
Ўртамизга олиб ғудраймиз.  
Сўнг Мажнундан қолган вафони  
Ўзимизга томон судраймиз.

Шунда тегиб қўл-қўлга ногох,  
Вужудимиз ловуллар бирдан.  
Шу бир лаҳза қилади огох  
Иккимизни абадий сирдан.

Мен кучаман дадил таваккал,  
Сен сал кўнмай турасан, бироқ,  
Сўнг танишар, торгиниб аввал,  
Тажрибасиз икки ёш дудок.

\* \* \*

Мажнунтолнинг титроқ барглари  
Сувга томган яшил фаввора,  
Оқизай деб, уларни нари  
Бехудага мавжлар овора.

Рухимизга бир кўшиқ айтар:  
Сувнинг салкин, тиниқ жаранги.  
Юракларга урилиб қайтар  
Сояларнинг сассиз оҳанги.

Титраб кетган иккала тиздан  
Қонга ўтар недир баногох.  
Туғилади ноганиш ҳисдан  
Илк бўса деб аталган гунох.

Бир-бирига чирмашади қўл,  
Бош кўясан елкамга, дилбар.  
Юракларга топар сўзсиз йўл,  
Сўзни қувиб юборган лаблар.

\* \* \*

Дунё кенгу кўпдир йўллари,  
Бир йўлдамиз, лекин, икковлон.  
Йўл бошида баҳор гуллари  
Имлаб турар бизни бахт томон.

Висол шавқин ёниб тотамиз,  
Бўрон турар ҳар бир мушакда.  
Икки қуёш бўлиб ётамиз  
Ой нур тўккан оппоқ тўшакда.

Тонгда сайраб уйғотар қушлар  
Бир жуфт қуш деб икковимизни.  
Қундуздаги совуқ товушлар  
Ўчиролмас оловимизни.

Тунда ёниб боқамиз тагин,  
 Вужудимиз айланар кўзга.  
 Яқинмизки, шу қадар яқин,  
 Орамизда жой қолмас сўзга.

\* \* \*

Атрофинга боқиб, бурма лаб:  
 Ҳаёт гоҳ боғ, гоҳо даштдақа.  
 Яшай берар бир хил ўрмалаб  
 Дунё деган улкан тошбақа.

Гар бўлса ҳам тошдан палласи  
 Лекин унда шайин йўқ, жоним.  
 Ўлчансада, гарчанд ҳаммаси  
 Тарозуда тайин йўқ, жоним.

Гар ютуқдан хатомиз кўпдир,  
 Борни яхши деймиз биз йўқдан.  
 Дунёни қўй, кел, жоним, ўптир,  
 Юрак ёнсин лабдаги чўғдан.

Тўлиб-тошсин бахтнинг идиши  
 Туни бўйи бахт билан, барно,  
 Кенгайсинда соат гардиши,  
 Ухлаб қолсин ҳисобчи дунё.

\* \* \*

Сен шафақдан ранглари терган  
 Лолазорга мени кистайсан.  
 Кўйлагини шамолга берган  
 Сувратдаги гўзал киздайсан.

Иккимиз – гул, лолазор чаман,  
 Юкинамиз савр тафтига.  
 Мен ортингдан келиб қучаман,  
 Қўш каптаринг қўнар кафтимга.

Оқ бўйнингни лабим бўйлайди,  
 Лабга дўниб сирғалар борим.  
 Юрак эса қўшиқ куйлайди,  
 Томирларим – жўр бўлган торим.

Биз кезамиз лолалар узиб:  
 Гоҳо лабдан, гоҳида кирдан.  
 Лолазорда куёшдек сузиб,  
 Иккала жон бўламиз бир тан.

\* \* \*

Кучоклайман дастлаб эрмакка,  
Гўё бошка қилар ишим йўк  
Ва, кафт тегиб олов кўкракка  
Уйғонади лабларимда чўғ.

Сўнг икковлон жипслашамиз  
Сигмай қолиб бу торчиликка,  
Севги деган маъно кўшамиз  
Маъниси йўқ бекорчиликка.

Дунё бирдан кетар ўзгариб,  
Очар бизга нозик сирларни.  
Лоқайдлигу сустлик гезариб,  
Маскан қилар олис қирларни.

Ҳавас билан тикилар куёш  
Чироқсиз ҳам хона нурафшон.  
Қонларимиз кечагидан ёш,  
Ёшаради тобора жаҳон.

\* \* \*

Сени кутиб, сени соғиниб,  
Соат билан кураман суҳбат.  
Кечикди деб, андек оғриниб,  
Хаёлимга бераман муҳлат.

Эртакдаги паридек, мана,  
Ёнгинамга кўнасан шу зум.  
Юрагимдан излар бошпана,  
Севгинг бўлиб ширин табассум.

Кечикканинг тарихин сўзсиз,  
Айтар сочинг соғинган қўлга  
Ва, миннатдор тикиламиз биз  
Сени олиб келган чанг йўлга.

Сўнг, майсада ётиб чалқанча,  
Титкилаймиз кўкни анча вақт.  
Иккимизни бирдек қучганча,  
Ой нурига айланади бахт.

\* \* \*

Чўзиламан аста, рух синиб,  
 Ҳорғинликни ҳис қилгандек тан.  
 Аммо, сен-чи, енгил хўрсиниб,  
 Кучоклайсан беҳос бўйнимдан.

Ўзгарар-да бари беизн,  
 Хона тўлар сирли тафтларга.  
 Икки юрак топширар ўзин  
 Сал терлаган бахтли кафтларга.

Ширин тугён кўпару руҳда,  
 Томирларда чарсиллар учкун.  
 Бўса деган сеҳрли чўғдан  
 Қуёш бўлиб эврилади тун.

Ва, ишқ жўшиб дорилфанода,  
 Шифтни буткул қилади вайрон.  
 Биз учамиз шифтсиз дунёда,  
 Бизни қутлаб ёришар осмон.

\* \* \*

Керак эмас менга “жоно”лар,  
 “Барно”лар ҳам керакмас асло –  
 Сен кераксан, кўзинг жон олар,  
 Жон бағишлар сўзларинг аммо.

Нафасингнинг нафис титроғи  
 Ва, лабингга беркинган ҳаё  
 Жилмайишга айланган чоғи  
 Тўкилади пойимга само.

Юлдуз кечиб, шу куз фаслида  
 Баҳорингга мен бордим яқин:  
 Юрак эмас, юрак аслида  
 Танга кириб чақнаган чақин.

Мен чўғ бўлиб, сочилиб тушдим,  
 Ловуллади гулхандек кўш тан  
 Ва, учдик биз пат олиб, шу тун  
 Ишқ аталган Семурғ қушдан.



Зилола  
ХЎЖАНИЁЗОВА

## Бир насим эсади руҳимда

### Соғинч

Ота ҳовлим – хокисор макон,  
Замин борми, сендай муқаддас.  
Она уйим – жондай кадрдон,  
Соғинаман бетиним, бесас.

Тонг сахарда дарвоза очиб,  
Ризқ кирсин деб суприлган ҳовли.  
Садарайҳон хидларин тараб,  
Дил яйратар, ғубордан холи.

Боладайин мўлтираб кутар,  
Ялангоёқ чопганим кўча.  
Қари тутнинг тагида момом,  
Тушларимга кирар ҳар кеча.

Қизғалдоқлар терган киримиз,  
Бу баҳор ҳам очгандир чирой.  
Қийқирикқа тўлгандир яна,  
Том ортида оккан лойка сой.

Пичирлашиб кўшни тўйида,  
Хўп сири бор дугоналарим.  
Беғубор орзулар ўйида,  
Ғам-андухдан бегоналарим.

---

Зилола ХЎЖАНИЁЗОВА – 1973 йилда тугилган. Қариш давлат университетининг филология факультетини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини битирган. Ижодкорнинг “Юрагимда бир гул ўсади”, “Дил шеваси”, “Кўнгилга йўл” шеърый китоблари нашр этилган.

Дунёларга алишмас эдим,  
Болаликнинг бир куни қайтса.  
Онам сочим қиркқокил ўриб,  
Толбаргақдан жамалак тақса.

Ота ҳовлим – кадрдон маскан,  
Бағрингда эркинман қушдайин,  
Умр – дарё, ортга қайтмаскан,  
Болалигим ўтди тушдайин.

Дунёларга алишмас эдим,  
Болаликнинг битта кунини.

### Қаро кўзим

Кўнглим кулбасига энади хониш,  
Чордевор калқийди, коронғи тим-тим.  
Ўткинчи елларга япроқлар болиш,  
Ёмғирдай юракни юмшатар лим-лим,  
Қаро кўзим.

Бир насим эсади руҳимда,  
Дилимни аллалар, жим-жим.  
Шивирлар, унутгил ғамларинг,  
Сабил қолсин, қароғинг юм-юм.  
Қаро кўзим.

Ҳисларим кўмилур навога,  
Куй ичра сипқориб ҳаловат, тўзим.  
Ҳайрат гулбаргларим учар хаввога,  
Кўксим уммонига чўкаман ўзим.  
Қаро кўзим.

Юрак кенглигига сиғмаган мансур,  
Фоний дунёсида илоҳий тилсим.  
Тириклик таянган бешинчи унсур,  
Тингла, тазарруга сурайин сим-сим.  
Қаро кўзим.

Дил жўшадир лим-лим...  
Қароғингни юм-юм...  
Қаро кўзим...  
Қаро кўзим...

\* \* \*

Дунёга келдингми, яшамоғинг шарт,  
Тақдирда бориға шукрона айтиб.  
Синглим, кўзингдаги ёшларингни арт,  
Жилмай, болаликнинг бағрига қайтиб.

Янги тонг отаяпти, орзуга ишон,  
Кўёш нурларига бок умид билан.  
Дилдаги дардларинг унутиб шу он,  
Яша, ғанимларнинг сўзидан баланд.

Биламан, хотирлар дилни ёқади,  
Баҳордай уйғону очил лоладай.  
Ва, албат, дунёлар кулиб боқади,  
Бахт боғингга ўзин отар, болангдай.

Шунчаки, кечиргил, дўсту ғанимни,  
Кўнглингда қолмасин ҳеч гина ё ўч.  
Ҳаловат аллалар руҳинг-танингни,  
Боринг унутмоққа топаолсанг куч.

Қоқилган биргина сенмас дунёда,  
Инсон кўп, юраги минг ямоқ юрган.  
Қайғулардан холи, ғамдан озода,  
Орзу қанотида учмоқни ўрган.

Яна, юрагингни меҳрга тўлдир,  
Ишончла одимла ёруғ эртанга.  
Оғир, лек, қалбдаги риёни ўлдир,  
Гарчи, ханжарлари ботар елканга.

Ишон. Бир кун келар, кўлингдан тутиб,  
Омад боқар, ёниқ нигоҳида чўғ.  
Шунда, бил, ғамларинг буткул унутиб,  
Дегайсан: “Дунёда мендан бахтли йўк!”.

\* \* \*

Ярим тун.  
Букритолга суянар руҳим,  
Хаёллар юзини ёмғирга тутар.  
Кўзларимнинг тили гуллайди қийғос.  
Заҳоб кўчаларда изларим ютар.

Ярим тун.  
Дардларим дарёдай телба-тесқари,  
Аламдан кирғокни ғажийди итдай.  
Шип-шийдам кузакка эҳсон сингарни,  
Сизга керак эмас жонимни тутай.

Ярим тун.  
Қор-ёмғир аралаш эланиб,  
Туманнинг кўр пардалари сўкилар.  
Армонлар азоблар юракни,  
Пахса деворлардай борим тўкилар.

Ярим тун.  
Ой каби муаллақ қотар будлардай,  
Дийдорингга йўл тортган кўзим.  
Рухим юлдузларга кўчади, пардай,  
Ҳиссиз дунёларда қолсамда ўзим.

Ярим тун...

## Ташриф

Бир куни тўсатдан, билмам баногох,  
Юрак зулфин қоқиб, кириб келди бахт.  
У олис манзилда яшарди жуда,  
Умидим узгандим, кутиб анча вақт.

Қуёшнинг нуридан, тонг нафасидан  
Кўлида бир даста гули бор эди.  
Кўнглим қуш бўлдию чикди қафасдан,  
Атроф хазон фасли, дил баҳор эди.

Апил-тапил кийиб заррин либосин,  
Ўзига зеб бериб, дил бўлди масрур.  
Кутишдан чарчаган маънос ва маҳзун –  
Рухимни мавҳ этиб, кириб келди нур.

Энди ёлғизмасдим, соғинч юртида  
Ёришиб кетганди ўнгу сўлларим.  
Нимадир яшашга берарди умид,  
Ахир, бахт тутганди маҳкам қўлларим.

“Мен келдим – деди у, – гарчи кеч бироз,  
Адашдим қафтдаги ёзуқлар аро”.  
Сўнгра, жилмайди ва хижолатомуз,  
Дер, манзилинг ёзиб олибман хато.

Бир куни тўсатдан, билмам, баногох,  
Юрак зулфин қоқиб, кириб келди бахт.



Муҳаммадали  
АҲМАД

## ПОЛВОН

Ҳикоя

*Фахриддин полвонга бағишладим*

Кураш кизигандан кизиб борарди. Сайхонликнинг икки томонини энлаб олган издихомнинг урҳо-урҳоси узок-узокларда акс садо беради. Шу пайт ўртани бошқариб бораётган жарчи-ҳакам Аноркул полвон қўлларини осмонга кўтариб, одамлар диккатини ўзига тортди.

– Одамлар, хо, одамлар, эшитмадим деманглар! Қайирмалик Тўхтасин полвон фарзанд кутаётган экан. Кўпчиликнинг дуоси кўл; бир дуо берсин, деяпти. “Ўғилли бўлсам, келаси йил катта курашли тўй қилиб бераман”, дея ният қилмоқда. Қани, қўлларимимизни дуога очиб, шу биродаримизга тилак билдирайлик. Илоё, келинимиз эсон-омон бўшаниб, фарзандини соғ-саломат кўлга олсин! Тўхтасин полвонга муносиб новча дунёга келсин!

Атроф-жонибдан: “Оми-и-ин!” деган гулдурос садолар эшитилди. Тўхтасин полвоннинг кулоғига бу калима “Ўғил!” деган сўз бўлиб кирди. Беихтиёр мижжаларига милтиллаб ёш келди.

– Худога шукр, одамлардан кам жойим йўқ. Барчин келбатли олти қизим бор. Бари қўярга жой тополмайди. Бири қўлимга сув қўйса, иккинчиси тагимга саккиз қават кўрпача тўшайди. Бироқ мана бундай давраларда ўрнимни оладиган ўғлим йўқ. Аёлим Хайринисонинг ҳам ҳар дарди ичида. “Сизга кўчкордек бир ўғил туғиб бермасам, дардим ичимда кетади”, дея далда бергани берган. Аёлининг ойи куни яқин. Куни кеча шифохонага олиб кетишди. Ишкилиб, Яратган Эгам юзимни ёруғ қилсин-да! – Тўхтасин полвон ўртада, “Сендан мен камми?” деб тирлашаётган полвонларни ҳам унутиб хаёлга чўмди.

– Ҳалол, ҳалол! Қайирмалик Сайфиддин полвон долиёнлик Мансур полвоннинг елкасини ер искатди. Солимни келтиринглар! – Ҳакамнинг овозасидан кейин атрофни кичкириқлар босиб кетди.

Тўхтасин полвон одамларнинг урҳо-урҳосидан ўзига келди.

– Голиб полвонни даврага етакланг! – деди оппоқ соқоллари кўксига тушган отахон. Ёрдамчи ҳакам Сайфиддин полвонни белбоғидан ушлаб, давра оралатди. Бирпасда белбоғ пулга тўлди. Бир чеккада паришонхотир бўлиб ўтирган Тўхтасин полвон даврага югуриб тушди. Сайфиддин полвонни белидан маҳкам қисиб, даст кўтарди.

---

*Муҳаммадали АҲМАД – 1951 йилда тугилган. Гулистон давлат педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетида таҳсил олган. Унинг “Ёсуман” қисса ва ҳикоялар тўплами чоп этилган.*

– Раҳмат, полвон ўғлим! – дея кўлига бир кисим пул тутказди.

Кураш авж нуктасига чиқиб борарди. Кучли полвонлар терилиб қолган. Тўхтасин полвоннинг хаёли паришон; чуқур ўйлар гирдобиде авж йигитлик дамларини эсларди. Узок йили Қайирмада Наврўз байрамига катта сайил бўлди. Энг кучли полвонлар Тожикистону Қирғизистондан гала-гала бўлиб оқиб келаверди. Тўхтасин полвон ҳар гал кураш охирида майдонга тушарди. Қайирмаликлар Тўхтасин полвонга ишонишарди. Чунки у бир неча маротаба кишлокнинг орини саклаб қолган эди-да! Ўшанда ҳам шундай бўлди. Қирғизитонлик Абдурахмон полвон бирин-кетин рақибларини тутдай тўкди. Тўхтасин полвон унинг айёрлик билан кураш тушишини зимдан кузатиб турган эди. Абдурахмон полвон рақибиде даст кўтарган заҳоти икки оёғини тиззаларидан букиб, унга бамисоли мушукдек ёпишиб оларди. Рақибиде, энди тамоm бўлдинг, деб айлангириб ташлаётганида, оёқларини ерга тираб, чапараста қилиб ташларди.

– Абдурахмон полвон билан олишадиган мард бўлса даврага чиқсин. Солимга бир той, юз минг сўm пул кўйилди! – овоза қилди ўртадаги ҳакам. Даврани қичкириқлар босиб кетди. Қайирмаликларнинг минглаб кўзлари Тўхтасин полвонга қадалди. Алпомишдай чордона куриб ўтирган полвон аста ўрнидан кўзгалди. Оппоқ соқолларини ел ўйнаётган оқсоқолларга юзланиб имдод сўради.

– Омин, Оллоҳ ёр, пирлар мадақкор бўлсин! – деган жўровоз эшитилди даврандан.

Тўхтасин полвон даврага худди хаста одамлардек эгилиб-букилиб чиқиб келди. Полвонларда ўзи шундай одат бор. Кўз тегмасин, дея ўртага чиқаётганда куч ёғилиб турган гавдасини яққол кўрсатмайди. Ўртадаги ҳакам икки полвоннинг белбоғидан ушлаб яқинлаштирди. Тўхтасин полвон рақибига хурмат кўрсатиб, сиз аввал ушланг, сиз аввал ушланг, қабилида елкаларига уч-тўрт марта уриб, манзират қилди. Ниҳоят, кураш бошланди. Икки полвон ҳам пайт пойларди. Иккиси ҳам зўр эди. Тўхтасин полвон бир неча марта рақибининг белидан маҳкам қисиб кўтаришга чоғланди. Тиржовга келмади. Чарчаб қолган полвонлар орада икки марта ўтириб, дам олишди. Қош қорайиб борарди.

– Ҳо, Тўхтасин полвон, Абдурахмон полвон, ҳаракат қилинглар! Бу туришда ярим кечагача ким ютаркан, деб кўзимиз қорайиб ўтираверамиз, шекилли! – даврандан таралган лумка полвонни хушёр торттирди.

Атроф-жонибни:

– Ҳа, бўл, полвоним! Бўш келма! – деган овозлар тутиб кетди.

Тўхтасин полвоннинг вужудига аллақандай ёввойи куч ёғилгандай бўлди. Рақибини ёнбошга олишга шайлангандай бўлиб ўзига тортди-да, белидан маҳкам қисиб кўтариб олди. Абдурахмон полвон яна икки оёғини жуфтлаб рақибига мушукдек ёпишди. Бир зум: “Бу ҳийланг энди иш бермайди”, деган фикр ўтди полвоннинг хаёлидан. Рақибини чир айлантди-да, ўнг томонга эмас, чап томонга қайириб ташлаб юборди. Даврада “гурс” этган товуш кўтарилди. Атрофга чанг-тўзон кўпди. Абдурахмон полвон ёғоч қириндилари тўқилган майдонда юз тубан бўлиб ётарди. Майдонни ишқибозларнинг урхо-урхоси тутиб кетди. Тўхтасин полвон рақибига хурмат кўрсатиб, ердан дол кўтарди-да, елкаларини майин сийпалаб қўйди.

– Балли, Тўхтасин полвон! Отангга балли! – деган оловлар даврани тутиб кетди. Ўшанда ишқибозлардан тўрт белбоғ пул тушган эди. У пайтлар ўтиб кетди. Ёши қирқдан ўтиб, давраларда одам-сонда кураш тушадиган бўлиб қолди. “Бундан кейин менинг йўлимни ким давм эттиради?” деган савол уни қийнагани-қийнаган эди.

– Ҳо, одамлар, хо, одамлар! Бугунги курашда чорбоғлик Темур полвон йиқилмай сокка бўлиб қолди. У билан кураш тушадиган мард бўлса, майдонга чиқсин. Солимга бир от, икки юз минг сўm пул кўйилди! – ўртадаги жарчи-ҳакамнинг овозидан Тўхтасин полвон ўзига келди.

– Наҳот, қишлоқдошларимнинг барчаси йиқилган бўлса? Ахир, Қайирманинг орини ҳимоя қиладиган Толиб полвон, Шукур полвонларга нима жин урди?!

Кураш охирлаб борарди. Куни билан давом этган олишув ўз ниҳоясига етаётган эди. Одамларнинг кўзлари олма териб қолди. “Наҳот, ўз қишлоғимизда ўтган курашда бош солимни рақибларимиз олиб кетса”, деган ташвишли савол Тўхтасин полвонга тинчлик бермасди.

– Охирги марта такрорлайман. Темур полвон билан беллашадиган мард бўлса, даврага чиқсин. Талабгор топилмаса, баковуллар солимни чорбоғлик полвонга олиб чиқишсин! – ўртадаги ҳакамнинг шанғи овози бамисоли ҳукмдай жаранглади.

Шу пайт Тўхтасин полвоннинг танасига ғойибдан бир куч ёғилгандай бўлди.

– Нима бўлса бўлди. Йиқилсам ер кўтаради. Қишлоғимиз шаъни учун бир уриниб кўрай, – дея ўз-ўзига гапириб, эгинча чопонини илганча даврага чиқиб келди.

Давра бир лаҳза сув куйгандек тинчиб қолди. Сўнгра:

– Отангга балли, Тўхтасин полвон! Қайирманинг орини рақибга бериб кўйма! – деган овозлар атрофни тутиб кетди. Одамларнинг урхо-урҳоси бирпасда ҳалиги овозни босиб йўқ қилиб юборди.

Қизариб ботаётган куёш уфққа ёнбошлай бошлади. Даврада икки полвон бир-бирига юзма-юз турарди. “Сиз ушланг, сиз ушланг” деган манзиратдан кейин кўллар белбоғларга югурди. Олишув бошлангандан Темур полвон Тўхтасин полвонни бир силтаб айлантриб юборди. Бироқ рақибининг оёғини ердан узолмади. Тўхтасин полвон рўбарўсида айна кучга тўлган норғул йигит турганини ҳис этди. Арқонни узун ташлади. Бундай пайтда полвонлар рақибининг заиф жойини кидиришади. Темур полвон ёш эди, бақувват эди. У рақибни билан нописанд олишарди. Тўхтасин полвон эса тажрибали, ақл тиши курашиб чиққанди. Олишув қарийб бир соатга чўзилиб кетди. Тўхтасин полвон рақибининг оёғини ердан узиб айлантриш кийин эканлигини юрак-юракдан ҳис этиб турарди. Нақ юз килодан ортиқ ғўлабир танани кўтариш осон деб ўйлайсизми?! У рақибни давранинг нишаброқ жойига суриб борди ва кескин ҳаракатлар билан чап томонга бурилди-да, бўксаси устига чикариб, ташлаб юборди. Гўё даврада зилзила кўпгандай бўлди. Темур полвон ер билан битта бўлиб, юз тубан ётарди.

Издихом ер кўчгандай ҳаракатга келди. Даврани бакириқ-чакириқлар тутиб кетди.

– Офарин, Тўхтасин полвон, офарин!

Соқоли кўксига тушган чоллар, давангир ёшлар у томонга интилди. Ҳамма Тўхтасин полвонни табриклашга ошиқарди. Пул бамисоли ёмғир бўлиб ёғди.

Ҳакамлар етовида давра оралаб пул йиғиб юрганида кизи Паризоднинг унга қарата нимадир деб қўл силкитаётгани кўрди. “Тинчликмикин?” Кўнгли алағда бўлиб, шифохонга тушган аёлини эслади. Ўзини қўлга олиб, кизи томон интилди.

– Дадажон, суюнчи!.. Ўғил!..

Тўхтасин полвоннинг қулоғига бошқа гап кирмади. Кўзларидан тиркираб ёш отилиб кетди.

– Э, Яратган Эгам, инсон килиб яратганингга, шукр! Энди кураш тушмасам ҳам бўлади. Изимдан келадиган Алпомишим бор! – У кизи Паризодни кучоклаганча, ўкириб-ўкириб йиғларди.

Шу пайт микрофондан Аноркул полвоннинг забардаст овози атроф-жонибга таралди.

– Эй, аҳли сайил. Бугун курашда йиқилмай соққа бўлиб қолган Тўхтасин полвон ўғилли бўлибди. Келинлар, шу йигитча қишлоғимизнинг орини кўтарадиган отасидек повон йигит бўлсин!

Даврани: “Омин!” деган овоз тутиб кетди.

# ҒАНИМАТ ДУНЁ

Ҳикоя



Нодира  
ДЎСТМАТОВА

Гузардан, тенг-гўшлари билан хангомалашиб қайтган Бурхон бобо уйга кириб, диванга ўзини ташлади. Анча толиқибди. Дераза томонга ўгирилиб, мизғиб олмоқчи бўлди. Кўзлари оппоқ гуллай бошлаган нок дарахтига тушиб хўрсинди. Бу нечанчи бор гуллаши? Саноғидан ҳам адашиб кетди. Яна неча марта гуллар экан? Ҳеч ким билмайди. Йиллар таъсирида иссиғу совуқдан қорайиб, қафтдаги кадоқдек чандик босган танасини офтобга тоблаб, новдаларини кўз-кўз қилиб турган дарахт ҳам негадир кўзларига хиёл хомушроқдек кўринди.

“Одамдир, қушдир, ҳатто дарахтнинг ҳам умри чекланган. Табиатнинг измига бўйсуниб қачон қариганини-ю, эътибордан қолганини ҳам сезмай қоларкан. Гуллагани яхши бўпти, агар ҳосилдан қолса...”

Бурхон бобо кўнглидан кечаётганини ўзи ҳам изоҳлай олмай, нохуш кайфиятдан узоклашолмади.

Тушдан сўнг уйқудан биров тиниқиб, ҳовлига чиқди.

Бурчақда чандиб боғланган бузоқча арқонни узгудек тортилар, сал нарида бўш турган челаққа интиларди.

– Барака топгур, келин, минг марта айтдим молни сувсиз қўйма деб, ўзингни шуни ўрнига қўйиб кўр, буям тирик жон?! – деди сал нарида девордан бошини чиқариб томоркасида ишлаётган қўшни аёлга гап бераётган келинга. Келин ортига ўтирилди.

– Ўлмайди, ҳозир болаларга айтаман беришади, менга ўхшатиб гапиришингиз шартмас!

Бурхон бобо унга гап бефойдалигини билади. Бузоқни секин бўшатиб, бошқа жойга олди, сувини бериб, сўрига келиб ўтирди.

Ҳадемай куёш бота бошлади. Яхшиям набиралар бор, шулар билан кун қандай ўтганини билмайди. Дўжонга обориб унисига у, бунисига бу олиб бериб, уларнинг хурсандчилигидан қувонади. Бу орада ўғил ҳам ишдан қайтди. Отасига бош кимиралиб индамайгина қўлидаги оғир сумкани кўтариб, уйига кириб кетди.

“Одамзод нега шундай экан? – ўйланди бобо. – Мана мен бугун тирикман. Умрим ғанимат. Ёнимда бир зум ўтиришга вақтлари, хоҳишлари йўқ. Эрта бир кун дунёдан ўтсамгина соғинишади. Қаёқда, ўшанда ҳам уч тўрт кун “отам” дейишади-ю, кейин эслашга ҳам вақт топишмайди, эх, дунё-я, нега шундай? Афсус, бу нарсани уларга тушунтиролмадим, ўзларининг фаросати етади, деб ўйлабман!”

Келин олдига бир коса мастава қўйиб кетди. Дастурхон ёзаётиб, гап устида, “Ўғлиз бозор қилиб келувдилар, бугун ўртоқлари билан гаплари бор экан”, деб қўйди.

– Камчилиги йўқми? Бор бўлса пул берай, дўжондан опкелсин, – деди бобо.

Келин ўзича нолигандай бўлди:

---

Нодира ДЎСТМАТОВА – 1973 йилда туғилган. Унинг “Ёнимдасиз”, “Отамдан қолган дунё” номли китоблари чоп этилган.

– Қарздан бошлари чиқмасаям ўртоқларини олдида паст кетмай деб ўтказиб бераяптилар.

– Майли-да, “Ердан чиқсанг ҳам элдан чиқма”, дейишган, етмаганини етказаман, ҳеч нарсани ўйламан.

Кўп ўтмай меҳмонлар кела бошлади. Бурҳон бобо уларга, “Хуш келибсан”, дейиш учун уйга кирди.

Дастурхонда йўқ нарсани ўзи йўқ, сархил мевалару егуликлар орасига ҳатто чойнак қўйишга ҳам аранг жой топилади. Дуо ўкиб чиқиб кетаркан, кўнгли алланечук бўлди.

Уйига кириб, диванга ёнбошлаганча, телевизор кўра бошлади.

Набираси Ўктамжон кўлида тишланган олма билан кириб келди:

– Бобо, сизга обкелдим!

– Мани тишим йўқ-да, болам, менга узум опкесанг ердим, аянгга айт-чи? – деди бобо.

Ўктамжон югуриб чиқиб кетиб, зум ўтмай изига қайтди.

– Ҳаммасини меҳмонларга қўйибдилар, кетишгандан сўнг берарканлар, – деди у бобосининг пинжига тикилиб.

Унинг жингалак сочларини силаб, Бурҳон бобо узум сўраганидан ҳам хижолат бўлди.

“Меҳмонлар” эмиш, катта меҳмон отанг эмасми аҳмоқ ўғил? Бозор-ўчарингни бошини аввал отангга илинсанг, бирор ишни маслаҳат қилсанг нима отанг еб қўрмиди? Ҳатто озгига ҳам солмай қайтиб берарди-ку? Сенинг “ҳимматинг”ни баҳолаб кетадиган меҳмонларинг отангчалик керакмикин сенга?

Бурҳон бобо раҳматли кампирини ўйлади. Шу топда ёнида бўлганида бор аламини ундан олган бўларди. “Келининг ундок, ўғлинг бундок”, деб дардини тўкиб соларди. Қорнигамас, кадрига йиғлайди-да. Кампири ҳаётлигида шу болаларини деб меҳнатдан боши чиқмасди. Келини ишдан келгунча нонини ёпиб, овқатини тайёрлаб кўяр, Бурҳон бобо, “Невараларга қара, келин овқатланиб олсин”, деб кампирига дўқ урарди. Бекор қилган экан. Кампиридан кейин бир меҳрибон тополмади. Бирор соатлардан сўнг келин ўзи киришга вақт тополмади, шекилли, яна набирасидан ярим коса суяк овқат киргизиб юборди.

Ўйин-кулги авжига чиқди. Меҳмонлар кетма-кет қадах бўшатиб, хонадон сохибларига мактовлар ёғдира бошлади.

Бу орада дастурхонга яна таом тортилди.

– Бобомга ҳам қозонкабоб беринг, қозонкабоб обораман, – дея хархаша қила бошлади кизалок.

– Бобонг боя мастава ичувди, кейин хамир овқат бердим, битта қорни тўйгандир, бор ухла! – жеркиди уни онаси. Қизалок ялинишга тушди.

– Хамир овқатни ичмадила, меҳмонларга бериб бўлдиз-ку? Озгина обораи, бобом яхши кўрадила қозонкабобни!

– Бор, ухла дедим сенга! Бобонгга айтма, тушундингми?

Қизалок бир зум ўйланиб турди, кейин узалиб, баландда турган қозонга қўл чўзди...

Қайноқ қозон овқати билан ағдарилиб, ер билан битта бўлди, қўл-оёқлари қуйиб қолган қизча оғриқнинг зўридан чинқириб юборди.

– Ҳа, бобонг ўлиб бобосиз қолгур! Меҳрибон бўлмай ҳар нарса бўл-а! Шуни емаса ўлармиди бобонг? Буни қаранг дадаси, “Тез ёрдам” чақиринг керак! – дея шовқин солди келин. Кейин эса ўғлининг овози эшитилди:

– Бобонг айтдими “овқат опке” деб? Ухласа бўлмайдимиз чол одам? Жонга тегиб кетди.

Ётган жойидан югуриб келган бобо бу гапларидан музлаб кетди, очаётган эшигини дастасини ушлаб бир зум ўйланиб турди-да, бошқатдан зичлаб ёпди.

Бурҳон бобо ўғлига, келинига, дунёнинг ишларига ҳам қўл силтади.

# КЎНГЛИ ЯРИМ ҚИЗГИНА

Ҳикоя



Шахло  
АБДУСАИДОВА

Нодира ўқувчиларга бармоқларини партанинг устига қўйишларини сўради. У қатор оралаб, бирма-бир уларнинг тирноқларини текшира бошлади. Махлиё бармоқларини оҳиста партанинг остига яширди. Муаллима унинг ёнига келиб, тўхтади.

– Бармоқларингни нега яшираясан? – дея сўради у.

Махлиё жавоб бермай, бир неча дақиқа жим ўтирди. Кейин ўқитувчининг салобати босди, шекилли, ҳадиксираганча бармоқларини партанинг устига қўйди. Унинг тирноқлари бўялганини синфдошлари ҳам кўришди. Нодира уни уришмади, эртага дарсга келганида қайта текшириши ҳақида огоҳлантирди. Қиз кўзларини жавдиратганча, бошини сарак-сарак қилди. Лекин эртаси куни ҳам дарсга шу қўйи келди. Нодира негадир қизни ҳамманинг олдида изза қилишни хохламади.

Катта танафусга кўнғироқ чалинди. Болалар ўзларини ташқарига отишди. Хонада биргина Махлиё қолди. У секин оёғидаги қора туфличасини тақиллатганча, муаллиманинг олдига яқинлашди.

– Устоз, лак бўёғимни ўчиролмадим. Уйимизда бўёқ ўчиргич йўқ экан. Сизда бўлса, ўзингиз ўчириб қўёлмайсизми? – деди у нигоҳларини полдан узмай.

Нодира унинг ҳаракатларини қузатиб турди. Қўрқиб турган қизни боя синфдошларининг олдида уришиб бермаганига ичидан хурсанд бўлди.

– Эртага эртарок кел. Дарс бошлангунича тирноқларингдаги бўёқларни ўчирамин. Кейин бўймайсан, тушундингми? Сен ўқувчисан, ҳали ёшсан. Тирноқларинг касалланади, – деди Нодира насихатомуз оҳангда.

У ҳар куни ўқувчиларни бирма-бир кузатади. Жуссаси синфдошлариникига нисбатан кичикроқ бўлган тим қора сочли Махлиё бошқа ўқувчилардан ўзининг нигоҳлари билан фарқ қилади. Негадир унинг кўзлари мунгли, меҳрга зордек туюлди. Юқори синфда ўқийдиган опаси ҳам шундай. Фақат у каттарок бўлгани учунми ўзини анчайин ақллироқ тутди. Ўзи ҳам ўқувчи бўлишига қарамай, синглиси учун қайғуради. Бир сафар у Нодиранинг яқинига келиб:

– Синглим дарсларини ўз вақтида тайёрлаб келмаса, менга айтинг. Ўзим тепасида туриб, уйга вазифаларини қилдираман. Керак бўлса, уни уришинг. Яхши ўқисин, – деди у.

---

Шахло АБДУСАИДОВА – 1990 йилда тугилган. Гулистон давлат университетини тамомлаган. “Ватаним – менинг гурурим”, “Зангор фасл”, “Сирдарё мавжлари”, “Сайхун саболари”, “Сирдарёдаги улугвор ўзгартишлар” номли тўпламларда унинг ижод намуналари ўрин олган.

Синглисининг тақдирига масъулдек ўзини тутаётганини кўриб, Нодира хурсанд бўлди.

Дарсда ўқувчилар "Менинг оилам" мавзусида иншо ёзадиган бўлишди. Ҳамма тошпирикни бажаришга киришиб кетди. Биргина Махлиё ручкасини узок вақт ўйнаб ўтирди. Кўнгироқ чалинган, дафтарлар йиғиб олинди. Нодира иншоларни текширишга киришди. Энг аввало Махлиёнинг нима ҳақида ёзганига қизиқди. Унинг дафтарини очиб қараса, фақатгина опаси ҳақида ёзилганини ўқиди. У журналнинг охириги саҳифаларида ўқувчиларнинг ота-онаси ҳақида ёзилган маълумотномани варақлади.

– Хайрият, ота-онаси ҳаёт экан, – деди Нодира кўнгли таскин топгандек бўлиб. – Қизик, нега улар ҳақида ҳеч нима ёзмадидекан?! – ўзини-ўзи саволга тутди.

Эртаси куни Нодира Махлиёни ёнига чақириб, ёзган иншоси ҳақида сўради. Махлиё ҳар доимгидек, нигоҳларини полдан узмасдан жавоб қайтарди.

– Улгуролмадим... Нима деб ёзишни билмадим... – у бошқа сўз айтилмади. Нодира ҳам уни ортикча сўроқламади. Қиз туфличасини яна тақиллатганча бориб, жойига ўтирди.

Нодира синфхонага қайтганида икки ўқувчининг жанжали устидан чиқди. Улардан бири Махлиё, иккинчиси эса Зуфар эди. Нодира ҳар иккисини сўроққа тутди.

– Зуфарнинг ўзи биринчи бошлади, устоз, – деди Махлиё йиғламсирагандек бўлиб. – Партанинг устида турган китоб, дафтаримни улоқтириб ташлади...

– Мен атай қилмадим, — деди Зуфар. – Ўзи партанинг чеккасига қўйган экан, бехосдан турганиб кетганимдан пастга тушиб кетди. Айб ўзингда!

Нодира ўқувчиларни яраштиришга уринди. Бир-бирларидан узр сўрашлари кераклигини тушунтирди. Лекин Зуфар кечирим сўрашни истамай Махлиёга қараб:

– Аям келсин, сени айтиб бераман, – деди.

Нодира уйга отланди. Мактабнинг чиқаверишида Зуфарнинг онаси Махлиёнинг кўлидан ушлаб, силкитаётганини кўриб қолди. Бу ҳолатдан у таажубга тушиб, шартга бориб, қизни унинг чангалидан қутқарди.

– Ўғлимдан нари юр, зумраша! Агар яна бир марта ўғлимни хафа қилсанг, ўзингдан кўр! – дея ўдағайлади Зуфарнинг онаси.

Нодира аёлни чеккароққа тортиб, нима учун қизни хафа қилаётганини сўради.

– Вой, билмайсизми? Унинг ота-онаси ажрашишган. Отаси онасини ҳайдаб юбориб, бошқа аёлга уйланиб олган. Икки қизини ҳам ўзи билан олиб қолган. Тарбиясиз бўлиб ўсишяпти иккиси ҳам. Бетингда кўзинг борми, демай тухмат қилишни ҳам ўрганган. Мана, ўғлимга бугун яна тухмат қилибди, – деди аёл.

Нодира бўлган воқеани унга тушунтирди. Икки синфдошнинг орасига раҳна солиш яхши эмаслиги ҳақида узок гапирди. Аслида у жуда ҳам одобли қиз эканлигини таъкидлади.

Она-бола аразлаб, шартга йўлдан бурилиб кетишди. Нодира Махлиё билан ёлғиз йўлакда қолди. У қараганида Махлиё пиқирлади:

– Аям ёнимда бўлганида мени ҳам ҳимоя қиларди. Мени ҳеч кимга хафа қилдириб қўймамасди. Тезроқ ўн ёшга тўлишни истаيمان. Ўшанда аям мени ўзи билан олиб кетади.

Унинг гапларини эшитиб, Нодиранинг ҳислари жумбушга келди. Қизни қандай юпатиш кераклигини билмади...

# “ДЕРАЗАНГГА ИСМИМНИ ЁЗИБ КЕТАМАН”

Ҳикоя



Баҳринисо  
НОРЖИГИТОВА

Стол устидаги хатларни бир-бир кўздан кечириб, ғаладонга солдим-да, эшикни кулфлаб, йўлга чиқдим.

Куз хавоси, куёшнинг майин тафти юзларингни силагандек, барглар кадаминга паёндоз бўлаётгандек – сокинлик кўнглингда ўрнашишга уринади. Бекатда икки аёлдан бошқа йўловчи кўринмади. Уларнинг бири менга жилмайиб яқинлашди.

– Омонмисиз, айланай, соғ-саломат бормисиз? Бола-чақалар омонми, куёвбола яхши юрибдими? – дея қуюк сўрашди.

– Раҳмат, ўзингиз яхшимисиз? – дедим ажабланиб. – Хола, узр мени бировга ўхшатдингиз, шекилли?

– Вой, нега? Бобонгиз – чолим ҳақида ёзгани уйимизга борган экансиз, мен уйда бўлмаганман ўшанда. Лекин сизни жуда яхши танийман, мухбир қизим. Мақолангизни ўқиб жуда хурсанд бўлдим. Бобонгизни гаплари бошлабсиз, худди ўзи ёзгандек...

Ҳа, байрам арафасида шундай топширик бўлганди, эсимга тушди. Бироқ холаси тушмагур, оила ҳақида сўраб, қовун тушириб қўйганини билмайди. Унда нима айб. Ахир мен тенгиларнинг бўйи баробар ўғил-қизлари бор. Ёшимга қараб мени ҳам оилали, деб тахмин қилган чоғи...

Азалдан тўй-томошаларга хушим йўқ. Қўшни қизлар кишлоқнинг нариги бурчагидаги тўйни ҳам қанда қилмай томошага боришади. Бу гал синфдош дугонамининг тўйи бўлгани учун ҳам базўр базмга қатнашдим. Бироқ бироз ўтиб, уйга кетгим келди. Шерикларимни кўндиришга уринмасам ҳам бўлади, тўйни охир-тахир қилмагунча, кетишмайди улар. Секингина сирғалиб чиқдим-да йўлга тушдим. Аввалига тўйнинг шовкин-сурони билан билмаган эканман, кўчанинг бошига етгач, орқадан кимдир келаётгандек туюлди, йўқ оёқ товушлари тобора яқинлашмоқда эди. Юришдан тўхтадим.

– Нилуфар, кўркманг, бу менман, – деди ортимдаги кимса.

Овози таниш. Ҳа, “сельсовет”нинг ўғли Султон-ку!

– Ҳа, сизми? – дедим ўзимни бироз босиб.

– Ҳа, биронта маст деб ўйладингиз-а?

---

Баҳринисо НОРЖИГИТОВА – 1964 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. Унинг “Дашт тўрғайи” номи китоби чоп этилган.

– Тўй энди бошланди-ку, хали ҳеч ким маст бўлгани йўқ, – дедим билағонлик қилиб.

Султон биздан икки синф юқори ўқир эди. Онаси қишлоқ фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлагандан бери унга ортидан “сельсовет”нинг ўғли деб лақаб қўйиб олгандик. Мактабни битириб, хайдовчилик курсини ўқиди, армияга бориб келди. Ҳозир фермада ишлайди. Аммамларга қўшни тургани учун уларниқига борганимда кўрганман, салом-алиқдан нарига ўтмаганим боис нима ҳақида гапиришни ҳам билмасдим. Қишлоқ кўчаларида чирок бўлмайдди. Уйларнинг деразаларидан тушиб турадиган ёруғликда кўчада иккимиз кетиб борардик.

– Нилуфар, синфдошингизнинг тўйи бўлса ҳам жуда эрта қайтдингиз? – хаёлимни бўлди Султон. – Сизга тўй ёқмадим?

– Йўқ, ундаймас, дедим каловланиб. – Ўзингиз нега эрта қайтдингиз? – саволни ўзига қайтардим.

– Сизни кузатиб қўйиш учун, – деди Султон. Мендан гап кутмасдан давом этди. – Нилуфар, тўйларга умуман чиқмайсиз-а? Аммангизнинг қизлари эса тўйни тугатмагунча қайтишмайди. Айниқса, Мўътабар, рақсга ҳам жуда уста-да...

– Сизга шўх қизлар ёқар экан-да? – дедим бироз киноя билан.

– Ҳа-а. Йўқ. Қариндош бўлсангиз ҳам уларга ўхшамаслигингизни айтмоқчи эдим. – Султон киноямни сезмади ҳам. – Роса китоб ўқисангиз керак-а?

Ҳар хил чиройли сўзларни топиш учун қанча гап билиш керак.

– Етиб келдик, – дедим уни гапини бўлиб. Дарвоза ёнида турганимизни биров кўриб қолишидан чўчирдим.

– Нилуфар, кечалари кўп ёзасизми, дейман. Баъзан тунги пайтлари ҳам хонангизнинг чироғи ўчмайди...

– Яхши боринг. Кузатиб қўйганингиз учун, раҳмат, – дедим. Шу пайт девор ортидан кучукнинг ақиллагани эшитилди.

– Хайр, Нилуфар, – деди Султон. – Бир-икки қадам юриб ортига қаради-да: – Нилуфар, бир куни деразангизга исимини ёзиб кетаман, – деди.

Унга жавоб қайтаришимга улгурмасимдан қоронғиликка сингиб кетди. Шу кеча нимагадир Султон ҳақида ўйладим. Унинг сўзлари қулоғим тагида жаранглаб турди.

Ишга шўнғиб кетдим. Газетанинг байрам сонини тайёрлаш, суҳбатлар, учрашувлар, мақолалар... Бир-бирига улашиб, бир ҳафта ҳам сувдек оқиб кетди.

– Қизим, ишинг ҳам бор бўлсин-а? – деди онам. – Машинкангни бирпас чиқиллатмай тур. Мундоқ ўтир.

– Ҳа, жиддий гап борга ўхшайди! – дедим ҳазил билан.

– Энди кичкина бўлмадинг...

– Ҳа, совчилар келишибди-да.

– Ҳа, совчилар, “сельсовет”нинг ўғлидан, – шартта айтди-қўйди онам.

– Султондан, – дедим шивирлаб.

– Тўғриси, яна келишади. Бу сафар даданг аммангни ҳам маслаҳатга чақирган. Лекин ихтиёр ўзингда, болам. У йигитни танийсан. Фермамизда неча йилдан бери ишлайди. Яхши бола. Бирор ножўя гапини, ё қилиғини кўрмаганман. Ота-онаси ҳам бинойидек... Бош боламсан, укаларинг ҳам бўй етиб боряпти. Шу пайтгача кўнглинга қараб, ишинга ҳам, ўқишингга ҳам изн бердик...

Эртаси куни ишдан қайтсам, ҳовлида юрган синглим югуриб олдимга келди:

– Келишди. Меҳмонхонада. Сиз дадамларнинг хонасига кирилинг, у ердан гаплари эшитилади.

Зулфия тушмагур жуда гап пойлашни яхши кўради. Мениям ўзига ўхшатмоқчи.

Нарги хонанинг деразаси очик бўлгани учун ҳам овозлари аниқ эшитилади.

– Саодат хола, опам “сельсовет”да ишлаган билан, уй ишлари кизлардан ортмайди. Ўқиган, ишлаганнинг кадрига етади. Жиянингизнинг редакцияда қатнаб ишлашига ҳам розимиз, дейишган. Бу оилага ҳавас қилганимиздан қуда бўлиш ниятидамыз, – деди нотаниш киши.

– Э, Аҳмаджон, тенг-тенги билан, – силтаб гапирди Саодат аммам. – Жиянимни Тошкентда шоирликка ўқитиб, газеталарда ишлатиб, энди қора қозонга бойлаб қўямизми? “Сельсовет”нинг уйдан меҳмон аримайди. Қозон, тандир бир кун тинмайди. Келин боргандан қўлида капгир билан рапида ўйнаши керак. Рўзғорга кўмилиб, шунча ўқигани савил қоладими?

Аммамнинг кескин гапларидан хайрон қолдим. Худди мени ўзи ўқитгандек гапирди-я? Нимагадир дадамнинг ҳам, онамнинг ҳам овозлари чиқмайди.

– Саодат хола, тенг-тенги билан деганингиз нақ кўксимга ботди. Зоримиз бор, зўримиз йўқ, – деди халиги киши. – Майли, омин!..

Уларнинг оёқ товушлари эшитилди. Хона қоронғи бўлгани учун кўча тараф бемалол кўришиб турарди. Дадам дарвозани бекитар экан, ёнида қўл ковуштириб турган онам:

– Дадаси, опангиз ҳам жуда қаттиқ гапирди-да. Бечоралар ёмон одаммасди...

– Бўлди, кил. Қизинга айтганмидинг?

Онамнинг гапларини эшитмадим.

Ишга берилиб кетиб, Султон ҳақидаги хотираларим хиралаша бошлади.

У синфдошим Санобарга уйланди.

...Орадан икки йилча, вақт ўтиб, кўчада Санобарни учратиб қолдим. Рўпара келиб қолгач, саломлашдик.

– Нурбек, холанг билан саломлаш, – деди боласини юзини менга буриб. Болакай йиғлай бошлади.

– Нилу, сенинг газетанга ёзилганмиз. Шеърларингни ўқиб турамыз, – деди Санобар. – Уйга ўт, гаплашиб ўтирамыз. Нурбек, холангга хайр демайсанми?

Унинг ёшига ҳам етмаган болага мурожаат қилишидан энсам қотди. Шу пайт боласи Санобарнинг ёқасини тортқилай бошлади. Болакайнинг сўлаги оқиб, ширғай бўлиб кетган кўйлагига, Санобарнинг ёқаси очилиб, елкасидан кўришиб турган ички кийимларига кўзим тушди. Нимагадир юрагим “жиз” этди. Бу кизганишми, рашким, ҳасадми? Билолмадим...

Ҳовлимизда анорлар кўп. Ҳар йили қишга узиб қўямиз. Онам баъзида бозорга ҳам олиб чиқади. Эрталаб нарсаларимни тайёрлағунимча, онам кетиб бўлган экан. Бозорча уйимизга узоқ эмас. Онамнинг ёнига кириб ўтдим. Икки қатор растада мева-сабзавотлар саралаб териб қўйилган. Харидорлар сийрак.

– Ана, қизим келди, – деди онам ёнидаги аёлга.

– Вой, кўхликкина қизингиз бор экан. Илоё бахтинг очилсин, гиргиттон! – алқади аёл. – Шоира қизингизда?

Улар билан хайрлашиб, йўлга чиқдим. Бир ҳафта ўтгач, онам мени янгилик билан кутиб ўтирган экан.

– Ҳу, ўша бозорда кўрган хотиннинг кенжа қайниси бор экан. Уйлари бекатга рўбарў. Танийсан, газ идорасида ишлайди. Оти Махмуд. Қизингиз кўнса гаплашиб кўрсин, дейди.

Аввалига елка қисдим, сўнг бош ирғадим, “Майли”.

Бекатга рўбарў уй. Болахоноси ҳам бор. Дарвозасига катта карнайгулнинг расми чизилган. Эшиклари ёнидан ариқча оқиб ўтади... Агар дарвозани мойий ранга бўяб, ариқ четларига ҳар хил гуллардан экилса, узум тагига ҳам райхон

ўстирилса... Кўча тарафдаги дарахтларга шакл берилиб, тагига беда уруғ сепилса, ям-яшил бўлиб туради... Бу ҳовлига меҳрим тушиб қолди. Хаёлан бу уйда яшашни тассавур қила бошладим. Бош-оёқ атласдан либос кийган келинчак, ҳатто дўпписи-ю, шиппагигача атласдан зеб берилган. Енгил ҳаракатлар билан кўчага сув сепаяпти. Унинг бормокларидан сачраётган томчиларда ҳам либосининг камалак ранглари акланаётгандек... “Яхшим ҳаёл сураётганиниги биров билмайди”, ҳаёлпарастлигимдан ўзимга-ўзим танбех бердим?

Маҳмудни икки бора учратдим, бироқ салом-алиқдан нарига ўтмадик. У жудаям тортинчок, камгап. Худди муаллимдан қўрққан боладек, мени кўрса, каловланиб гапини йўқотиб қўярди.

Бугун ҳам ишдан қайтаётиб, Маҳмудларнинг уйи томон назар ташладим. Ҳеч ким кўринмади. Лекин мени биров кузатаётгандек туюлди. У ёқ-бу ёққа алангладим, янглишмаган эканман, кўчамиз бошида Маҳмуд мени кутиб турарди. Саломлашдик. Секингина бурнимни жийирдим, “ичибди”. Мендаги ўзгаришни пайқади, шекилли, ёлғондакам йўталиб қўйди.

Уйимизга яқинлашардик. Кечки овқат пайти бўлгани учун кўчада ҳеч ким кўринмасди.

– Нилуфар биласизми? – Маҳмуд рўпарамга туриб, қўлларимни маҳкам ушлаб олди. – Сиз жуда яхши кизсиз!

– Қўлимни қўйиб юборинг, – зарда билан пичирладим.

Маҳмуд бошини ирғади “Йўқ”.

– Нилуфар, биз гаплашиб олишимиз керак, – у менга яқин гапираётгани учун ароқ хиди юзимга урди.

– Мен маст одам билан гаплашмайман! – жаҳлим чиққанини билди, қўлларимни бўшатди. Юзини четга бурди: “Кечирасиз”.

Мен югуриб уйимизга кирдим. Нариги томондан келаётган укамга тўкнашиб кетай дедим.

– Ҳа, Нилуфар опа, тинчликми? – у мени жавобимни эшитмасдан, кўчага чиқиб кетди.

“Маҳмуд турган бўлса, опам мастлар билан ҳам гаплашаверар экан, деб ўйлайди. Иккаласи жанжаллашиб қолса-я?!” Томоғимга бир нарса тикилгандек хўрлигим келди. Ҳовлида, сўрида ука-сингилларим билан овқатланиб ўтирган дадамга кўзим тушди-ю, йиғимни ичимга ютдим. Узоқдан саломлашиб хонамга кириб кетдим. Орқамдан кирган онамга:

– Она, мен ҳеч қачон турмушга чикмасам керак, – дедим ўпкамни боса олмай...

Ўша воқеадан сўнг Маҳмуд мендан ўзини олиб қочадиган бўлди. Бир кишлоқда яшасак-да уни кўрмасдим.

Ишхонада тушликни уч киши – мен, ҳисобчи Карима опа, котибамиз Дилбар бирга қиламиз. Аёллар бор жойда гап бор. Дилбархон, у яқинда келин бўлган, сепини мактаб кетди: “Унақа нарсам бор, бунақа нарсам бор...”

– Мени сепим таппа-тайёр, ҳатто гугуртигача олиб қўйган онам, – дедим у гапини тугатар-тугатмас.

– Вой, Нилуфар опа, битта куёв керак экан-да сизга, – деди ҳазил билан Дилбар. – Уни топиш биздан. Карима опа, кечаги йигит, Нилуфар опам билан кизикаётганмиди?

– Ҳа, ёмон болага ўхшамайди, – деди Карима опа. – Алоқадан келиб турадиган йигит-чи, исми... Ҳа, Рамазон, ишхонасидагилар Робинзон, деб чакиришаркан. Ҳазилкашгина...

Рамазон алоқа бўлимида ҳайдовчи бўлиб ишларкан. Уйдагилар қиз топ,

уйлантирамин, деса, “Бироз ишлаб, пул топай, кейин”, дебди. У бу гапларни ўртоғига айтгандай бемалол гапирар, орамиздаги фарк икки ёш эканлигини ҳам қистириб ўтди.

– Нилуфар менга рози бўлаверинг, сиз ҳам оилада катта экансиз укаларингизга йўл беришингиз керак, – деди кулиб.

Унинг ҳазилкашлигини билганим учун ҳам:

– Укаларим уйланаман, деса марҳамат. Тўйларида ўзим хизмат қиламан, – дедим астойдил.

– Э, унақа деманг, кейин қолиб кетишингизни ўйлаяпсизми? – мени кўндирмоқчидек, салмоқлаб гапирди.

– Ҳа, майли. Бир хат юзасидан текширгани боришим керак эди, – дедим.

– Шикоятдир-да? Нима ҳақда?

– Бегоналар билиши мумкинмас.

– Мен бегонаманми? Эрта-индин совчи юбораман-ку? – деди кулимсираб Рамазон.

– Оилавий можаро, бир аёлни турмуш ўртоғи кўп урар экан, одам ўрнида кўрмасмиш, шу ҳақида ёзибди, – дедим ундан кўзимни яшириб.

– Турмуш ўртоғи – жуда чиройли гапирасизлар-да. Эри! – деди у таъкидлаб. – Эрман, нима десам дерман. Эр бўлгандан кейин уради-да.

– Нега? Болаларининг онаси, умр йўлдоши бўлса? Қандай хадди сиғаркан-а? – хали кўрмаган аёлнинг ёнини олдим.

– Ўзи аёлларни уриб туриш керак, бўлмаса талтайиб кетади...

Менинг қаршимда кувнок-хушчақчақ йигит эмас, мушт кўтариб турган баджаҳл киши гавдаланди. “Наҳотки?!”

– Сиз-чи? Сиз ҳам урасизми? – жаҳлимни яшира олмай сўрадим.

– Ҳа, гапга кирмаса, – деди у худди бошқа аёл ҳақида гапиргандек. – Аёл киши ишламай, уйда ўтиргани маъқул. Эри нима топиб келса шуни рўзғорга яратиб ўтириши керак.

– Демак, мени ҳам ишлатмас экансиз-да? – киноя билан сўрадим.

– Ҳа, бу ҳақда тўйдан кейин келишиб оламиз. Лекин билиб қўйганингиз маъқул, мен ишлашингизга қаршиман. Бокиб олишга қурбим етади, – деди бармоқларини қирсиллатиб.

Юрагим музлаб кетди. Хайрлашмасдан бурилдим.

– Нилуфар, хафа бўлдингиз-а? Тўхтанг, эртага уйдагилар боришади...

Рамазон айтганини қилди, совчилар келишди. Уйдагиларга у ҳақда айтмаганим учун, мен билан маслаҳатлашиб баҳонасида уларга мужмал жавоб беришди.

Яна онам билан ёлғиз суҳбатлашдик.

– Болам ёшинг ҳам йигирма олтига кетяпти. Ўқийинг баҳона эди, у ҳам тугади. Сенга айтмовдим. Даданг синфдоши Ҳакимжон аканинг кизи Саврини келин қиламан, деб қўйган экан. Совчи келиб қўймаётганмиш... “Қизинг кўнса, унаштирак, кейин Ҳакимжонни кига борардим”, деди даданг.

– Опа, укамни уйлантираверайлик, – дедим ялиниб, – Мен турмушга чиқмайман.

Рамазоннинг гапларини айтиб бердим.

– Балки, ростдан ҳазиллашгандир? – деди онам бўшашиб.

– Йўк, унга тегсам, ўлдирди мени, – дедим астойдил. – Майли кимдан келса ҳам сўрамай бераверинг, лекин Рамазонга тегмайман!

Совчиларнинг мулозаматини тинглаб ўтирган дадам:

– Насибаси қўшилмаган экан, қизимиз кўнмади, – деди.

Бугун ҳамма уйдалиги учун ҳар ким ўзига тақсимланган иш билан банд. Айвон

- бурчагидаги телефон қаттиқ жиринглади. Гўшакни Зулфия кўтарди.
- Онажон, Нилуфар опа! – кичкирди у. – Дадам, дадам...
  - Нима, нима қилибди, – унга қараб югурдим.
  - Онажон, дадам ўлиб қолибди. Энди нима қиламиз?
- Қарахт бўлиб қолдим. “Нахотки, энди нима бўлади?” Уйга югуриб кирдим. Тахмондан кўрпачаларни тушира бошладим.
- Нима қилаясиз, Нилуфар опа? – Зулфиянинг йиғлаган овози эшитилди.
  - Ҳозир одамлар келади, жой ҳозирлаб қўйиш керак. – Кўрпачаларнинг ортганини айвонга тўшадим. Ҳовлидаги ортиқча нарсаларни йиғиштирган бўлдим.
- Ердан тушдим, осмонданми, – ховлини тумонат одам босиб кетди. Кимдир менинг сочларимни ёйиб, рўмол ўратди, белимни боғлади. Уввос солиб йиғлаётган сингилларимга, “Вой акам”лаб ер депсинаётган Саодат аммамга қарайман. Қани бир катра ёш, бир калима келса? Ҳозир туш кўряпман, ҳозир уйғонаман, деган ўйдан бошим ғувулларди.
- Сенгина эрга текканингда тўй кўрарди акам бечора, – бошимга мушглади Саодат аммам. – Сенгина коқвош тўйдан махрум этдинг уни...
  - “Отажон!” ичимдан келаётган фарёдни тутиб қола олмадим. Кўзёшларим юзимни ювди...
- Ҳамма нарсани давоси вақт, деганлари рост экан. Орадан олти ой ўтиб, келин туширдик. Шу тўйни кутиб тургандек, Зулфияга ҳам совчилар кела бошлади. Энди онамга укам Қодиржон ва Қобилжон, мен маслаҳатчи бўлиб қолдик. Зулфиядан сўнг Қобилжон, кейин Зебини тўйи бўлди.
- Қизим сен тенгилар ҳам қолмади, – деди онам. – Шунча тўй кўриб ҳам кўнглимнинг бир чеккаси бўш. Сенинг тўйинг бўлса шу кемтик тўлади. Ёшинг ҳам ўттиз бешдан ошди. Энди хотини ўлганми, турмуши бузилган, – шунақалардан совчи келади.
- Мен индамасдан онамнинг елкасига бошимни қўйдим.
- Опа, шундай яшайверсак нима қилади, – дедим. – Бировга ҳалақит бермаётган бўлсам...
  - Сениям эгалик қилганимда, қарзимдан қутилардим, болам, – деди онам бошимни силаб. – Нилуфар қўшнимизни келини бор-ку, – Мўътабархон. Ўшанинг бир қариндоши шаҳарда ўқиб, институтда ишлармиш. Уйи ҳам бор экан.
  - Нимага шу пайтгача уйланмапти, она?
  - Ўқиган, тушунган қизни излаганмиш. Мўътабархон сен ҳақингда айтган экан, учрашсак, дебди. Ке, болам, балким тақдиринга шу ёзилгандир. Эртага Саври билан шаҳарга тушиб чиқ. Майлими?
  - Майли.
- Саври билан дарвоза ҳатлаб кўчага чиқар эканман:
- “Э, Художон, кўнглимга кенглик бер. Ёқтириб қолайин. Ёқиб қолайин...” дея дуо қилдим ичимда.
- Мўътабархон бизни узоқдан кўриб, қўл силтади.
- Ёнидаги йигит ўша, шекилли? – деди Саври. – Жуда замонавий экан.
- Улар биз томон кела бошлади. Йигит кун иссиқ бўлишига қарамай оқ кўйлак, галстук, кастюм-шимда. Қўлидаги рўмолчаси билан пешонасини дам-бадам артиб қўяди.
- Салом, – деди у ва менинг алигимни ҳам кутмасдан бидирлаб кетди. – Исми Қажомжон, фамилиям Йўлчиев. Маълумотим – олий, мутахассислигим инженер-технолог. Бўйим биру етмиш, бўйдоқман.
  - Йигитнинг гапларидан энсам қотди.
  - Танишганимдан хурсандман, узр, биз шошиб турувдик.

Саврини қўлтиқлаб, жадал юриб кетдим.

– Нилуфархон, балким кинога кирармиз, – ортимдан қичқирди йигит. Қўлимни ҳавода силгадим, “Йўқ”. “Э, Художон, нима қилай? Ҳатто гапни ҳам эшитгим келмади. Ёқтираолмайман, унда нима айб?” Қайтгунча Саври иккимиздан садо чиқмади.

Тез қайтганимизни кўрган онам ҳам ҳеч нарса сўрамади.

Бир куни жияним расмларимни кўриб ўтириб:

– Аммажон, аввал жуда ёш бўлган экансиз-а? – деб қолди.

– Ҳозир-чи, – дедим хиёл жилмайиб.

– Ҳозирми, сал бошқачасиз, каттасиз, – деди у. Олти яшар қизчанинг топган гапни-чи? Кўча-кўйда жиянларимни етаклаб юрсам, ўғлингизми, қизингизми, деб сўрагувчилар кўп бўлади. Танишларимни учратиб қолсам, беихтиёр, “Болаларингиз яхши юрибдими?” деб одатий салом-алиқдан хижолат тортиб қолишади.

Бекатда тургандим. Ёмғир майдалай бошлади. Соябонимни олмаганимга ачиндим. Шу пайт ёнимга юк машинаси келиб тўхтади. Мендан бошка ҳеч ким йўқ. Кабина эшиги очилди. Ичкарига қарадим. Султон жилмайиб:

– Нилуфар, чиқинг, – деди.

– Яхшимисиз.

– Раҳмат, – кулиб қўйдим.

– Қизиқ. Биз ёшлигимизда бунақа эмасдик, – деди.

– Нима? – ажабланиб қарадим.

– Ўғлимни айтаман. Ҳарбий хизматга кетаяпти индинга. “Дада, танлаганим бор. Унинг бошини боғлаб қўймасангиз, армияга бормайман”, дейди. Керак бўлса кутади, десак ҳам, келгунимча бошқага берворишади, деб оёқ тираб туриб олди. Билсам, ўзимнинг ўртоғимнинг қизи экан. Нилуфар.

– А?

– Қизнинг исми ҳам Нилуфар экан. Сизга адаш... Ўғлим мендан дадил чиқди.

Манзилга етгунча, Султон гапирди мен эшитдим. Нима ҳам дейишим мумкин. У, ҳўв ўша ёмғирли қунада мени элтиб қўйган Султон эмас. У улғайган. Мана ўғли ҳам вояга етибди. Вақт мунча югурик бўлмаса?..

Ҳовлига киришим билан жияним Зарифа югуриб пешвоз чиқди.

– Аммажон, меҳмон келди.

– Ассалом алайкум, – деди унинг ортидан югуриб келган болакай.

– Валайкум, отинг нима, ширинтой? – дедим.

– Жавоҳир!

– Исминг чиройли экан. Унинг дўмбоқ юзларини силаб қўйдим.

– Нилуфар, шундай ўғлинг бўлишини хоҳлармидинг? – сўради мени кузатиб турган онам.

– Шундай асал болачани ким хоҳламайди. Лекин онасига буюрсин, – дедим хўрсиниб.

– Балким сен унга оналик қиларсан?

Онамнинг гапидан саросимага тушдим. Кимдир секин йўталиб қўйди. Ёнимда бир неча ойдан буён ишхонамизга серкатнов бўлиб қолган Сафар ака турарди. Ҳамсухбат бўлмасам-да котибамиз Дилбархон у мен билан қизиқаётганини, ўн беш йил деганда фарзандли бўлганини, хотини уч йил бурун қазо қилганини айтганди...

Шу куни онам, Сафар ака, мен худди эски кадрдонлардек узок суҳбатлашдик. Жавоҳир менга эркаланиб, қўлимда ухлаб қолди.



Муҳиддин  
АБДУСАМАД

## Менга йўл кўрсатиб борар йўл

### Қайтиш

Мени кўриб бошланар дарвор  
Пистазорда шивир-шивирлар.  
Бир-бирининг елкаси оша,  
Ишонмасдан қарайди қирлар.

Кувонгандан шолон дарахтлар  
Қийкиришиб уриштирар кўл.  
Мендан олдин суюнчи сўраб,  
Уйга қараб чопиб кетар йўл.

Отам каби кучоғин очиб,  
Қарши олар қари дарвоза.  
Чуғурлашиб шўх қалдирғочлар  
Келганимни қилар овоза.

Қадрдоним, болалик дўстим,  
Ховуч-ховуч тутган ғўралар,  
Кўшни боғдан бетоқат ўрик  
Девор оша кўяр мўралаб.

Димоғимга урилар бирдан  
Онам эккан райхонлар бўйи.  
Юрагимга чанг солган тугун  
Шу аснода юборар кўйиб.  
Мана, келдим қадрдон ғўша,  
Мен ўшаман, ҳалиям ўша...

---

*Муҳиддин АБДУСАМАД — 1982 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини ҳамда Олий Адабиёт курсини тамомлаган. 2005 йили бўлиб ўтган IX анъанавий Зомин анжумани иштирокчиси. “Онажон”, “У”, “Учаётган китриқлар” шеъррий тўпламлари нашр этилган. Шеърлари инглиз, озарбайжон, қozoқ тилларига таржима қилинган.*

\* \* \*

Сени кўрсам,  
ўтган кунлар ҳиди  
урилади димокқа.

Қочиб кетаман  
сендан қочгандай  
қочиб ўзимдан.

Дунё тор,  
беркина олмайман  
ҳар ерда сен бор.

Ҳар нарсада мени  
таъкиб этасан:  
сен тош, сен дарахт, сен одам...

Ҳар кимда яшайсан,  
сени эслатади:  
кўзлари, қошлари, сочлари...

Мени тинч қўй,  
таъкибингни бас қил,  
кайтириб бер ўзимни.

Мен ҳам энди,  
одамдай яшай...

## Кўзларинг ҳақида битиклар

### I

Сенинг кўзларингсиз умрим бемаъни,  
Билмайман ҳаётим кунмикан, тун ё?  
Мен қайга бораман кўзингдан бошқа,  
Сенинг кўзларингдан иборат дунё.

### II

Катта гуноҳ қилгани учун,  
Куйгани-чун сени бир кўриб,  
Кўчаларда тентираб зор-зор  
Саболардан изингни сўриб,

Юргани-чун тинмай сиғиниб,  
Ҳам борингга, ҳамда йўғингга,

Сургун қилай кўзларимни, кел,  
Қоп-қоронғи қорачиғингга.

III

Айлангандай ер узра ой, ер  
Айлангандай шамс теграсида,  
Айланаман тиним билмайин  
Қорачиғинг чегарасида.  
Айланаман қорачиғингга,  
Мен ўзимни тополмай туриб.  
Топишимга ёрдам бергали,  
Оппоқ тонглар келар бостириб.

IV

Кўзларингдан олишар ибрат  
Бутун олам, жамики борлик.  
Кўзларингдай чакнайди куёш,  
Кўёшингдай ёғади ёмғир.  
Кўзларингда эрур мужассам  
Бутун олам тортиш қонуни.  
Йўқса, билмам, айланармидим  
Атрофингда бунчалар, жоним.

V

Энди билдим кимлигимни мен,  
Энди билдим ҳақиқий ўрним.  
Кўзларингга термилиб туриб,  
Илдиз отиб кетганим кўрдим.

VI

Гоҳо кўзингизда ўзимни топсам,  
Гоҳо кўзингизда қолдим йўқолиб.  
Айтинг, кўзларингиз бунчалар сокин  
Бу икки дунёни сиғдира олиб...

## Сочмалар

Учиб кетмоқчи бўлади дарахт,  
япроқларин қанот деб ўйлаб  
чангалини ботириб ерга.

\* \* \*

Эртақдаги калава мисол  
менга йўл кўрсатиб борар йўл,  
кетаяпман йўлнинг измида.

\* \* \*

Болаликни эслар онимда,  
битта юлдуз кўзини кисди,  
худди эски кадрдонимдай.

\* \* \*

Қовушган киприклар овози  
бузар  
жимликни.

\* \* \*

Нигоҳим – нигоҳинг тўкнашди,  
юмма кўзингни юмма,  
зулмат қопламасин дунёни.

\* \* \*

Киприк қоқмай  
кутаяпман,  
Эшик қоқиб  
келишингни.

\* \* \*

Юрагим кўзларинг қаролиғича,  
орамиз икки кўз аролиғича  
қачон учратамиз бир-биримизни.

\* \* \*

Сен кетдинг,  
зерикарли ҳаётда  
баттар зерикдим...

\* \* \*

Тушуниб дил-дилдан бир-биримизни,  
Дилимизга кадам қўйгандик, жоним.  
Сен менга, мен сенга ярашган эдик,  
Узукка худди кўз қўйгандек, жоним.

Сени юлиб олди кучокқинамдан,  
Ажратиб, қақшатиб бармоқларимни.  
Кутаман энди зор келишларингни,  
Кутасан интизор бормоқларимни.

Энди йўлларимиз хижронга туташ,  
Юракка берилган сабоқлар тинди.  
Бормайман.  
Келмайсан.  
Лаълёкут кўзим,  
Ўртада неча бор бу кўнгил синди...

\* \* \*

Кунинг оқсоқланар, кунларинг толар,  
Фалак кулоқ тутмас қалбинг оҳига.  
Қуёш ҳам ботмайди, осилиб қолар  
Шундоқ кўчангдаги чинор шохига.  
Кўзларинг йўл қарар, йўлим соғиниб.

Ярим тун уйғониб кетасан, ногоҳ,  
Ой маҳзун бошингдан занг нур тўшайди.  
Хатто, сирларингдан юлдузлар огоҳ,  
Улар кўксингдаги чўғга ўхшайди.  
Сочларинг гуллайди қўлим соғиниб.

Сен унда ҳар куни тушлар кўрасан,  
Узун йўл ва унда йўлчи қорасин.  
Тушми ё ўнгим деб, ушлаб кўрасан,  
Тобора узаяр қалблар ораси.  
Мен бунда не бўлсам, бўлдим соғиниб.

## Чўпчак

Сенга қадам ташладим, бироқ,  
Қўлларингдан тушдию тарок –  
Пайдо бўлди даҳшатли ўрмон.  
Ўрмонларни кемириб ўтдим...

Сенга қадам ташладим, бироқ,  
Қўлларингдан тушдию ойнак –  
Пайдо бўлди ҳайбатли уммон.  
Уммонларни симириб ўтдим...

Сенга қадам ташладим, бироқ,  
Қўлларингдан тушдию кайроқ –  
Пайдо бўлди адоқсиз хижрон.  
Хижронларни емириб ўтдим...  
Энди бахтли бўламиз, жоним...

## Дил қатига беркитилган сир



Ханифа  
УММАТҚУЛОВА

### Буюк қудрат

Илгарилаб боради рухим,  
Вужудимдан, шахсимдан ўзиб.  
Гўё, ортда қолади умрим,  
Лаҳза сайин кетади тўзиб.

Дикқинафас хонадан қочиб  
Чикқандайин тоза ҳавога.  
Рухим мени олиб учади,  
Сайёд кўли етмас мавога.

Учган сари борар тозариб,  
Тиниклашар онг ва тафаккур.  
Покланади кўнгил губордан,  
Чулғаб олар бир илохий нур.

Минг ташаккур, ох буюк қудрат,  
Нарвон ташлаб ишқ ва зиёдан.  
Тортиб олдинг рухимни омон,  
Майдалашиб ётган дунёдан.

### Бегим

Толикяпман қатга шаҳарда,  
Гўё менга етмайди ҳаво.  
Юрагимнинг қат-қатларида,  
Соғинч ўтлиғ қилади наво.

---

*Ханифа УММАТҚУЛОВА – 1965 йилда туғилган. Тошкент Қишлоқ хўжалиги институтини (ҳозирги ТошДАУ) битирган. Ижодкорнинг “Илтижо”, “Учинчи умр”, “Ватангаиша рух” номли китоблари нашр этилган.*

Бегим, келинг, елкамдан кучиб,  
Олиб кетинг баланд тоғларга.  
Бунда туман қоплаб борликни,  
Зоғлар уя курди боғларга.

Майли, бирга ошайлик довон,  
Гарчи йўлга ёғаётир қор.  
Ўртамизда куёшга монанд,  
Кўнгилларда боғлаган ишқ бор.

Мени сизга суйдирган Тангрим,  
Сизни менга ином қилган у.  
Иккимизга тоғлардек ғурур,  
Уммонлардек соғинч берганку.

Ишкимиздек покиза, гўзал,  
Арчазорлар аро адашиб,  
Гулхан ёқсак оппоқ қор узра,  
Қора кумғон турса ярашиб.

Тугамайди дилкаш суҳбатлар,  
Пастда қолар ҳаёт ташвиши.  
Юракларда бинафша гуллар,  
Нурга тўлар тоғлар гардиши.

Бегим, руҳим айланг сарафроз,  
Ва, варақланг кўнгил дафтарим.  
Ахир, Каъбам – сизнинг пойингиз,  
Тоғлар эса – туғишганларим.

## Уйғот

Ерларни бир ширин тўлғоқ уйғотсин,  
Тоғларни яширин булоқ уйғотсин.  
Баҳорим, лабимга гулобларинг тут,  
Дилларни ишқ деган титроқ уйғотсин.

Кўнғироғинг чалгин, сингисин олиб,  
Ариқнинг бўйига чиқсин ялпизлар.  
Капалак рақсини кўмсаб, ийманиб,  
Пилладан мўралаб турар хур қизлар.

Кифтларин силаб қўй бурама толнинг,  
Кўҳна булоғига лабларингни бос.  
Балки, бу охирги баҳори унинг,  
Балки, қайта киймас яшилранг либос.

Умид бер, томиринг мустаҳкам деб, айт,  
Илдизларни уйғот, бериб саволлар.  
Тирикликнинг яшил байроғин тутиб,  
Ўсиб чиқсин минглаб бурама толлар.

Мудрамоққа, асло, бермагин имкон,  
Ёмғирлар ўзини заминга отсин.  
Губорлар ариган суманбар тонгда,  
Боғларни ёқимли қийноқ уйғотсин.

Токи, ғафлат босиб ётмасин олам,  
Қуёш ҳам уфқмас – юракка ботсин.  
Ҳар саҳар яшариш қўшиғин айтиб,  
Қушларни ишк деган, сайрок уйғотсин.

### Исминг

Изоҳларим кароқчиси – у,  
Кўзларимга қадалган соғинч.  
Саҳродаги ёлғиз қудуқдек,  
Карвонимга энг гўзал илинж:  
Сенинг исминг.

Юрагимга хузур, халоват,  
Дил қатига беркитилган сир.  
Қалба битмас жароҳат учун  
Малҳам гиёҳ ўсиб ётган кир:  
Сенинг исминг.

Афсус, энди бу йўллар ёпик,  
Бу кирларга тушмайди йўлим.  
Лек, қақраган умр боғимни  
Яшнагувчи ёмғирдек сўлим:  
Сенинг исминг.

Ўша оташ, ўша дард, сурур,  
Қуйдиргувчи нигоҳлар ёди.  
Ҳаётимни ёритгувчи нур,  
Ва, махкума сукут фарёди:  
Сенинг исминг,  
Сенинг исминг,  
Сенинг исминг...

### Кечикиш

Ў, сизни минг йил, йўқ, узоқроқ кутдим,  
Исмингизни дилда сакладим пинҳон.  
Соғинч, хижрон дардин ичимга ютдим,  
Гарчи, рашк ўтида ковурилди жон.

Нихоят, бир куни келдингиз топиб:  
“Сиз ўшаму?” дея, узатдингиз қўл.  
Бу не каромат эди қалбимда  
Бир нафас кесишди икки айро йўл?

Сўнг эса, кетдингиз, тез қайтаман деб,  
Билмам, нега сизга бунча ичикдим.  
Эҳ, нечун тўкилдинг, ожиза кўзёш,  
Тутиб қололмадим, кечикдим, кечикдим.

## Хаёл бўлгум

Бунчалар учкурсан, бунча бетизгин,  
Гоҳ селдай бўтана, гоҳида зилол.  
Оҳ, буюк мусаввир, ишқ расмин чизгин,  
Хиёнат сувратин кўрсатма хаёл.

Хотирдан юлиб от, дилсиёҳ куннинг  
Кўзёшли халқоби, кўлмақларини.  
Менга кўз-кўзламай поралар қилгин,  
Ситамгар изтироб кўйлақларини.

Миямнинг ҳар битта ҳужайрасида,  
Илдиз отиб ётган соғинчлар ҳаққи.  
То ҳануз гурурнинг остонасида,  
Жовдираб ўтирган илинжлар ҳаққи.

Фараҳбахш кечалар, муродбахш кунлар,  
Салқин саҳарларнинг бодасин ичир.  
Минг йилки юрагим кунжақларида:  
Безавол, беикбол яшаётган сир.

Муҳаббат шаробин тутқазгин, хаёл,  
Борликни унутай, мастона қилгин.  
Эртага яшашга куч топмок учун,  
Мени ишқим билан ҳамхона қилгин.

Йўқса, сен билан ҳам кўришмоқ, маҳол,  
Ўзим, хаёл бўлгум, энг гўзал хаёл..

## ШАМ ВА ШАМШИР

Музаффар МИРЗО

Роман<sup>1</sup>

## БИБИ МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

*Ҳақиқат сари турктоз айлағай,  
Жаҳон шуглидин бениёз айлағай.  
Анга қолмағай ҳам ўзидин хабар,  
Ўзидин неким, ўзлугидин асар.*

**Алишер Навоий,  
“Ҳазойин ул-маоний”. Маснавий.  
Сайид Ҳасан Ардашер номига  
битилган муншаотдан.**

Кишнинг корли-кировли, қахрли кунлари бўлмаганида тароватли маконини асло тарк этмайдиган қалдирғочларнинг ҳам ўз важду фажри<sup>2</sup>, ўз олами бор. Бу фазилагли кушлар одатда осуда, саришга ва обод хонадонга, минг бир машаққат билан, лойдан уя қурадилар. Полапонларини “темир канот” бўлгач, учирма киладилар. Келгуси баҳор яна кадрдон диёр, ошён курган хонадонларига қайтадилар. Худди инсонлардек ватан туйғуси фақат оқ куш ва қалдирғочларга хос хислат бўлса керак. “Уйим-жойим” деб куйинади, уясини таъмирлайди. Инсоният лойдан бино қуришни шу, қалдирғочларга таклидан ўрганган бўлса не ажаб?!

Алишер ота ҳовли остонасидан ҳатларкан, нигоҳи йўлак вассаси бурчагидаги қалдирғоч уясига тушди. Хаёлидан юкоридаги ўйлар ўтди. Қалдирғочларнинг яхши бир одати бор. Баҳорнинг хушёкувчи тафти борлиқни чулғаб олган эса-да, кишнинг сўнгги қахри батамом қирқилмасдан бурун ўз ошёнларига қайтмайдилар. Илик кулларнинг қайтишини сабр-қаноат билан кутадилар.

Эгасиз хонадондан файз кўтарилгани каби, васса бурчагидаги ярим ноксимон, лой уя ҳам хувуллаб қолганди. У ер-бу ери нураган. “Қалдирғочлар қайтарму?!” Бу савол Алишернинг дилгирилигини янада орттирди. Ота ҳовлисига кўчиб ўтиш паштидан бироз қайтарди ҳам. Маълум вақт Жомий хонақосида яшаб туришни ўзига маъқул кўрди.

“Ватан нима эканлигини билмаган ғажир унинг муқаддаслиги, кадр-қимматини, алаҳхусус, меъмору бинокорлик заҳматини қаердин ҳам билсин?!” Аҳмад Ҳожибек

<sup>1</sup> Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

<sup>2</sup> Важду фажир – талаффузда айнан вижир-вижир, тонгги ҳис, ҳаяжон, завқ. Бу ўринда кушлар ичида энг аввал қалдирғоч Оллоҳга нафис ҳамд-сано айтиши назарда тутилади.

томонидан Амир Аҳмадиёрга қарата айтилган бу қочирим вазирнинг суяк-суягидан ўтиб кетди. Кўпчилик олдида ер ёрилмади-ю, ютмади. Айниқса, “Ҳиротнинг баҳаво масканлари кўп. Ўзингизга ёққан ўзга ердан ватан килинг,” дейишига қарамай, вазир бундай йўл тутишидан ҳукмдорнинг ҳам энсаси қотиб: “Туяни ел учирса, такани осмонда кўр. Бу не тадбир, амир?!” дея таъна қилди.

\*\*\*

Мирак Наққошнинг Амир Ғиёсиддин Баҳодирхон хонадонига “Биби мунажжим”<sup>3</sup> номи билан машҳур аёлни етаклаб келишининг андак тарихи бор.

Бир оқшом Алишер ҳақида гап очилганида Мирак Наққош аёлининг: “Йигитнинг қисматига беокатиб бўлмайлик, отаси. Ҳирот яқинидаги Кохи авлиё қишлоғида фозила, “Биби мунажжим истиқомат қилармиш”, деган гапига деярли эътибор қилмади:

– Ирим-чиримга бало борми, хотин! Алишерни феъли яхши билермен, – деди у. – Мени уятга қўйма.

– Таърифлашларича аёлда авлиёлик сиёклиғ эмиш, – деди аёл завқ билан.

Мирак Наққош аёлини киши билмас жеркидан бўлди-ю, ўзи ўйланиб қолди...

Шогирди Султон Алидан Алишерни ота ҳовлисига кўчиб ўтаётганини эшитиб: “Хайрият! Оллоҳ вақил!” дея ўзига-ўзи таскин берган бўлди. Шу лаҳзада нима учундир аёлининг: “Авлиёлик сиёҳи ҳам бор эмиш. Шояд бу тадбир Алишернинг мушкулотини қушод қилса...” деган гапини эслади. Кохи авлиё қишлоғига бориб келиш фикр туғилди. Ва сира иккиланмай йўлга отланди.

\*\*\*

Мирак Наққошнинг рафиқаси билан бирга темурийларга яқин, маҳаллада бообруъ – Амир Ғиёсиддин Баҳодирхоннинг хонадонига қадам ранжида қиларкан, биби мунажжим остона бўсағасида бир зум туриб қолди:

– Бу ҳовли хўб фариштали, фазлу хосиятли. Бирок... – дея бир зум ўйлангач, аёлдан сўради: – Мирак шу ердамилар?

– Шу ерда бўламан, деб эдилар, – дея аёл ярим очик эшикдан ичкарига қаради. Эрини у томонга боқишини кутди ва ниятига етгани замон уни кўзи билан имлаб қақирди.

Мирак Наққош меҳмонни хушнуд кутиб олди:

– Хуш кўрдик, биби отин, келинг!

– Бу табаррук хонадондан ўтганлар руҳи безовта. – Биби мунажжим таажжубланган Мирак Наққошга синчков текилиб: – Инсон маъвоси бақойи абадда эса-да, саҳиҳ руҳи фарзанд анжумандлар қайғусида бўлур. Уй эгаси, шул йигитми? – дея боғ этағидаги Алишерга ишора қилди.

– Алишербекни айтурмусиз? – дея аввалига хайрон бўлиб сўради Мирак Наққош. Сўнг жавоб қилди: – Ҳа.

– Бошланг, – дея биби мунажжим саккиз устунли бостирмадан ҳовлига кирди.

Боғ саҳнида хазонрезга термилган қўйи, хаёлга чўмган Алишерга кўзи тушиб, унга томон юрди:

– Фикру зикрингиз ошёнини тарк этган қушларда...

Мулойим, ҳам ёқимли товушдан Алишернинг хаёли бўлинди. Ён томонига

<sup>3</sup> Биби мунажжим – ой ва юлдузларнинг бурждаги жойлашиш нуқтасига қараб киши қисматидан башорат қилувчи, “хорикул-одда” – одатдан ташқари, фавқулодда, ақл бовар қилмас мўъжизавий қаромат қилувчи аёл. Романи нашрга тайёрлаш жараёнида тақризчилар томонидан: “Алишер Навоий куфрга, фолга ишонганми?” деган табиий савол қўндаланг бўлди. Бунга изоҳ шуки, ҳазрат “Насойимул-муҳаббат” (“Муҳаббат шабадалари”) асарида йигирмадан ортиқ қароматқўй аёллар ҳақида маълумот берган. Унда исми номаълум “Биби мунажжим” кўп бора зикр этилган.

кескин ўтирилди. Қаршисида узун, оқ шойи либосда, ипак рўмолининг бир учи елкасига ташланган, бир учи бўйни узра пешонасига тангилган, кўзлари ва юзларидан нур ёғилаётган аёл турарди.

Наққошнинг аёли “Меҳмонни каерга ўтказамиз?” дегандек эрига қаради. У кўз имоиси билан боққа қараган, кенг, саккиз нақшин устунли кўшк-айвонга ишора қилди. Эпчилроқ аёллардан бири ичкаридан олиб чиққан гаримдори гули, ипак кўрпачани айвон рахтига тўшади.

Мирак Наққошнинг ундови билан кўшк-айвон томон йўналаркан, Биби мунажжим кулиб турган кўзлари билан “ортимдан юринг!” дегандек Алишерга жилмайиб қўйди. Унинг бу табассумида ажиб лаатофат бор эди.

Рўмол остидан кўриниб турган оппоқ сочларда, маъсумлик уйғун чехрада меҳрни туйди. Беихтиёр унинг ортидан эргашаркан, гўдаклик хотиротида сакланиб қолгани онасининг киёфасини кўз олдига келтирди. “Худди онамни эслатур!” дея кўнглидан ўтказди у. Қувончми, ўқинчми, билиб бўлмас ички бир туйғудан юраги хапқириб кетди.

– Инсон умри қалдирғочга қиёс. Ошён қуради, полапонлар парвоз қилгунича парвона бўлади. Одамзот ҳам ўз майли истагида руҳан қалдирғочлар каби парвоз қилади.

Аёлнинг гапидаги “мантик” ибораси унга ота ўрнида оталик қилган, қушлар билан тиллаша билган Саид Ҳасан Ардашер кўп бора такрорлайдиган: “Мантикут-тайр, тайрут-мантик, мантики ишк”<sup>4</sup> деган иборани ёдига солди.

Мунажжим аёл йигитнинг ёлқинланган кўзларига боқиб, ўзича маъно уқди:

– Мурувват кўрсатмаган ҳақиқий дўст юз ўғирса-ю, холингга раҳми келган душманнинг сенга ёр тутинмоғидан не фойда?! Ўғлим, тилакка етмоқнинг захмати мушкул, деб нега майлдан воз кечмоқ керак?! Ҳаёт, туриш-турмушнинг ўзи сабоқ бергувчидир. Тафаккур танглигини фазлу қомиллик бирла енгмоқ лозим. Йўкса, ғурбатнинг қора кўланкаси кўнгил уйини зимистон қилур.

Аёл унинг ўксик қалбидаги “номаи аъмол” дафтарини раво ва равшан ўқиётганидан лол қолди. Ҳақиқатдан ҳам, Султон Абусаид Мирзо саройида иш бошлаганидан буён қора шарпалар кўзларига бот-бот кўринаётгани, аччиқ ғам азобидан азият чекаётгани аниқ. Алишер аёлнинг юзига, кўзларига ялт боқди. “Аёл буларни қаердин билур?!” хаёлидан ўтди унинг.

– Аслида одамзотнинг толиғи лавҳул-махфузда азалда битиб қўйилган. Аввали ҳам, охири ҳам Оллоҳдан! – дея аёл сўзида давом этди. – Қутбул-авлиёлардан шундай ривоят бор. Тангри одамзотни маъшук, ўзни ошиқ мақомида яратди. Малойикка хайрул башарга сажда қилинг, дея амр этди. Чархи фалакдаги ҳар бир анжум мисли фаришта инсон тақдирини аён айлағувчи “чодир хаёл”дир.<sup>5</sup>

– Номасин бўйнимга осдим – дардима берди шифо, ул китобат хизри жон эмиш, деманг мактуб эмиш, – дея эшитилар-эшитилмас шивирлади, Алишер.

– Албатта. Оллоҳни инон-ихтиёрида бўлган барча аъмолу вақойиъ ҳукмлар лавҳул-махфузнинг муқаррам саҳифаларида қайд этилган. Қисмат, тақдир деб аталмиш бу номаи аъмоллар қадрли баланд, покиза, итоатли котиб-фаришталар қўлидадир. Ҳар бир тирик мавжудотнинг муҳофазаси, ризки, қароргоҳи, оромгоҳи – ҳаммаси яширин, аниқ, очик ёзилган. Шу боисдан тафаккур қилувчи чин мўмин баъзи мағлубиятлардан сустлашмаслиги, ғамга берилмаслиги даркор, – деди мунажжим гўё унинг дилидаги фикрини маъқуллагандек.

Алишер таажжубда аёлга термилиб қолди. Фикр тиниклиги ақлини шошириб қўйди.

<sup>4</sup> Мантикут-тайр, тайрут-мантик, мантики ишк – маъноси: қушлар тилида мантик бор, ишк мантиги бор.

<sup>5</sup> Чодир хаёл – таассуротнинг тафаккурний инъикоси, хаёлда акс этиши, ойнаи жаҳон. Ҳозирги кун ибораси билан айтганда кино ёки телеэкран ёки компьютер мониторида акс этувчи ахборот.

Аёл кафтини кўрпачага қўйиб: “Ўтиринг!” дегандек ишора қилгандан сўнггина Алишер унинг ёнига кимтиниб ўтирди.

– Мушратийга<sup>6</sup> яқин қайси юлдузни билурсиз?

Алишер саволнинг моҳиятини англамай туриб:

– Саъд ахтар<sup>7</sup>, – деб жавоб қилди.

– Умрингиз зиёда бўлғай. Бу икки кавкаб ҳамал айвонида<sup>8</sup> анжуман этмагининг хосияти нени англатмоғидин ҳам огоҳмусиз?

Алишер мунажжим аёл бу гап билан нима демоқчи эканини фаҳмлаб, мийиғида кулиб қўйди. Кўнглидан: “Яна ўша таккос! Аё фалак, бу не ҳол? Хусайн Мирзо ва қисматимизни илми нужум била таҳлил қилурлар?!” деган ўй ўтди.

Йигитнинг чехрасидаги истехзоли табассумдан ўзича маъно уққан аёл:

– Анжум бир-бирига муштарак экан, нечун инсонлар қисматдош бўлмас?!

Тийрак зехнли аёлнинг мулоҳазасидан Алишернинг ҳайрати янада ортди. Жавобга шошилмади. Аёлнинг сўзларига кулок тутишни маъқул кўрди.

Биби мунажжим нафис оҳангда тиловат бошлади. Хонадон соҳибига Оллоҳнинг ажру савобини тилади.

Кароматгўй аёл тиловатни тугатиши ҳамон қўшни аёллардан бири гирдиши тўрт элик, дастали мис идишда исирик тутатиб чикди. Алишернинг бошидан бир-икки айлантирди:

– Илоҳим, отин бибининг дуоларини мустажоб айла.

\*\*\*

...Мунажжим аёлни кузатгандан кейин анча вақтгача ўй-хаёлларига ғарқ бўлган Алишер дарвозанинг беҳос ғичирлашидан сергак торди. Куни кеча ўзини “Отамиз боғингизда боғбонлик қилгонлар” дея ўзини таништирган ўсмир турарди.

– Мумкинму? – дея у таклифни кутмай, остона ҳатлади. – Амир Баходирхон ёққан шами анжум чироқ асло ўчмагай!

– Қуллуқ, – деди Алишер мамнун. Сўнг ажабланиб сўради: – Буюринг.

Бетакаллуфлик қилганини сезган йигитча довдираб қолди.

– Қўшнилари билан маслаҳатлашиб.

У бироз саросималаниб, дарвозанинг иккинчи табақасини ҳам очди. Остонада кечагина эшиклар, деразалар дарчасидан қувғинлик аҳволини ҳадик билан кузатган қўшнилари туришарди.

“Бу кишилар бунча томошаталаб бўлмасалар. Ёмон кунинг ҳам, яхши кунинг ҳам қизиқ улар учун”.

– Бойкуш макони мисол тунгги хилхонага айланиб қолганди бу боғ. Сариштали ҳовлингиздан фаришталар асло аримасин.

Олдинроқда турган ўрта ёшдаги киши ёни-берида ҳадик билан қараб олди-да, ҳовлига кириб келди.

– Қани, қўшнилари, қақайиб турмайлик.

Алишернинг ёнига кексароқ бир киши яқинлашди:

– Ҳадикда яшаётган эдик. Огларнинг тунгги дупур-дупуридан болаларимиз юрак олдирган.

Алишер миннатдорчилик билдиришга ҳам улгуролмай қолди. Қўни-қўшнилари қўлларига ҳўжалик анжомлари: кимдир кетмон, кимдир хаскаш ва яна кимдир супурги, хокандоз кўтариб, кириб келишди. Бу орада ҳовлида қуймаланиб юрган Мирак Наққош икки-уч қарияни ичкарига бошлаб кирди ва боя, Биби мунажжимга, айвон лабига солинган шойи кўрпачага ўтиришга таклиф қилди.

<sup>6</sup> Муштарий (саъди акбар) – (Юпитер) сайёраси.

<sup>7</sup> Саъд ахтар – қутлуг, бахт юлдузи.

<sup>8</sup> Ҳамал айвони – ҳамал буржи.

– Алишер, фалокатингиз аригани рост бўлсин, – дея қариялардан бири Алишернинг елкасига қоқиб қўйди. Айнан, мунажжим аёл сўзларини такрорлади, – Саранжом, қутлуғ хонадондан асло фаришта аримасин. Илоҳим мушкулларингизни ўзи осон қилсин.

Наққош ўнг қўлини ёзиб, Алишерни ёнига чорлади. Олдинма кейин кўрпачага ўтиришди. Одатига кўра томоқ кириб олгач, қори ширали овозда, қироат билан тиловат бошлади.

Ташқарида тозалаш ишлари билан банд бўлганлар ҳам бостирма йўлакда қатор тизилишиб, чўккалашди. Жомий ва Самарқандий, улар ортидан қўй етаклаб олган Кўркибой остонада тўхташди. Алишер диққат билан йиғилганларга кўз қирини бир-бир ташлаб чикди.

Кимдир ҳовли ва боғни супурар, кимдир дарахтлар пуштасини юмшатарди. Ҳамма саранжом-саришталик юмушлари билан банд. Супураётган аёлнинг, “Бунча бефаросат бўлмаса? Тунда келиб, тунда кетгучи бу ҳовлини уккининг маконига айлантрибди, қўйибди”, дея шанғиллашидан Алишер сергак тортди.

“Қалдирғоч ва бойўғли. Бири ёруғликка талпинади, бири қоронғиликка. Қоронғулик, ёруғлик, зулмат ва эзгулик. Оддий, содда одамлар, бунчалик оқибатли! Рағбат илнжидаги оқибат эмасмикин? Ўз эшигимдан қувғин этилганини кўра била туриб индамаган, далда бўлмаган одамлар бугун остонамни супуришга тайёр. Ахир, энди у ҳукмдорнинг котиби”.

Мазамматга берилганидан бироз хижолат бўлди. Кимдир: “Тилингда эрк берма” қабалида “Ҳой” деб қўйди. Алишер овоз келган томонга ўтирилди. Қассоб қўйни ағдариб улгурган, Кўркибой унга кўмаклашарди.

Худди, узок сафардан сўнг, болахона тоқисидан туртиб чиққан тўсинга кўнган қўйи ошённинг хавфсизлигини кузатган, икки-уч гир доира ясаб айланган қалдирғоч мисол Алишер қадрдон уйи хоналарига бирма-бир кириб чикди. Болалиги ўтган хонада қачондир, кимдир томонидан деразага тортилган қора дарпарда ғашини кўзгади. Беихтиёр мунажжим аёлнинг гапини эслади: “Чин мўмин укубат ва мағлубиятлардан сузлашмаслиги, ғамга берилмаслиги керак”.

Алишернинг изидан хонага кирган аёл: “Ёруғ хонага қора дарпарда не ҳожат?” дея пардани шартта юлкиб ташлади. Бандига узун даста боғланган супурги билан дераза рахлари, шифтини ислардан тозалашга киришди. Китоб тахланган тахмон-жавонга яқинлашган Алишернинг ниятини англаган аёл:

– Ўзим, – деди ва бетартиб ҳолдаги китобларнинг муқовасига инган чангни бир-бир артиб, хонтахта устига тартиб билан тахлай бошлади. Китобдан бўшаган жавонни чангидан тозалади. Аёлнинг саришталигидан кўнгли тўлган Алишер ҳовлига чикди.

Қаровсиз ҳовли, боғ аввалги кўрку тароватга қайтганди.

Алишер ҳовли саҳнини кесиб ўтган, икки қирғоғига мрамар канора терилган ариқча ёқалаб булоқ ёнига келди. Қирғоқлари ва сатхи ҳазонлардан тозаланган ҳовузнинг суви шаффоф тортган. Тоштарновдан шилдираб тушаётган, боғ оралаб оқаётган жилғага термилиб қолди. Булоқ-ҳовузда майда балиқчалар ҳам кўзга ташланади. У булоқда юз-кўлини ювди. Муздек сув вужудига тетиклик бағишлади. Кафтларини тўлдириб, бир-икки хўплам сув ичган ҳам бўлди. Булоқ – ҳовуз яқинида меъмор ва хунарманд-бинокорлар томонидан маҳорат билан тикланган, кенг, доирасимон шоҳсупага ўтди. Нақшин устунга қўлини қўйганча хаёлга чўмди.

Шу лаҳзада у онаси, отасини хотирлади. Шоҳсупадаги тахта курсилардан бирига ўтирди. Падари-ю, волидасининг руҳига тиловат қилди. Тоштарновдан оқиб тушаётган сувга термилди. Гўё, сув юзида отаси, онасининг нурли чеҳраси ақсланаётгандек эди.

“Сув чашми назм каби равон ва тиник оқадур?”

Отасига берган болаларча саволи ёдига тушди. Дилидаги эхтирос юзига кўчиб, ёноқларида нимтабассум пайдо бўлди. Ўшанда отаси қандай жавоб қилганди. “Бу

чашма ҳазрати Хизр хилхонасидан, Наводир чашмасидан оқиб келадур. Чашманинг ҳам ўз навоси бор. Қалбингизни банд этгон ашъорларингиз булоқ сувидек навобахш, покиза ва мукаррам бўлғай”. Бу жавобдан тўлқинланган болакай: “Ота, улуг шоирлар ажабтовур исм била шеър битурлар”. “Бу исм эмас, тахаллус”, деб жавоб қилганди отаси. “Мен ҳам тахаллусни Навоий деб қўйсам-чи?!”. Ўғлининг болаларча эътирофидан завқланган отаси дабдурустан “Нечун Навоий?” деб сўраганди. Ўшанда қандай жавоб қилганди.

– Наволи, навогоҳ. Наво киши кўнглига алланечук ором бахшлайдур. Ани ғубордан фориғ айлағай...

– Иншооллох, эзгу ниятингиз ҳамроҳингиз бўлғай! – дея дуо қилганди отаси, ўшанда.

Абдурахмон Жомий ёлғиз, паришонхотир ўтирган Алишернинг ёнига келиб, паст овозда:

– Зикри хотир яхши фазилат, – деди. Алишер чўчиб ўрнидан турди ва ортига ўгирилди.

Қаршисида Жомийни кўриб, хижолат бўлди.

– Отамни, онамни эслаб...

– Дуои фотиҳа киши кўнглини поклайди, – деди Жомий бир зум хаёлга чўмиб, – Гиёсиддин Баҳодирхон кўп фазилатли, волидаи мухтарамангиз эса ҳўб саришгали аёл эдилар. Бу боғ, ҳовуз лабидаги мана шу кўшк кўп анжуман, мушоираларга гувоҳ. Ҳатто, Султон Абулқосим Бобур Мирзо ҳазратлари бу хонадонга кўп бора ташриф буюрғонлар.

– Эслолайдурмен. Турк лафзи била битган байтимни тинглаган Лутфий жаноблари пешонамдан ўпгон эдилар.

Бир четда уларни зимдан кузатиб турган Самарқандий суҳбатга кўшилди.

– Яна назми баҳсму?

– Шундай, – дея жавоб қилди Жомий. – Наводон чашмаси навосозидин сўз борур.

– Жуда ажойиб, – дея Самарқандий дилидаги армонни қандай баён қилишни билолмай ўйланиб, сўнг сўзида давом этди. – Шояд ул дориломон кунлар қайтса-ю, бу хонадон яна маърифат ва назм гулшанига айланса.

– Яхши ният йўлдошимиз бўлғай.

Абдураззоқ Самарқандий ортига ярим ўгирилиб, остонада қимтинганча истиҳола қилиб турган йигитчани имо билан ёнига қақирди. Сўнгра Алишердан:

– Бу йигитчани танирсиз? – дея мамнун сўради.

– Боғбонимизнинг фарзандлари.

– Жуда яхши. Йигитчанинг исми Тўйчибой.

– Биз таниш, – деди Алишер яна ўша илк учрашувни, “Исмим Тўйчибой. Онамни айтишларича сизнинг суннат тўйингиз куни туғилган эканмен”, деган гапини эслаб мийиғида қулиб қўйди.

– Бу йигитча... – дея Самарқандий сўз бошлаган ҳам эдики, унинг ниятини уккандек:

– Сизга маъқулми, демоқчидурсиз? – деб сўради Алишер.

– Балли. Ўтинчимиз, Тўйчибой ёнингизда, ҳам биродар, ҳам кўмакчи бўлса...

– Эътирозимиз йўқ. Локин аввало Тўйчибекни мулозаматлиғдин фориғ этгайсиз.

– Йигитчанинг сизга ихлоси баланд.

– Фақирга бу масъулиятни юкламанг.

– Алишер, – деди Самарқандий ички бир меҳр билан. – Малол келса-да, айтай. Ҳамжихатлик аввало фитна-ю, касофат бухронидан қутқарур. Қолаверса, маҳаллага офият даркор. Авом фисқу фасодга эмас, қуй ва назмга муштоқ.

Абдураззоқ Самарқандийнинг Алишерни тақдирига астойдил қайғураётганидан Жомий хурсанд бўлди:

– Алишербекни гиналанманг. Бир бора куйган киши кулни четлаб ўтади. Тадбирингизга эътироз йўқ. Шундайми, Алишер.

Жомийнинг тасаллисидан Самарқандийнинг юз-кўзларида мамнунлик балкиди.

– Узр, – деди у истихоло оҳангда. – Алишербекка яхши бир ҳамроҳ, кўмакдош лозимлигини ўйлагандим.

– Мутлақо тўғри, – деди Жомий биродарининг фикрини маъқуллаб. – Рози бўлмай иложимиз қанча...

Жомий “Маъқулми?” дегандек Алишерга саволнамо қаради. Унинг нигоҳида: “Синашга бўлмаган билан сирдош бўлмоққа шошилманг!” таъкидини илғаган Алишер елка қисиб қўйди.

Қисматига бефарқ бўлмаган икки улуғ инсоннинг хайрихоҳлигидан Алишернинг кўнгли тоғдек кўтарилди. Индамай, мийиғида кулиб қўйди.

\* \* \*

“Куйи орифон” маҳалласининг чет, пастқам кўчаси бўйлаб, даванги ортидан кўркув, хавотирда, нима учун ва қаёққа кетаётганини билолмай бораётган йигитчани ички бир қизиқиш мавҳ этганди. Лой томларидан туртиниб чиққан ёғоқ тарновлар ғалати манзара касб этган.

Ҳафталик умри қолган ой дам булутлар ортига беркиниб, дам ўтмай яна кўриниб қоларди.

Кесакидаги, бесўнақай ёғочга палапартиш ўралган пилта-қора чирок хира ёритаётган дарвоза қаршида тўхтадилар. Даванги томоқ кириб йўталиб қўйди. Дарвозанинг темир зулфини шакирлатиб тақиллатди. “Бир тепса кулаб тушадиган эшикка кулф не ҳожат?!” кўнглидан ўтди йигитчанинг. Ниҳоят, дарвозани бир табақаси ғичирлаб очилди. Ғира-шира ёруғликда як-даханини мўй босган, важоҳатидан ит хурадиган барзангининг башараси кўринди. Йигитча сесканиб ортига тисарилди. Ортида девордек турган давангига урилиб кетди. Даванги бесўнақай ва бақувват қўлини елкасига ташлади.

– Юр!

Дўриллаган, қўпол муомалага бўйсунидан ўзга чораси қолмаганди.

Етти ёт бир бегона одамнинг, “Нуфузли бир зот эҳсон эвазига сен билан кўришмоқчи”, деган гапига учган, болаларча қизиқиш устунлик қилган ва келган жойи ярим вайрона кулба бўлиб чиқди. Тунги суҳбатдоши дўлвори қароқчидан олгани бир халта мис бўлиб чиқди. Йигитчанинг ҳафсаласини пир қилган нарса унга ўз уйида, ўз маҳалласида айғоқчилик қилиши тақлиф этилганди. Дағдагадан юраги кўркувда қолди. Гурбатхонадан тезроқ чиқиб кетиш хоҳишида дўлвори қароқчининг гап-сўзларига, сўровларига, талабларига “хўп”, “йўқ” ва “билмасам” дея лўнда жавоб билан чекланди. Фикри ёди бу азоблардан тезроқ қутилиш эди.

\* \* \*

Икки-уч кундан буён гарангсираб юрган, халоватини йўқотган Тўйчибойнинг юриш-туриши, ўзини ғалати тутиши Алишерни таажжубга, ҳам ташвишга солди. Бир куни ёнига ўтказиб, астойдил саволга тутди:

– Тўйчибек, мабодо бетоб эмасмусиз? Лабларингиз атрофида учуқлар ҳам пайдо бўлибдур? Сизни нима безовта қилур? Табиб чақирайлик.

Меҳрга йўғрилган муомала йигитчанинг андуҳ тўла кўнглини нурдек ёритиб юборди. Худди гуноҳкордек ўзини ўнғайсиз ҳис қилди. Кўз олдидан шоп мўйлов, бад-башара қиёфа нари кетмасди. Ҳасратини қандай айтишни билолмай Алишерга боқаркан, шуқухли нигоҳдан баттар талмовсиради.

– Айтинг, олдини олмасак, оқибати яхши бўлмас, – деди Алишер куйиниб.

Ўтинч билан айтилган бу иддао қилиб қўйган ишидан қаттиқ пушаймонда бўлган Тўйчибойга қаттиқ таъсир қилди, шекилли, ўрнидан шарт турди. Дарвоза

томон югуриб кетди. Тез орада қайтиб, Алишернинг олдига чиркин бўз халтани кўйди.

– Мана, сизга бўлган садоқатимнинг нархи. Сиз кўрғазган оқибатнинг баҳоси.

Алишер бўз халтачани боғичидан охиста тортди. Мис тангаларни кўриб, ажабланди.

– Бу нима?

– Оға... Алишер оға.

Кўнглидагини айтолмай, ич-ичида Худонинг зорини қилаётган йигитчани ёнига ўтказгач, Алишер босиклик билан сўради:

– Айтинг? Не гап?

Тўйчибой ўтирган ерида бир кимтинди:

– Гўл эканмен, мени кечиринг. Ўтинамен.

Эс хуши бутун йигитчанинг айб иш қилиб қўйган боладек турсаймай очилиши Алишерни хурсанд қилди:

– Ҳар не айбни ёрламоқликни чорасини бирга излайлик, – деди кескин оҳангда.

Ўзидан беш-ўн ёш катта йигитни мулоҳазали фикрларидан Тўйчибекнинг қулфи дили очилди. Ён-атрофига, дарвоза томонга хавотир билан қараб олгач:

– Алишер оға, мис тангачалик кадр йўқму?! – деди.

– Сабаб?! – дея сўради Алишер Тўйчибойнинг гапини тушунмай.

Тўйчибой уч кун аввал, тунда рўй берган воқеани, борган ерида бўлган гапларни ипидан ингасигача айта бошлади.

– Қувиб соласизми, жазолайсизми, ихтиёрингиз. Локин айтмасам бўлмас... – дея сўзини якунлаган, Тўйчибой оғир тин олди-да, Алишерга дадил юзланди.

Алишер Тўйчибойнинг енгил тортганини юз-кўзларидан сездди: “Қистамаганимда ҳеч нарсани айтмас эркан-да?! Кўнгиш гашлигидан халос бўлмоқлик осон кечмағай”.

Сукутга чўмган Алишернинг қаршисида ортиқча бир сўз айтишга истиҳолада бўлса-да, Тўйчибой сабри етмай, яна ёрилди:

– ...Неча ойки, саройда нуфузли лавозимдасиз. Феълингизда, муомалангизда заррача тамтароқлик, дабдаба кўрмадим. Сизга эътимодим янада ортди. Бу мудхиш воқеадан вақтида оғоҳ этмаганим учун мендин ранжидингиз. Буни кистовсиз айтмоғим даркор эрди.

Алишер йигитчага самимий нигоҳини тикди. Жавдираб боқаётган кўзларда гуноҳини жон билан ювишга тайёр банданинг ҳолатини кўрди.

– Сиз асло азият чекманг. Айтилган жойга боринг.

– Нелар деяпсиз, оға?

Тўйчибек Алишерга бақрайганча тикилиб қолди. Бир сўз айтишга шайланган лаблари бир-бирига ёпишиб қолгандек эди.

– Айғоқчилар ичинда айғоқчилик қилурсиз.

– Ўлим афзалроқ.

– Йўқса бу ҳийлаларга қандай жавоб қилурмиз? Қандайин фош этурмиз? Ўша кулбага қачон бормоғингиз лозим?

– Бугун жума, – деб жавоб қилди Тўйчибой ўйланиб. Алишернинг асл ниятига фаҳми етмай кўшимча қилди. – Яқшанба ёки душанба, ўртада турган киши дарак беради.

– Маъқул, – дея Алишер мулоҳазага чўмди.

– Мени хуфиялик йўлига чорлайдурсиз.

– Асло, бу фитнанинг тугунини бирга ечурмиз.

Тўйчибойда бироз жонланиш пайдо бўлди.

– Сиз учун ҳар қандай фитнага розимен.

– Бу гапни қўйинг. Эзгу тadbирни фитнага йўйманг. Йигитча ҳаяжонини яшира олмади.

– Айтинг, не қилмоғим даркор.

– Ҳеч.  
 – Тушунмадим.  
 – Ҳар иш ўз йўриги, ўз маромида кечгани маъқул. Бойқаро фақирга битган мактубдин нухса коралаб берурлар. Номани сизни сўровга тутган кишига етказурсиз. Шарти шу.

– Бажонидил.

“Бу дахмаза етмай турган эди. Қора чақага арзимайдиган эҳсон ўз йўлига. Не учун Алишер оғамни маломатга қўйишим керак?!” Тўйчибой оғир ўйга толди.

\* \* \*

Мўлжалдаги режа тўқис-туғал амалга ошиши Тўйчибойнинг хаёлига келмаган эди. Аввалига Тўйчибой келтирган мактубни хомак бир нарса деб ўйлаган Дўлвори – қароқчи хожасини қизиқтирадиган кўп нарсалар ҳақида сўраб суриштира бошлади. Тўйчибой сўровларга “ха, йўқ” жавоб қайтараркан, гап орасида ўз нарҳини опиргандек, Алишерга Бойқародан келган бу хатни зўрга қўлга киритганини айтди. Дўлвори саводсиз эса-да, ишни пухта қилишга одатланган. Шу боис унинг нони бутун эди. Бу сафар ҳам хуфиёна чақирилган бир муллабаччага хатни қайта-қайта ўқитганидан кейин ховлиқиб қолди. Муллабаччани уч-тўрт мис танга билан рози қилди. Уни бошлаб келган шотирига қаттиқ тикилиб:

– Чала эшонинг у ер-бу ерда гуллаб қўймаймими? – дея хавотир билан дағдаға қилди.

– Мактуб кимдан кимғалигини фаҳламадим-ку, у на ердин билсин, – деди у ўзини оқлаган бўлиб.

Дўлвори Тўйчибойга шубҳа билан, ўқрайиб қараркан:

– Ҳа-я, бу хатни Бойқаро ёзганини сен қасрдин билдинг? – дея сўради.

Тўйчибой унга Алишер қайта-қайта ўқтирган гапни айнан, киприк қокмай такрорлади:

– Оғам Бойқарони Шох Ғозий деб аташларига бир неча бор гувоҳ бўлганмен...

Дўлвори йигитни кўзига қаттиқ тикиларкан, унинг хотиржамлигидан ўйлашиб қолди:

– Шох Ғозий, – дея икки-уч бора такрорлади. – Қайси юртнинг шохи у? Ғазот қилувчим, жангарими?

Тўйчибой билмасам, дегандек елка учирди, сўнг истиҳола билан:

– Бу сафар яна мис танга билан сийламассиз? – деди.

Дўлвори кўнгли тўлиб, беихтиёр, хунук тиржайиб қўйди:

– Вазир жаноблари курук қўймаслар ахир?! – дея “гуллаб қўйган”идан пастки лабини қонагувдек тишлади. Тўйчибой унга бақрайиб қараб қолди:

– Қанақа вазир? – деб сўради.

Дўлвори қимтиниб, базўр тиржайди:

– Биз хожамазни шундай атаймиз, – дея ялтқокланди.

– Кейинги сафар шояд тилла тангалар билан сийласалар.

Бадбашара одамнинг қулгуси ҳам хунук бўлишинигига биринчи марта кўриши. Ички бир талвасада, Алишернинг йўриқларини эслаб, ўзини эмин тутишга уринди. Ортиқча савол-жавобга сира тоқати йўқ эди. Бу қасофатлардан тезроқ қутулиш истагида ёнарди.

Хароба қулбадан чикқач, рутубатли, бўғиқ хаводан қутулганидан, елкасидан тоғ ағдарилгандек ўзини енгил ҳис қилган Тўйчибой тоза ифдордан тўйиниб нафас олди. Тун қоронғисидан ҳайиққанча, шоша-пиша изига қайтди.

\* \* \*

Ҳаминқадар сарой “ҳаво”сидан нафас олиб улгурган Амир Аҳмадиёр ҳамон

девон махкамасининг<sup>9</sup> “сирли” расм-русумларидан беҳабар, уларга кунт қилишга лаёқати ҳам йўқ эди. Муаммоларни муҳокама, машварат йўли билан эмас зар, унинг қурби етмаса зўрлик ва тазйик, зулм билан ҳал қилишга одатланганди. Хусайн Бойқаронинг Алишерга ёзган “мактуб” ини қўлга қиритиб, илк ғалабанинг нашидасини туйди. Мактуб сарой сиёсатида амалга оширишни мўлжаллаган барча режаларни юзага чиқарадигандек эди.

Мабодо Хусайн Бойқаронинг Алишерга битган мактуби Султон Абусаид Мирзо илқиға тушиб қолган тақдирда вазиятга қараб, босиқлик билан иш қўришни маъкул қўрган эса-да, мавқеиға ва нуфузига нолайик равишда ҳовлиқиб қолганди. Хатни сарой оғаси орқали ҳукмдорга киритиб юборган кундан эътиборан зудлик билан мажлис чақириш пайиға тушиб қолди.

Бу орада Алишер ўртаға хуфия қўйиб, дўлвори қароқчининг қўйини пуч ёнғоққа тўлғазди. Амир Аҳмадиёрнинг ўтмишини муфассал билиб олган, бу хавфли одамнинг исканжасидан йироқ ва макридан эҳтиёткорроқ бўлишни яхши англаб етганди.

\* \* \*

“Бутун вужуди билан мансабға ружу қўйган, хушомад ва сохта мулозамат билан иззат-икромға эришишни қўзлаган нодон банданинг қалбини ҳасад ва хусумат гирдоби мавҳ этмоғи аниқ. Бу йўлда унга ғов бўлганлар ашаддий душманиға айланади. Ўзи эса ўч олиш қасдида ёнади. Оламға ўт ёққудек ваҳшатга тушади.

Доно эса, аксинча, нодон олдида маломатга қолғудек бўлса, иктидор ва матонатини асло йўқотмайди. Мушкул вазиятдан сабот ва вазминлик билан ҳалос бўлишга астойдил интилади”.

Машойихлар бу таъбирни қайсидир маънода, ўзини салтанат ҳазинасининг беками-қўстлиғи, авом дарду қайғусида жон қуйдираётган қўрсатқувчи, аслида ўз манфаатини ҳар нарсадан устун қўйғувчи Амир Аҳмадиёр қабилар шаъниға айтилгандек, гўё. БевоСИТА иззатгалаб вазирнинг даъвати ва қистови билан чақирилган машваратдан ягона мақсад – амиру беклар орасида ўз мавқеини яхшилаб олишни қўзлагани кейин маълум бўлди.

Фавқулодда машварат қақирилишидан бирор муддаони фахмлаб улгурмаган аъёнлар шох хузурида қойим бўлдилар.

Машварат одатдагидек салтанат ғазнаСИ, сарҳадлардағи тартибСИЗЛИКЛАР муҳокамасидан бошланиб, Бадахшондағи исён, Хусайн Байқаро туркман беклари мадади билан қатта қўшин тўплагани ҳақидағи хабарларға қўчди. Худди шу дақиқани сабрСИЗЛИК билан қутган Амир Аҳмадиёр дафина кашф этгандек давра ўртасиға вИКОР билан, отилиб қИКДИ:

– Он ҳазрат, муҳтарам аъёнлар! Салтанат офиятиға раҳна солаётган ғаламИС, фитначи ўз орамИзда, – дея зартўнининг баридан ипақ тасма билан ўроғлик мактубни олди. Уни тавозе билан ҳукмдорнинг қўлиға тутқазди.

Бундай даъводан машварат ҳам таажжубда, ҳам ҳайратда қолди. Султон Абусаид Мирзо тасмасини ечиб, мактубни очди. Хатта қўз югуртирди-да, сарой тамойилиға зИД, тахтдан терс туриб, Амир Аҳмадиёрнинг ёниға қелди. Қовоғини уйганча, қайтадан, хатта узок термИлди. Алишернинг рўпарасиға қелиб, гўё жиноят устида фош қилгандек:

– Алишербек! – деди қовоғини уйиб, баланд овозда.

Алишер жавоб беришға шошилмади. Ҳукмдорға эҳтиром билан жилмайди ва бошини маъсум эди. Кейин, қошини қериб, “манман”лик ва қИБР-ҳавода давраға мағрур боқиб турган Амир Аҳмадиёрға ер тағидан қараб қўйди. Унинг бу қИлиғи ҳукмдорнинг нафсониятиға теғди, шекилли:

– Сиздин умидимиз шул эрдими? – дея сўради у сирли оҳангда.

– Бу мактубдан беҳабармен, он ҳазрат, – дея ўта босИқ ва мулойимлик билан

<sup>9</sup> Девон – шохлар, қонларнинг давлат ишларини ютирувчи махкама.

жавоб килди Алишер. – Ижозат берсангиз...

Хукмдор мактубни зарда билан Алишерга узатди. Алишер хатни кўлига оларкан, эътиборини матнига эмас, унинг ўроғи, тасмасига қаратди:

– Номанинг на мухри бор, на нишони бор? – дея хатни Султон Абусаид Мирзога қайтариб берди.

Мактубни кўлга киритиш воқеаси ошкор бўлаёзганидан бош вазир ташвишланиб, Алишерга “еб кўйгудек” кўз тикди ва киноянамо сўз қотди:

– Яна қанақа мухр, қанақа нишон?

Ҳақлигини исботлаш учун Амир Аҳмадиёр ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан таъб тортмаслигини яхши билган аъёнлардан бири таъзим билан Султон Абусаид Мирзонинг рўпарасига келди:

– Аъло ҳазратлари...

– Амир Қамариддин... – деди ҳукмдор унга рўйхуш бермай. – Сўзланг.

– Вазир жанобларига саволимиз бор.

Амир Аҳмадиёр ички бир ҳайкиш билан, ўз холоскорига бокқандек ҳукмдорга қаради. Иккисининг нигоҳи тўқнашди. Амалдорнинг кўзларида фош бўлиш хавфи кучли эди. Буни сезган Султон Абусаид Мирзо вазирга ён босишнинг мавриди эмаслигини тушунди:

– Эътирозимиз йўқ, – деди бепарволик билан.

Амир Қамариддин бу илтифотдан дадилланди ва Амир Аҳмадиёрга томон ўтирилди:

– Номани ҳақиқатан Хусайн Бойқаро дастхат этгани, Алишерга йўлланганига бирор далолатингиз борму?

– Шоҳ Ғозий маъно англамасму? – деди овозини ғайритабиий баландлаб Амир Аҳмадиёр.

Амир Аҳмадиёр гўё янгилик кашф этгандек аввал ҳукмдорга, сўнг аъёнларга бир-бир боқаркан, бесаранжом, ола-кула қарашларга рўпара бўлди, ғалати аҳволга тушиб қолди. Дағдаға ва дўқ-пўписа билан иш битмаслигини англаб, турсайди. Алишерга ғалати қаради. Унинг кўзларидаги маъсумликдан баттар жиғибийрони чикди. Амир Аҳмадиёр ички алам билан Султон Абусаид Мирзога термилди. Бироқ ҳукмдорнинг диққат-назари амирга қаратилганини кўриб киёфаси тундлашди.

Султон Абусаид Мирзо Амир Аҳмадиёрга ҳадик билан тикилиб турган Амир Қамариддинга буйруқнамо:

– Амир Қамариддин, нега жимсиз? – деди.

– Мактуб кўлингизга қандай тушмиш? – деб сўради амир султоннинг тақаллумидан сергақланиб. – Бойқародан эканлигини на ердин билдингиз?

– Аъёнлар даврасинда Бойқарога нусратнишон Шоҳ Ғозий исми била мурожаат қилишлари сир эмас, – деди Амир Аҳмадиёр Тўйчибойнинг дўлвори йигитга айтган гапларини айнан такрорлаб.

– Бу икки ибора маънисини англамасиз? – дея сўради боёнлардан бири.

Бу сўровдан Алишернинг мийиғида қулиб қўйиши ҳукмдорнинг эътиборидан четда қолмади. Сездикки, дабирнинг биргина айби хужжатга бўлган безътибор муносабати ва ишонувчанлиги. Хусайн Мирзога мактуб ёзмоқликнинг ҳеч қандай беркик ва сирлиги йўқ.

– Мактуб? – деб савол берди уламолардан бири.

– Бу юмуш бизга ҳеч гап. Салтанат тинчлиги учун хуфиялар жон қойитса бас.

– Сизнингча, салтанат офияти учун ҳукмдорнинг ҳам изига хуфия кўймоқлиғ... – дея сўрамоқчи бўлган амирлардан бирининг гапи оғзида қолди.

– Шундай, – дея унинг оғзига қоқмоқчи бўлган Амир Аҳмадиёр ўз сирини ўзи фош қилиб қўйганини сезмади. Хатосини тушуниб, лабини тишлаб қолди. Ҳукмдорнинг феълени яхши билади. Ялтоқланишдан сира фойда йўқ.

Султон Абусаид Мирзо Алишернинг рўпарасига келди. Ғалати қараш қилди.

Унинг таъби хира бўлгани, аччиғи келаётганини кўзлари яққол намоён қилаётганди. Алишер билдики, ҳукмдор ҳақиқатни юзага чиқармоқ ниятида қаршисида тўхтади:

– Алишербек саройга келган илк кунданоқ Аҳмадиёр жаноблари қалтис ўйин бошлаганини англағон эрдим. Котибимиз ҳали ёш, анинг босган ҳар қадамидан воқиф бўлмоқлик бурчимиз.

Табиий, бу гапдан Алишер заррача ажабланмади. “Ўз осоийшини ўйлаган одам атрофидаги воқеа, ходисалардан огоҳ бўлмоғи лозим. Шу боис, ҳавфсизлиги учун нега гумон қилмаслиги, шубҳаланмаслиги керак”, қабилида бош вазирга қараб қўйди. Ҳукмдор уни ёқлаб сўзлаётганидан Амир Аҳмадиёр жуда мамнун, мағрур турарди.

Султон Абусаид Мирзо Алишернинг елкасига кафтини қўйди:

– Билурмиз, Бойқаро бирлан Алишер болалиқдан дўст. Мурғакликданоқ вужудга сингган собит оға-иниликни ким ҳам рад этур?

Алишер яна атайин Амир Аҳмадиёр томонга кўз кирини ташлаб қўйди. Аъёнларнинг индамай туришидан бироз асабийлашаётгани учаётган, уйилган ковокларидан сезилиб турарди.

– Айтингиз, – дея ҳукмдор Алишерга юзланди.

Алишернинг жавобсиз, индамай туришини гўё ҳукмдорга, аъёнларга нисбатан такаббурликка йўйган Амир Аҳмадиёр бетоқатлик билан корчалонлик қилди:

– Нега индамайсиз?! – деди у овозини бироз баландлаб. – Ҳусайн Бойқаро ҳар қадамда он ҳазратларига панд бергонини инкор этурмисиз?

Ўйламай-нетмай айтилган бу гапдан Султон Абусаид Мирзо оғир ахволда қолгани унинг кизарган ёноқлари аён қилиб қўйди. Лекин индамади. Аста бориб тахтга ўтирди.

Айрим аъёнлар бу ҳолатни бош вазирнинг Алишерга қарши уюштираётган фитналардан бири эканини фаҳмлаган эсалар-да, “оғир тошим, ғавғосиз бошим,” тарзида сукутни маъқул кўрдилар. Амир Аҳмадиёр режалаган иши хомлигини, хайрли яқун топмаслигини, Алишер шаънига айтилаётган ҳар қандай ноҳақ, каттик-қурум гаплари оқибат ўзининг бошига етишини ўйлаб, вазиятни чигаллаштирмасликни маъқул кўрди.

Бироқ сарой умароларининг “мум тишлаб” туришлари бош вазирни қуюшқонидан чиқараёзди:

– Котибимизнинг саройдаги пинҳона бузукликлари етмагандек, ўз ховлиларида ёшларни жамлаб, номақбул тадбир тузган. Бу мушоира деб аталмиш анжуманда, эътиборли аъёнларимиз фарзандлари, ҳатто шахзодаларнинг иштирок этаётганини қандай изохламоқ лозим?!

– Вазир жаноблари... – деди олдинги сафда турган, вазирнинг машварат ахлига беписандлик қилаётганидан оғринган ёши улуғ аъён овозини бироз кўтариб. – Набирамиз ҳар кун завқка тўлиб қайтурлар. Насимийдин, Лутфийдин, Умар Хайёмдин ашъор мутолаа қилмоқликдан завқланмоқдалар. Маърифатнинг нимаси бузғунчилик? Алишербек фиску фасоддан йироқ, саҳиҳ йигит. Бу бўҳтонга асло ишонмасмен.

– Бойқаронинг мактуби ҳам бўҳтонму?

– Назмга ошуфта кўнгиллар майлини мазҳабга йўюрсиз?! – дея саволга савол билан муомала қилди бояги аъён. – Мушоираларда Гавҳаршодбегимнинг иштироки ҳам бузғунликму?!

Қандай йўл тутишни билолмай, эсанкираёзган Амир Аҳмадиёр ҳукмдорга умидвор бокди. “Ўзинг кесган угра ошни ўргулиб ичасан, чайнамай ҳам ичасан!” дегандек, Султон Абусаид Мирзонинг пинагини бузмай ўтириши уни баттар ноқулай ахволга солиб қўйди. Аммо вазият торозини посангисини қўлдан бой бермасликка уринди.

Бош вазир номақбул “ўйин” бошлаганини фаҳмлаган ҳукмдор бир четда,

мубоҳасага аралашмай турган Аҳмад Ҳожибекка: “Холислик йўлини тутурсиз, демак сизда ҳам вазирга адоват бор”, дегандек, таъна аралаш, савол назарида қаради:

– Доруға жаноблари, мактуб хусусинда мулоҳазангиз не?

Аҳмад Ҳожибек мавзун қоматини ростлаб, олдга чикди. Қўли кўксида ҳукмдорга ярим таъзим қилди:

– Он ҳазрат, назаримда мактуб баёнида салтанатга хуруж, фитна нишонини илғамасмен. Бу икки шоир бир-бири битган ҳасби-ҳол, маснавий, холос.

– Икки шоир? Маснавий? – дея тушунмай сўради ҳукмдор.

– Хусайн Мирзо ҳам гўзал ашъорлар битур.

– Ашъор, – деди Амир Аҳмадиёр энсаси қотиб.

Аҳмад Ҳожибек давра ўртасида турган вазир ёнига бориб, унинг қўлидан хатни олди. Номага кўз югуртирди. Назмий мактуб унга маъқул келгани шундоқ, юз-кўзиларидан сезилди:

– Он ҳазрат, ижозатингиз била, мактубдан бир неча мисра иқтибос келтирсам, – деди мамнун оҳангда.

Султон Абусаид Мирзо доруғанинг бежиз ҳаяжонланмаётганини фаҳмлади:

– Маъқул кўрибсиз, марҳамат. Аҳмад Ҳожибек ажиб оҳангда байт ўқишга тутинди.

*Ҳақ нури била агарчи равшандур жамъ<sup>10</sup>,  
Хуришид бирла ва лекин тенг бўлмади шамъ.  
Ким, гадога шуқр шиш бўлгай гадоча,  
Шоҳга келгай малул, бўлса шуқурчи<sup>11</sup> самъ.<sup>12</sup>*

Амир Аҳмадиёр гўё дунёни кашф этгандек ҳовлиқиб қолди:

– Ана, сизларга не деб айтиб эрдим?! – дея у зеҳни қошифини намоиш қилгандек викор билан даврага юзланди. – Демак, шохимизнинг атрофидагилар хуфия экан-да.

Бу беандиша эътирофдан давра совуқ сукутга чўмди. Иқрори тасдиғини топмаган Амир Аҳмадиёр “Нега индамайсиз?” тарзида, пурмаъно мисралар таъсирида қолган аъёнларга таажжуб билан, кобоғини уйди. Аҳмад Ҳожибек ҳайратини яширмай, “Давом эттира берайми?” дегандек ҳукмдорга мулоийм боқди.

Султон кўзларини охишта юмиб очди ва “Бемалол” маъносида бош силкиб кўйди. Аҳмад Ҳожибек сездики, назм ҳукмдорга ҳам маъқул келган.

*Азми тахт авжсида надомат нечун, адлу  
Хирад бўлсин дастур шамширға ҳар дам.  
Дўстлиг зикрин айтурда бўлма мулзам,  
Али отида шер шишжоати мужжассам.*

– Офарин! – деб юборди аъёнлардан бири эҳтиросини тиёлмай узр сўраган киши бўлиб, ҳукмдорга тавозе билан, ер остидан қараб кўйди. Султон Абусаид Мирзони ҳам чехраси ёришганини кўрган аъён сўзида давом этди. – Хусайн Мирзо бундай нафис ғазал битмагидан беҳабар эканмиз.

– Кўнгли назмга мойил киши дилида асло ғубор бўлмас, – деди аъёнлардан яна бири. Аҳмад Ҳожибек ўқиган байтнинг охириги мисрасини такрорлади. – Али отида шер шишжоати бор. Бундан ортиқ муболаға бўлмас...

<sup>10</sup> Жамъ – барча, ҳамма, олам. (мажз.)

<sup>11</sup> Шуқурчи – подшоҳга соябон тутгучи.

<sup>12</sup> Самъ – қулоқ, гап пойловчи, тапгучи.

Алишер калбини тўлқинтирган рухоният, гурурни сездирмай, “Ҳозир талвасага тушса керак”, деган ҳаёлда Амир Аҳмадиёрга кўз кирини ташлади. Унинг кимтинибигина туришидан бир шумликни режалаганини пайқади. Ҳар ҳолда, амирнинг ҳар қандай тазйик ва макрига шай туриши лозимини англаб етди.

Алишернинг киноямиз нигоҳи бош вазирга қаратилганини кўрган, алланечук бир ҳолатда ундан кўз узолмай қолган Султон Абусаид Мирзо ошқора таҳсин айтишдан истехола қилди.

Аҳмад Ҳожибек охириги байтни ўқиди:

*Шоҳ Фозий, собитдурсен, измингда сомё  
Олам мулки, саждагоҳдек бўлғай мукаррам.*

Таажжуб, ҳам ҳайратда қолган машварат эътибори Амир Аҳмадиёрга қаратилди. Ҳазалнинг асл маъно-моҳиятини англамай ховлиқмалик қилганидан, талвасада қолгандан кўпчилик ажабланди. Охир-оқибат аччиқ алам гирдобида қолган вазирнинг ҳолати ваҷоҳатидан сезилиб турарди.

Султон Абусаид Мирзо узок вақт бир сўз айтмай, сукут сақлаши аёнларнинг тоқатини тоқ қилди, шекилли, улардан бири:

– Он ҳазрат, вазирнинг аъзамлиги не ерда қолмиш? Машварат мушоира эмас, ахир! Аъёнларни мазаҳ этмаклик бад ниятлик эмасму? – деди норози оҳангда.

Савол кимга қаратилганини кундек равшан эди. Сарой амалдорлари ажабсиниб бир-бирлари билан кўз уриштириб олганлардан сўнг, баравар Амир Аҳмадиёрга таассуф билан қарадилар. Алишер “ваҷоҳатидан фил кўркгувли” бош вазирни келбат гавдаси залолатдан энқайиб қолганини аниқ пайқади.

“Киши манзарига қараб баҳо бермоқлик душвор. Анинг фазлу ҳам андуҳи мардумида акс этур. Идрок ақлни истисно этмас, локин, ақлу идрок ҳис-туйғуни итоатда тутадур. Идрок ва ақл мутаносиб вужудда мажруҳлик бўлмас”. Шуларни кўнглидан ўтказаркан, Алишер ўзида алланечук руҳий тетиқлик сезди.

Султон Абусаид Мирзо вазирга таассуф билан бир қараб қўйди-да, Аҳмад Ҳожибекка “Давом этинг!” дегандек имо қилди.

Аҳмад Ҳожибек вазмин ва босиқлик билан:

– Он ҳазрат, мард киши ориятли бўлур. Мушоҳадасиз тадбир қўллама, – деди.

– Шундай, ақл ва мардлик кишилиқ зийнатдир, – деди ҳукмдор унинг сўзларини тасдиқлади.

– Киши ортидан иш кўрмоқлик мунофиқлик.

– Албатта, – деди Султон Абусаид Мирзо маъқул оҳангда.

– Номадаги мана бу муаммоли иқтибос фақирни ҳам фикратга ундади.

– Айтинг! – дея изн берди ҳукмдор салобатли овозда.

– Он ҳазрат, Алишербек фикр кашшофлиги бирлан барчани лол қолдирмиш. Алалхусус, ғазалда теран тафаккур бор. Кўнглида ҳадик бўлғон кимсада шижоат бўлмас. Билакс, бойлиги беҳисоб киши хотиржам яшаймен деб ўйлайдур. Локин умри таҳликада, хавотирда қолғай. Зар, витор ўткинчи, майл эрканин ул гумроҳ англарму? Дунёга ҳирс қўйган банда ботиний даҳшат, жаҳолатда қолғай. Макруҳ ҳаёл нопоклик бирла киши ўзгалардан устун бўла олмас. Ҳирс не учун? Наҳот оқибати кашшоклик ва бахтсизликка малул бўлишини англамас. Хусуматга яширинган худбинлик аксар кулфат келтирмайдиму? Таассуфки, бу мисраларга муболағани идрок этмаклик ҳаммага ҳам насиб этмас, – деди доруға куйиниб...

Вақтида ва ўрнига қўйиб айтилган баъмани бу гапдан Амир Аҳмадиёр ер чизиб қолди. Қалтис вазиятдан қандай кутулишни билолмай боши гангиди. Дили кабоҳатга тўлган гумроҳ жирканчликдан қайтмаслиги афт-ангори ошқор қиларди:

– Он ҳазрат, бу не беиболиғки, хузурингизда ваъзғўйлик қилмоққа кимнинг ҳадди сиғур?!

Вазир гап кўтаролмай, аччиғ қилишини тушуниб:

– Ҳақиқат аччиқ, амир, тан олмокни ҳам билмок керак. Қолаверса, гап сизнинг шаънингизга айтилгани йўқ. Нечун асабийлашурсиз?! – деди босиклик билан. Сўнг, Алишерга маъноли қараш қилди. – Котибга ҳам айтар сўзимиз, ёшсиз, шижоатга қуюшқон тор келиши табиий. Баъзида, кўнгилнинг ганжу устурлобига таяниб, ўзгалар мулоҳазасидан ногўғри хулоса чиқаришни оқибати яхши бўлмас?! – деди ҳукмдор.

Алишер шу лаҳзада ўзини ортикча эҳтиросга берилганини сизди. Аъёнларга иштибоҳ билан боқди. Истеҳзоли нигоҳларда хайрихоҳлик мужассам. Суянадиган кими бор?! У ёлғизланиб қолганидан эмас, кўнглида адолат-инсоф тантанасига бўлган иштиёқ ўти сўнаёзганидан ўксинди. Тақдирнинг ҳукми аниқ, ижро муқаррар. Нега бош вазирнинг бу кирдикорларини фош қилишдан хайикадилар. Томоғида туриб қолган аллақандай аччиқ нарса нафас олишини қийинлаштирди. Алишер бўғиқ овозда:

– Султоним, агар, – дея сўзлашга изн сўради.

– Мухтасар, – деди ҳукмдор совуккина.

Алишер тугилган муштира томок кириб йўталиб қўйди, сўнг байт ўкиди:

*Кўнгил маҳзани жавҳари фардду,<sup>13</sup> инжу эмас,  
Мунийри олмос ул, на шамшир, на кетмон чопмас.*

Давранинг у ер-бу ерида ўзининг шаънига янграган мақтовлардан Алишернинг кайфияти бироз кўтарилгандек бўлди. Аммо ашаддий рақибига айланиб ултурган кимсанинг таъқибли нигоҳидан қочиб, қутила олмаётганидан кўнгли ғаш эди. “Кетмон чопмас” иборасини Амир Аҳмадиёрга ўзича таъсир қилганини Алишердан ўзга ҳеч ким пайкамади. Унинг хиёл титраётган чандикли бўртиқ чаккалари, ғазабдан қонга тўлган қахрли кўзлари танг ахволда қолганидан далолат берарди.

Ҳақиқатдан Алишернинг ҳиссиёти панд бермаган эди. Бош вазир “Кетмон чопмас” ибораси билан нимага шама қилинаётгани фаҳмига борганди. Айни чоғда, яккама-якка бўлганда, Алишерна қиймалаб ташлагувдек важоҳатда, қиличининг дастасини сиқимлаб олганди. “Кетмон чопмас ғорини қайдин билади? Балки хазина ҳақида ҳам хабардор. Назм била шунга киноя қиладур”, деган хавотир ичини итдек тирнарди.

Алишер нигоҳини ундан узиб, Аҳмад Ҳожибекнинг сўзларига хотиржам кулок тутди:

– Алишербек бу иддаога назмий нуқта билан жавоб қилди чамамда, он ҳазрат.

Ҳақиқат ниши нуктасига теккан, ғулгула довулини кучайтиргандан кучайтирган эди: “Энг ишончли хуфиялар беҳабар Бирикампир хазинаси ҳақида қаердан биладур?”

Амир Аҳмадиёр ўтмишини ағдар-гўнтар қилмокчи бўлган йигитни кўпчилик олдида изза қилишга ўтди:

– Алишербек, он ҳазратларига йўқ хазинадан ривоят сўзлайдурмисиз?

Хазина калимасидан, Амир Аҳмадиёрдан хазина, жой номларини эшитган Султон Абусаид Мирзо ҳайрон бўлиб, қуюқ кошларини чимирди.

– Яна қандай хазина, Амир? Абдуллатиф Мирзони бадном қилгон қабихликлар ҳақида сўз очилди, чоғи?

Аксига олиб, ҳукмдор Алишер четда қолиб, унга дағдаға қилишидан мулзам бўлди. Ўз сирини ўзи очиб қўяёзгандек саросимада қолди.

Аввалига Алишерга ишонқирамаган Султон Абусаид Мирзо унинг иқтидорига бир қарра тан берди:

<sup>13</sup> Жавҳари фард – ягона, асл мавжудлик.

– Байтдаги атама мурассаъми<sup>14</sup> ё ҳақиқат? – дея сўради мамнун оҳангда.

– Он ҳазрат. Онги мажруҳ кишига тош ҳам дур бўлиб кўринур. Илло, кўнгили маҳзани бўлмиш тафаккур ва қалам мисли бир олмас, қилич билан чопиб бўлмас.

– Муалло! – деб юборди Аҳмад Ҳожибек донг қотиб. – Демак, ҳазина, Кетмон чопмас ғори кимнингдир жон аччиги, сафсата бўлиб чиқди, шекилли.

– Фақирни маъзур тутинг, он ҳазрат, – деди Алишер узрли оҳангда.

Алишер Амир Аҳмадиёрга бир қарамок ниятидан қайтди. Қасос ўтида ёнаётган кўзлар билан тўқнаш бўлишни истамади.

Ўз навбатида рақибининг бокишидан мақсадини тезда англаб олгучи, бу борада ҳатто шайтонга дарс бергучи бош вазир Алишернинг унга кўз тикишини кутарди. Қаҳрли нигоҳ ноумид қолди.

У ички бир ҳадик билан кутган ибора айтилди:

– Ялангоёқнинг ҳадиги янток.

Даврада мамнун эътирофлар янграй бошлади:

– Он ҳазрат, тан бермак лозимки, Алишербек тафаккурда беназир.

Яна уч-тўрт боён бу фикрга ҳамъаҳдлигини изҳор этди.

– Тан олинг, вазир жаноблари, киши кимхоб кийғони, мансаб отиға мингани била ўзлигини онглай ололмаслиги залолатдир.

Аҳмад Ҳожибекнинг ички ўкинч, дард билан айтган бу гапига Амир Аҳмадиёр ўч олишга шай кўзларни яширишдан бўлак имкон тополмай қолди.

Алишер рақобатда енгилган ғаламиснинг хунук киёфасини Амир Аҳмадиёрнинг башарасида кўрди. Борки сири фош бўлаёзган бош вазирнинг боши эгик эди. Аммо бу вақтинчалик чекиниш эди, холос.

Жазавага тушган, кўзи конга тўлган Амир Аҳмадиёр жон талвасасида барча хуфияларини киши билмас қиличдан ўтказди.

Хайриятки, Алишер ўз вақтида Тўйчибойни иниси Дарवेशалига битилган мактуб етказиш баҳонасида Балхга жўнатиб улгурди. Бир фалокатнинг олди олинди.

\* \* \*

Қинғир қилғиликлари фош бўлишидан хавфсираган одам одатда ҳаловатини йўқотиб, бир муддат эл назаридан четда, кўзга кўринмаслик ҳаракатида бўлиши лозим. Бироқ салтанат барқарорлиги, юрт равнақидан кўра, ўз манфаатини устун кўювчи Амир Аҳмадиёр аксинча йўл тутди. Тўйчибойнинг изига тушган қотил – айғоқчилар бирор ишнинг улдасидан чиқа олмай, Ҳиротга қайтдилар. Амир Аҳмадиёр ўз ўтмишига алоқадор барча бой-боёнларни йўқотиш пайига тушди.

Бир ўзи бўлса ҳам майли, мол-мулки билан дом-дараксиз йўқолаётган аъёнлар ҳақидаги шов-шувлар авом орасида турли норозиликларга сабаб бўлди. Ғалаёнлар нафаси Ҳиротга ҳам етиб келди. Вақтида барҳам берилмаган маразликлар фасод олди.

Бу сирли қотилликлар бутун Бадахшонда Султон Абусаид Мирзога қарши исёнга айланди. Зиндонда ётгани етмагандек Балх ҳукмдори Лаълий Бадахшонийнинг яширин тарзда қатл этилиши ёнаётган олов устига мой сепиш билан баробар бўлди.

Салтанат хазинасини бойитиш рағбатида юрт қайғусидан, ҳаром-ҳаришдан ҳам тафт тортмай, имон-инсофни фаркига бормаи тадбир кўраётган Амир Аҳмадиёрнинг андишасизлигини Султон Абусаид Мирзо кўриб билиб турса-да, “Итнинг бошига ит етади” қабилада иш тутди. Бироқ хирс ва нафснинг тубан ва разил йўлига кирган ҳукмдор охир-оқибат хийла, фириб ва алдов туфайли таназзулга юз тутиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмас эди. Ўзи билмаган ҳолда инон-ихтиёрини бош вазир изнига топшириб қўйганди. Натижада Аҳмад Ҳожибек ва Алишер ҳақидаги бўлмағур фисқ-фасодларга чиппа-чин ишона бошлаган, улар ҳукмдорнинг кўзига тобора ёмон кўринарди.

<sup>14</sup> Мурассаъ – шеър мисрадаги сўзларнинг бир-бирига мос ва оҳангдош бўлиб келиши.

\*\*\*

Оламнинг ёзилмаган қонуниятлари борки, ҳар мавжудот: хоҳ табиат, хоҳ воқелик-ҳодисот бўлсин ўз фаслий мезонига эга. Табиат фасллар мезони билан белгилангани каби ҳар *саланат* баҳори, ёзи, кузи ва киши бўлиши бор гап. Султон Абу Саид Мирзо ҳукмронлиги ҳам кузнинг ҳазонрез ҳукмига тобе, ўз кишига юз тутмоқда эди. Шимолдан Журжон билан чегара ҳудудларида туркман улусининг султони – Султон Санжар лашкари, Балхда эса шоҳ ва шоир Лаълий Бадахшонийнинг ўлдирилиши сабаб авж олган ўч ва қасос исёни доруссалтанга ҳам жиддий таҳдид сола бошлади. Бир неча йилги дарбадарликдан сўнг катта қўшин тўплаб, ўзини тиклаб олган Ҳусайн Мирзонинг Сабзавор, Машҳад ва Нишопур қалъаларига аёвсиз ҳамла қилиши Султон Абусаид Мирзони бесаранжом қилиб қўйди.

Таназул иллизини беку амирларнинг халққа ўтказаятган зулмидан, уларнинг бошбошдоклигидан эмас, аксинча, теурийзода шахзодалар ўртасидаги низолардан, васий амирлар кўмагида уюштирилаётган фитналардан изларди.

Алланечук локайд, чуқур ўйга толганча ўтирган Султон Абусаид Мирзо жонини жабборга бериб, ўзиникини маъқуллашга уринаётган вазирнинг:

– Мухтарам Аҳмад Ҳожибек бу фитналардан йироқ деб ўйлайсизму, он ҳазрат? – дейишидан қутилмаганда сергак тортиди. Жон-жаҳди билан тахдан туриб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди:

– Бас! Аҳмад Ҳожибек аёнларимиз сараси, салтанатимиз устун. Ани ғийбат палахмонига балогаardon қилманг. Қолаберса, Аҳмад Ҳожибек садакатига асло шубҳа йўқ. Буни зеҳни, шамшири била исбот этган. Эътиқоди бекиёс... – дея ўшқирди амирга. – Эл кўнгил хушлиғни унутиб, рўзгори мискин бўлишини истайдурсан, – деди ҳукмдор овозини бир поғона баланглаб.

Саволомуз айтилган бу гапга қандай жавоб қилишни билолмай қолган Амир Аҳмадиёр каловлади:

– Мушоира никобидаги сиёсий машварат, – деди иккиланиб. – Сиз таърифлаган, Султон Абулқосим Бобур Мирзо мактабининг нафаси сезилур.

– Пок инсонлар шаънини булғамоқдин бошқа ташвишинг йўқму? – дея жаҳл билан сўради ҳукмдор.

– Салтанатга хавф солаётган ғанимлар саройда бемалол юришларидан ташвишдамен, он ҳазрат, – деди амир ғайритабиий тилёғламалик билан.

– Қандай хавф? – ажабланиб сўради ҳукмдор, “энг катта ўғри ўзингсен”, демоқчи бўлди, лекин индамади.

– Теурийзода шахзодаларни тарбияти билан Навоий машғуллиги салтанатга хавф солмасму? Гавҳаршодбегим бу муассасага васий. Девонаи васвас Абдуллатифнинг жунулиғи воқеасини рад этурмусиз?

Саволлар селида қолган Султон Абусаид Мирзо Амир томон кескин ўтирилди:

– Бўлак жўяли гапинг йўқму?

– Фикримда собитмен, – деди катъий оҳангда бош вазир ҳукмдорнинг дилидаги кўзларидан укиб.

– Мирзо Абдураззоқ ва Мирзо Аҳмад иккиси ёш эса-да тийрак, ҳам зийрак. Бобоси Султон Улуғбек Мирзо каби эл-улус аларга кўп меҳр кўргазур, – деди ҳукмдор ҳавас ва алланечук надомат билан.

– Фалокатим арисин десангиз, захри қотилдан зудлик билан қутулмоқ лозим эмасму?

Амир Аҳмадиёр нимага шама қилаётганини аввалига тушунмаган ҳукмдорнинг авзои бирдан ўзгариб, кўзлари қинидан чиқаёзгудек ўқрайди. Ваҷоҳат билан ўрнидан кўзгалди ва жаҳлини идора эта олмай:

– Мальун!!! – дея вазирга ўдағайлади.

Қутилмаганда Султон Абусаид Мирзонинг афту ангори даҳшатли тус олди.

Каловланиб қолган Амир Аҳмадиёр ортига бир-икки кадам чекинди.

– Нелар деясан, малъун?! – дея Султон Абусаид Мирзо амирнинг думини қисганча эгасига ялтоқланаётган ит каби орқага тисарилганидан баттар жунбушга келди. – Ориятинг борму? Қай юз билан котилликка ундайсен?

Амир Аҳмадиёр хукмдорнинг кайф тарок, димоғи чоғлигидан фойдаланиб, анчадан бери тинчлик бермаётган, ҳатто кандай амалга оширишни пишитиб қўйган режаси ҳақида маслаҳат солиб, бунчалик балога қоламан, деб ўйламаганди.

Амир вазиятни юмшатиш ниятида хукмдорга тавозе қилишдан ўзга чора қолмаганини сезди:

– Асло, он ҳазрат, сизнинг ҳаловатингиз...

– Ҳаловат учун хешларимга хунрезлик қилишим керакму?!

Хукмдорнинг гапи оғзида қолиб, кўзлари қислиб, сузила бошлади. Хожасининг асаби дош беролмай, сўз оҳангида сустлашиб, бу борада қатъий бир фикри йўқлигини пайкагани вазири аъзам бироз дадиллашди:

– Он ҳазрат, бу ишда иштирокингиз махфий қолур... Барчасини хуфия сипоҳларим хамирдан қил суғургандек бажарурлар. Агар сизга гард юкса, шахидликка мингдан минг розиман.

– Яна ғаламисликка бошлайдур, бадбахт.

Султон Абусаид Мирзонинг ҳардамхаёл, лоқайд бир ахволдалигидан фойдаланиб қолишга уринаётган Амир Аҳмадиёр хожаси ҳовурдан тушганини сезган итдек тахтравон пойида ястаниб олди. Унинг бу қилигидан энсаси қотган хукмдор қўл силтаб:

– Гумроҳга саткаи сўз, – дея ғудуллаб сўкинди.

Бу сўкинишни “Билганингни қил!” тарзида қабул қилган Амир Аҳмадиёр:

– Хожасининг пойида гумроҳ гумашта садоқатига шубҳангиз борму?.. – дея мамнун тиржайди.

Султон Абусаид Мирзо на “ха” ва на “йўқ” деб жавоб қилди...

\*\*\*

Шикор баҳонасида қалъа ташқарисига чиққан шахзодалар – Султон Улуғбек Мирзонинг набиралари (Абдуллатиф Мирзонинг фарзандлари) – Маҳмуд Мирзо, Мирзо Абдураззоқ ва Муҳаммад Мирзолар дайди камон ўқидан вафот этганлиги ҳақидаги хабар наинки Гавҳаршодбегим қалбини, бутун Ҳиротни ларзага солди. Маликаниннг жонсиз набиралари ёнида ҳолсиз йиқилиши тўпланган оломоннинг юрак-юрагини титратиб юборди:

– Темурийзодаларда не айб?!

...Қалъа дарвозасининг бостирмаси ва ташқариси норози халойиқ билан тўлди. Кимдир қўлларини кўкка чўзганча: “Оллоҳим, бундан ортиқ қабохатлик бўлурму?!” дея надомат чекса, кимдир дуога қўл очиб, “Шахидларни жаннатингдин бебахра этмагайсен, Худойим!” дея яратганга илтижо қиларди.

Халқ сафини ёриб ўтган, ёши улуғроқ, бообруё кишилардан бири руҳан кунпаяқун маликаниннг қаршисида тиз чўкди:

– Маликаи покдоман, сизга нима бўлди? Сув келтиринг, – дея у саф олдида турганлардан бирига мурожаат қилди. – Шахзодаларнинг гуноҳи не, эй, Оллоҳим?!

– Ҳа, Мирзо Абдураззоқ навқирон эса-да бобоси каби есирлар, бечораларнинг бошини силагувчи эрди, – деди сафда турганлардан бири.

– Ўзини хумоюн билган шох наҳот, ўлаксахўр бўлса?!

– Бу тасодиф эмас...

– Худди шундай. Бу Султон Абусаиднинг иши...

Ортикча гап-сўзлар кўпаётганидан хавотирланган сипоҳий миришаблар оломонни тарқатишга киришишди. Аммо бу ўтга қора мой сепишдек гап эди. Авом яна жунбушга келди. Томларда воқеани кузатиб турганларнинг тошбўронига

учрашидан хайикқан миршаблар қиличларини ғилофларига яширишга мажбур бўлдилар.

Бу орада мурдалар ўн чоғли киши келтирилган оддий тахтиравонларга ётқизирилиб, бошлар узра кўтарилди.

- Он ҳазратларининг қароргоҳи, Боғи Сафидга борурмиз.
- Шоҳимиз мард бўлсалар, қотилларни бизга рўбарў қилсинлар.
- Кўз олдимизда қатли ом эълон қилсинлар.

Ғала-ғовурдан бироз ўзига келган, аммо қарахт Гавҳаршодбегим ўрнидан туришга ҳаракат қилди. Яқинроғида турган икки жория маликага кўмакка шошилишди. Қўлтиқларидан туган жорияларга суянганча қаддини бироз тиклаб олган малика ҳолсиз, беихтиёр авомга эргашди.

\* \* \*

...Уч шахзоданинг фожиали ўлими ҳиротликлар учун зулму ситам, қабоҳату бедодликка қарши туғён ва исёнга айланишини ҳеч ким қутмаганди. Дийдаси тўлган авом жаллоддан жон сўраш учун бораётганини ҳали билмасди.

Халойикни ўқлар узишга шай камонлар билан қуролланган сипоҳлар сафи қарши олди.

Гавҳаршодбегим нафрат ва қасос оташида, дадиллик билан оломон олдига чиқди:

– Йўлимизни тўсмангиз. Бор ҳақиқатни билмоқ истаймен...

– Маликаи покдоман. Шайтонга ҳайф беринг. Бизни маломатга қўйманг. Ўтинамен, он ҳазратларининг вазоҳатлари яна бир фалокатга сабаб бўлмасин, – деди хоснавар бош эгиб, ортиқча монелик кўрсатолмай.

Унинг сазъи ҳаракати, ўтиниш ва уринишлари зое кетди. Гавҳаршодбегим подшоҳ кўшки томон йўналди. Ҳукмдор маликани бечораҳол, қарахт бир аҳволда қарши олди:

– Маликаи покдоман...

– Бас, – аёлнинг аламли фарёди кўшқ пештоқидага акс-садо берди, сарой ларзага келгандек бўлди. – Сизга тожу тахт эмас, қуроқ лойиқ кўринаду.

Гавҳаршодбегимни бундай, киёфаси бузуқ ҳолатда кўрган ҳукмдорнинг нафаси ичига тушиб кетганди. Амир Аҳмадиёр ички бир кўркувда остона томон тисарилди. Қош қўйман деб кўз чиқариб қўйган амирни бир аҳволда кўрган ҳукмдорнинг хаёлидан: “Туяни шамол учирса, такани осмонда кўр!” деган нақл ўтди. Унга лабини қимтиб, қаҳр аралаш истехзо билан ўқрайди.

Айни шу вақтда маликанинг қўлида мабодо ханжар бўлиб қолганида не ҳол юз беришини сезган ҳукмдорни ички титроқ қамраб олди. Ишонган химоячиси бир ҳамладаёқ четга чиққанидан ҳафсаласи пир бўлган Султон Абусаид Мирзо маликаи доруссалтананинг оёқлари остида тиз чўкишга мажбур бўлди:

– Бибибегим, бу англашмовчилик, шахзодалар тасодифан...

– Аввалги мардик, шижоатингиз қани?! Мен кўрғазган тараххум, оқибатнинг самараси қани? Мен туфайли Самарқанд тахтига эга чиқдингиз. Абулқосим Бобур Мирзо вафотидан сўнг не умидлар турган Ҳирий дарвозаларини очиб берғонимни унутдингизми? Марҳаматларим меваси шулми?! Гўдақларда не қасдингиз бор эди?!

Маликаи покдоманининг бу дашномлари Султон Абусаид Мирзонинг суяк-суягидан ўтиб кетди. Жон-жаҳд билан ўрнидан туриб, заргўнининг укасидан тутиб, зарда билан этагини силтаган бўлди:

– Шахзодалар салтанатга хавф солғон ғаламисларга аралашиб қолгонлар, – деди у бироз дадиллашиб.

– Аё фалак! Наҳот, қотилликка бу бир баҳона бўлса, – деди Гавҳаршодбегим ўртгани. – Шунчалик фаросатсиз, тундхў бўлурму, киши? Набираларимнинг айби маърифатга интиланганими?! Назмга иштиёқмандлигимми?!

Аҳмад Ҳожибекни фитначи деганларнинг ўзи фосик! Имонли, виждонли ва садокатли амирингиз шаънига игво қилаётганларнинг оғзига нега ура олмайсиз?! Навқирон Алишербекнинг салтанат равнакини йўлидаги ўйларини бузғунчиликка йўйсангиз! Астағируллоҳ!

Гавҳаршодбегим Амир Аҳмадиёр томон кескин ўғирилди ва ўқрайиб қаради. Яна ҳукмдорга юзланди:

– Салтанат устунларига чирмовикдек чирмашиб олган чақир тиканакни илдири билан қўпориб ташламасдан, парвариш қилган, бошингизга бало ортирган ўзингиз эмасму?! – У такрор бош вазирга кўзларини ўкдек қадаб олгач, сўзида давом этди. – Салтанат ғазнасига чипор илондек ястанган, элнинг қонини зулукдек сўраётган, чақир игналари билан элни қон қақшатаётган мана шу, иблис эмасму?..

Гавҳаршодбегим бир он нафасини ростлаб олгач, бир ҳукмдорга, бир вазирга ачиниш ва афсус билан термилди:

– Хуросон элининг қаро қуни мана шу нажас-маразга қолган эса, дунёнинг пайтавасига ўт тушсин!

Умри бино бўлиб, айнан аёл кишидан бундай, аччиқ ҳақоратни эшитмаган Амир Аҳмадиёрнинг кўзи қонга тўлди. Ханжарининг тилла дастасидан қандай тутганини, уни кинидан чиқарганини фаҳмлолмайдиган ҳолатда, кўнглига ранж етказган кишисига ташланди.

\* \* \*

Устози, юз ёшни қоралаган, қувватдан қолган Лутфийни йўқлаб қайтаётган Алишер Хиёбон кўчасида “Боғи Сафид” томон оқиб бораётган оломонни кўриб ажабланди. Одамлар сафига етиб олгач, узук-юлук гаплардан саройда фожиа содир бўлганидан хабар топди. Дўсти Султон Али билан хайрлашмай ўша томон шошилди. Ихтиёридин қалъаси атрофида тумонат оломонни, саноксиз хоснаварларни кўрган Алишернинг қадам босиши сусталашди. Юракдаги ғулғулалари хаёллар кучайгандан кучайди.

Султон Абусаид Мирзо хосхонаси остонасида туғ ва қилич билан қуролланган хоснаварлар Алишернинг йўлини тўсдилар:

– Мирзо, назмингиз ошифтасидурмиз. Маслаҳат, он ҳазрат ҳузурига кирмаганингиз маъқул.

– Англамадим?!

– Жонингизга жабр қилурсиз.

– Жабборлиқдин жабр қосади тўлғон бандамен!

“Нега огоҳлантирадур. Жабр деғонда нега ишора қиладур? Ҳар на бўлганда сабабини билмасам, кўнглим тинчимас”.

– Гавҳаршодбегим фожиаи Хуросон тарихида қора доғ бўлиб қолур!

Алишер эшик оғасига каловланиб қаради:

– Қандай фожиа хусусида айтурсиз?

– Наҳотки беҳабарсиз?

– Недин хабардор бўлишим лозим?

– Гавҳаршодбегим ҳоконимиз ҳузуридалар...

– Гавҳаршодбегим...

– Султон Улуғбек Мирзонинг набираи аржумандлари шикорда шахид топмишлар...

– Нималар деясиз? Қайси набиралари?

– Султон Абдулатиф Мирзонинг уч новрасидаси...

Анчайин уринишлари натижасида мунтазам, тартибли “назмул-адабгоҳ”<sup>15</sup> айланган давра кўрки бўлган Маҳмуд Мирзо, Мирзо Абдураззоқ ва Муҳаммад Мирзонинг чехраси Алишерни кўз олдида жонланди. Кўнглида исёндек ўт олиб,

<sup>15</sup> Назмул-адабгоҳ – шеърият – мушора омилида яхши ҳулқ, тарбия берувчи мактаб.

ташқарига вулкон каби отила-ёзган фиғону фироқни аранг тийди:

– А-а-а-а?! – Алишер ўзини идора этолмади. Эшик оғаси соқчиларнинг қаршилигига қарамай ичкарига отилди.

Султон Абусаид Мирзо тунд, қарахт, бошини чангаллаган ҳолда чўкка ўтирарди. Хосхона ўртасида, Сароймулкхоним вафотидан сўнг Маликаи покдоман нисбасини олган, қомил теурийзодаларни тарбиялаб, вояга етказган, покидунё аёл қонга беланиб ётарди.

Алишернинг вужуди дахшатдан титраб кетди. Саргардонлик, дарбадарликда неча-неча бедодлик ва жаҳолатнинг гувоҳи бўлган, аммо, бу мудҳиш ваҳшийликдан у тамоман эсанкираб қолганди. Қаловланиб ортига тисарилди. Елкалари узра, ғалати, хирилдоқ нафас эпкисини сезиб, ортига кескин ўгирилди. Чилтон кўзлари кинидан чиқаёзган, боқиши қабоҳатли Амир Аҳмадиёр Алишерни рўпарасига келди. Кафтида сиқимлаган, қон сизаётган ханжарни унинг кўлига тутқазмоқчи бўлганида йигит ўзни четга олди.

– Алишербек тақдири ажал! – Тахқиқли нигоҳ ва овоздан Алишерни эси оғаёзди. – Ҳа, оломонни тинчлантирмоқ сизу бизнинг бурчимиз, вазифамиз...

Қарахт бир ҳолатда қолган Алишер илтижо билан, ночор аҳволдаги ҳукмдорга бақрайганча термилиб қолди:

– Он-он-он ҳазра!.. – дея бир сўз айта олмади. Нафаси ичига тушиб кетди.

Султон Абусаид Мирзо ҳамон кафтлари билан бошини чангаллаган кўйи, ваҳшатда, тавба-тавба-тазарру қилиб ўтирарди. Алишернинг ўкинчли иддаоси оқибатсиз қолди. “Қотил ким? Он ҳазратму? Нега тазарруга берилган? Ё Амир Аҳмадиёрму?”

У вазираининг қаҳрли ва совуқ нигоҳи уни таъқиб остида қолганди...

Алишер худқушлик содир бўлган масканни тезроқ тарк этиш ниятида эшик томон чекинди. Унинг сўзсиз ташқарига йўл олиши Амир Аҳмадиёрни саросимага солди.

– Ҳой, ким бор? – дея жон жаҳолатда бақирди ва Алишерга ўқрайиб, унинг йўлини тўсди.

– Ўрни келганда ҳақиқатни яшира билмоқ лозим.

Остонада хоснавқарлардан бири пайдо бўлди. У маликаниннг мурдаси устида бир ҳолатда букчайиб қолган ҳукмдорга, кўзи мурдага туши-ю, вужуди титраб, ранги оқариб кетди. Орқага тисарилган ерида ортидан кириб келган шеригига урилиб баттар эсанкираб қолди. Ҳамроҳига ҳайқалдек тикилди.

– Алишербекни хибсга олинг...

Амир Аҳмадиёрнинг важоҳатли овозидан сергак тортган, олдинроқда турган, тийрақ эшик соқчиси дам юз тубан ўтирган Султон Абусаид Мирзога, дам Амир Аҳмадиёрга ички ҳадик билан нигоҳ ташлади. Вазираининг кимхоб тўнида, ханжар тутган кўлида сачраган қон изларини кўриб, хушини йўкотаёзди. Амирининг ифлослигини билар, аммо бундай қабоҳатга боради, деб сира хаёлига келтирмаганди.

– Бажаринг! – дея бўғиқ овозда бақирди бош вазир.

– Бас-с... – аммо унинг фосиқ овози Султон Абусаид Мирзонинг мунгли ва титроқли даъвати таъсирида йўқликка сингиб кетди.

Ҳукмдор шахт билан ўрнидан туриб, Амир Аҳмадиёрга хезланди:

– Ба-с-а-а-сс! Йиғиштир, масҳарабозликни! Инсоф-диёнат деган нарса борму сенда ўзи? – деди ўкинч аралаш. Алишерга надомат билан, мулзам бир аҳволда қараб қўйди.

– Алишербекни тинч қўй!

Сипоҳлар олдида нафсонияти поймол қилингани учун эмас, балки борки айбни Алишернинг гарданига юқлаб, бир ўқ билан икки нишонни мўлжаллаган Амир Аҳмадиёр режаси барбод бўлганидан талвасага тушиб қолганди. У алланечук ички ҳадик билан Алишерга ялт қараб қўйди.

Хукмдорнинг ғазабдан қонга тўлган кўзларидаги қахрдан мияси гангиб қолган Амир Аҳмадиёр: “Наҳот! Алишер қолиб, мени зиндонбандга тикмаса гўрга эди” деган хавотирда подшоҳга ер остидан термилди.

Кўз ўнгида, яна хосхонасида рўй берган дахшатли қотилликнинг моҳиятини англаб улгуролмаган Султон Абусаид Мирзо эшик оғасига маънос бокди ва титраётган бармоқлари билан ўликка имо-ишора қилди. Унинг ниятини уққан зийракрок эшик соқчиларидан бири мурдани гиламга ўрашга тутинди. Ваҳимада дағ-дағ калтираётгани юзларидан сезилиб турган иккинчи сипоҳ ҳамроҳига қўл учида кўмаклаша бошлади. Сўнг жориялар кузатувида хосхонани тарк этдилар.

Ҳамон ички ғалаён, аламли исён изтиробида ташқарига йўналган Алишернинг йўлига Амир Аҳмадиёр кўндаланг бўлди:

– Ҳеч нарса кўрмадингиз. Йўқса... – дея шивирлади.

Сарой оғаси кўмагида қаддини ростлаётган хукмдор Алишернинг йўлига ғов бўлган амирнинг қабих ниятини унинг киёфасидан пайқаб:

– Яна не гап, лаффоз?!<sup>16</sup> – дея нафрат билан ўшқирди.

– Ҳақорат не чун, ҳазратим? – деди амир ялтоқланиб.

– Тилингни тий баттол!

Сарой ҳарамида хос канизи<sup>17</sup> бўлган онаси – Маъсума бегимга маслакдош, вафотидан сўнг энг азиз кишисига айланган маликанинг ўлиги устидан чиққанига ўзини гуноҳкордек ҳис қилаётган Алишерга надомат билан боқаркан, Султон Абусаид Мирзо ўқинч билан гап бошлади:

– Алишербек, бу маразга, – дея хукмдор Амир Аҳмадиёрга бир ғайри нигоҳ ташлаб олгач, сўзида давом этди: – Бу маразга ишонч йўқ. Зудлик билан Ҳожибек жанобларни топинг. Дафн маросими маликамик мақом ва даражотларига лойик бўлмағи лозим...

Котиллик кўз ўнгида юз бермаган эса-да вужудини чулғаб олган совуқ ҳисдан титраётган Алишер кўлини кўксига қўйиб, жавобсиз бош силкиди. “Бу мараз” ибораси бош дабир тасаввурига ойдинлик киритгандек бўлди. Амир Аҳмадиёрга нафрат билан қараб қўйди. Хукмдорнинг котилга очикдан-очик шавкат кўрсатишидан таажжубда қолган Алишернинг дили ғашланди. Саволларига ечим тополмаслигидан, кўлидан ҳеч иш келмаслигидан изтиробда қийналарди, холос...

...Ташқарида воқеа тафсилотини илҳақлик билан кутаётган сарой аъёнлари, авом Алишерна ўраб олди. У мўлт-мўлт бокаётган кўзларга тик қарашга ботина олмас, берилаётган саволларга нима деб жавоб қилишни билмас эди. Даврани ёриб ўтиб, ёнига келган Аҳмад Ҳожибекнинг елкасига бошини қўйди ва унсиз йиғлаб юборди. У кўркув ёки айрилиқдан эмас, залолатнинг тантана қилганидан, алам билан ич-ичидан йиғларди...

Сипоҳлари билан етиб келган Давлатшоҳ Алишерна қўлтиғига кириб, уни Ғавҳаршодбегим боғ кўшиги томон кетаётганлар изидан етаклади:

– Ўзингизни қўлга олинг, Алишер.

– Наҳот Оллоҳдан кўркмайдилар... – деди Алишер ўпкаси тўлиб.

Ёнига пайдо бўлган шаҳар ҳокими кафтини Алишернинг елкасига қўйиб, унга далда берган бўлди:

– Раҳм-шавкат, марҳаматдан йироқ киши Оллоҳни ҳам танимайдур.

– Маликамик фақирга она ўринда онадек эрдилар. Кўп меҳр кўргузур эрдилар...

– Бу дунёда гуноҳкорга умиддин кўра ваҳму ташлика кўпроқ хавф солур. Бадкирдорга эса кайсарлик ва ўжарликка кўпроқ таслимдир.

Алишер Аҳмад Ҳожибекнинг елкасига қўйган бошини аста кўтариб, унга ғарибона термилди. Саройда кўрган ваҳшатликларга айтишга чоғланди-ю, лекин индамади.

Йиғитнинг кўзларида акс этган кўнгил нотинчлигини иллаган сергак доруғанинг

<sup>16</sup> Лаффоз – маҳмадона.

<sup>17</sup> Хос каниз – сарой ҳарамининг мудираси.

дилидаги ўй-ю хаёли тилига кўчди:

– Алишер иним, ота ховлингизни маълум вақт тарк этмоғингиз, Жомий жаноблари хонақоҳидан паноҳ топмоғингиз маъқул кўринадур.

– Факирни ҳам шу муаммо қийнайду, тақсир, – деди Алишер синиқ овозда.

– Балли, ўзгаларнинг бахтсизлигини ўзига шиор қилиб олган фикри бузуклардан ҳайқомқ зарур, – деди Аҳмад Ҳожибек куйинчақлик билан. – Майли қалдирғоч ва қабутар тоқчалари бир муддат бойқушга ошени бўлсин. Бирок, обод маскан золимнинг зулмидан асло вайронага айланмағай...

\* \* \*

Жанозанинг эртаси кuni тонгда Султон Абусаид Мирзо, Аҳмад Ҳожибек ва сарой уламолари ҳамроҳлигида Гавҳаршодбегим мадрасаси ёнида иншоот этилган мақбара зиёратига келишди.<sup>18</sup>

Набиралари билан ёнма-ён дафн қилинган малика руҳига қуръон тиловат қилинди...

Амир Аҳмадиёрнинг ҳеч қандай воқеа рўй бермаганидек, ҳукмдорнинг атрофида гирдиқапалак бўлиши кўпчиликнинг ғзабини кўзғади. Бу ҳол Алишерни нафсониятига теғди. “Киши шу даражада безбетлиг, ориятсиз бўлурму?” деган ўй кўнглидан ўтди.

Аркини давлатнинг Ихтиёридин аркидан сипоҳсиз чиқиши хирийликлар орасида турли гап-сўзларга сабаб бўлди.

Алишерни ўзларига яқин олиб: “Шаҳзодалар бахтсиз тасодиф қурбониларму?” “Жудоликка чидай олмаган маликаминг ўз кўксиларига ўзлари ханжар урганлари ростму?” дея сўровчиларнинг ҳақли саволлари жавобсиз қолди.

## ИХРОЖ

*Ғаме етти чархи жавопешадин,  
Ҳамул анжуми хориж андешадин –  
Ки, бўлмоқ ватан ичра душвор эди,  
Кўнгулга жало дафъи озор эди.  
Сафар тушти оллимга беихтиёр,  
Қазо амрида элга не ихтиёр.*

**Алишер Навоий,  
“Ҳазойин ул-маоний”. Маснавий.  
Сайид Ҳасан Ардашер номига  
битилган муншаотдан.**

Билмон, не жарима бирла Султон Абусаид Мирзо (Алишербек)ни Ҳирийдан ихрож қилди.

**Захириддин Мухаммад Бобур,  
“Бобурнома” дан.**

Ҳаттотлик сабоғи билан машғул Кўркибойнинг хуснихатига зимдан разм солган кўйи Алишер алланечук ўсмирлик дамларини, Хусайн Бойқаро Мирзо ва теурийзодалар бирга, Султон Абулқосим Бобур Мирзо мактабида меҳрибон, ҳамда зукко муаллимидан таълим-тарбия олган пайтларини эслади. У баъзи ота-бобоси мактаб кўрмаган етимваччаларга ўхшаб бедодлик кўйида саргардон

<sup>18</sup> Амир Теурунинг ўғли Султон Шохрух Мирзонинг покрой завжаси – билимдон ва маслаҳаттўй Ғаҳаршодбегимнинг қабри Машҳад шаҳрида, Имом Ризо мажмуасида жойлашганлиги ҳақида маълумотлар бор.

бўлмади. Қайсидир маънода саройдаги билим маскани болаликнинг бу ғамидан уни озод қилди.

Алишер алланечук энтикиб, оғир хўрсинди. Кўз ўнгига ёруғ дунёдан жуда эрта кўз юмган волидаси – Маъсума бегимнинг мунийр чехраси, пойтахтдан йироққа, Сабзаворга ҳоким мартабасида жўнаган отаси – Амир Ғиёсиддин Баҳодирхоннинг кабарик кўкракли, микти гавдаси намоён бўлди. Шу онда нима учундир Аҳмад Ҳожибекнинг: “Алишер иним, ота ҳовлингизни маълум вақт тарк этмоғингиз, Жомий жаноблари хонақоҳидан паноҳ топмоғингиз маъқул кўринадур. Таассуф, бу кун қалдирғоч ва қабутар тоқчалари бойқушларга ошён. Бироқ зolim зулмидан обод маскан тамом вайронага айланиб қолмас...” деган даъватини эслади ва чуқур ўйга толди.

“Доруға жаноблари бу гап билан нега *шама* қилмоқчи бўлурлар. Ахир, ўз уйига сиғмаган киши оқибат ватанига ҳам сиғмаслиги омийга ҳам кундек равшан-ку... Бу не синоатким, коинотда илохий бир нукта<sup>19</sup> оқибатул-амрдан<sup>20</sup> аввал зоҳири важъ аён айлагай. Ул сабабдин мен ҳақ таолонинг *омжиз* хитоби бўлмакка муносиб кўрилсам. Бу нукта ватандин ҳайдалишимдин дарак бермиш...”

Алишер учун ватандан ҳайдалиш она меҳр-муҳаббати ва шавқатини энди-энди хис қила бошлаган мурғаб қалбнинг гўдаклик шууридан мосиво бўлиши билан баробар эди.

Аммо Оллоҳ таълим олмоқ марҳаматни ҳам унга кўп кўрди. Абулқосим Бобур Мирзонинг вафотидан сўнг пойтахт яна қирғинборот, парокандалик гирдобиди қолади.

Темурийзодалар ўртасидаги юзага келган кескин ихтилофлардан хавотирга тушган ота ўғли Алишерни ҳузурига келтириш учун хос навқари Пахлавон Муҳаммадни Машҳадга<sup>2</sup> жўнатади. Бироқ Амир Ғиёсиддин Баҳодирхоннинг Савзвор қалъаси ҳимояси вақтида вафот этгани ҳақидаги хабар Пахлавон Муҳаммадни саросимага солди. Маълум вақт Алишернинг ёнида, Саййид Ҳасан Ардашер ҳовлисида паноҳ топишга мажбур бўлди...

Шу лаҳзада Алишер идрокида Саййид Ҳасан Ардашернинг: “Сафар қилмаган ором фароғатин қайдан билсун ва ғурбат чекмаган ватанда ком рафоҳиятин не навъ<sup>2</sup> маълум қилсун...” деган сўзлари инъикоси топди.

Ота ўрнида унга ота, ҳам устоз бўлган инсон хонадонида Алишер анча вақтгача азиз нарсасини йўқотган каби, янги муҳитга кўника олмай, ётсиниб юрди.

Бир куни боғдаги кўшқда мутолаа билан банд бўлган, ширакайф Ардашер эринган кўйи Алишердан ички хонадаги жавондан Фариддин Атторнинг “Манतिकут-тайр” асарини олиб чиқиб беришини сўради. Муаллиф исмини, китоб номини эшитган Алишернинг кўзлари ҳайратдан нурланди.

Китоб баҳона Алишер билан ҳар ким билан мунозара-мубоҳаса қилавермайдиган, зоҳири улум – тасаввуф таҳсили билан машғул Сиййид Ҳасан Ардашер ўртасида устоз-шогирлик риштаси боғланди...

Болалик кечинмалари, саргардонликларини хаёл кўзгусидан бир-бир ўтказаркан, Алишер Гавҳаршодбегим ва темурий шахзодаларнинг ваҳишён улдирилишига қиёсан унинг тақдири ҳам кимлар учун сомон чўпичалик кадрсиз эканини тушуниб етди.

“Гўдак фақат ота-она меҳри билан кишилик саодатига муяссар бўлур. Хеш-ақрабо, авому аён бу меҳрнинг, бахтнинг ўрнини боса олмас. Қийр<sup>21</sup> қоплаган толе мисли очилмас, каро бахт. Бундай кабоҳатли қалбни эзгулик, илм нури равшан

<sup>19</sup> Нукта – сир-ҳикмат.

<sup>20</sup> Оқибатул-амр – натижа, воқеа ёки ҳодисанинг келиб чиқиш моҳияти.

<sup>21</sup> Тарихдан маълум-ки, Султон Абулқосим Бобур Мирзо Машҳад зиёрати вақтида вафот этган. Подшоҳ вафотидан аввал Султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишернинг тарбиясига Саййид Ҳасан Ардашерни маъсул деб топган.

этомлас экан, анинг чораси тиг. Йўқса, бунинг оқибати ғалаён!”

Алишер беихтиёр Ардашернинг: “Булар қабоҳатликлари ё билмас ва ё билиб назарга илмас”, деган гапни эслади. Қаршисида Амир Аҳмадиёрни жирканч қиёфаси гавдаланди.

– Қабоҳатнинг оқибати исён, – дея овозини баландлаб юборганини сезмай қолди.

Алишер унга тикилган кўйи сўз қотишидан ажабланган Кўрқибой:

– Оға, мен ҳуснихат қилаётган, мутолаеси мушқул бу китобдаги, қабоҳат ҳақидаги ҳикоят тафсилотидан огоҳмусиз? – дея сўради.

Алишер хаёлотга берилганини сезиб, сергак тортди:

– У ҳолда бунинг англашни истамаганларни жазолаш лозим...

Йигитчанинг бу гапидан Алишер китобга тикилганча ўйланиб қолди.

Хаёли фаромуш бир ҳолатда ўтирган Алишерга хайрон боқаётган болақайни беғубор нигоҳида “Ножўй гап айтиб қўйдимми?” деган ўй мужассам эди:

– Нотўғри айтдимми? – деди истиҳола билан.

– Ҳақиқат, айни ҳақиқатни айтдингиз, иним...

Шундай дея Алишернинг ўрнидан шарт туриб, шошилишча ташқарига йўл олганидан хайрон бўлган Кўрқибойнинг:

– Қаёққа кетяпсиз, Алишер оға? – деган сўрови жавобсиз қолди.

\* \* \*

“Қотилнинг ихлоссиз тавба-тазарруйи маликамиз, шаҳид шахзодалар турбатини кошқи нурга тўлдира олса. Рухий азоб дахмаси шунчалик енгилму?! Хукмдорнинг тахти пойида юз берган қотиллик наҳот оқибатсиз қолса? Қиёматда жавоби не бўлғай?!”

Ихтиёридин қалъаси дарвозаси остонасидан шахт билан ҳатларкан, Алишер дилига туғиб қўйган гапларни Султон Абусаид Мирзога шартга-шартга айтишга астойдил жазм қилди.

Унинг бу шаштидан на эшик оғаси, на хоснаварлар қайтара оларди.

Хукмдорнинг хос хонаси бўсағасида эшик оғасини кутишдан ўзга чораси йўқлигини англаб:

– Эшик оғаси қаердалар? – дея сўради навкардан оғриниб. Барвастандан келган, мўйлабли навкар ғулдураб:

– Он ҳазрат хузурдалар, – дея жавоб қилди.

Алишер бўшашиб, боғ тарафга қараган, ойнаванд равон ёнига келди. “Ораста осойишталик, гуллар очилган, кушлар сайрайду. Ўрда ташқарисида бечоралар гурбатда фарёд чекадурлар. Юрт пароканда, беклар хаддидан ошган”. Нигоҳни оҳанрабодек тортувчи бу гўзаллик, нима учундир, дилини ғашлантирди.

– Мавлоно, келинг.

Эшик оғасининг ёқмили товушидан сергакланиб, у томонга ўтирилган Алишер:

– Он ҳазратнинг офтобваш чехраларини кўришга мужтожмен, – деди ҳазин овозда.

Алишернинг сўзларида илинждан кўра, изтироб ва туғён кучли эканини пайкаган эшик оғаси бир зум ўйланиб турди-да:

– Мавриди эмас деб ўйлайдурмен, – деди.

– Нечун?... Айтар сўзимиз муҳим...

Алишердаги қатъийлик ва журъатни туйган эшик оғаси унга монелик фойдасиз эканини тушунди. Соқчиларга кўз билан имо-ишора қилди.

Икки табақали, катта нақшин, улкан эшикнинг бир табақаси оғир очилди.

Хукмдор Алишерни кайфиятсиз, совуқ қарши олди:

– Буюринг, Алишербек!

Бу кесатиқ Алишерга оғир ботди ва айтмоқчи бўлган гапни унутаёзди.

– Он ҳазрат, маъзур тутгайсиз. Саройдин кетмоқчимен.  
– Сабаб?  
– Фоний дунёда бадиятдин<sup>22</sup> ўзга машғулотим қолмади, чоғи.  
– Саройдан кетмоққа бу ваз бўлмас! – деди кескин оҳангда ҳукмдор.  
– Ҳақир фонийликдин ўзга нени ихтиёр этсин, жаноб! – деди Алишер ички дард билан.

– Не учун ҳақир бўлурсиз, Алишер? – деди ҳукмдор куйинчак оҳангда ва тахтдан тушиб унинг ёнига келди. Удумга зид, унинг елкасидан кучди.

Бундай эҳтиромни кутмаган Алишернинг дийдаси кипригига инди:

– Саройда баъзи кимларнинг кўзига ниш бўлмай, назардан йироқда бўлмоқлик мақбулмикин, он ҳазрат?

Алишернинг иддаосидаги ўқинч ва аламзадаликни сезган ҳукмдор гап жўясини фаҳмлади. Ҳаёлидан бир ой аввалги мудҳиш воқеа ўтди. Энди унутилаёзган гуноҳкорлик ҳисси яна қалбини ўртай бошлади. Бироқ Алишернинг қаршисида мунофиқлик қила олмас эди:

– Агар бу фалокатга мени балоғардон билсангиз, хато ўйлайдурсиз, Алишер!  
– деди ҳукмдор алам билан. Баландланган сўз оҳангги бирдан мулоим тортди.  
– Ҳа, давлатимиз ғазнасида бало-қазодек ястанган илоннинг асл мақсадидан беҳабар қолибмиз. Аммо бу газандани бағримиздан юлқиб ташлаш нақадр мушкул эканлигини билсангиз эди, Алишер. Саройда сиздек фазилатни сирдош топганимдан бошим кўкка етганди. Шоирлик нафосатига йўғрилган ашъору бадихангиз, мадҳингизга илҳақмиз.

Бу гапдан алланечук, нафсонияти камситилганини туйган Алишер:

– Шоирлик нафосати, бадиха? – деди таажжуб билан.

– Ҳа. Авом орасида гўё бадихагўйлик бирла рўзгор қилаётган аҳли ниёз қайда-ю, маҳоратга тенгсиз сарир шуаро<sup>23</sup> қайда?!

– Наҳот аҳли шуарода тафовут бўлса, он ҳазрат?!

– Бор. Асли илҳом санъати ҳиссий қувватни кўзғайдур. Киши табиатида қайғу ва хуррамлик пайдо қилур. Улуғ кишилар қайфияти яхши бўлиши, олами, салтанатни тартибга солмоғи учун шоирул-калом ани мадҳ этмоғи лозим.

– Маддоҳликни жинимиз суймайди, – деди ҳозиржавоблик билан Алишер.

– Ана, бадихагўйлик. Файзли, фариштали йигитсиз, Алишер. Сиз эмас, бошқалар сизни макташлари даркор, – деди ҳукмдор мулоим жилмайиб.

– Он ҳазрат, малоллигим келмасин. Фақирда бир оғиз амрингиздан бўлак эҳтиёж йўқ. Девон маъсулиятини топширишимга фармон беринг, – деди Алишер ўтиниби.

– Эҳтиёж? – дея хайрон бўлиб сўради ҳукмдор.

– Карамингизга ношукрлик қилмай.

– Алишербек, сизга асло қудуратимиз йўқ. Локин, айтай. Ўзга шоирлардан озгина тафовутингиз бор.

– Қандай? – ажабланиб сўради Алишер.

– Ижодкор сиёсатдан йироқ бўлмоғи лозим.

– Он ҳазрат, маъзур тутгайсиз, сизнингча сиёсат нима?

– Ўринли савол, – деди Султон Абу Саид, юзида енгил табассум пайдо бўлиб. –

Ҳукмдор *ижтимоъидаги* фуқаронинг итоатда ва интизомдаги ҳуқуқини сақлаш, лозим пайтда жазолаш ва қўркувда тутиш тадбири айни сиёсат.

– Локин мана шу тамойилга амал қилмаган ҳукмдорни қандайин мадҳ этмоқ мумкин?

– Алишербек, ҳузуримизда ҳадингизни билингиз, – деди Султон Абусаид Мирзо қошларини чимириб. – Сизга марҳаматимиз чексиз.

Ҳукмдорнинг гапидан сохта мулозаматни фаҳмлаган Алишер:

<sup>22</sup> Бадият – янги, гўзал ижод.

<sup>23</sup> Сарир шуаро – сарой, салтанат шоирлари.

– Он ҳазрат. Тангри таоло шоирул-каломни авомнинг тили ва дили қилиб яратмиш. Эл шод бўлса, астойдил қувонғай, азият чекса, изтиробда ёнғай. Локин, бадхулқликни латиф либос бирла яшириб бўлмас. Ноқис кишиларини улуғлаш маддоҳ шоирлар касбидур. Биз бундин мутлақо йироқмиз, – дея кўнглидагини очик айтди.

– Машваратда шоиркалом, назм била ҳукмдорлар шаънига сўз айтмоқлик маддоҳлиғ бўлмас, бадихадур. Латиф ашъорлар покиза табиатли кишилар тилидан тушмағай. Алалхусус, салтанат, ҳукмдорнинг шаъну шавкати тарих саҳифаларида бокий қолур. Шоир учун подшоҳлар ҳузурда бадиҳа ўқимокликдин бўлак шараф бўлмаса керак. Бадиҳа билан ҳукмдорнинг кўнгли шод бўлур, шоир эса мақсадиға етишгай.

– Нафсига ўт тушган шоирдан ашъори нафис кутмоқ мушқул, лек фақир учун асл назм аҳли афзалрок.

– Алишербек, назми каломда сиз билан баҳслашмоқлик мушқул.

– Он ҳазрат, фақир учун иззу жоҳу, изза рутба истиғно.<sup>24</sup>

– Кимнинг аввало тилидан, сўнг илқидан ҳар мўъминға омонлик этса, ҳақиқий мусулмон ўшадир, – деди у танбеҳнамо.

– Айни тамойил ҳам шу, – деди Алишер қатъий.

– Нечук, саройимиз кўрки бўлган шоирлар иқтидорини рад этурсиз?

– Фирдавсий ҳазратлари каби маломатга қолмоқни истамасмен.

– Бизни Ғазнавийға киёсладингиз?

– Асло. Салтанат эзгулик нур сочғуви бир маъводир. Анинг юзини қора булут пардаси буркаб олмасин.

– Алалхусус саройдан кетишингизға асосли ваз йўқ.

– Саройдан кетишимнинг...

Алишернинг гапи оғзида қолди. Унинг жавобини охиригача эшитмай терс ўтирилган кўйи Султон Абусаид Мирзо тахтдан терс турди:

– Алишербек, рухингиз покиза, тафаккурингиз кенг, таъбингиз латиф, кўнглингиз беғубор, зехнингиз ўткир. Таърифимиз бисёр... Илло, турли фанлар маъзига етғувчи зукко йигитсиз. Сизни ўзимиздин йироқлаштириш ниятимиз йўқ. Салтанатимизда қойим бўлишингизни уқтирдик, холос, – деди.

– Олампадох, Амир Темур ҳазратларининг камоли маърифату фарзандлари, набира-ю эвараларига эхтиромим баланд. Илло *иътидолсизлик*<sup>25</sup> кишини, салтанатни таназзулга рўбарў қиладур.

Қутилмаганда, жаҳл билан тахтға қайта ўтирган ҳукмдор қатъий ва нописандлик билан:

– Саховат ва марҳаматни офати миннатдир, – деди энсаси қотиб.

Алишер қатъятни йўқотмай байт билан жавоб қилди:

– “Ким ҳукмронлиғ айласа даъво, чин эмас гар фидо қилур жонлар”.

– Салтанатимизға бадғумонлиғ майлида битилган бадиҳангизми, бу?! – деди ҳукмдор баттар энсаси қотиб.

– Узр, онҳазрат, кўнгилга пайкондек санчган маънилар дури ийҳомнинг завқини рад этиш мушқул, – деди Алишер хиёл жилмайиб.

– Мошойхлар тўғри айтурлар. Киши бошиға ҳар бало, анинг тилидин келур.

Сўз оханги Алишерға “Онча ниятларингдан умидингни уз!” тарзида эшитилди.

Ҳукмдорининг қарсагидан сўнг эшик оғир очилиб, эшик оғаси кириб келди:

– Амрингизға мунтазиммен, – деди эшик оғаси тавозе билан.

– Алишербек билан мулоқотимиз поёниға етди, – деди ҳукмдор, уни кузатиб кўйинг, маъносида.

Султон Абусаид Мирзонинг бундай совуқ муомаласидан Алишер астойдил ранжиди, бироқ сир бой бермади. У сарой таомилиға кўра ҳукмдорға таъзим

<sup>24</sup> Иззу жоҳ, иззу рутба истиғно – фақир иззат ва мартабаға эхтиёж сезмас.

<sup>25</sup> Иътидол – ҳис-туйғу, бу ўринда қаҳри қаттиқлик.

қилиши лозим бўлса-да, ўзгача йўриқ тутди. Эшик оғасининг таклифини кутмай, ҳеч қандай мулозаматсиз ташқарига йўналди.

Арқ дарвозасига етганида ортидан эшик оғаси ҳовлиқиб етиб келди:

– Бу муаззам ошёндин ҳеч бир банда ноумид кетмаслиги лозимдур. Тухфани қабул қилгайсиз.

– Қандай тухфа?

Эшик оғаси зарҳамённи Алишерга узатаркан:

– Бари олтин, – дея шивирлади.

Алишер заҳарханда, мийиғида кулиб қўйди:

– Демак, поймол бўлган гурурнинг камомади бу. Во ажаб, инсон қадр-қиммати наҳот зару зеб билан ўлчанса?!

– Ундай деманг Алишербек. Олинг.

Алишер хаёлига бир фикр келди чоғи, ҳамённи олиб, белбоғига кистирди, сўнг:

– Шоҳларни ранжитмоқлик гуноҳ, – деди.

\* \* \*

– Алишербекнинг иқтидорига тан бермоқ лозим, он ҳазрат. Айтишларича, Ҳазрати Хизрнинг муборак руҳлари анга йўлдош эмиш. Йўкса, ёш йигитнинг бунча уқубатларга дош бермоғи мушкул...

– Ҳазрати Хизр дейсанми? – дея сўради Султон Абусаид Мирзо энсаси қотиб.

Алишернинг ўрнига вақтинча дабирлик лавозимига тайинлаган, ўрта ёшлардаги, босиқ ва вазмин, чехрасидан фазл ёғилиб турган Мирхонднинг<sup>26</sup> сўзлари ҳукмдорни ўйлантириб қўйди:

– Алишербекнинг саройдан кетишига монелик қилмай, хато қилибмиз-да?! – дея ҳазилнамо сўради ҳукмдор бироз ҳовуридан тушиб.

– *Астағфируллоҳ*, он ҳазрат. Тириклик булоғидан баҳраманд бўлиб, абадийликка молик пайғамбарнинг руҳи ҳақи. Хожа Убайдуллоҳ ҳазратлари Абулқосим Бобур кўшкига ташриф буюрганларида Хусайн Мирзога сохибқиронайн дея таъриф берганлар. Алишербекнинг пешонасидан ўпиб: “Илло, қалбингиздан маъво топган Ҳазрати Хизрнинг руҳонияти сизни асло тарк этмагай, ўғлим”, дея илтифот кўрсатганлари ҳамон мурғак тасаввуримга муҳрланган, он ҳазрат.

Берилиб сўзлаётганидан Мирхондга алланечук ички бир ихлос, иштибоҳ билан боқаркан, Султон Абусаид Мирзонинг хаёлидан: “Ардашернинг тарбиятини олган бу йигитни Девонга тайинлаб хато қилмадимми? Инчинун, зехни, тафаккури баланд. Ўз йўриғимизга солмоғимиз муқаррар” деган фикр ўтди. Сўнгра хазин овозда:

– Ҳа, Алишербек салтанатимиз таянчи бўлади, дегон умидда эрдик. Ани ҳузуримизда олиб қола билмадик. – деди ҳукмдор ўйчан. – Анинг тақдиридан ташвишдамен. Ҳиротда қолмоғи хавфли. Оқибатидан кўрқадурмен.

– Оллоҳ асрагай, – деди аранг Мирхонд ўзи эшитувдек товушда истиғфор келтирди.

– Пиримизга руқъа<sup>27</sup> битиб, паноҳларига олмоқларини ўтинсакмикин? – деди ҳукмдор ўйчан. Мирхонддан бирор маънили гап чиқиши умидида унга бир зум термилгач: – Нега индамайсан? – дея пўписанамо сўради.

Мирхонд дилидагини айтишга юрак ютиб журъат қилди:

– Баъзи иқтидор эгалари устозлар кўмагида мутолаа ва азми фикратнинг оғир хуснихатдан беҳабар ҳолда анбиёлик даражасига етурлар. Алишербекнинг тафаккурда беназирлиги аввало Оллоҳдан, сўнгра Ардашер жанобларининг заҳматлари, меҳнатлари самарасидир. Бунда бу икки хислат мужассам. У жаноб дунё шавқидин этак силтаб, тасаввуф хиркасини кийган бўлсалар ҳам маърифатда тенгсиз хазина, кўп илмлардан хабардор, дониш инсон. У зотнинг тарбиясини

<sup>26</sup> Мирхонд – Алишер Навоийнинг замондош, йирик тарихнавис олим.

<sup>27</sup> Руқъа – мактуб.

олган шогирд тафаккурда асло адашмас.

– Айтмоқчисиз-ки, Ардашер жаноблари устоз кўрмаган эрсалар-да, тафаккурда барчани донг колдирурлар, – дея ўсмоқчилаб сўради хукмдор.

– Шундай, ул жаноб ҳаё-адаб юзасидан, мажлис аҳлини хижолат, мулзам этмаслик сабабиндин ортиқча такаллумдин ўзларини тийюрлар...

Султон Абусаид Мирзо Мирхонднинг сўзини кескин бўлди:

– Мавлоно, мухтасар. Қушбегининг таърифига кулоқ тутмоққа тоқатимиз йўқ.

Бу гап Мирхондга оғир ботди. Кўнглидан: “Салтанат аёнларга бунчалар беписанд...” деган фикр ўтди.

Бир муддат давом этган нокулай сукунат хукмдорни бетоқат қилди, шекилли, дабирнинг қаршисига келиб тўхтади:

– Англаган эсам, Алишербекни дўлвори, кароматли Ардашер хузурига юбормоққа ишорат қиладурсен?!

– Алишернинг табиатида ҳам хизри роҳнинг сийратини кўрурмен.

– Авлиё деб қўя қолинг. Бетгачопарликни авлиёлик хислати деб бўлмас.

– Алишернинг...

– Хусайн Мирзога ҳаммаслақ, яна ким, анинг тоғойиси Мир Саййид Бадахшон исёнига мутасадди. Бу Алишербекнинг шаънига бир сўз айтмасму?

– Мир Саййид хусусиндаги амрингиз қатъийму? Алишербекнинг хабари борму? – дея ички ҳадик билан сўради Мирхонд.

– Йўқ.

– Он ҳазрат, жаҳл ақлни махв этадур. Қувваи хусуматдан ўзи асрасин.

– Ҳақ гап. Жаҳл жинниликдин нишон, оқибати надоматдур. Хазинабонга айтинг, Алишербекка ҳимматига кўра марҳамат кўрсатсин. Яна йўриги била, тезда Ҳиротни тарк этмоғини тайинланг. Аҳмад Ҳожибекнинг йўриғига юрсин. Йўқса, Амир Аҳмадиёр яна бир ғаламисликни бошлаши аниқ. Такрор қабоҳат гирдобига ботишни истамасмен.

Дабир эътироз билдиришга улгуролмади.

– Тамом! – дея султон Абусаид Мирзо мухтасар қилди.

\* \* \*

Султон Абусаид Мирзо хузуридан кўнгли чўкиб чикқан Алишер ўз ўйлари билан банд, Жомий хонадони томон бораркан, йўл четида тиланчилик қилиб ўтирган, уст-боши ямок, ўсиқ сочлари ёмғирдан патила-патила гадонинг илтижоли овозини эшитиб, тўхтади.

“Шохи хунхўр юрт вайрона бўлур, бахил хукмдор авомни гадо килур”.

Алишер белбоғидаги ҳамённи олиб, гадонинг кафтига ташлади. Гадо шубҳа, таажжубли нигоҳини ундан узолмай, бақрайиб қолди:

– Эй, муруватли, кимнинг шаънига дуо қилай? – дея титроқ ва синиқ овозда сўради.

Алишер гадо томон ярим ўтирилди:

– Уй-жойсиз, ватансиз бир мусофирга имон ва омонлик тиланг, – дея бўғзига келган фарёдни аранг қайтарди.

Кафтидаги бир олам, гўё ғойибдан етган бойикдан кўзлари ола-кула гадо жунбушга келди. Гишт ётқизилган майдондан узоклашиб бораётган хушбичим йигитдан нигоҳини узолмай қолди.

“Илоҳо, бошингга гадонинг куни тушмағай, Алишер!”

Ғойибдан келган бу овоздан вужуди титраб кетди, уни ғалати хис қамраб олди.

“Туноҳим не?! Хусайн Бойкарога эхтиромим буюклиғиму? Дўстликка асло хиёнат қилмаслиғимму?!”

Алишер ортига қаради. Бироз тезлашган ёмғир остида, ҳамённи сиқимлаганча турган гадодан бўлак ҳеч ким йўқ эди...

... Абдурахмон Жомий Алишерни илҳақлик билан кутиб оларкан:

– Тинчликми, Алишер? – дея ташвишланиб сўради.

Савол Алишерни ажаблантирди. “Наҳот, сарой хизматидан кетгани хабарини топган бўлсалар?” деган хавотир миясига яшиндек урилди.

Алишернинг жавобини кутмай, Жомий таажжубда:

– Салтанат теграсида бу ғавғолардан ақлим шошур. Ишонмасликни ҳам, ишонини ҳам билмайсан, киши, – деди.

– Миш-мишларда жон борга ўхшайдур, – дея Алишер оғир хўрсиниб кўйди.

– Сўзларингиз надоматлиг? Кўнглингиз безовта?

– Ҳақирмен, – деди Алишер ўксиниб. – Қошғарий хазратларининг турбатларини узлати харам<sup>28</sup> этсам.

– *Астағфуллоҳ*, Алишербек! Нималар деяётганингизни англармусиз? – дея сўради Жомийнинг фиғони ортиб.

– Машҳаддан қайтган илк куним ота ҳовлимга ўзга эга чиққанидаёқ бу фоний дунёдин умидимни узғондим.

– Ўзини ҳарчанд инсонман деб ўйлаганнинг ичида албатта деуу шайтони бўлмаган киши топилиши мушкул. Хайрли ният кишининг йўлдоши дейдилар!

Жомийнинг қуюшқони тор келди, шекилли, ўзни базўр ирода эта олгани унинг юз-кўзидан сезилди. Алишер ўйчанг, маъсум овозада байт ўқиди:

*Ўйлаким мендурмен, инсон бўлмасун,  
Йўқ инсон – деуу шайтон бўлмасун.*

– Балли, – дея Жомий астойдил кўнгил сўради. – Не ҳол рўй берғонини очиқроқ сўзларсиз, балки?

– Ҳукмдор мавкеига улуғ эхтиром кўрсатилмас экан, салтанат инкирозга юз тутур? – деди, Алишер ўкинч билан.

– Ҳақ гап. Абусаид Мирзо эркини номақбул беклар ихтиёрига топшириб кўп хато қиладур, – деди Абдурахмон Жомий бир нуктага тикилганча хаёлга чўмган кўйи. – Биродаримиз Хожа Убайдуллоҳ фақирга нома йўллаб, султонимизни тариқат йўлига ундашимни ўтинибдурлар. “Исёнкор авомнинг шаҳид кетгани камму? Асирларга ўлим таҳдид соладур” дея ранжибдурлар. Алишер, тағойингиз Мир Саид ҳибсда эканидан хабарингиз борму?

– Нима? – бу хабардан Алишер ўзини йўкотаёзди. – Султонимиз бу ҳақда менга ҳеч сўз айтмадилар-ку?

– Ҳукмдорга рўбарў бўлдингизму?

– Қошингизга он хазрат ҳузурларидан келяпман, – дея Алишер бир фурсат ўйчан жимиб қолди. – Кошки, олий мартабага муносиб лаёқатлари зоҳир бўлса эди. Қизик, бу фақирнинг отаси фукарога иродат ва ихлоси баланд бўлганлиги боис паноҳсиз қолмаслиғимни буюрмишлар. Ортимдан киши юбориб, бир ҳамён танга тухфа этмишлар. Тухфани олишга орият йўл кўймади. Ани гадога раво кўрдим.

– Нималар деяпсиз, Алишер? Бунчалик бадбахтлик бўлурму?

– Тағойим қисматидин ташвишдамен.

– Алишер, куйинманг. Иншооллоҳ, яхши ният қилинг. Бирор тадбир топилур.

– Баъзида шерлар ҳам чиябўриларга бас кела олмас? – деди Алишер тушқун бир кайфиятда.

– Дархол валий жанобларига мактуб ёзмоқ лозим, – деди Жомий қатъий.

Гап ким хусусида бораётганини фаҳмлаган Алишер лоқайдлик билан:

<sup>28</sup> Узлати харам – жамоадан чекиниш, ёлғизликни ихтиёр этиш учун хилват жой.

– Абдуллатиф Мирзо каби васвасга учрагон ҳукмдор Хожа Убайдуллох хазратлари сўзларини инобатга олурмикин?! – деди.

– Олмоққа мажбур. Алишер, азият чекманг, – дея Жомий “яхшилиқнинг йўли ёруғ”, маъносида мийиғида кулиб қўйди. – Тогойингизни хибсдан албатта қутулур. Хайру эҳсонни гадога бериб кўп маъқул иш қилибсиз.

– Чучук тил аччиққа эврудди, зарари умум бўлди, – деди Алишер Махзун бир кайфиятда. – Қандики маст қилгучи бода қилдилар, харом бўлди.

– Сўзларингизни англамасмен, Алишербек, – дея Жомий унинг юз-кўзига боқди. – Ҳорғинсиз, кўзларингиз киртайибдур. Ҳордик олинг, тонг-ла бафуржа суҳбатлашурмиз. Лайл фиғонин субҳи сабо учиргай<sup>29</sup>.

Бу иктибосдан Алишернинг дили бироз равшанлашиб, хиёл жилмайди.

\* \* \*

Туни билан минг бир ўй гирдобида миҷжа қокмаган Алишер дид билан нонушта дастурхони тайёрлаган Кўркибойни ранжитмаслик ниятида ширчойдан бир-икки хўплаган бўлди. Аксига олгандек, доим ҳамма билан бирга нонушта қилишга одатланган Жомийнинг йўқлигидан иштаҳаси бўғилди.

Тонгга яқин хаёлига келган фикрни тезроқ амалга ошириш ниятида Мавлоно Мирак Наққошнинг ховлисига отланди...

Матнларни оққа кўчириш билан банд бўлган Султон Али уни хушнуд қарши олди:

– Э-э, Алишербек! Бормусиз?

Иккиси бир-бирларини анча вақт кучоқларидан чиқармадилар.

Мирак Наққош икки биродарни ёлғиз қолдириб, ташқарига йўл оларкан Юсуф мешқобчига киши билмас имо-ишора қилди. Мешқобчи пинагини бузмай, бетакаллуф Алишерга сўз қотди:

– Мавлоно Алишер, афв этгайсиз. Сиз ҳақингизда турли мулоҳаза айтурлар.

– Мулоҳаза? Қандай гап-сўзлар?

– Отамерос мулкингизни, боғингиз, уй-жойингизни сотган эмишсиз?!

Алишер беихтиёр Хожа Аҳмаднинг гапини эслади: “Амир Аҳмадиёр қабиҳ ишлари ошқор бўлгундек эрса, пайт пойлаб, ўч олишдан асло қайтмайду... Сизни қотилликда айбашлари ҳам ҳеч гап эрмас. Кирдикорларини яшириш ниятида авом орасида миш-миш тарқатганлари аниқ”.

– Сотиш? Ажаб. Бу сафсатага ишонурмисиз? – сўради Алишер хайрон бўлиб.

– У ҳолда нечун боғингизда бегоналар... – мешқобчининг гапи оғзида қолди.

– Бегоналар, – деди Алишер мийиғида кулиб.

– Алишер, бу қандай гап, ахир?! – дея сўради Султон Али астойдил куйиниб. – Очқроқ сўзласангиз-чи?!

– Недин сўзлай?! – дея Алишер оғир хўрсинди. Пиёладаги чойга узоқ тикилиб қолди: – Ҳиротга қайтмоқлик фақирнинг бошига бундай кулфатлар солишини, фитналарга дучор бўлишимни билганимда... Сўнгги надоматдан не наф? Фикри бузукларнинг нияти мени Ҳирийдан қувиб чиқармоқ. Ҳойнаҳой Амир Аҳмадиёр ховлимизга эга чиқур.

– Амир Аҳмадиёр?! – деди Султон Али тўнининг уқасини ғижимлаб. – Унинг қимлиги элга маълум-ку? Бу қандайин бедодлиғким, куппа-қундузи кишини ўз ховлисидан қувиб солсалар.

– Додингни эшитар кишинг йўқлигини қаерга бош олиб кетишни билмай қоларкансен?! – дея мешқобчининг дарди ёрилди.

– Дардабарлик ҳам тақдирнинг бир синови... – деди Алишер махзун тортиб.

– Дарбадарликни асло тилга олманг, Алишер?! – деди Султон Али истиғфор келтириб.

<sup>29</sup> Лайл фиғонин субҳи сабо учиргай – тунги нидо-фарёдни тонгга шабада кўтаргай. (Жомий)

– Агар фақирни Ҳирийдан қувмасалар, Жомий рад этмасалар, Қошғарий хонақоси хилватгоҳим бўлғай...

– Шайтонга ҳайф беринг, дўстим... – деди Султон Али куйиниб.

– Жаҳолат ўтини ўчириш қўлимдан келмас... – дея Алишер бир зум ўйга толди.  
– Султон Али, дўстим.

Биродарининг сўз оҳангида самимий илтимос, ички бир илинж яширинганини сезган Султон Али унга ажиб бир меҳр билан:

– Лаббай, – деди.

– Аввал битгон ғазалларимни ихтиёрингизга келтирдим. Мўъжаз бир девон тузишингизга умидвормен.

– Бош устина.

– Бу ниятдан мақсад шулким, даромаднинг бир қисмини ҳирийлик бевабечораларга эҳсон қилсангиз, қолгон қисмини тағойимиз Мир Саид оиласига юборсангиз.

Алишернинг бу илтимосидан мешқобчи анграйиб қолди. Унинг кўзларидан: “Ўзи бир қора танга, бошпанага муҳтож бўлса-ю, авомни, хешларининг қайғусини қилса-я?!” деган маънони уқиш қийин эмас эди.

– Қутлуғ ишни нечун ўзингиз бажармайдурсиз? – дея ажабланиб сўради Султон Али.

– Девон китоб ҳолига келганда, балки Ҳирийда бўлмасмен.

– Ўткинчи гаплар билан кўнглини бузманг, Алишер.

– Бошга ёғилиши аниқ маломатлардан нега кўз юммоқ керак?

Мешқобчи эҳтиросли нигоҳини Алишердан узмай сўради:

– Илк учрашувимизни эслайсизму?

Алишернинг чеҳрасида изтиробли табассум пайдо бўлди:

– “Боғи Сафид”...

*Шоҳдин бир тишлам курс сўраган гадо,*

*Бир қултум суйидин ҳам бўладур жудо.*

Мешқобчи иқтибосида ўз байтни эшитган Алишер жилмайиб деди:

– Мешқобни ерга улоқтирган сипоҳ, арзингизни тингламай, қувиб солгон мирзо...

– Насибасини излаб юрганни охириги обизамзамидан бебаҳра этган, додига қулоқ тутмаган ноибни туфроғдин фарқинг не, дея мулзам қилгандингиз. Сипоҳ қочишга жой топа олмай қолганди...

Кўнгли ёзиш учун Султон Алининг ёнига тез-тез келиб турадиган, янги шеърлардан тинглашга ихлосманд кишининг содда ва самимийлиги Алишернинг тушқун кўнглини, кайфиятини кўтарди.

– Юсуфбек оға, – дея дастурхонга дуо ўқишини илтимос қиларкан. – Турк қавмининг ўзлиги ҳам, беқлиги ҳам бор. Локин, зулмга асло тоқат қила олмаслар. Яхши қуноқларда кўришни ният қилайлик.

– Иншооллоҳ. – Мешқобчи Алишерга ҳавас билан тикилди. Алишер уни изидан кўчагача кузатиб чиққан Султон Алига илинж билан юзланди:

– Ҳиротда қолишми даргумон, – деди руҳсиз. – Устоз Лутфий ҳазратларини кўриб келсакмикан?!

Султон Али остонада мешқобчи билан ёнма-ён, улардан кўз узмай турган Хожа Мирак Накқошга “Нима дейсиз?” дегандек қараб қўйди.

– Маъқул гап. Лутфий ҳазратларига ажойиб тухфамиз бор. Бугун-эрта йўқлаймизму, деган ниятимиз йўқ эмас эрди, – деди Мирак Накқош.

Устозининг бу сўзидан кейин Султон Али изига қайтди ва матога ўралган нарсани олиб чиқди.

Султон Али билан ёнма-ён бораётган Алишернинг ордидан ҳавас билан термилиб коларкан, Юсуф мешкобчи Мирак Наққошга:

– Алишербек анчайин ёш эрса-да, фазли нури дилларга ажиб шуқуҳ соладур. – деди завки ортиб.

\* \* \*

Алишернинг тақдирдан ниҳоятда ташвишда бўлган Абдурахмон Жомий бомдод намозини ўқигач, тўғри Султон Абусаид Мирзо ўрдасига йўл олди. Аммо дилига тугиб қўйган гапларини ҳукмдорга айта олмади. Аксинча, вақтинча Девон ишини юргазётган Мирхонднинг юракларни ўртовчи яна бир қабихлик ҳақидаги хабардан эсанкираб, изига қайтаётганида Ҳирот доруғаси Аҳмад Ҳожибек билан тасодифан учрашиб қолди:

– Вафойи... – деди у ички бир андух билан. Вафойи таҳаллуси билан туркийда мунис ғазаллар битгани боис Жомий уни шундай деб чақирарди.

Ҳол-аҳвол сўрашилгач, Аҳмад Ҳожибек дардини ёриди:

– Фақирга ҳам ихрожлик хирқасин илмишлар, таксир.

– Бу кўргилик ҳам бормиди? – деди Жомий саволнамо таасуфда.

– Бирор кўнгилсиз хол юз бердими, таксир? – дея ажабланиб сўради Аҳмад Ҳожибек.

– Бундан баттари бўлмас, – деди Жомий куйинчаклик билан. – Фурсат топсангиз, сиз бирла маслаҳатлашмак истагим бор.

– Маъқул...

Жомийни Аҳмад Ҳожибекни хонадонига бошлади. Одатдагидек, нонуштага обинон билан ширчой тортилди. Бир пиёладан чой ичилгач, Жомий мақсадга кўчди:

– Вазираимизни Алишербекка, сизга не хусумати бор-ки, салтанатдан йироқ тутмоқ пайдида бўладур.

– Ўзингиздан қолар гап йўқ. Аҳли донишнинг қисмати доим захмат бўлган, – дея жилмаяркан, Аҳмад Ҳожибек хасратини ҳазил билан енгмоққа уринди.

– Айни ҳақ гапни айтдингиз, – деди Жомий ўйчан оҳангда. Сўнг сўради. – Ихрожлик хусусинда айтиб эрдингиз?

– Ҳа, он ҳазрат Мовароуннахрга отланмоғимга амр бермишлар.

– Мовароуннахрга?! – дея ажабланиб сўради Жомий.

– Ҳа, рафиё<sup>30</sup> даражотда.

– Аниқроқ англантинг, – деди у таажжуби янада ортиб.

– Самарқанд ҳокими ҳам шахзода Аҳмад Мирзога вассийлик мақомини лойик кўрмишлар.

– Ажаб, сиз Султон Аҳмад Мирзога васий? Бу янгилик-ку!

– Ҳиротдаги вазиятдан вавотирдамен, – деди Аҳмад Ҳожибек ташвиш билан.

– Асти сўзламанг. Авомнинг рўзгори танг. Ҳиротдин файз кўтарилди, – дея Жомий оғир хўрсинди.

Бир зумлик сукутдан сўнг Аҳмад Ҳожибек жиддий оҳангда:

– Кўнглим ғаш. Алишернинг тақдирдан қайғудамен.

– Мен ҳам худди мана шу хусусда сиз билан маслаҳатлашмак истагида... – дея Жомий андух билан чуқур хўрсинди.

– Назаримда бир вазир эмас, хатто султонимиз Алишердан каттик хавфсирайдур.

– Алишер ниҳоятда безовта, – дея гап бошлади Жомий. – Икки кундирки, хонадонимизда тунамокда. Қайинотамизни турбатларидан холи бир хилваттоҳ сўрайдур.

– Астағфируллоҳ! – дея Аҳмад Ҳожибек тўннинг уқасидан тутди. – Саройдаги котилликлардан сўнг Алишер кўп азият чекур. Айни Аҳмадиёрнинг унга ошкора

<sup>30</sup> Рафиё даражот – юксак, баланд мартаба.

тазйики ҳар қандай кишига малол келур. Устод, Алишер зудлик билан Ҳиротни тарк этмоғи лозим. Йўкса, оқибати яхши бўлмас.

– Бойкуш зулматни маъқул кўрур. Нур кўзларини қамаштирур, ҳеч нарсани кўрмас.

– Вазири аъзамнинг айна таърифи шул, – деди Аҳмад Ҳожибек мийиғида кулиб.

– Банда вужуда қон билан синган ёвузлик, жаҳолатдан қутилимоғи мушқул.

– Аъзамлиғига хайф, – деди Жомийни энсаси котиб. – Хуллас, Алишербекни зудлик билан Машҳадга, Ардашер ҳузурига жўнатмак зарур.

– Қасд қилганларнинг илки Машҳадга етмайди, деб ўйлайдурсиз, – дея эътироз билдирди Аҳмад Ҳожибек.

– Нафсиламр гап ҳам шу... – деди Жомий ўйчан, паст овозда.

– Балки, Алишер мен билан Самарқандга бормоғи маъқулмикин?

Бу таклифдан Жомий суҳбатдошига ялт қараб:

– Ардашердин бўлак меҳри анвар Алишернинг дилини равшан қила олмас, – деди эътирозли оҳангда.

– Тўғри, Ардашер Алишерга ота масобадур<sup>31</sup>, – дея Аҳмад Ҳожибек бир нуктага боққанча, жимиб қолган Жомийга термиларкан, унинг виждони бўлак бир нарсдан азият чекаётганини фаҳмлади. – Таксир, кўзларингиз кайгули. Бирор фалокат рўй бермадимми?

Орадаги бўғиқ сукунатдан сўнг Жомийнинг кўнглидаги ҳасрат тилига кўчди:

– Амирнинг қонли илки Самарқандга ҳам етурми, дегон ташвишдамен.

– Бунчалик хавотирнинг сабаби не, устод?

– Арқда бўлгон чоғимда, Мирхонддан эшитганим, ҳамон бағрим ўртайдур.

– Қандай хабар, устод? – дея сўради Аҳмад Ҳожибек изтиробни ичига ютиб.

Жомий кўнглидаги ғуссадан фориг бўлмоқчидек чуқур нафас олиб, хўрсинди:

– Амир Аҳмадиёр Балхда Алишернинг она тараф хешларига тажаввуз уюштирибдур.

Маъсума бегимнинг иниси Амир Муҳаммад Али базўр жияни Дарвиш Али билан тоғда яширинибдур. Аммо Алишернинг яна бир тағойиси Амир Мир Саид Балхда ҳибсага олиниб, бугун тонгда, Ҳирот зиндонидида қатл этилибдур. Олий ҳукмдан на шох хабардор, на бош кози.

Аҳмад Ҳожибекнинг дилидан вужуд жимирлашиб кетгудек наъра отилиб чиқди:

– Э воҳ! Шунчалик бадбахтлик бўлурму? – дея ғазабдан ўтирган еридан туриб кетаёзди. Мушқлари тугилди. Бир муддатдан сўнг озинга ховуридан тушиб, босиклик билан сўради. – Ҳойнаҳой Алишернинг хабар йўқдир?

– Алишербекка айтмоққа журъат даркор! – деди Жомий ғамгин кўйда.

– Юрак дош бермас, – деди Аҳмад Ҳожибек. – Яширмоқдин наф, маъни йўқ.

– Назаримда, сиз айтган тadbир маъқул кўринадур, – дея Жомий бир фурсат хаёлга чўмди. Кейин қатъий нигоҳни доруғага қаратди. – Самарқандга, пиримизга руқъа қораламоқ<sup>32</sup> лозим?

– Бу таклифга Алишери кўндирмоқ осон кечмас.

– Ётиғи билан Алишерга тушунтирурмиз. Зийрак йигит, англар, – дея Жомий алланечук ишонч ва шубҳа билан қараб кўйди, сўнг Аҳмад Ҳожибек сўради. – Ҳиротнинг ҳар работида ўз кишингиз бор, шундайми?

Жомийнинг мулоҳазасидан Аҳмад Ҳожибек кўзларида фикр ёлқинлиги пайдо бўлди.

– Мақтубни битингиз. Валий ҳазратлари биздан аввал етиб борур. Локин... – дея Жомий бир зум жимиб қолди. Сиёсатда кўп воқеалар моҳиятини тушуниб иш кўргувчи доруғанинг дадиллигидан кўнгли тўлган эса-да гумонини айтишга

<sup>31</sup> Ота масоба – масоба – даража ҳолат, ота ўрнида ота.

<sup>32</sup> Руқъа қораламоқ – мақтуб битмоқлик.

истехола қилмади. – Алишербек билан бир карвонда сафарга чиқсангиз ҳаётингизни тахликага кўюрсизлар.

– Ташвиш чекманг, – деди Аҳмад Ҳожибек ишонч билан. – Оқибат бунинг чорасини ҳам ўйлаб қўйдим. Алишер ёнимда бўлса хавотирга ҳожат қолмағай.

Жомий доруғанинг режасидан, шижоатидан бироз хавотирланди:

– Огоҳ кишини Оллохнинг ўзи асрағай.

– Иншооллох. Бир хуфиёна табдир ўйладим. Алқисса, таффакурли кишининг режаси ҳам хосиятли бўлғай.

– Яхши ҳам толеимизга сиз борсиз, – Жомий Аҳмад Ҳожибекка мамнун термилди. – Отангиздек заковатли, шижоатлисиз.

– Таксир, падаримизга ўхшашимиз учун.

– Камтарлик кишининг зийнатидур, – деди Жомий жилмайиб.

– Отамиз ҳақинга мактов сўз айтсалар, истиҳоланма, фахрлан, дер эдилар.

– Боракалло, – деди Жомийнинг завқи ортиб. – Муҳолифларингиз очик хусумат қилмасликларини сири ҳам ана шунда.

– Айтинг. Ватандан бадарға бўлмоқлик адоват оқибати эмасми?

– Ҳар неки рўй бергуси воқеани Оллохнинг хайрли синови деб билмоқлик кўп хосиятлидир.

– Жомий далда берган бўлди. – Самарқанд саховатли қадамжо. Азиз авлиёларнинг қабрини зиёрат этмақлик ҳам фарз.

– Бу гапингизда жон бор, – Аҳмад Ҳожибек уни маъқуллаб. – Лоқин Алишер адолатнинг топталишига тоқат қилолмас, бу борада аччиғи тез.

– Воллоху аълам биссабов<sup>33</sup>, Алишербек бу оқшом ҳовлимизда қолур. Ётиғи билан уқтирурмиз. Фаросатли йигит, англайдур.

– Менга изн, таксир. Сафар ҳозирлигини кўрмоқлик лозим. – Аҳмад Ҳожибек қафтларини фотиҳага очди.

Жомий хайр-маъзур қиларкан Аҳмад Ҳожибекка ўтинч билан юзланди:

– Валий ҳазратларига суянаётганимизни Алишер билмагани маъқул.

– Не учун? – ажабланиб сўради Ҳожибек.

– Тақдирга такаффул<sup>34</sup> бўлишларини Алишер ёқтирмайдур, – деди Жомий жиддий. – Токи, мактуб етиб боргунча, Хожа ҳазратлари билан кўришгунимга қадар Алишер вожибул-эътиборингизда<sup>35</sup> бўлғай.

\* \* \*

Алишер билан Султон Али Лутфийнинг хонадонига кириб борганларида табиб муолажа қилиш билан банд эди. Киртайиб қолган кўзлари ич-ичига ботган, ёноқлари бўртган, аранг нафас олаётган, замонанинг маликул-каломи, форсий ва туркийда беназир асарлар битган шоир умрининг охириги онлари кечаётганди.

Остонада хушсурат ва хушфеъл шоғирдини кўриб, худди ёш боладек қувонди. Юзларига қизиллик югурди. Сўник кўзларида нур чакнади.

– Алишербек.

Алишер қаддини ростлашга чоғланган устозининг пойига чўкка тушиб, тафтсиз-қувватсиз бармоқларини қафтлари орасига олди:

– Уринманг, устоз. Соғлиғингиз дурустму?

Лутфий синик ва ҳазин овозда жавоб қилди:

– Минг қатла шукур. Марҳаматини кўрингки, Аҳмад Ҳожибек жаноблари табиб юборибдур.

Чуқур-чуқур нафас олаётган, сўзлашда қийналаётган устознинг уринмаслигини

<sup>33</sup> Воллоху аълам биссабов – Оллох тўғриси билувчандир.

<sup>34</sup> Такаффул – қафлат бермоқ.

<sup>35</sup> Вожибул-эътибор – фикри ёд, диққат-назарда бўлмоқ.

ўтинмокчи бўлган Алишер алланечук ботина олмади.

– Падари бузруквори Малик Қошғарийнинг худди ўзи, – деди Лутфий сўзида давом этиб. – Сурати хуш, сийрати дилкаш. Бовужудки, бекнинг сипоҳийлиги, кироий фазли худди отасининг ўзи. Назмда, умргузаронликда вафоли... Ҳар киши ани танир, хурмат қилур...

– Шундай устоз...

Алишернинг сўз оҳангидаги куйинчакликдан Лутфий оғир тин олди. Кипригида ёш томчилари пайдо бўлди:

– Қартайган дарахтга сув бер, меҳр кўргаз бефойда.

– Ундай деманг, устоз. Бахтимизга омон бўлинг.

Султон Али оҳиста шойи матога ўралган тугунни Алишерни кўлига тутқазди.

– Ёнингиздаги ким, Алишер? Меҳмонни таништирмадингиз-ку, ўғлим? – дея сўради Лутфий.

Алишер Султон Али узатган тугунни очиб, ундан китобни олди. Аста устозининг кўлига тутқазди:

– Султон Али. Мирак Наққошнинг шогирди. Янги девонингизни келтирибдур.

– Султон Али... – Лутфий қувончдан энтикиб кетгани овозидаги жонланишдан сезди. – Янги девон...

– “Тул ва Наврўз”, – деди Алишер севинчли нигоҳини Султон Алидан узмай.

– Куни кеча оққа кўчириб эрдим... – деди Султон Алини салобат босиб, кимтиниб, – Устозимиз Мавлоно Мирак Наққош муқовага безак бердилар.

– Оллоҳ марҳаматини дариг тутмасин, ўзи қўлласин.

Лутфий титраётган бармоқлари билан Алишернинг кўмагида китобни кўлига олди. Китоб муқовасидан ўпиб бағрига босди.

– Туркийдаги илк дostonим. Турки алфоз<sup>36</sup> латиф. Алишербек, ўкинг.

Алишер устозининг кўлидаги китобни олмоқчи бўлганида, Лутфий:

– Ўз шеърингиздин ўкинг, – дея эътироз билдирди.

Бу илтимосини рад этишга ҳадди сиғмаган Алишер янги шеърдан икки байт ўқиди:

*Ҳақ сени севгай эл била қилсанг  
Тил-у кўнглунгни эл била бир қил.  
Эзгу сўз айтсанг юзинг ёруғ, шодон  
Турмушинг осон кечар, шукр қил.*

– Ажойиб. Ким туркийни ғариб деб айтадур.

– Ҳақсиз, устоз. Туркийда ажиб маъноли сўзлар бисёр экан, – деди Алишер. – Қофия боғламоқлик заҳматиға сабр этмаганлар осонроқ, форсийда ашъор битмақликни мақбул кўрурлар. Бу воқеа кўп бора содир бўлур. Тарки одат душвор душворлигдур. Табиатан, одат кўнимга айланғай. Фаросатли кишилар ожизликларни ошкор этмайдурулар. Туркийда ашъор битмақда давом этурулар.

– Шундай ўғлим. Туркий адабиётга ихлосингиз, иктидорингиздин кўнглим тўлуғ. Турки анжум тоабат сўнмағай. Армону илинжим шулдир. Ҳар ишни улдасидин чиқурсиз. Имоним комил.

...Султон Абулқосим Бобур Мирзо саройида бўлиб ўтган мушоирани, “Оразин ёпқоч...” матни билан бошлангучи ғазалини ўқиганида, Лутфий: “Воллоҳ, агар муяссар бўлса эди, ўзимнинг форсий ва туркийда айтган ўн-ўн икки минг байтимни шул икки матълага алмаштирган бўлур, буни муқофот, деб билур эрдим”, деган гапларини эслади.

– Шарти кетиб фарди қолғон чолнинг сўзларига кулманг, – Лутфий оғир тин олди. Титраётган кафти билан Алишернинг кўлини кидириб топди ва кучсиз,

<sup>36</sup> Турки алфоз – туркча сўзлашув, талаффуз.

устихонига ёпишган бармоқлари билан силади. – Султон Али шу ердами?

– Шу ердамен, ҳазрат...

– Алишербекиннинг нази девонини тузмакка фурсати етди, чоғи.

– Албатта, устоз.

– Не бахт, *бадодийул-васат* атридан бахраманд бўлурменми?

Алишер кўнглида эхтиросни аранг идора эта олди:

– Устоз...

– Алишербек, олтин бошингиз омон бўлғай. Иллох, назм гулшани пирларини покиза рухлари қўллағай.

\*\*\*

Тасбех ўгириб ўтирган Жомий остонада кадам товушини эшитиб, бошини хиёл кўтариб:

– Келдингизму, Алишер? – Жомийнинг бу сўровидаги ғайритабиий босиклик, илҳақликдан кейинги қониккиш ҳиссини туйиш мумкин эди. Бирок кайфияти тушкун, суёт эди. Энди, гап бошлашга журъат этганида, Кўркибой жўмрагидан буг кўтарилиб турган кумғон билан кириб келди. Тузалган дастурхон устидаги сочикни олиб, пиёлаларни артди.

“Мунча имирсилайдур. Тезроқ холи қўйса, не бўлур?!”

Жомий чехрасидан сезилиб турган тунд кайфият Алишернинг кўнглини алланечук хижил қилди. Лутфийнинг ҳузуридан чикқанидаги кўтаринкиликдан асар ҳам қолмади.

Кўркибой Жомийга, сўнгра Алишерга чой қуйиб узатди.

Алишер Жомийдан кўз узмай, пиёлани дастурхон четига қўйди:

– Таксир, бирор кори бад юз бердимми?

– Оллоҳим тўзим берсин, – деди Жомий ички дард билан. – Локин айтмасам бўлмас.

Жомийнинг сўзларидаги андух Алишерни баттар ташвишлантирди:

– Тинчликми? Абусайд Мирзо сизни мен туфайли ранжитдимми?

Жомий бу саволини эшитмагандек сўзида давом этди:

– Тағойингиз Мир Саййидни Оллох кўп кўрмиш.

Алишернинг кўксига ачиқ оғрик пайдо бўлди. Кутгани, қайгургани, воқеа бунчалик тез рўй берганидан беихтиёр, “Эй, вох!” дея бақириб юборди. Кўз олди хиралашди. Жомийга гўё туманлик ортидан боқаркан, унинг серажин юзида, кўзида ёш томчиларини кўрди. Жомийнинг гаплари элас-элас қулоғига чалинди:

– Хоқонимизга гапимиз қор қилмади. Эшик оғасидан тағойингизнинг Сарахс кўрғонига қатл қилинғонини эшитиб, гўё олам зулумотига рўбарў бўлдим. Овозадан ҳайикқаниб майитни субҳидамда, жанозасиз дафн этибдурлар.

Алишер ҳолсиз, рухсиз бир кайфиятда ўрнидан кўзгалди. Кўзларига ёш тўлиб, мисли туманда қолган кишидек эшик ҳалқасини аранг топди. Эшикни ланг очганча ташқарига отилди. Қулоқлари остида Жомийни: “Тағойингизни қатл қилибдурлар, майитни субҳидамда, жанозасиз дафн этибдурлар”, деганлари тинмай тақорланарди.

Боғ ичкарисидан Алишерни мунгли нидосини эшитган Жомий ўша томонга юрди.

*Эй муҳиблар, етсангиз гар ёза сиз,*

*Гул адогингда хумори ёзасиз.*

*Гар мен ўлсам, турбатимнинг тошига,*

*Қуштаи бир шўх эрур<sup>37</sup>, деб ёзасиз<sup>38</sup>.*

<sup>37</sup> Қуштаи бир шўх эрур – қабр тошимга қатл этилган бу банда ҳаётни севар эди, деб ёзасиз.

<sup>38</sup> Бу тўртлик Алишер Навоийнинг тоғаси Амир Мир Саид қаламига мансуб.

– Қатли паймонангиз ёзиғлигин билғон экансиз, эх тағойи, нечун жиянингизни огох этмадингиз?!

У йўлак бошида устозини кўриб, ўрнидан турди. Кўз ёшларини саллапечининг жиягига артиб, ўрнидан турди. Жомий Алишернинг елкасидан кучиб:

– Оллохнинг иродаси, сабр-қаноат қилмоқдин ўзга иложимиз қанча, – дея ҳамдардлик изхор этди.

– Ғарибнинг бошига тушган мусибатлари каммиди, таксир?! – Алишер ўзини йиғидан аранг тияётгани овозидан сезилди.

– Фаросатли киши бир бегуноҳга шамшир тиғи тугул тил учи била озор етказмас.

– Ахмадиёрда фаросат на қилсин?! – деди Алишер ўкинч билан.

– Адолат ва матонат ани кўркувга солади. *Шукрки*, авомнинг назарига тушгансиз. Сизга очик зулм ўтказишдин хайқадур. Тайзикнинг шундай йўлини ўйлағон эрсалар, не ажаб, – деди Жомий Алишернинг кўлтигидан тутиб, уй томон бошлади. – Доруға жаноблари билан бир тадбирни режаладик. Сизнинг кўнглингизга зид иш туюлмаимиз.

– Қандай режа?

– Азим Самарқандни, азиз авлиёлар қабрини зиёрат қилмоқлик.

Алишер вужудини махв этган совуқ ноаниқлик исканжасида:

– Мирхондиннинг сўзлари ҳақиқат эркан-да?! – дея сўради.

Бу сўровида эртанги кунига умидсизлик ўз аксини топганди. Жомий йигитнинг дилидаги изтиробни ҳис қилиб, кўнглини ҳаминқадар кўтаришга, таскин беришга уринди:

– Сиз Ҳиротда экансиз, улар талвасада ҳар қандай қабиҳлик қилмоқликдан қайтмайдилар.

– Макр ва қабоҳат банд этгон вужуднинг талвасаси ёмонлиги аён бўлди, – деди Алишер афсусда. – Тағойимиз ҳаётини асраб қололмадим. Бундан ортик дашном бўлмас.

– Фикри ноқис кишининг қори бади афсусга лойиқ, локин ўзга чора йўқ?! – деди Жомий андух ва қатғийлик билан.

– Фикри ноқис?

– Бу ноқислик вужудни таҳлика ва талвасага соладур.

– Астағфуриллох.

– Оқшом хонадонимда олиб қолишимдан сабаби ақли ноқисларни таҳлика ва талвасасидан асраб қолмоқлиғ.

– Очик сўзланг, таксир, – деди Алишер овози титраб.

– Иншооллоғ бир фалокатингиз арибди, – дея Жомий унга таскин берди ва воқеа тафсилотиға ўтди. – Боягинда ҳовлингиздаги мулозимлардан бири келиб, кеча тунда номаялум киши боғингизда исковичлик қилганини хабарини бердилар. Демак, бирор ғайри ниятлари бор-ки, хуфиёна иш кўрурлар.

– Хуфиёна?! – дея ички хавотирда сўради Алишер.

– Ҳойнаҳой салтанат ғанимлари уясига палахмон тошини отиб кўйгон кўринасиз, – деди таассуф билан Жомий.

Ҳар қандай ақли расо киши учун қайғули воқеадан руҳан қийналаётган Алишерға қандай далда беришни билолмаган Жомий гапни узоқдан бошлади:

– Қисматингизга бу қадар лоқайд бўлманг! – деди куйиниб. – Кишини бир ерда бир газанда икки марта чакмаслиғига қаттиқ ишонмоқлиғнинг оқибати хайрли бўлмас. Бир фалокат рўй бермасидин аввал, зудлик-да Ҳиротни тарк этурсиз! Тонг-ла Самарқандга отланурсиз. Зарур эҳтиёж тадбирларини кўрингиз...

Куйинчаклик билан айтилаётган гаплар Алишернинг қулоғига кирмасди. Амир Ахмадиёр ўч олишдек қабиҳ ниятини бошлаб юборишини аввалдан биларди. Аммо ҳукмдоримиз шу қадар пасткашликка боради, деб ўйламаганди. Ўзини бу галвалардан руҳан йироқ ва хотиржам тутишга уринса ҳамки, вазият жиддий тус

олишини кутмаган эди. Боз устига Самарқанд сафари уни биров шошириб қўйганди.

– Сафар шунчалик шошилишми? – дея сўради Алишер ажабланиб.

Жомий унга бир қараб қўйди-да, сўзида давом этди:

– Сиз ҳақиқат дарёсининг гавҳари, тарикат водийсининг сайёҳи, илоҳиёт майдони лочини, фаришталар олами билимдони Шох Қосим Анварнинг<sup>39</sup> йўриғини тутмоқ лозим кўринадур.

– Андуҳлиғимизни ул зотга не алоқаси бор? – дея Алишер такрор сўради.

– Қисмат.

– Эллик ботмон ўтмак била қисмат қилғайлар<sup>40</sup>, – деди Алишер таажжуб ва кесатик аралаш.

Жомий унинг истехзосига безътибор:

– Бу ҳақиқат, ёхуд билмасмен, – деди ўйланиб. – У киши ҳақида қўп ривоят эшитгонмен. Буниси бўлак. Шайхнинг фазилати доврўғи, камолоти овозаси оламнинг тамом атроф-теварагига тарқалгач, Хуросонга келиб, бир мунча вақт Нишопурда турди. Хуросон уламоларининг тазйики туфайли хазрат доруссалтана Ҳиротга келди. Ҳирот аҳолиси унга тамом эътимод ва ихлос қўйди. Кўпчилик ақобиру амирзодалари унинг муридига айландилар. Ғараз ўйлар бу ҳолни замон подшоҳи Султон Шохрухга етказиб, дедиларки: “Саййиднинг бу шаҳарда ортик қолиши маслаҳат кўрилмайди. Зеро, аксари Жувонмардлар анга мурид тутинмишлар. Мабодо бундин бир фасод чиқмасин”. Подшоҳ саййидни шаҳардин чиқаришга амр бермиш. Локин амирлар, аркони давлат ҳукми бажармоққа ҳарчанд уринмасинлар, фойда чиқмади. Саййиднинг талаби ўринли эди: “Султонимиз бизни қайси гуноҳларимиз учун ихрож қилурлар?” Аҳвол шунга етиб борди-ки, подшоҳ саййидни куч билан чиқариб юбормоққа азм қилди. Бахтиёр Султонзода Бойсункур Мирзо деди: “Қаттиққўллик, ҳам дағалликка ҳожат йўқ. Ул хазратни фақир лауфат ва зарофат билан авлиёлар юртига кузатиб қўйгум”. Сўнг ўрнидан даст туриб, саййиднинг зиёратига борди. Улар ширин суҳбат курдилар ва гапдан гап чиқиб, саййид деди: “Мусулмонлар подшоҳи, муҳтарам падари бузрукворингиз гумроҳ фақирни ихрож этмакликлари боисини сира англамас мен”. Султонзода деди: “Ҳазрат, иллоҳ, назму каломингиз вазиятни онглатмасму?” Саййид ҳайрон бўлиб сўради: “Қандай назму калом хусусинда сўзлайдурсиз?” Шаҳзода айтди: “Ижзатингиз билан”. Саййид монелик қилмади. “Айтинг!” Бойсункур Мирзо шайхнинг ўзидан байт ўқиган:

*Қисқа қил сўзни Қосим, кўнгил дарҳол йўлга туш, дер –  
Ки, тўтига қанд даркор, ўлакани қуззунга бер.*

Сўнг, “Тасанно”, дея йўл тарадудини кўрган эркан.

– Султонзода Бойсункур Мирзо Самарқандни авлиёлар юртига ташбих қилгон, шундайму? Темурийзоданинг сўзамоллигидан, сазасини қайтармаслик тилагида шайх шундай йўриқ тутган эканлар-да? – дея қизиксиниб сўради, Алишер.

Жомий ўйчанг, бир нуқтага тикилганча саволга безътибор сўзида давом этди:

– Ҳазрат рисолатпаноҳ Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муаттар ва мунаввар қаъбаи қабрларидан бўлак, ҳеч бир бузург турбат мўътабар эмасдур. Шаҳзода Кусам ибн Аббосни Самарқанднинг ўзига тортувчи жозибали куч-

<sup>39</sup> Шох Қосим Анвар – XIV–XV асрларда яшаб ижод қилган йирик мутасаввуф шоир ва олим. Алишер Навоий унинг ғазал ва маснавийларини болалик чоғларидаёқ ёд олган. Алишер Навоий Шайх Қосим Анварга эътимоди боис ўз маблаглари ҳисобидан Ҳиротда у зот қабрига макбара ва мадраса қурдирган. Олим ва шоир ҳақида Давлатшоҳ Самарқандий, “Тазкират уш-шуаро” асарида тўлиқ маълумот берилади.

<sup>40</sup> Алишер Навоийнинг “Вақфия” асаридан келтирилган бу мисрада ўша давр солиқчиларнинг кирдикорлари очиб ташланган. Даладан ҳосил ололмаган деҳқоннинг қисматига, яъни улушига яна эллик батмон – ҳозирги ҳисобга кўра 400 пуд (бир пуд – 16 кг.) хисса қўшилганига ишора.

қуввати тортгани бежиз эмас. Шу сабабдан розиоллоху анхунинг хилхонаси шаҳри муаззамда. Иллох, пайғамбаримизнинг важиҳ чехраларини қўрганларнинг энг сўнггиси шу амакизодалар. Ҳожаи олам пайғамбаримиз: “Қусам ибн Аббос шакл-шамойили<sup>41</sup> менга киёс ва мендин меросдур” деб марҳамат қилганлар. Бу ошён бежиз “Шохизинда” – Тирик шоҳ нисбасини олмагон. Баским, бу зиёратгоҳнинг муқаддаслиги покиза рух, пок вужуд билан Муҳаммад ибн Восъе ҳазратлари бу хилхонада икки ракат намоз ўқиганлар. Сўнг, пайғамбарзода мақбарасини тавоф қилиб, муножот айлаган кўнгил албатта муродиға етгай.

– Не учун айнан Муҳаммад ибн Восъе? – дея сўради Алишер хайратини яширмай.

– Муҳаммад ибн Восъе Самарқанд подшоҳи Гуракни мағлуб этгач, бу муаззам шаҳардаги илк масжид пойдеворини қўйганлардан. Бул масжид Ҳазрати Хизр масжидидур. Иллох, бу қутлуғ тадбирга Ҳазрати хизрнинг ўзлари бош бўлгонлар. Яна, Муҳаммад исмилиғ тўрт бузрукворнинг сағанаси шул табаррук шаҳарда қарор топганлигидадур. Ани зиёрат қилгон банда Ҳожаи Кунж марҳаматига етишгай.

– Тўрт бузруквор?!

– Шундай. Аввали Исмоил ал-Бухорий, сўнг Абу Дарун, яна Фузайл Балхий, яна бирлари Муҳаммад Санграсоний. Муҳаммад Абу Дарун пайғамбаримизнинг набиралари бўлур, қирк кутб савобини олгонлар. Муҳаммад ибн Фузайл Балхий ҳақидаким эшитганим бор, таърифларини яхши билмасмен. Муҳаммад Ибн Исмоил Бухорий ҳадис илмининг пиру орифидурлар...

– Муҳаммад Санграсонийда қаромат не? – дея сўради Алишер, қизиқишини яширмай.

– Бу бир ривоят, балки ҳақиқат. Ул зот, айтишларича, Қусам ибн Аббоснинг ёвуқ сардори бўлгон. Ғайридинлар билан жангда Қусам ибн Аббоснинг ўқ-тиғлари тугаб, душманни тошбўрон қилишдан ўзга чора қолмаганда ул зот соҳибларига тош майдалаб берган эрканлар. Назаримда, “Санграсон” лақаби шундан.

– Ажаб, – Алишернинг чехрасидаги бир неча дақиқа илгариги андух сийратини завқ ҳис-ғуйғуси забт этди. – Соҳиби қароматларнинг ровийси ким?

– Яна “Ахборул-ибод”да<sup>42</sup> нақл қиладурларким, Расули алайҳиссаломга ваҳйи аён бўлмишким: “Самарқандда бир чашма борким, машойихлар ани жаннат суви дерлар. Андин бир қултум ичган киши ғам-андуҳни унутгай. Икки дунё саодатига етишгай”.

Алишернинг нигоҳий “чодир хаёли” да ажиб манзара жонланди.

– Самарқанд Машҳадданда муаззамму?

– Ҳа, азиз ва муқаррам...

(Асарнинг давомини [sharqyulduzi.uz](http://sharqyulduzi.uz) сайти орқали ўқишингиз мумкин)

<sup>41</sup> Шакл-шамойил – сурати, тўғма феъл-атвор, хулқ, ахлоқ.

<sup>42</sup> “Ахборул-ибод” – гаройиб ривоятлар тўплами. “Қандия”, Самарқанд, “Сухдиёна” нашриёти, 1994 й.

# ХАРАКТЕР ЯРАТИШ МАҲОРАТИ



Абдунаби ТҶҲҲИЕВ

Атокли ёзувчимиз Нурали Қобул ижодида ҳикоя жанри алоҳида ўрин тутади. Адабиётшуносликда ушбу ҳикоялар бир қадар таҳлилга тортилган бўлса-да, уларнинг поэзия қирралари, моҳияти масалаларини батафсил тадқиқ қилиш зарурати бор. Ҳикоялари ҳақида адабий танқидда турли савиядаги фикрлар айтилди. Биз куйида “Азоб” (“Орият”) ҳикоясидаги, унда ёзувчи услуби ва маҳоратига хос хусусиятларга атрофлича тўхталишга ҳаракат қиламиз.

“Азоб” ҳикояси [1] бир қаҳрамоннинг дардли кечинмалари ва иккинчи қаҳрамоннинг унга бўлган муносабати асосига қурилган. Бу қаҳрамонлар ҳаёти орқали ижтимоий муаммоларни кўтариб чиқишга эриша олганлиги ёзувчининг маҳоратидан далолат беради. Ҳикоя қаҳрамонлари Ҳайитбой оқсоқол ва Алламурод дўмнинг характери бир-бири билан бўлган суҳбатда очилиб боради.

Асар Ҳайитбой оқсоқолнинг Алламурод дўмнига серкатнов бўлиб қолганини баён этиш билан бошланади. Ҳайитбой оқсоқол дўмнинг ҳовлисига етганда ҳовли сув куйгандек жимжит эди.

Алламурод дўм эса пешайвон тўридаги сўрида чалқанча дам олиб ётарди. Ёзувчи шу ердан оқсоқол билан дўмнинг характерларини тўкнаштиришни бошлайди. Оқсоқол зўр илинжни дилига тугиб келган. Дўм эса зерикиб ётибди, у қайғусиз.

Маънодор салом-алиқлар, ўтган-кетганларни эслаш хасталик дарду ҳолларидан сўнг ҳам оқсоқол мақсадини айтмайди. Суҳбатни гўёки, шунчаки давом эттиради:

“ – Ҳа, дўм, давримиз ўтди. Донимиз кетиб, сомонимиз қолди. Ўқ есақ ҳам, ўғирлик, ғарлик қилсак ҳам, сен билан мен тирикмиз. Шунинг ўзи бир давлат. Урушда ер билан битта бўлиб кетганларни айтмайсанми?..”

Оқсоқол энди-энди мақсадига яқинлашяпти. Биз асарни бошлаганимизда оқсоқолнинг жумбоқли ўйлари нимага қаратилганини англолмай сиқилиб кетамиз. Бу гаплар эса умидбахш этувчи кўнгил тубидаги илк чақиндир.

Бу гапда хилма-хил маънолар талқинга муҳтож. Оқсоқол даври ўтганини образли айтяпти (донимиз кетиб, сомонимиз қолди).

Оқсоқолнинг кейинги гапларининг ҳаммаси (Ўқ есақ ҳам, ўғирлик, ғарлик қилсак ҳам, сен билан мен тирикмиз. Шунинг ўзи бир давлат. Урушда ер билан битта бўлиб кетганларни айтмайсанми?..) шукроналик. Лекин мен диққатингизни бир нуқтага қаратишни хоҳлардим: “...ўғирлик, ғарлик қилсак ҳам, сен билан мен тирикмиз. Шунинг ўзи бир давлат”. Бу гап оқсоқолнинг икрори. Бу гап шу жумлага усталик билан синдириб юборилган. Бу бекорга эмас. Ахир оқсоқолнинг кўнглига тугиб келган нияти фақат дўмнинг кўнглини сўрашгина эмас-ку?!

*Абдунаби ТҶҲҲИЕВ – 1972 йилда туғилган. Гулистон давлат университетини тамомлаган. Мақолалари республика матбуотида чоп этилган.*

Айнан шу гапдан оқсоқол ўзини оқлашни бошлади. Оқсоқол усталик билан суҳбатдошини тайёрлаяпти, яъни суҳбатдоши учун кутилмаган гап айтилганда унинг тушуниши осон бўлишига замин ҳозирлаяпти.

Алламурад дўм бетоб бўлиб, эшик хатлаб кўчага чиқолмай қолгандан буён оқсоқол калаванинг учини йўқотгандек юрибди. Уйкусидан ҳаловат қочган. Шу қадар азобдаки, бир жойда ўтириб ўтиролмайди, туриб туролмайди. Бугун бор кучини тўшлаб, шу азобга чек қўймоқчи бўлиб уйдан чиққан. У ҳар сафар уйдан дилига шу ниятни тугиб чиқарди. Дўмнинг ҳузурда эса бўғзига бир нарса тикилиб овози чиқмай қоларди. Сўнг совуққина хайрлашиб, бошини эгтанча уйига қараб жўнардди. Агар бораётганида азоби бир бўлса, қайтаётганида азоби минг бўларди. Ана шундай лаҳзаларда сувга бўккан нондай бўшашиб кетарди...

Кўриниб турибдики, Нурали Қобул шу ўринда чиройли бир чиқиш қилган. Адиб ўз қаҳрамонининг руҳий ҳолатини моҳирлик билан бошқариб, биз гувоҳ бўлган охириги нуктага олиб келиб, гўё суҳбат мавзусини ўзгартиради.

Айнан шу ўридан асарнинг иккинчи қисми бошланади, дейиш мумкин. Биринчи қисмда ёзувчи дўм билан бирга ўз ўқувчисини ҳам иккинчи қисмга тайёрлайди. Оқсоқолнинг кўзи янги бинонинг пойдевори учун тўкилган тошга тушиши кейинги воқеаларнинг ривожига туртки бўлди.

“– Иморат соляясанми, дўм! – сўради боғ тўридан кўзини узмай Ҳайитбой чол.

– Ҳа, кўзим тиригида супрақокдига бошпана қилиб бермоқчиман. Қанчалик эс-хуши жойида бўлмасин, бу ўғилларнинг ишидан кўнглим тўлмайди. Назаримда ё менинг миям айниб қолган ёки болалар ишни хом қилади. Шунинг учун қозон-товоққача аралашаман”.

Қаранг-а, Ҳайитбой чол гапираяпти-ю, кўзи суҳбатдошида эмас, боғ тўрида. Нима учун?

Биринчидан, сўзловчи сўзлаётган объектига тикилиб турибди. Унинг хаёли ҳам боғ тўрида. Сўзловчининг айна сўзлаш жараёнидаги аҳволи чиройли берилган. Иккинчидан, оқсоқол азобда қолган. Гапирилаётган нарса у учун нажот. Унга тикилиб қолиши ҳам бежизмас. Учинчидан, оқсоқол ўзини кийнаётган азобдан кутулиш режасини тузиб келган. Лекин қанчалик уринмасин, бўйни ёр бериб дилидагини тилига чиқара олмаяпти. Сўзлаётганда кўзини узмай гапиришидан айна дақиқалардаги ички дардини пайқаш мумкин. Тўртинчидан, юкорида айтганимиздек, оқсоқолнинг гапидан гўё мавзу ўзгаргандек. Аслида оқсоқол энди-энди асл мақсадини очаяпти.

Дўм ўз ҳаракатини изоҳлаб бераяпти. Ҳатто, оилада қозон-товоққача аралашшини кўнгли тўлмаслигига йўйяпти. Дўмнинг айниқса кейинги гаплари ярим оҳангда айтилаяпти. Бу оҳанг ишни қойиллатиб қўйган одамнинг эмас, назарида қилаётган ишидан бироз тортиниб турган одамнинг холи сезилиб турибди.

Оқсоқол эса аксинча уни ёқлаяпти:

– Тўғри қиласан, дўм. Ўзи одам боласининг бирор кишидан ҳайиқиб тургани маъқул. Уй неча хонали бўлади? – сўради жиддийлашиб оқсоқол.

– Дахлиз, мехмонхона, яна бир уй, олди пешайвон, – бурро-бурро жавоб қилди Алламурад чол”.

Оқсоқол дўмнинг ҳаракатини ёқлаяпти. Бу эса оқсоқолнинг ўз оиласидаги муносабатини ҳам ойдинлаштираяпти. Қолаверса, икки шахснинг руҳи ҳам берилаяпти. Дўмнинг руҳи аввалгидай эмас, оқсоқолнинг руҳи кўтаринки.

Оқсоқолнинг жиддийлашиб сўраши кўпроқ кейинги жумлага тегишли. (Уй неча хонали бўлади?) Оқсоқолнинг дастлабки икки гапи дўмни ёқлаш оҳангида айтилган бўлса, учинчи гапи бутунлай бошқача оҳангда айтилаяпти. Тасалли берувчи оҳангда гапираётган одамнинг бирдан жиддийлашиб гап сўраши нега келганини эшлаш мақсадида уринаётган одамнинг катта қадамни билдираяпти.

Қаҳрамонларнинг ҳар бир ҳаракати турли маънода ва ҳар бир сўзи ҳам ҳаракати

сингари. Бўлмаса каранг, оксоқолни нечоғлик ўй босган, дарди дилида. Унинг ҳаракати, гаплари шунга қаратилган. Сухбатдоши дўм эса ўзи бир олам, гаплари бурро-бурро, ишлари режали. У оксоқол билан шунчаки гаплашиб ўтирибди, бекорчиликдан.

Бундан оксоқол баттар азобланапти:

“– Ҳ-м-м, яхши дўм. Сенга айтадиган бир гапим бор эди...”

Диалоглар ривожига мақсадга келди. Оксоқолнинг оғир руҳий ўйлари тилига кўчди.

“Оксоқол каловланиб қолди. Алламурод чол ошносининг овози титраганидан ҳайрон бўлиб ўтирилди. Ҳайитбой оксоқолни тер босиб, хансирарди. Яктагининг ўнгири билан артган сайин ажинли пешонасида милтиллаб, тер томчилари кўринарди. Тез-тез оёғини алмаштириб чордона қураб, худди орқасидан биров қувиб келаётган кишидек безовта эди. Алламурод чол таажжубланди. Ҳануз оксоқолдан садо чикмасди”.

Тан бериш керак, Нурали Қобул адибгина эмас, мохир психолог ҳамдир. Ҳаёлидаги икки одамни бор бўю баста билан мураккаб кечинмаларигача қувваи хофизасидан ўтказиб қоғозга туширади.

Оксоқолнинг руҳий ҳолати ҳақидаги юқоридаги чизгилар оксоқолни узок вақтдан буён қийнаб юрган дарднинг дўмга илк бора намоён бўлишига имкон беради. Айнан шу чизгилар оксоқолнинг дарди дўмга илк бора кўринишга сабаб бўлади.

Оксоқол ҳалиям ноқулай вазиятда. Дўм чуқур таажжубда. Оксоқолдан садо чикмаяпти. Бундан дўм сиқилиб кетаяпти.

“– Нима эди, Ҳайитбой? – деди узок жимликдан тоқати тоқ бўлиб Алламурод дўм”.

Ниҳоят, узок давом этган таажжуб тилга кўчди. Бу эса оксоқолнинг дилини очишига сабаб бўлади.

Биз юқорида оксоқолнинг сўзлаш жараёнида кўзини боғ тўрида янги бинонинг пойдевори учун тўкиб қўйилган тошдан узмай гапирганини пайқагандик. Шу ҳолатни бир неча маъноларда талқин ҳам қилдик. Шулардан бирида “Оксоқол ўзича ўзини қийнаётган азобдан қутулиш режасини ҳам тузиб келган”, – дегандик. Бунга сабаб, ёзувчи ҳам оксоқолнинг дўмга бўлган муносабатини беришда шунга ишора қилиб ўтади. Мана энди шу талқиннинг тўлиқ таҳлилига етиб келдик.

“– Кенжангнинг шу уйини мен қуриб берсам девдим, дўм? – деди Ҳайитбой чол сал ўзига келгач, бўғриқиб пешонасини белбоғи билан артаркан.

– А, нега, нимага? – ағрайди дўм”.

Бу икки ҳайронликда кўз илғамас маъно нозиклиги бор. Дўм дастлаб оксоқолнинг аҳволдан таажжубланган бўлса, иккинчи марта оксоқолнинг гапидан таажжубланапти.

Дўм оксоқолнинг “Сенга айтадиган бир гапим бор эди...” деган гапини бепарво эшитди. Унинг руҳиятини сезмагани учун бу гапни хизмат юзасидан бўлса керак, деб ўйлайди. Гарчи асарда дўмнинг бу ўйи берилмаган бўлса ҳам биз дўмнинг ҳаракатидан шу маънони уқиб оламиз. Дўмнинг қуйидаги гапи ҳам фикримиз исботидир:

“– Нима эди, Ҳайитбой? – деди узок жимликдан тоқати тоқ бўлиб Алламурод дўм”.

Ёзувчининг ҳикояда иштирок этувчилар характерларини диалоглар орқали беришга интилиши эътиборга сазовордир. Ёзувчи ўз қахрамонини узундан-узок таъриф-тавсифлаб ўқувчисини ўзидан бездириш ниятидан узок. Зукко ўқувчисига қахрамонлари характерига хос кўринишларни беради-да, талқинини ҳам ўзига қўйиб беради.

Бу икки таажжубни айириб ташлаган оқсоқолнинг гапи бўлди. Нафақат таажжубни хиллади, аини пайтда дўмнинг ҳам туриш-турмушини бутунлай ўзгартириб юборди.

“– Кенжангнинг шу уйини мен куриб берсам девдим, дўм? – деди Ҳайитбой чол сал ўзига келгач, бўғриқиб пешонасини белбоғи билан артаркан”.

Оқсоқол бу гапни анча хотиржамлик билан айтаяпти. Менинг бу фикримни ёзувчи ҳам “...сал ўзига келгач” деб изохлаяпти. Ёзувчи бу гапни бекорга келтиргани йўқ. Қахрамонининг оғир руҳий вазиятдан чиқиб, мақсадига интилиш жараёнидаги ўнглинишни бераяпти.

Оқсоқолнинг бу гапи олдинги гапидан бутунлай бошқача оҳанг билан айтилаяпти. Оқсоқолнинг бўғриқиб белбоғи билан пешонасини артиши унинг эркин ҳаракатидан дарак беради.

Оқсоқолнинг гапи дўмга қаттиқ таъсир қилди. Чунки, оқсоқолнинг гапи дўмнинг оиласи билан боғланыпти. Дўм, аввало, оқсоқолнинг тинқасини қурифтаётган ўйнинг учи оиласига бориб тақалишини сира-сира кутмаганди. Иккинчидан, фарзандининг суҳбатда “аралашини”ни етти ухлаб тушида ҳам кўрмаганди. Қолаверса, кенжасига мўлжаллаб турган ишни биров бўйнига олса қизиқ бўларкан... Бу эса ҳар қандай ақли расо кишини ҳам эсанкиратадиган ҳолдир.

Оқсоқол гапни-ку айтишга айтди, мақсадини-ку бошлади. Лекин ҳали-ҳали оғир ўйлар исканжасида. Ёзувчи буни “нафаси тикилиб” деган сўз бирикмаси билан ифодалайди-қўяди:

“– Шундай бир ниятим бор эди, – нафаси тикилиб гапида давом этди чол.

– Бу нима деганинг? Қайтамга ёшлар сен билан менга ёрдам беришсин-да! Нега ундай деясан?”

Оқсоқолнинг “нафаси тикилиб” гапириши ҳолатни билдирса, “гапида давом этиши” интилган фаол ҳаракатни билдириб келаяпти.

Дўмнинг биринчи гапи (Бу нима деганинг?) гарчи сўроқ оҳангида айтилган бўлса ҳам сўроқ гап эмас. Бу гап тасалли бериш оҳангида айтилаяпти.

Оқсоқолнинг иккинчи гапи гўё қатъият билан айтилаяпти. Гапнинг охиридаги ундов ҳам шуни тасдиқлаяпти. Лекин учинчи гапи бизнинг фикримизни пароканда қилади ва биринчи гапнинг асл моҳиятини очади.

“– Мендан сенинг авлодинга ёдгорлик бўлсин дегандим, – ҳамон зўрға тили айланиб гапирарди чол.

– Қўйсанг-чи, Ҳайитбой. Нималар деясан? Ҳали сен юзга кирасан. Ундан ташқари Худога шукур битта иморат солишга қурбимиз етади. Ўғилларнинг ҳаммаси йўлини топиб олган бўлса...”

Дўм саволига (Нега ундай деясан?) жавоб ололмади. Оқсоқолнинг жавоби (Мендан сенинг авлодинга ёдгорлик бўлсин дегандим) кониктирмади. Лекин ошноси дардини айтолмаётганини (зўрға тили айланиб гапирётганини) сезиб турибди. Шунинг учун унга тасалли бераяпти (Қўйсанг-чи, Ҳайитбой. Нималар деясан?). Тасалли оҳангида айтилаётган бу гаплар олдинги гапларига жуда яқин. Олдинги гапида аввал тасалли бериб (Бу нима деганинг?) кейин саволини (Нега ундай деясан?) берган бўлса, бу гапида ҳам ўзи билмаган ҳолда яна шуни такрорлаяпти. Бу гапидаги саволни “Ҳали сен юзга кирасан” жумласи бераяпти. Олдинги гапдаги савол (Нега ундай деясан?) кейинги гапга сабаб бўлса, бу гапдаги кўнгилдан айтилган гап кейинги жумлани бошлаб келади.

“– Йўқ дема, дўм. Мен юзга кирмоқчи эмасман. Шу қурилаётган иморатнинг сарфу ҳаражатини берай. Шунча пайт биз сенинг айтганини қилдик. Сен ҳам бир марта одамнинг айтганини қил. Иккимизнинг орамиздаги гап. Ўзинг берган киши бўлиб, шу арзимаган нарсани ўғлингга бер. Сендан ўтиниб сўрайман, йўқ демагин. Бўлмаса, бўлмайди”.

Дўмнинг “Ҳали сен юзга кирасан” деган гапи жуда самимий. Оқсоқол эса юзга кирмоқчи эмас (“Мен юзга кирмоқчи эмасман”). Оқсоқолнинг бу иқроридан “кўнглига туйиб келган режаси”нинг баёни бошланапти.

Хулоса шуки, бу кузатишлар дўмнинг “Ҳали сен юзга кирасан” деган гапи биринчидан, савол вазифасида келаётгани; иккинчидан, “очкич” вазифасини бажараётгани, учинчидан, анчайин гап эмаслигини билдираётгани.

Асардаги ҳар бир гапга маъно нозиклиги юклатилган. Унда санғиб юрган бекорчи гапларни учратмайсиз. Асардаги ҳар бир гап қахрамоннинг характерини беради. Ёзувчи энг аввало, ҳар бир шахс образини характер даражасига кўтариш учун ҳаракат қилади.

Бу ўринда адиб сўзларни териб-териб тартиб билан бера олган. Дўмнинг ҳайронлигини шундай ифодалайди: “Ошносидаги безовталиқ энди ўзига ўтиб (!) хангу манг бўлганча (!) оғзини ярим очиб (!), ағрайиб колди (!)”

Бу жумлада образ жуда ёрқин кўрсатилган.

– “Сенга албатта, айтишим керак. Бўлмаса, оёғимни узатиб жон бера олмайман, Алламурад! – деди йиғига ўхшаш овозда. – Мен сенинг ҳақингни еганман! Шунчаки билдириб-билдирмай ҳақингни еган бўлсам ҳам майли. Молингни ўғирлаганман!..”

Оқсоқолнинг гаплари ҳаммаси тавба-тазарру. Оёғини узатиб бемалол жон беролмаётган одамнинг қийналиши. У бировнинг ҳақини еган... Бировнинг сувини ичиш, бировнинг нонини ейиш, қўйинг-ки бировнинг ҳақини ейиш...

– “Қанақа молимни? Сенга бирор нарса бўлганми? Нималар деясан ўзи?”

– Хўжалиқнинг сутини пунктга ташийдиган туянг бор эди-ку? “Сен гумдон қилгансан”, деб Шодмонқул аравақашни икки ой қаматтириб кўювдинг.

– Ҳа, – деди Алламурад чол совуккина.

– Шуни мен ўғирлаб, Латтавандан ошириб, Панжакент бозорида сотганман. Ўн беш мингта.

Орага оғир ва узок давом этган сукунат чўкди. Фақат икки чолнинг ҳансираб нафас олгани эшитиларди”.

Бу гапларга, менимча, изох керакмас. Асар тутуни ечилди. Бор гап дўмгаям, ўқувчигаям маълум бўлди. Ҳикоя сюжети учун асос бўлган фабула – мана нима экан?!

– “Сотган бўлсанг, сотибсан, – орадаги ноқулай жимликни бузди Алламурад чол. – У пайтда ким кимнинг ҳақини емади дейсан. Бошга ташвиш тушганда одам ҳақ билан ноҳақни ажратишга ожизлик қилиб қолади”.

Бу гаплар оқсоқолга ёқади, унга гап беради. Унинг “Тўғри айтасан, дўм” деб гап бошлаши ҳам бежизмас.

– “Тўғри айтасан, дўм. Мени ҳам бошим айланиб қолган эди. Шундай қилмасам болаларим очликдан ўлиб қоларди. Шу туянг бахона бирим икки бўлиб, мана шу кунларга етиб келдим. Мен сендан ўла-ўлгунча қарздорман, Алламурад”.

Йўқ, оқсоқол бу ишларни боши айланиб қилгани йўқ. Биларди қилаётган ишини, лекин шароит уни мажбурларди. У бири икки бўлганида қўл ургани йўқ бу ишга.

– “Кўйсанг-чи, бу гапларни. Тўғри қилгансан ўшанда.

– Э-э, тўғри қилмай кетайин. Ўшандан буён сени кўрсам ичимга ўт тушиб, азоб ўтида қоврилам. Олдинда игнанинг устида ўтиргандек ўтираман. Сен тошбағир бўлсанг ҳам яхши одамсан, Алламурад. Йўқ демагин. Мени бу азобдан халос қил. Бўлмаса менинг икки дунём ҳам куяди.

Алламурад чол индамади. Оқсоқол белидаги тугунни ечиб, дўмнинг кўрпаси остига қистириб қўйди”.

Дўмнинг индамаганлиги розилигини англатарди. Дўм сира-сира пулни ўйлагани йўқ. Оқсоқолга қарши – Кўйсанг-чи, бу гапларни. Тўғри қилгансан ўшанда деб гапириб турган дўм бу сафар индамайди. Сюжет (хроникали сюжет) ечимида азбаройи ошносини тушунганидан индамай қўя қолди.

Шу ҳолатда оксоқолнинг аини пайтдаги аҳволини ҳам тасаввур қилинг. У бир-икки кунлик ёки бирор ҳафталик азобдан эмас, камида ўттиз йиллик азобдан кутулди. Камида ўттиз йил асабларини қақшатди, юрагининг туб-тубига жойлашиб кемирди, дунёни азобга айлантирди. Энди эса ўзини қушдай енгил сезарди. У розилик олганди. Дўмнинг дарвозасидан чиқиши билан юраги бўғзига тикилиб, кўзи ёшланди. У отасидан қойиш эшитган боладек ҳикиллаб йиғлаб борарди. Елвагай сурп кўйлагини шалаббо қилган кўз ёшлари билан барча гуноҳларини юваётгандек эди. Шундагина чол анчадан буён тўйиб-тўйиб йиғлагиси келиб юрганини англади.

Ўринли ишлатилган эпиграф асар композициясида муҳим аҳамиятга эга. Ҳикоя учун Герценнинг “Фақат кучли одамгина ўз айбига иқроор бўлади. Фақат кучли одам камтар, фақат кучли одам кечиради... Ҳатто ёзилиб қулган ҳам кучли одам, аксарият унинг қулгиси кўз ёшларидир”, деган гапи эпиграф қилиб олинган эди.

Нурали Қобул чин маънода яхши адиб, моҳир психолог бўлиш билан бирга яхшигина сўз санъати расоми ҳам экан. Ҳикояда табиат образи (пейзаж) оксоқол ҳаракат қиладиган табиий муҳитни кўрсатади, асарда тасвирланаётган воқеага табиий тус беради.

“Унинг юраги ҳаприкарди. Уйга киргиси келмай кечгача адирларда тентираб юрди. Ўртақирда ёнбошлаб ётганда тўйиб-тўйиб ерни ҳидлади. Ердан намиққан хас-хашак ва қақра иси келарди. Намозгарда қўлини орқага қилиб, бошини эгтанча уйига қайтди. Лекин қалби чексиз кенгликларни, уч-кири йўқ, теп-текис далаларни истарди. Чол толиққанини, жуда ҳориганини сизди. Уйга киришни истамай боғ тўридаги сўрига пўстакнинг яроғини солдириб, бошини баланд қилди-да, чалқанча чўзилди. Унинг осмонга тикилгиси, тўйиб-тўйиб тикилгиси келиб кетди. Кекса олма дарахти шоҳлари орасидан кўриниб турган тиник осмон булутсиз ва беғубор эди. Самода қанотларини кенг ёйганча муаллақ сузиб юрган ёлғиз қирғий пастга шўнғиди-ю, шу билан қайтиб кўринмади. Чолнинг соддагина мовий кўзлари эса осмонга қадалганча очик қолди...”

Ёзувчи асарини оксоқолнинг далани айланиб уйига қайтгани билан якунласа бўларди. Лекин оксоқолни “ўлдириб” асарга янгича маъно юклаган:

“Эртасига чошгоҳга Алламурад дўм товачининг овозидан сакраб ўрнидан туриб кетди.

– Ҳайитбой оксоқолниқига савоби жанозага-а-ў-ў-ў!

Чол кампирга маҳсисини олиб чиқишни бутурди...”

Бадий асардаги “Ҳар қандай образ характер бўла олмайди, лекин ҳар қандай характер образ саналади” деган гап бор. Кўриниб турибдики, “Азоб” ҳикоясидаги образлар эса характер даражасига кўтарилган.

### **Аннотация**

*Мазкур мақолада атоқли адибнинг “Азоб” ҳикояси таҳлил этилиб, унда ёзувчининг услуби ва маҳорати масаласи, асарлари бадий хусусиятлари, бадий сўздаги маъно товланишлари, ҳиссий-эмоционал талқин билан боғлиқ кузатишлар баён этилади.*

### **Аннотация**

*В данной статье анализируется рассказ известного писателя “страдание”, в котором описываются наблюдения по вопросу о стиле и мастерстве писателя, художественных особенностях его произведений, коннотациях в художественном слове, эмоциональной интерпретации.*

### **Abstract**

*This article analyzes the story of the famous writer “suffering”, which describes observations on the question of the writer’s style and skill, artistic features of his works, connotations in the artistic word, and emotional interpretation.*

# ЗАМОНАВИЙ ҚИССАЛАР ПОЭТИКАСИ



Умида РАСУЛОВА

Инсон қисматини бадий талқин этишда поэтик ифода турфалиги муаллиф концепциясини аниқ ёритади. Ҳаёт ҳамда хаёл қоришиқлигидаги воқеликлар сирлилик, ғайритабiiйлик сатҳини кенгайтиради. Баъзан макону замони мавҳум сарҳадлар миқёси мажозий усулда уюштирилади. Бунда табиатдаги ранглар мутаносиблиги, оҳанглар жаранги, ўсимликлар ифори маъ: ни тиниқлаштиради. Асар бадийятини таъминлашда маъно сержило, серқатламлилиги поэтик яхлитликни юзага келтиради. Ўзбек замонавий қиссачилигида биз поэтиканинг ана шу юксак мезонлари, вазифалари маромига етказиб адо этилганлигини кўрамыз.

Таниқли ёзувчимиз Мурод Муҳаммад Дўст “Галатепага қайтиш” қиссасида ақл ва қалб мувофиқлиги борасида фалсафий қарашларни илгари суради, илму фан фидойисининг фаол турмуш тарзини ретроспектив сюжет теграсида ёритади. Киши юксак маррага эришиш асносида маънавий киёфасини йўқотиш ҳолати воқеани тезлатади. Туғилган макон, ота юртга меҳр риштасининг узилиши қадрият унутилишига сабаб бўлади. Асарда маълум ахлоқий қонунларнинг инсонлар тақдирини ақлланиши турли ракурсда намоён бўлади. Авлодлар тарбиясида падар, устоз ўғити, мухитнинг олим келажигага таъсири азал ҳамда абад тушунчалари доирасида қолипланади.

“Алвидо, болалик”, “Шўродан қолган одамлар” қиссаларида башариёт этик, эстетик тафаккурига зид ҳолатлар камраб олинади. Маълумки, болалик палласи баҳорга менгзалиб, яшаш завқи, хайрат кўлами ниш уради. Ота, она меҳридан маҳрумлик пок қалбни парчалайди. Тоҳир Малик сағир болалар кўнглидаги мусаффолик, кўкламни аёзга рўбарў этган хиссиз падару волиданинг умумлашма образини тақдим этади. Ҳалоллик ҳамда харом тушунчаси норасида гўдаклар азоб, укубагида шакллантирилади. Мурувват, оқибатдан бенасиб болалар қаҳр, ғазаб оғушида вояга этади. Муаллиф эзгуликни ёвузлик забт этиш жараёнини ички низо, исёнлар қуршовида ташкиллаштиради. Муҳаббатни ниқоб айлаган нафс қурбонлари ўз фарзандлари нафрати, интиқомидан холи бўлолмайди. Асар пафоси образлар тазарруси, виждон изтиробиди бўртиб кўринади. Шойим Бўтаев асарида Назоратчи ўғлини Тошмуродга айланишида бош айбдор саналади. Оталик бурчи, фарзандлик вазифаси борасидаги меъёрнинг бузилиши тақдир ўйинини авжлантиради. Қиссадаги ретроспектив сюжет воқеаларни босқичма-

---

Умида РАСУЛОВА – филология фанлари номзоди. 1977 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. “XX аср ўзбек қиссалари тадрижи”, “Ҳозирги адабий жараён: бадий наср поэтикасида ритм” каби қўлланмалари нашр этилган.

боскич ёритиб боради. Сўқир қалб умр хикматини англамагани боис кўни-кўшни, қариндош-уруғчилик аҳкомларини узиб, кишилар нафратига ноил бўлади. Қиссалар поэтикасида инсоният бадиий тафаккуридаги анъаналарнинг ўзгариш жараёни ижтимоий, маданий қатламда вужудга келаётгани аёнлашади.

Адиблар сарлавҳа воситасида ғояни етказишга, моҳиятга ишора беришга интилади. Назар Эшонқулнинг “Қора китоб”, Шодикул Ҳамронинг “Қора кун” янглиғ сарлавҳаларда қора сўзи замирида нохушлик, хавотир ҳисси пайдо бўлади. Одамлар оқ рангда эзгуликни, қорада эса зулматни тасаввур этгани боис таассурот шу тахлит давом этади. Асар структурасидаги маъновий қатлам сири, жозибали уқиш асносида мутлақлашади. “Қора кун” асарида оксоқол, саргарош, жувозкаш, сомсапаз, тоға, фолбин, жинни киз образлари билан боғлиқ лавҳалар босқичма-босқич мантиски асослаб боради. Адиб қаҳрамонларга исм бермайди, касби ё насабига кўра номлаш амалга оширилади. Хронотоп аниқ белгиланмай, маскан борасидаги маълумотлар персонажлар нутқида тўлдирилади. Асар композицияси тугундан бошланади. Масжид ҳовлисида тобут йўқолиши воқеани таранглаштириб, унга турли лавҳалар бириктириб қисмдан бутун яралганда бадиий ният теранлашади. Қиссада умр йўлида адашганлар қисмати турли ракурсадан баҳоланади. Жувозкашнинг зиғирга пахта ёғи аралаштириб, ноҳақликка кўникиши, сомсапазнинг ҳаром гўштан таом тайёрлаб завқланиши, тоғанинг жияни тентак қизга зўравонликдан орланмаслиги, болаларнинг мархумлар танасини ўйнаб шумланиши ҳолатлари иллат, қабоҳатни очик намоён этади. Муаззин, саргарош, уста, икки мусофир виждонидан айрилмагани сабаб биқик муҳитга шаффоф иқлим беришга интилувчилар тоифаси саналади.

Муаллиф поэтик марказни равшан ифодалайди: “Ўлатдан, тошқиндан, очликдан ва яна алламбалолардан бутун-бутун кишлоқлар тамоман қирилиб кетганини эшитганман, аммо тобутини йўқотиб қўйган элни эшитмаганман. Худо фақат ўз назаридан қолган бандаларининг бошига шундай дарду балони солади. Ҳаммамиз бўғзимизгача гуноҳи азимга ботиб кетганмиз, шунинг касри уриб, бу кўргиликка йўлиқиб ўтирибмиз”.

Инсоният тарихидан маълумки, гуноҳи азим бадали оғир бўлган. Муқаддас Қалом, диний манбаларда одамзотнинг имону адолатдан мосуво бўлиши оқибатлари аниқ ёритилган. Раҳмоний адолатдан маҳрум кишилар энди шайтоний разолатга рўбарў келади. Онгли яратик тафаккур қобилятидан холи бўлиб, сўқир қалби ила ойдин йўлни ажратолмайди. Муаллиф ёшу кекса табиатидаги қусурларни фактлар билан асослайди. Тирикликни абадий тасаввур этган ғофиллар охираат тадоригини унутади. Ҳар бирининг кичик (микро) нуқсони каттариб макрони ҳосил қилиши аёнлашади. Тобут улов мисол мархумлар диёрига элтишга восита саналади. Бир деталь орқали маъновий сатҳ тақомиллашади, киши гуноҳи серобидан Яратган раҳматидан узоқлашади. Ҳар ишнинг ҳисобини унутган аҳли кишлок ўзга маконга кўчишга чоғланади, бироқ одам қисматидан кутула олмайди. Қаҳрамонлар манзилени эмас, аксинча ботинини тафтиш айлаб, хатосини тушуниши даркор. Қиссада оломонлик ҳолати фожиалар силсиласида бўртиб кўринади.

Ижод жараёнида реал ҳамда нореал замон ўлчовлари воқеликни тимсоллар тилида уқишга чорлайди. Эркин Аъзам “Шоирнинг тўйи” асарида санъаткор каламкаш, зиёли, мансабдорлар доирасидаги чиркин муҳитни тасвирлашга интилади. Пичинг, киноя усулида етакчи лейтмотив бўртиб кўринади. Шоир кўнгли умумбашарий қадриятни ўзида жо айлайди, ҳайрат олами ила кенг сарҳадни забт этади. Ҳақ йўлда собит каламкаш фожиаси собик тузум фониди мужассамланади. Муаллиф метафорик образлар орқали бадиий ниятини амалга оширади. Ҳар бир исм муайян функция бажариб, серкатлам хусусияти воқеалар ривожиди маълум бўлади. Инсон зоҳиран тўғри кўриниши, бироқ ботиндаги эгрилик чин ҳамда сохта

маслак соҳиблари муқоясида рўёбга ошади. Мафкурахоним, Маъшуқахоним, Жиянбека тоифасидаги маҳдудлар исмида пичинг оҳанги яққол сезилади. Бу образлар иждоқ ҳақидаги ёлғон фитналари ила оммани чалғитишга интилади. Оташқалб исмида муаллиф идеали бўй кўрсатади. Асар марказида икки қутб вакилларининг муросасиз беллашуви етакчилик қилади. Аслият ва сунъийликнинг инсон ҳилқатидаги талъати мушоҳадага қорлайди. Оқсоқол, Ажойиб домлалар манфаати йўлида ҳар қандай тубанликдан чекинмайди. Ҳақ ва ботил муқоясида заҳарханда киноя устунлиги, ироник бадий модус юқорилиги кузатилади. Кошона хронотопи ҳам қафас мисоли намоён бўлиб, у ердаги такаббур, риёкор кимсалар маскан ҳашаматидай таассурот қолдиради. Юқорига интилган маккорлар бу йўлда турли разолатдан бош тортмайди. Салобатли тузумнинг биқиқ ҳавосидан тўйинган басир қалблар ожизлигини ҳис этмайди. Гарчи шоир ноҳақлик қурбони бўлса ҳам пок кўнгли ила олий мақомга эришиб, халқ юрагида абадий яшайди. Адиб миллатнинг фидойилари образини талқин этишда шоир қисматини мифологик тасвир меҳварида тақдим этади. Рухлар оламидаги эркинлик тириклик дунёсидаги тутқунликдан буюк саналиб, икки қатлам синоати қисмат теграсида уюштирилади. Бундай ёндашув замон, макон кўламини чекламасдан, кишининг фонийлик ҳамда боқийлик ҳолатига мажоз усулида нигоҳ ташлашга замин яратади.

Жанр тақомилида мавзулар кўлами ортгани, образлар тизими ўзгаргани маълум бўлади. Жамиятдаги муаммолар қаҳрамонлар дунёқарашига таъсир этиб, уларнинг фалсафий, эстетик қарашларини янгилаётгани аёнлашади. Глобаллашув асносида инсон тахаййул оламидаги тебранишлар бадийят намуналарида аксланиб, метафорик моҳият касб этади. Поэтик ифода йўсинида рамз, тимсоллар салмоғи воқеани таъсирли ифодалашга йўналтирилади. Ранглар муайян нарса, ҳодисага ишора бериб, серқатлам маънони юзага келтиради. Қаҳрамонларга исм танлаш улар сийратидаги нуқсон ёхуд фазилат табиатидан келиб чиқади. Бу хусусиятлар қиссалар поэтикасидаги ўзгаришлар янги талқинларга имкон яратади.



*Санъат факатгина ҳаётни қаламга олиши эмас,  
шунингдек, борлиқнинг бирлигини айтиши ҳам...  
Ўз даврининг эътиборга лойиқ ёзувчиси номат-  
лум, бетакрор, ягона тирик ҳаёт ҳақиқатини  
тасвирга олишга қодир наифриётчидир.*

**БОРИС ПАСТЕРНАК**



## Сукунат қўйнида мусаффо бир тун



**Анвар ТОҒАЕВ**

### УМР

Яшаган хонаминг тўрт тарафи бор,  
Очик деразадан тушиб турар нур.  
Гўё бир тарафда яшнаса баҳор,  
Бир тараф кировли куздай кўринур.

Биридан мўлтираб боқар болалик,  
Ховлида ўйнардим, кивич от миниб.  
Аммо, бу кун дўстлар кўнгил нолалик,  
Ёшлик тўлқинлари қолгандай тиниб.

Мана, кўнса ҳамки сочларимга қор,  
Ўтган дамлар гўё ширин бир хаёл.  
Тун-кун чорлаб турар нурли бир дийдор,  
Ул онам мунис ва муштипар онам.

Она, кўринг мана шўхлигим тинди,  
Топдим на бахтимни, на бор дўсти ёр.  
Фақат сизга қулоқ соламан энди,  
Дайди ўғлингизни кечиринг бир бор.

Эшик орқасидан тақиллатган ким,  
Очсам бир улуғ зот, ақли ҳам расо.  
Мен унинг қошида довдирадим жим,  
У эса кўлимга тутказди асо.

\*\*\*

Сукунат қўйнида мусаффо бир тун,  
Кўкда ой кезади шаффоф ва зебо.  
Сурур бахш шу тунга бўлганча мафтун,  
Яна хузуримга келдинг дилрабо.

Оташ нигоҳингдан кўзларим сарсон,  
Айтчи, дийдорингга қачон тўйибман?  
Бок, жоним, бу кеча осмон чароғон,  
Сен-чун юлдузларни ёкиб қўйибман.

*Анвар ТОҒАЕВ – 1947 йилда тугилган. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириши инженерлари институтини тугатган. Ижодкорнинг “Кўнгил гавҳари”, “Муҳаббат ёғдуси”, “Соғинч фасли” номли шеърый тўпламлари чоп этилган.*

## Севги ва баҳор

Яна ҳам осмоннинг йиғиси келган,  
Олам остин-устин бўлиб қолибдир.  
Бокириб, чакмоқлар чакқон булутлар,  
Илик кўзёшларга тўлиб қолибдир.

Майсалар чўмилиш тараддудиди,  
Чечаклар атрофга атир сочмоқда.  
Чаманни силаган майин бир шамол,  
Гулнинг яроғини олиб қочмоқда.

Ёмғирда бир яйраб олмоқ ишқида,  
Ўрмонзор силқиниб, ортар чангини.  
Мажнунтол бошини пастга эгганча,  
Тинглар булоқларнинг хўш охангини.

Бошини кўтарар ширин туйғулар,  
Юракда уйғонар минг орзу-тилак.  
У оддий туйғу йўқ, балки, севгидир,  
Уни авайламак, асрамоқ керак.

Севгисиз ҳаётни тасаввур этмам,  
Севмоқ фасли экан аслида баҳор.  
Севги билан баҳор борлиги учун,  
Дунё кoinотда топгандир қарор.


\* \* \*

Қоронғи тунларни ёритмоқ учун  
Ўзимни шом каби эритдим, бироқ.  
Мен қанча ёнмайим, қанча қуймайин,  
Мендан кўп нур сочди оддий шамчирок.

Турли ташвишлардан қочмоқчи бўлдим,  
Ўзимдан узокқа қочаолмадим.  
Ҳаётда кўп сирни очаверсамда  
Тақдирим сирини очаолмадим.

Дунё мендан олди барча аламин,  
Темир панжалари бўғзимдан сикди.  
Илҳом ўчоғида ёқилган ғамнинг  
Тутуни бир шеърнинг бошидан чиқди.

Юрак чарчайвериб, дош бермаган он,  
Ўтли ҳисларимнинг исёнларига.  
Шеърнинг тили билан кираверди жон,  
Қалбимнинг ҳайқирган туғёнларига.



**Насирли Али  
ГЕЙДАР ўғли**

*Насирли Али ГЕЙДАР ўғли – 1950 йилда туғилган. Озарбайжон давлат университетини (ҳозирги БДУ) тамомлаган. Ижодкорнинг “Кўҳна дунё”, “Яхши ният”, “Умид чироғи” тўпламлари нашр этилган.*



Бахтиёр ВАТАН

## Мона Лиза

Мона Лиза, э, вох, ғарбнинг гўзали,  
Қандай яратдйкан сени мусаввир.  
Сени она туккан эмасдир, асло,  
Дунёга келтирган ёркин тасаввур.

Ҳа, сенда шубҳасиз илоҳийлик бор,  
Ҳатто, худоларни келдинг сеҳрлаб.  
Рассомнинг ўзи ҳам англамай буни,  
Сени мангуликка қўйган муҳрлаб.

Сенинг тимсолингда кўрган у бахтни,  
Покиза муҳаббат, қалбида ёник.  
Сени севиб қолиб, охир-оқибат,  
Ақдан озай деб, қолгани аник.

Бўлмаса, нега у каерга борса,  
Сени ўзи билан олиб кетган, айт?  
Умрининг то сўнги дамига қадар,  
Сенсиз қолганмиди танҳо бирон пайт?

Бўёқ чапламоқ-чун юзингга қасддан  
Кимлар таркатмади миш-миш, фаразлар.  
Бу, асли, даҳога ғайирлик эди,  
Буюк истеъдодга ҳасад, ғаразлар.

Сен эса, ҳамонки ўша-ўшасан,  
Жилмайиб турасан, дилбар, маъсума.  
Қиёсинг тополмас бирор мусаввир,  
На шоир бағишлай олар манзума.

Устоз Леонардо руҳи бўлсин шод,  
Доим сенга боқиб, кўнгил чоғлайлик.  
Ажиб хиссиётлар асири бўлиб,  
Мангу муҳаббатга умид боғлайлик.

*Бахтиёр ВАТАН – 1955 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) биология ва тупроқшиunosлик факультетини тамомлаган. Унинг “Ойнинг ўн беши” номли шеърый тўплами нашр этилган.*

## Жўнатилмаган мактуб

Ёмғир ёғар ювиб дардларим,  
Покланади замин у замон.  
Кеткизолмай кўнгил гардларим,  
Оқ булутлар ёш тўқар ҳамон.

Сочларимда соғинчлар изи,  
Кўзларимда кузнинг акси бор.  
Ҳижронларнинг аҳдини бузиб,  
Мен ёнингга бораман тақрор.

Муҳаббатга тўлади олам,  
Унутаман кўз ёшларимни.  
Битта-битта сочиб ташлайман,  
Хузурингга бардошларимни.



**Норинисо  
ҚОСИМОВА**

## Симиллайди юрагим

Симиллайди юрагим нодон,  
Соғинч ўртар дилимни шу дам.  
Деразамдан бокиб турар мох,  
Соғинганми кимнидир у ҳам.


Олисларга судрар бир хаёл,  
Менла бирга юраверади.  
Кимдир баҳор шаклига кириб,  
Тушларимга кириверади.

Йиғлатади тунлари бехос,  
Кундузлари ўргайверади.  
Оқу қора суратдан қараб,  
Кўлларимда титрайверади.

“Мен биринчи севгингман” дея  
Қулоқ тутсам нолаларига.  
Ҳамон мени кутаётгандек  
Мажнунтолнинг сояларида.

*Норинисо ҚОСИМОВА – 1959 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Ижодкорнинг “Дил сўзлари”, “Соғинч”, “Излайман” номли шеъррий ҳамда “Йиғилмаган чимилдиқ”, “Бегона осмон” тўплами наشر этилган.*

## Кетар бўлсанг



Ҳақим АБДУЛЛА

кетар бўлсанг бош олиб бундан  
қайтмоқ фикри тилмасин калбинг  
ёруғлик топ қоп қора тундан  
ва тошларга дарс берсин сабринг

кетар бўлсанг кечиб севгидан  
бир дарёдек қудратга айлан  
ўзга олам қўйнига шу он  
бир ўк мисол кирмоққа шайлан

кетар бўлсанг эҳ кетар бўлсанг  
гунг чўккилар қайтгил деёлмас  
улар сукут сақлашар билсанг  
ўкириб одамдек йиғлолмас

кетар бўлсанг тўлғанар денгиз  
у шовулла қўпориб қирғоқ  
менчи мен бир қарорга харгиз  
келолмасман сахарлар уйғоқ

## Ғожиа

*К. П. Брюловнинг “Помпейнинг сўнги  
куни” суратига боқиб*

қора қуюн қоплар самони ерни  
қонталаш уфқ ҳам бермади таскин  
жамлолмади ҳеч ким хотирни  
вулқон отиляпти омонсиз тошқин

қулаб тушаяпти ҳайкаллар  
одамлар устига бормақда қулаб  
тепада муаллақ қотади қўллар  
ким қайга бош урсин нажоллар сўраб

отнинг совуқ узун кишнаши  
чинқирган чақалоқ товушин босади  
хушсиз ётган она турса о қани  
очилган кўкрагин ким ҳам ёпади

елкага олганча бузрук падарин  
йигит қиз ваҳшатдан қочаяпти  
серсоқол чол кўкка боққанча хазин  
ғожиадан фол очаяпти

бу қунни душманга қўрмасман раво  
ҳеч кимни аламли қарғиш урмасин  
юракни эзаяпти маънос бир наво  
бундай қаро қунни дунё кўрмасин.

Ҳақим АБДУЛЛА – 1957 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Ижодкорнинг “Севги сирин”, “Илк муҳаббат”, “Ҳидоят йўли”, “Кўнғил саҳнаси”, “Илоҳийёт” номли шеърини тўпламлари чоп этилган.

# БОЙЧЕЧАК

Қисса<sup>1</sup>

Маъмура  
ЗОХИДОВА

\* \* \*

Чоршанбани неча кунки кутиб юрганди. Олтинчиларда дарси бор. Биттагина синфга киради. Яна энг кизик дарс.

Дарслар ичида ҳеч бири адабиётчалик бўлмас.

– Турғун ака, мен гапирай.

– Мен айтаман, мен янги мавзуниям ўқиб келдим.

– Мендан сўранг. “Бошгинам оғрийди”ни ёдлаганман.

– Турғун ака, мен “Халк кўшиклари”даги ҳамма кўшиқларни ёддан айтиб бераман. Мен чиқай доскага.

Турғуннинг бир хаёли кун сайин этагининг оғирини ҳам зўрға кўтариб юрганини бот-бот айтар бўлган бувисида, бир хаёли Ойдинда, кейин бугун тункоронғисида унинг никоҳли хотини билан учрашишга борадиган Йигиталида эди.

“Нималар қилиб қўйдинг, Ойдин?

Йигиталинг менинг олдимга келмади. Нега келмади? Тўй бўлмасдан бурун каердайди? Оти ҳам йўк эди-ку? Ҳа, ҳали ҳам биз ёқларда ўзи йўк, фақат оти бор. Иккимизнинг ўртамизда унинг ўша кунда айтилган, бир мартагина айтилган оти бор. Энди ҳаммамизнинг номимиз қора. Сенинг, менинг, унинг.

Э, қаёқда. Ойдиннинг юрагида-ку ўша Йигит. Наҳот шундай кўнглинг билан келиб-келиб Йигитни севдинг. Бошқаси бўлса алам қилмасмиди.

Ойдин! Йигит сенга жонини берар бўлса, қани ўзи?! Бир марта бўлсин сиёғини кўрсатмади-ку!

Йигит хув аввал Пўлатвойнинг қизи билан кўз қисишиб юрарди-ку! Қачон Ойдин билан топишди? Ойдин қачон уни бунчалар қаттиқ севди? Қаттиқ севмаса, бугун кетмасди. Кетолмасди.

Эҳ, бир рўпара келмади-да Йигит.

Аҳдлашганинг сени деб, мана, нималарга тайёр, сен-чи, дермидим?

Бувим айтгандай, бошим тошдан бўлсин-да. Оғришни бошлаворди-ку”.

– *Ойшжон, ойшжон-эй!*

*Бошгинам оғрийди-я!*

– *Бошгинангдан онанг ўргилсин,*

*Нималарга оғрийди-я?*

Бу болаларга қачон хўп деди, иккита киз ёзувтахта ёнига чиқиб олиб бир-бирига қараб олиб чунон берилиб қуйлашяптики.

Кетидан “синфком” дейдиганлари ўрндан туриб бидирлаб кетди:

– “Бойчечак” кўшиғи, одатда, баҳор фаслида ижро этилган. Бу гул – баҳор даракчиси. “Ҳамён-ҳамён тиллоли” деганда халқимиз бойчечакни кўтариб борган болаларга катталар пул беришганига ишора қилади.

<sup>1</sup> Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

– Тўхта, ўтир, Кумушой. Китобдан ҳеч ким “Бойчечак” кўшиғи ҳақидаги жойни ишланма қилиб ёзиб ўтирмасин. Ҳамма менинг айтганларимни ёзади. Бошладик: “Бойчечак” – аслида топишмоқ шеър. Халқ кўшиқларини ҳам узок ўтмишдаги энг яхши шоирлар яратган. Фақат ким ёзгани унутилган. “Бойчечак”ни момоларимиз чақалоқни биринчи марта бешикка белашганда айтишган. Кейинроқ у кўкламда айтиладиган кўшикка айланган. Кўкламда айтилиши бойчечак гулининг кўкламда очилиши билан боғлиқ”.

– Бўлди, яна икки оғиз гапни дарснинг охирида ёзиб қўямиз. Бу кўшикнинг мазмуни анчагина чуқур. Мазмунини яхши билиб олиш учун катталардек тушунча керак бўлади. Ҳозир тушунмасанглар каттароқ бўлганингизда чуқурроқ билиб оласиз.

– Турғун ака, китобда унақа дейилмаган-ку, – биринчи партада ўтирган сарғиш сочли бола дарслигидан ўқишга тушди. – “Бойчечак” баҳорга етиб келганлик, шукроналик белгиси сифатида қабул қилинган. Кўшиқ болаларга хос содда, самимий, ҳазил-мутойиба тарзидаги мисралар билан бошланади”.

– Ҳа, китобда шундай дейилган. Лекин “Бойчечак”нинг қандай кўшиқлиги айтилмаган.

– Китобимизда хатоми, Турғун ака?

– Китобимизда айтилмаган жойлар бор. Уни ҳозир бирга ўрганиб оламиз, келишдикми?

Болалар бош силкишди.

– Мен ўтган дарсда ҳулла нималигини билиб келинглар, дегандим. Эсингиздами?

– Ҳа, ҳа, – деди бир қиз шоша-пиша дафтарини варақлаб, – мана, ёзиб келдим. Каттабувим айтдилар. Ҳулла – бешикнинг ёзги ёпқичи экан. Юпқа бўларкан. Ичи кўринадиган матодан тикиларкан.

– Қойил, энди ўзинг “Бойчечак” кўшиғидаги “хулла” сўзи бор бандини айтиб бер-чи.

Қиз дик этиб ўрнидан турди. Бирйўла кўшиқ қилиб айта кетди. Ҳамма уни мийиғида кулганча тинглади. Кўпларнинг боши оханг ортидан силкинди.

*Бойчечаким хуллоли,  
Ҳамён-ҳамён тиллоли,  
Ҳамма бозор – бир бозо-ор,  
Атрофлари лолазор.*

*Қаттиқ ердан қаталаб чиққан бойчечак,  
Юмишоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак.*

– Яхши ўқибсан, Ўғилой. Сенга хулла нималигини билиб олганинг учун ҳам “беш” баҳо қўяман. Энди, болалар, китобдаги биз ўрганишимиз зарур бўлган биттагина маълумотга диққат қилинглар. Ўқийман.

“Кўшиқ матнидаги “Бойчечакни тутдилар, тут ёғочга осдилар”, деган жойнинг маъносига эътибор берайлик. Бойчечак халқ орасида рамзий аҳамиятга эга бўлиб, унда чуқур маъно бор. Уни “тутадилар”, “тут ёғочга осадилар”, “қилич билан чопадилар”, “бахмал билан ёпадилар”. Халқда ўз кучи билан қийналиб мақсадига эришса, “Ахир у қаттиқ ердан қаталаб чиққан бойчечак-да”, дейишади. Буларнинг барчасида бойчечак меҳнаткаш инсон рамзи эканига ишора қилинади”.

Эшик очилди. Директор ўринбосари бир ўқитувчи билан кириб келди. Ўқувчилар салом беришди.

– Нечта проғул бугун?

– Учта келмаган.

– Қасал бўлганлар ҳам борми?

– Битта Эргашев Ойбек қасал. Эртадан чиқади.

– *Справкасини класкомга* бериб қўйсин. Сен, тур учинчи партадаги, йўқ, сен. Нега сочинг ўсган? *Нармалний* қилиб олсанг бўлади-ку, тўғрими? Қиласанми? Ўтир. Эртага ўзим кўрволаман. *Формасизлар* ўрнидан турсин. Вой-бў, синф раҳбари *вапше* ишламай қўйибди. Сиз ҳам, *Юлдашев*, дарсни курук ўтиб кетмасдан, ўқувчиларнинг тарбияси билан шуғулланиб турсангиз бўлади-ку. Ё шунчалик кийинми? Сен, Далабоевмидинг? Бу ёққа чиқкин. Қизим, сенам бу ёққа кел. Мана, мана шунақа *аккуратний* кийиниб келамиз, келишдикми?

Болалар бир овоздан, “Хўп”, дейишди, бош силкишди. Ўринбосар давом этди:

– Эҳ-хе, ҳамма ёқ *мусор-а*? Қоғоз ташлабсизлар. *Уборишчанинг* меҳнатини ҳам кадрлаш керак, болалар. Уям одам. Дарров тозалаб қўямиз. Синфда *дежур* нима иш қилади? Тозаликкаям қарасин-да. Ҳамма жой *чистий* турсин.

Болалар у ёқ-бу ёққа эгилиб, парталар тагидаги коғозларни ола бошлашди.

– Ҳа, кейин олимпиадага қатнашадиганлар *метрикасидан* кўпия опкелиб кураторига бериб қўйсин. *Срочна*, лекин. Кейин кўчамиздаги *киоскадан* қарзинглар бор экан. Эртагаёқ *рачёт* қилиб қўйинглар, хўпми? *Юлдашев*, шу масалани ўзингиз тугатиб беринг. *Киоскачимиз растрата* бўлиб қолдим деяпти.

Турғун бош ирғади.

Эндиги гал ростдан ҳам чиқиб кетишди.

Майда гап катта ишни ғарқ қиларкан.

Орка партадан кимдир “*растрата*” деди-да, бошини пасайтирди, овози ўчди.

Аълочи қизлардан бири Турғунга деди:

– Устоз, адабиёт дарсида ҳам фақат она тилимизда гаплашамиз-а?

Аралаштирмаслигимиз керак-а?

– Ҳа, энди ёзамиз, ўқувчилар.

“Бойчечак” кўшиғидаги Бойчечак – аслида чақалоқдир. “Бойчечакни тутдилар” – чақалоқнинг икки билагидан тутиб, елкаси аралаш силкиб олиб, кейин бешикка белаш ҳақида. Кўшикнинг *нақароти* инсонни дунёга келтириш энг қийин жараён эканига ишоради”.

Болалар, халкнинг бу кўшиғи бешик маросими билан боғлиқлигини ёддан чиқармаймиз-да, охириги бандга эътибор қиламиз. Ким охириги бандини яна бир эслатиб юборади?

Болаларнинг ярми тенгдан қўл кўтаришди.

– Сен айтақол, Комилжон.

*Бойчечаким ҳуллоли,*

*Ҳамён-ҳамён тиллоли.*

*Ҳамма бозор – бир бозор,*

*Атрофлари долазор.*

– Ана, энди ўйлаб кўрамиз. Бешикнинг ҳамён-ҳамён тилласи қаерда экан?

– Ҳа, устоз, топдим. Ҳамён тилласи тувагида бўлади.

Болалар жавоб бериш учун ўрнидан туриб кетган қизга қараб баравар кулиб юборишди.

Турғун уларни тинчлантирди.

– Э, койил, яна ҳар доимгидек топқирлик қилдинг, чиндан ҳам ҳамёни тувагида.

Сенга, Малоҳат, “беш” баҳо қўяман.

Турғун бу гал анча ғира-шира қилиб уйга қайтди. Мактабдан чиққанида бувсининг кўзига қандай қарашини ўйлади. Осмоннинг бир томонида сузилиб чиққан ойга тикилди. Бирпас тўхтаб қолди. Кейин ён-верига аланг-жалаң қараб, йўлига тушди.

Ойлар ортада қолди. Ой неча тўлиб, неча ингичка тортаркан, бу иккига ҳайрон бўлгандир. Униси унда, буниси бунда юрибди, дегандир.

\* \* \*

Яна йўл. Овлоқ йўлда, катта сада тагида... ўшами? Ўзими? Кимни кутиб турган экан?

Ер остидан унга қараб тараддулланыпти.

Нахотки уни кутипти?

Унга интиқ бўлиб турибди.

Ойдин-а?

Кўпдан турганми?

Турғуннинг кўзларидан олов чикди.

Вужудини қалтироқ тутди. Яқин келди. Ойдиннинг оқ юзлари баттар оқарди.

Недир ҳаяжонларни англаганча қимтилиб, қандайдир сўзларни аранг тутиб турган кизил лаблар енгил титраб олди.

– Ях-шимсиз? Сизда г-гапим бор.

Турғун аллақаерларга қараса ҳам, унинг ойдай юзини кўриб турарди. Жисмига нимадир ерданми, кўкданми, сирғалиб кириб борар, оёқларининг учида яшин ургандек сезги бўлар, нафасидан елкалари кўтарилиб тушар эди.

– Нима дейсиз? Исирғангизни йўқотдингизми?

– Йў-ў... А? Нима деганингиз бу? Унгамас.

– Нима унда?

– Мен... ҳалиги... Уйга қайтмоқчиман. Кечирсангиз агар...

Орқадан мактаб болаларнинг овози келди.

– Энди онангизни ўлимдан опколмоқчимисиз? Йўқ, борманг. Биз яшаб бўлдик. Сиз билан ажи-ажи ўйнамоқчимасман.

Орқадаги болалар яқинлаб қолишди.

Ойдин шошиб нари кетди.

У уйга юрди. Юраги гурс-гурс тепарди.

Бунча ҳам чиройли бўлмаса Ойдин. Нега у... Нега жонига офат қилиб яралган экан-а? Нега у бошқани севди? У юрагини очмасидан севиб улгурди? Кўнглини бировга берди? Севиб қўйди? Нега? Кафтларида тутмасмиди? Истаганини мухайё қилмасмиди? Чўгдай ясангириб, ҳамма қизларнинг кўзини куйдириб олиб юрмасмиди?

Йигиталига сира рўпара келмади-я. Нима дерди экан у? Ўзи-чи?

\* \* \*

Тунлар шундай узун бўларканми. Аввал билинмасди. Бувиси ҳам ухлолмай у ёқдан-бу ёққа ағдарилиб ётибди. Ҳали эрталаб барибир “мижжа кокмадинг-а, болам”, дейди. Бир нарсани яшириб бўлса экан.

Нималар қилиб қўйдим.

Хатонинг йўлдоши жазо бўларкан.

Мол-холни тинчитиб, чойга ўтирди. Кампир ҳам намоздан чиқиб, сўрига қадам қўйди.

– Болам келинга бир бориб-келсанг бўларди. Изига ёниб қолгандир. У куни бувисешанбада Қантижон ҳамманинг ичида ярашишмадими, деб сўради. Ер ёрилмади-да.

– Келмайди энди, буви. Керакмас.

– Оғзингни ёп. Бўлар-бўлмасни гапирма. Ҳар гапга фаришта омин дейди-я, ўлмагур. Ҳали шунақаям бирга яшайсанки. Қорлар ёғилади – излар босилади. Куй-куй бошқадан бўлиб, жа...

– Йўқ, буви, у...

- Санга сиёсат қилади-да. Шунақа ўқимишли эрни қатган топади?  
Турғун хўрсинди.
- Энди бўлди. Кўча-кўйда гапириб юрманг. Уйигаюм борманг.
- Ҳа, сен бола уни бирорта билан сўрашиб кўйганини кўргандирсан-да. Кўй, бир юзинг билан пишгин. Кейинги хотин – чопоннинг ямоғи. У-бу ерга чақириб гапиргин, йўлга сол. Бирам кўхлик-эй, қурмағур.
- Ора очди бўлган. Уйига одам қатнапти. Эрга беришади энди.
- Гумон қилма, болам. Ёмон бўлади. Гумон имондан айиради. Сенга ким айтди?
- Билдим-да.
- Ким экан?
- ...
- Энди этаксиз жинни бўпти хотининг. Жинни хатига тушипти. Бунақа қилиб ошни кайноқ ичиб қўймаса бўларди.
- Турғун даст ўрнидан турди.
- Аммо бир оғиз бўлсин, хотинингга тегишли қилт-пилт гап эшитмадим. Тўғри юрган кийикнинг кўзидан бошқа айби йўқ.
- Буви бармоғини тишлади. Сўри четига тикилиб, оғир хўрсинди.
- Менга қара, кел ўтир. Уй-ўйлайверма. Дунёни бир қавати, болам.
- Уйламайман, буви. Фақат, шу... Қайтиб гапирманг шуни.
- Турғун дарвозага қаради. Кампир ҳам ўша ёққа кўз ташлади.
- Келиб қолса, Худодан умидим бор. Битта тирноқ бериб қўйса эди, ўшанга овуниб коларди хотининг жонивор. Худо бир йўлга солар.
- Буви шундан гапирманг, бошқа қиладиган ишимиз йўқми?
- Кўзим очигида бола-чака қилсанг, ёним ерга тегарди. Ўттизга кирган йигитнинг ўтин олғудай ўғли бўлсин экан. Ётган-турганимни, еган-ичганимни билмайман.
- Энди келмасин... Керак эмас. У... Биз бошқа-бошқа йўлдамиз. Шаҳарга кетамиз, буви.
- Хўв, бола, шаҳарда нима бор? Мени ташлаб-а? Ёлғиз ўчоқ – Тўхта чўлок бўламанми? Қаёққа борасан?
- Сиз ҳам кетасиз.
- Турғуннинг вужудида енгил титроқ турганди. Янги дамлаб келган чойдан ўзига куяётиб беихтиёр тўкиб юборди, пиёлани қўйиб, қўлини силкий кетди.
- Ана, кўрдингми, бемаза гапириб, куйдинг. Куйиш арвохлардан. Арвохлар ҳозир. Кесакдевор бўлса ҳам ўз уйингнинг чирогини ёқ. У ёқда хешинг бўлмаса.
- Танишлар бор. Кел, иш кўп, дейишяпти, – деди Турғун кўлига пуфларкан.
- Бегонани ошнаси этигимни пошнаси, билдингми? Кўй, ўзим химога йиқиламан деб юрибман. Ёним ер торгани тортган. Этагимнинг қирям оғирлик қилади менга. Мунча энди кўлингни силқитдинг? Ёмон куйдими?
- Э-э.
- Ачишиши қолмадими? Ариқдан лой олиб бос. Ўзим опкепберай.
- Кампир кенг-мўл этагини бир қўлига йигиб олиб кўзғалди.
- Керакмас, ўтиринг-э. Куйгани йўқ.
- Мени кимирлатаман деб хомтама бўлма. Қариганимда бегона жойда йўқкўримчик<sup>1</sup> бўлишим қолувди. Мизоннинг устида турибман ўзи. Тўримдан гўрим якин бўлса.
- Турғун бўйинини ён томонга чўзди.
- Мана бу деворни ҳар йили бузиб ярим қаричдан сурадиган кўшнилариңгиз билан олишиб юрасизми? Кетамиз.
- Ким олишибди? Майли, Худо кўриб турибди. Ер қисгани гўр қисармиш. Худо булар билан уй кўшни қилди, ер кўшни қилди, ишқилиб гўр кўшни қилмасин.
- Ҳа-я, еримиз ҳам ёнма-ён. У ёқдаям шу ахвол. Тош теришса, бизниқига

<sup>1</sup> Йўқкўримчик – ортиқча кўриб қараладиган одам.

ирғитишади. Ариқнинг у бетидан чим кўчириб, бу бетига босишади. Кетиш керак. Бунақа майда-чуйдаларга чалғийвермасдан. Каллак бугдой эккан йилимиз эсингиздами, боғлаб терак билан олмаларга тиклаган жойимизда канча бугдойни товукларига едириб юборишди. Борардим, хайрон бўлардим. Нега бу бугдойбоғларнинг оёғи осмондан бўқкопти. Шуним тўғри кўёлмабманми, деб. Кейин тушунсам, эллик-олтмиш товукларини боккани олиб чиқиб, мен тиклаган бугдойпояларни бошоғини пастга қилиб қўйиб беришаркан.

– Болам, майли, куонма, ўтган ишга салавот. Гашириб оғзингни чарчатганинг қолади. Қиличвойлар ўлиб кўрмаган, холос. Шунақа қилгани билан кўрага қўй ёйиб юргани йўк. Ит ҳам бахра олмайди. Битта рўзғорини зўрға кимирлатади. Бир хотинни хайдаб олган хотини шу. Уям бурганинг кетини кўрган хотин. Қайнонасига қариганда захар қосада ош бериб безиллатди-да. Ким этмагай – ким тортмагай. Бировни гапирдим-а, Ўзи кечирсин. Сен қўшничиликни бузма. Сув ичирмасга сут ичир деган.

– Олдинги хотинлари ким дегандингиз?

– Пардавойни катта қизи бўларди. Қилич қўйиб юборгандан кейин беш-олти йил ўтиб Кўктошга ўзларини қариндошларига тегиб, тиниб-тинчиб кетди.

– Кунимизни шунақалар билан олишиб ўтказамизми энди? Алам қилади-да. Кетганимиз яхши. Ўримпош холам билан топиштириб қўяман. Зерикмайсиз.

– Қийинчиликдан, сиқлиятдан қочма, болам. Кўк йиғламаса ер кулмайди. Нолима, Худога ётишмай қолмасин. Борақол ишингга, кечикма.

\* \* \*

– Домла, ассалому алайкум.

Олтинчи синфнинг йигитчалари чопиб келишди.

– Ваалайкум ассалом.

– Домла, сумкангизни беринг, мен кўтариб оламан.

– Йўк, менга беринг. Элтишиб қўяман.

– Қўяверинглар. Оғир. Ўзим кўтараман.

– Келинг, бераверинг. Менинг кучим кўп. Даламизда пиёзни тўрхалтада ўзим ташийман.

– Йўғ-э, зўр экансан-ку.

Орқада эргашиб келаётганлари чуғурлашди.

– Бугун бизга иккинчи соат адабиёт.

– Домла, бугун мендан сўра-анг. Ҳаммасини ўқиб келдим.

– Хўп, хўп.

Ўқитувчилар хонасида муаллимлар кўп экан. Завуч рўпара келди.

– Юлдашев, *какраз* сизни кидираётувдим. Энди келяпсизми? Уйингиз бир қадам-ку, эртароқ келавермайсиз. Мана, Лобар билан Фотима икковиси Шарғилдоқдан *пешком* келишади. Бир соат бурун шу ерда бўлишади. Иш *план* янги бўлди. Кеча *районодан* опкелдим. Руқия опадан олиб, ёзволинг. Бугунок. *А-то* улгуролмайсиз. *Конспектларниям* тайёрланг. *Обиий* ҳаммасига биттада қўл қўйиб бераман.

Турғун бош ирғади.

Биринчи дарсдан кейин ўқитувчилар хонасига кирди. Уни кўрмаганга олиб ўтиб кетаётган Руқия муаллимага салом берди.

– Опа, иш режа сизда экан.

– Нима?

– Иш режани сизга беришибди. Шуни бераркансиз, кўчириб оларканман.

– Ўзим энди олдим-ку. Аввал мен кўрай, ёзиб олай, намунача ўпкангизни қўлтиқлаб?

Турғун елка қисди. Йўлакка чиққан эди, ортидан учган пичинг сўзлар қулогини ловуллашиб, ўзини тўхтатиб қўйди.

– Одамда сал юз бўлсин. Баъзилар тайёр ошга баковул бўлмоқчи бўлади-я.  
 – Кимни айтасиз, Руқия опа?  
 – Кимни бўларди, Юлдашевни. Мен бўлмасам, мактаб тушиб кетади, деб ўйлайдими, дейман.

– Ҳозир ёшлар роса ўзидан кетиб қоляпти. Каттамисан, аёл кишимисан, фарқи йўқ.

– Мактаб ҳам мактабга ўхшамайди. Илгари эсингиздами? Аҳмедов домла, Саидов, Ўролов, Валиев домлалар ишларди. Усмонова, Кабирова муаллималар дарс берарди. Мактабни обрўсиям анча баланд эди. Бизла катталар бор бўлса, ўқитувчилар хонасига қиролмасдик. Ҳозиргилар тап тортмай қириб ўтирволади. Яна тўрга. Кейин бемалол гап талашади. Туф десанг, бет дейди.

– Қозоннинг кичкинаси тошаркан-да ўзи. Ўқитувчи дегани ҳамма томонлама болаларга намуна бўлиши керакмасми? Аслида бир-иккита ажрашиб, уришиб юрган ёшларимизга аввал оиланг бут бўлсин деб шарт қўйилса экан. Маҳаллакомитет билан билла профсоюзимиз яраштириш комиссия қилиб, ишласин, нима энди? Ўқувчилардан гап яшириб бўладими, ҳаммасини билади. Ўзининг боласини тарбияламаган, эридан ё хотинидан аразлаб ажрашиб юрганларнинг ўқувчиларга тарбия беришга қанақа қилиб ҳақи бўлсин?

Турғун хафсаласиз дарсга кирди. Гарангсиз юрди. Кун бўйи кўнгли очилмади. Қайтарда шаҳар томон йўл олган кичик сарик автобусга дуч келди. Ҳаммасини ташлаб узок-узокларга кетса, барини унутса. Ҳеч кимни кўрмаса, бировга ҳисоб бермаса, миннатсиз ишласа. Ҳеч кимга оғирлиги тушмаса. Биров нега хотинсиз юрибсан, деб сўроқ қилмаса. Ойдинни... Буткул хаёлидан ўчирса.

Ҳовлига қадам қўйди, бувисига юзма-юз келди-ю, енгил тортди. Йўлига термилиб ўтирибди.

Кечда бувиси кўшненикига эртанги кун бериладиган тўйни йўқлаб чиқиб кетди.

Турғун эзгин-эзгин хаёллардан қочолмай уй ичида шифтга тикилганча кўрпачага чўзилиб ётарди. Чала юмук кўзлари олдида яна Ойдиннинг киёфаси яқинлашди. Турғун бошини силкиди. Барисидан бир лаҳзада қутулгиси, хотиридаги ўша тоза бўлиб тоза бўлмаган, кир бўлиб кир бўлмаган хотираларни чиқариб ташлагиси келди... Қиёфа кетмади, хаёл таркамади.

Остонада Ойдин турарди.

Бу гал ҳаммаси ўнгда эди.

– Мен келайин, хайдаманг, мени ҳам ўйланг, – деди.

– Сиз... Кечда қандай келдингиз?

– Кечиринг. Қўлимни бировга ушлатганим йўқ. Ҳаммаси қаёқдаги гап экан. Кетганим баравари уйимдан чиқмадим. Чиксам сизга йўлайин деб чиқдим. Эрли хотин деб у... келмади. Сизни алдамайман, жиянимдан хат юборсам, “Сени ҳеч яхши кўрмаганман”, дебди. Уйланяпти.

Турғун қалтираб кетди. Кўзлари қаҳрли оловланди.

“У!!! Ахир...”

Ойдиннинг кўнглини оёкости қиладими?

“Йигит, сени... Нима қилсам экан?”

– Кетинг. Мен сизга захира ўйинчимидим.

– Турғун ака, орамиздаги гапни сиз билан мендан бошқа ҳеч ким билмайди. А-ана у ҳам, “Бировга гапириб юрма. Ҳаётим тинч бўлсин”, дебди. Мени кечиринг. Энди аввалгидек... Ҳеч қачон айтганингиздан чиқмайман.

– Айтганимга кирган вақтингиз бўлганмиди?

– Турғун ака, ахир қайтиб келсам, хайрон бўларлик жойи йўқ-ку.

– Чикқани пастақина том яхши, дебсиз-да.

– Орада никоҳ бор.

– Никоҳни сиз айтманг, Ой... Ярашмайди. Гуноҳ бўлади. Никоҳимиз сиз сачраниб

чикиб кетганда бузилган. Йўқ ундан ҳам аввалроқ. Бўлди, тезроқ кетинг. Тезроқ совчи чиқади сизга.

– Ахир ҳалигача уйланганингиз йўқ.

– Қачондан менга раҳмингиз келадиган бўлди? Кетинг. Биров кўрмасин.

Ойдин хик-хик йиғлади. Оплоқ юзларини узун бармоқлари ортига яширди. Ўрнидан турди, ўша аввалги ифорларини таратиб шундоқ ёнидан, бир вақтлар зардали-зардали бўлса ҳам уришиб юрадиган пешайвондан оҳиста ўтиб бошини этганча чикиб кетди.

Ростдан кетдими?

Ҳа, кетибди.

Йиғлабгина кетаётгандир. Бирпас шу ерда йиғлайвермайдими?

Оёқларига йикилиб, синамоқчийдим, ҳаммаси ёлғон эди, деса экан. Ишонтирса экан.

Буларга қандоқ чидаш мумкин? Бир дарди икки бўлибди-ку. Бундан кўра Йигит билан аҳду паймон қилиб юз йил юрмасмиди. Юз йил чидамасмиди бу балоларга. Юз йил ўртаниб... Угинага яна азобми? Қандай яшасин севмагани билан? Қандай кечирсин Йигитдек номардни? Бой бердими бутун ёшлиги, чиройи, тоза севгисини?

Эртаси маҳаллада тўй бўлди. Сахарда эшикдан биров чакрди. Турғунга каттакон еркумғонларни тўлдиришни тайинлашди. Челақ билан ташқари йўлакка чиққан эди, ариқ бўйида яна Ойдинни кўрди. Кўшнининг қариндоши у. Сесканиб тушди. Қалтираб кетди.

Ана, атрофда ҳеч ким йўқ. Унга айтсинми, бутун ўртанишлари, усиз изтироб чекаётганлари, ҳамма уларнинг ярашишини истаётганини? Ҳозир айтади.

Атай шу ерда турибди. Яна нимадир демокчи. Ўз уйига қайтмоқчи. Уй унинг ҳам уйими? Уйи-да. Қанча жонзотга бошпана бўлган бу боғ, бу уй шугинани жон деб бағрига олмайдими?

“Ойдин, сен ялин. Мендан ўтин. Мен хўп, дейин. Кўнглимдаги азоблардан бирийўла қутулай.

Сени кўриб турсам, дунё меники бўлади, Ойдин.

Ҳаммадан чиройлисан.

Ҳаммадан бошқачасан.

Ҳаммадан ёқимлисан.

Сени хор қилганлар хор бўлади, Ойдин.

Бувим, келинимнинг ой деганда оғзи бор, кун деганда кўзи бор, дерди. Сенинг поклигингга Йигит ишонмайди, холос. Бутун дунё ишонади. Мен ҳам, Ойдин.

Нега ариқ бўйида кўпроқ ўтирмадинг? Нега дарров кириб кетдинг? Мендан тортиндингми? Одамлардан уялдингми?

Сени оёқости қиялпманми, Ойдин?

Менга кўнглинг исидими ё раҳминг келяптими, ё яна дадангни ўйлаяпсанми?

Уч ойлаб уринган рўзгорингни соғиндингми, Ойдин?

Айбнинг каттаси ўзимда. Нега сенга совчи жўнатдим? Эшигингдан юз ўтганим, кўришишга зор бўлганим билан, бир оғиз гапингни олмаган бўлсам. Неча бор юзлашиб келганда ҳам ер чизиб ўтиб кетган бўлсам. Нимага ишондим, нега бундай таваккал қилдим? Ўқиган йигитман, мени ҳамма қизлар орзу қилади, деб ўйладимми? Эҳх! Сени Йигитдан айирдим. Ё севгингдан айирдимми? Балки, асраб қолгандирман. Ҳа, у Йигит-пигит эмас, сенга мос эмас. Лекин сен уни марвариддек тоза кўнглинг билан... Уни бахтли қилардинг. Ўзинг ҳам бахтли бўлардинг. Уфф!

Қайтиб кел, Ойдин!

“Келдим-ку, ўзингиз қабул қилмадингиз”, дейсанми?

Сен ўн марта қайтиб кел! Юз марта!

Келевергин! Зора юрагимдаги рашқ ўтлари ўчса. Зораки сени кечирсам, зора ҳадимни билсам.

Ширин-ширин сухбатлар курамыз. Сенга латифалар айтиб бераман. Эсингдами, сўри устида ўтирганимизда бувим биз иккимизнинг ёлгондакам ижро ўйнаб юрганимизни сезмасинлар деб бир латифа айтгандим. Сен бувим бокка кириб кетганида, “Менинг олдимда *анекдот* айтманг. Кулмайман, кейин бувингиз хайрон бўладилар”, дегандинг. Майли, *анекдот* дейсанми, айтинг дейсанми, айтманг, дейсанми. Фақат кел.

Келмасанг, сени олгани ўзим бераман.

Эртагаёк.

Ё индингами?”

Бориб бўларканми.

Кун неча бор чикиб ботди.

Бормади.

\* \* \*

– Болам, кечкурунги кулчатой бағир бўп қопти. Халфананг борлиги эсимда йўқ, овқат кипман. Ўзи озгина экан. Ичиб кўя қолгин.

– Эрталабда ичмайман.

– Ичасан! Шу билан пешингача томоғингни йиртиб дарс берсанг, қорнинг пиёзпўсти бўпкетоди. Юмшоққина бўлса. Лик-лик ют-кўй.

– Бугун ойлигимизни олсакмикан, – Турғун хафсаласизгина сўзлар, қарашлари парижон эди.

– Ҳа, тузук. Болам, ойлик олган кунларинг кўчада шашлик-пашлик еб олгин. Топганда товонингни ёгла деган.

– Уйга опкелайми? Бирга еймиз.

– Йўқ-йўқ-йўқ. Мен сира емайман, биласан-ку.

– Олтинчидан пахтага олиб кетишади, дейишяпти.

– Ҳа, энди юртга келган тўй, борасан-да. Шеринг ким бўларкин?

– Билмасам, Муҳаммад академ.

– Муҳаммад аканг-ку, тузук. Анави Тўравой билан ўтган йили сал жиқиллашиб қолувдинг.

Турғун кампир томон қайрилиб, ажаб-ажаб қаради.

– Буви, билмайман, айғоқчиларингиз қандай ишлашади, ҳеч нарсани сиздан яшириб бўлмайди. Аммо-лекин бир жойда шунақа бўлган экан, деб юрманг. Уялиб қолмайин.

– Эсимни ебманми. Ёмон билан ётма, эрта туриб айтма. Ўзи Тўравой нега борди? Қоровулигини қилмайдами?

– Эркаклар кам-ку. Шунга болаларга қарайди, деб жўнатишди-да.

– Болам, ўшанақа бетамизлар билан хаттинг-хуттунг қилма. Орқангда ўзи йўқнинг юзи йўқ қилиб гапириб юради. Пайингни қирқади. Элни элагидан ўтиш осонми. Ўзи уятни билмаганлар бошқаниям уялтириб қўяди.

Тўравой қоровул ётоқда пахта тортиш вақтигача ҳали у, ҳали бу ёкка бориб табелчими, бригадирми, сувчими билан сўзлашиб кетар, гап айлантиришдан муддаоси ё бир чеким нос, ё бир калтак сигарет бўларди. Бунинг устига ўн биринчи синфнинг кўхликрок кизлари атрофида айланиб, ундок-бундок деб гап сотгани-сотган. Ҳазил-хузунли авжига чиқаради. Бир-икки шўхроқлари билан гапирилиб қолдими, пахтазорни қаҳқаҳага тўлдириб торттиришгача даладан чиқмай юрадиган бўлди.

Бир куни қайтарда Турғун Дилобар деган қизнинг ўзига қараб-қараб қўяётганини сезиб, гапи борлигини пайқади, етиб олди. Қиз агай қадам секинлатиб, тўп-тўп бўлиб шийпонга чиқаётганлардан ортда қолди. Овозини биров эшитмас бўлганда ёрилди:

– Турғун ака, ану қоровулимиз ёмон одам эканлар. Кеча орқадан келаётсак, дераза парданинг очик жойидан қизларнинг кийинишига қараб ўтирибди. Кейин... ану... Эгатдалигимизда... Э, ишқилиб ёмон одам эканлар-да.

Турғун оғзини очиб қолди. Кейин тишини тишига босди.

– Хўп, сен боравер, мен гаплашаман.

Кечаси болаларни уйкуга ётқизишган маҳал шийпон пешайвонида ёнма-ён ётишаркан, нимадан гап очишни билмай турган эди, Тўравойнинг ўзи бирдан овозига сир кўшиб маслаҳат бериб қолди:

– Турғунбой, йигит киши бунақа килиб юрманг. Бирорта қиз билан яқин бўлиб гаплашинг. Эрмакка-да. Ёш нарсасиз. Келишган йигитсиз. Эҳ, қани мен ҳам шундоқ эркинчиликда сиздай бўлиб қолсам. Хотиндан узокда-я, эссиз. Ах, ёшлигим ўтди-кетди. Чарс эдим, чарс. Мен сизнинг ўрнингизда бўлсам, нечасининг қаймоғини ялаб қўярдим.

– Ака, ўзингизнинг ўрнингизда ҳам тинчгина юргангиз йўқ-ку. Анов куни пахтазордан бу ёққа келиб олдингиз. Ҳа, десам овқатдан хабар оламан эмиш. Кўриб турибман-ку, ошпаз кизларнинг биттаси ловия теришга борганини кўриб, иккинчисини олдига келдингиз. Кап-катта одам бўлсангиз. Бизга бу бўй етган болаларни ишониб топширишди ахир.

– Ие, ғалатимисиз, Турғунбой? Мен сизни туппа-тузук йигит деб юрсам хотиндан баттар гапчи экансиз-ку! Носвойим кастумимда колгани учун чикдим шийпонга! Кизларингизда неча пуллик ишим бор?

– Қизларда ишингиз бўлмаса, кийинаётган вақтда пойламанг! Ҳаммаси болангиз тенги бўлса.

Тўравой ўрnidан гурс туриб кетди, устидаги чойшабни қўлига бураб олиб ерга урди.

– Манга қара, сен валлават! Қаерда қўрдинг пойлаганимни? Мактабда кисибгина юрардинг! Бу ёққа келиб олиб-а, ўзингни каттакон хаёл қиялсанми? Ҳа-а, рашкинг келяптими?! Ўзингни бил сен! Ҳамма болалар гапиряпти. Болта қални кизи билан ажи-ажи қилиб юрибсан-ку!

– Нима деяпсиз? Секинрок гапиринг, болалар уйғониб кетади.

– Ҳа-а, ёлғонми?

– Иккинчи бировнинг кизини оти билан атаманг. Билмай-кўрмай! Эркак одам!

– Ана, қалай, сен кўриб-нетибмидинг мени?! Мендан нечта қўйлакни кўп йиртгансанки, ақл ўргатасан?! Юрибсан-да, битта хотинни эплаб тутолмай нонни нанна, кавушни ванна деб. Э, сен, шошилмай тур! Ҳали эрталаб бригадир келсин, хонасидан директорга телефон қилиб, килғилиқларингни битта-битта айтиб бермасам юрганаканман!

Турғун бошини амаллаб ёстикқа босди. Шундоқ ҳам тўртта хонада ётган икки юз чоғли ўқувчиларнинг гўнғир-гўнғирлари тинган, эшитиб ётишарди.

Йўқ, ҳар қалай ўшанда эртаси эрталаб директор ўз оёғи билан келганда Тўравой сийпаланиб, атрофида мушукдек суйкалиб айланиб юрди, ўзининг жонбозликларидан оғиз кўпиртирди – ўша гаплардан оғиз очолмади. Лекин Турғун билан уч кунлаб гаплашмади. Ундан кейин ҳам совуқкина салом-алиқдан ўтмай қўйишди.

Бувиси ҳамон ўша Тўрани гапирмоқдайди.

– Ўтган йили куз охирида бир кўрувдим. Бурнидан қурт ёғилади. Сўрашай десам, терс қарайди. Худо олсин, дедим. Бошлиқлар пахта вақтида бунақаларга иши тушиб ялинади, кейин улар ўзидан кетади-да. Майли. Ёмонга ёғ ярашмайди, қалга – пиёздоғ. Шу бизни қишлоқларга пахта экилса, шўрлик болалар ёш бошидан ётоқларда ётмасмиди?

– Э, буви, нима қиласиз пахтани? Ўзи қаёққа қараманг, ҳамма ёқда пахта. Ундан буғдой экилса, дейман. Халқ тўқ бўлади.

– Майли, давлатни иши бизга қоптими. Ўтган йилги пахта терганинларнинг пули нима бўлди? Болаларнинг ҳеч йўқ калишининг пули чиқармиди. Олдинларми?

– Йўқ. Ўзи бу ётоқ деганига борибманки, иккинчи теримдан бошлаб терилган пахтага бир сўм пул олиб бўлганини билмадим. Тайсаллаб туришади, кейин ётоқдан қайтиш бўлиб, қопкетади. Бола бечоралар берган уч-тўрт сўм пулига бирам севинадики. Бу йил ҳам ўша Ёрқишлоқнинг далаларида ётарканмиз. Директор ҳақларингни олиб бераман, деди-ку. Яна билмадим.

– Майли, олақарғада олимсоғинг бўлса, бир куни тегади. Дириктирингни хафа қилма. Уям бир жойни ўмариб ейман, деб бошлиқ бўлмагандир. Султон суюгини хўрламабди. Болаларни яхши ўқитсанг, хурматингни топаверасан.

Турғун кийинишга кирди.

Кўча томондан эчки-қўйларнинг, кетидан подачининг “хушт-хушт” овози келди. Кампир шоша-пиша қўйхона эшигига кетди. Така-улоқ, қўй-қўзи аралаш ўн тўрт чоғли жонлик кўча томонга отилди. Кампир уларнинг орасини ёриб ўтар экан, дуррасини ечиб бошига ташлаб чакка сочларини тугалай ёпиб танғиди, химарилган энгларини туширди-да, дарвозани очди.

– Суммат хола, ўғлингиз кечкурун подажойига чиқмади. Бугун нон навбати сизларники, – деди подачи белбоғини узун податаёғи учиди кампирга узатиб.

– Вой, хўп, болам, ҳозир, – кампир уйга шошди. Нонкутидан иккита нон олиб, бетига тоқчадаги ликобда турган майизни солди, оғзи очик халтадан беш-олти ёнғок олиб майиз устига ташлади. Белбоғни тугумлади. Маҳалладагилар қўй-эчкисини подага кечиктирмай чиқаришларию ўзбошимча эчкиларнинг бировлар эшигини шохламаслиги учун “Ҳайё-хай” деб турган подачи нонни олиб, халтага солар экан, тугунни силкитиб кўрди.

– Ёнғокми, қуруқлигидан билса бултурги-да-а? Ҳалиям сақлаб юрибсизми? Бойхотинсиз, Суммат хола. Аммо битта нон етарди.

Кампир мамнун қиёфада бош ирғаб, дарвозасига юрди. Чўпон, эгасини подага етказмоқ учун тепиниб турган отининг жilовини яна тортиб, кампир ортидан кичкирди:

– Суммат хола, ўғилга айтинг, бирорта китоб берсин. Ўқиб қайтараман. Иккита бўлса яна яхши.

– Ҳозир, – кампир эшикдан кириб кетди. Бирпасдан сўнг қўлтиғига иккита китоб кистирган Турғун қўйлаги энгларининг тугмасини қадаганча чиқиб келди. Подачи от устидан унга жилмайиб тикилди. Сўрашишга қўл узатди.

– Саломатмисиз, домла? Ишлар билан чарчамай? – деди китобларни олиб халтасига жойларкан. – Домла, ишқилиб бор бўлинг. Ўғлим бирам мактайди. Олло илмингизни оширавурсин. Шу ўғилни ўқитаман деганман. Сизам маҳкам туринг. Насиб қилса, бир касбга эга бўлсин. Сизга ўхшаб оқяктак бўлиб юрсин.

Турғун кўлини кўксига қўйиб, бош ирғади.

Папкасини қўлтиқлаб, мактабга отланар экан, кўнгилхираликлари тарқаган, кўзлари порлаб турар эди.

\*\*\*

Ажаб, пахта ётоқ бу йил бир ойгина бўлди. Сира бунақа бўлмаган-а.

Хайрият, пахта ётоқ бу йил бир ойгина бўлди. Шунча йил пахтада бола олиб ётиб, сира бунақа ҳолга тушмаганди.

Ҳозиргиларнинг дадиллигини-чи. Бирови – Янгибой тоғанинг кенжа қизи, Долим ошнасининг синглиси Жамила синфдош дугонасидан салом юборибди.

Домласини саккизинчидан бери яхши кўрармиш. Олса тегардим, деганмиш. Чип-чиройли, бир ақлли, олийда ўқийман, деса билими боргина киз.

Бир-бировига сир ишониб айтиб юрибдими бу кизлар. Ўзини ўзи гапга тикиб

қўймаса бўлгани-да. Муҳаммад ака невараси касалхонага тушиб қолгани сабаб Говага кетганича келмади. Мактабнинг янги ошпазини кизларга қарайди, деб жўнатишган эди, беш кунда эри машинада келиб олиб кетди. Шунча боланинг жавобгарлиги ўзига қолиб, дала билан шийпон орасида чопавериб, тунлар ухлаб-ухламай чўпдек озди. Бунинг устига анави киз. Уч кун кўзини нари-берига олиб қочиб чарчаганида, кизнинг ҳам кизариб кўзини ерга тикиб ўтаётганини иллаганида, энди нима қилсам деб боши қотиб юрган эди, бирдан шошилинч йиғилиш чакирилди. Эгатларга сочилиб кетган болаларни ўзи чакириб чиқиб тўплади. Ўн биринчиларни бир томонга, ўнинчиларни бир томонга сафлантирди.

Эски Карл Маркс *колхоз*и Машғал жамоа хўжалигига айлантирилган, лекин ҳозир шийпон супасида теримчиларга қараб ваъз айтаётган бу шляпали кишини ҳамма Карл Маркснинг раиси дерди. У ёнига Турғунни чорлади. *Табелчи* дегани оркадан шипшиди: “Кетаркансизлар, қаердадир бола ўлибди. Ҳаммага *отбой* экан”.

– Пахта терим бугундан одош бўлди, болалар. Ҳамманларга катта раҳмат. Энди дала шароити. Камчилик бўлган бўлса узр. *Кассир* келиб қолса, *нарядни* ёпиб, пулингларни берворади. Ҳозир иккита *автобус* билан иккита *трахтир* келади. Нарсангларни йиғаверинглар. Бугун уйга кетсанглар, шанба-*отдих* дам олиб душанбадан *свежий* калла билан дарсга чикасанглар. Мана бу сизларга қараб ётган домлаларингга ҳам раҳмат. *Военный* йигит экан. Ҳамиша сизлар билан бирга бўлди. *Круглий сутка* қаттиқ ишлади. Ман *просто* беш кетдим. *Маладес*. Соғ бўлсин. Бола-чақаси кўпаявурсин.

\*\*\*

– Болам-эй, ётоқларинг ҳам бор бўлсин. Муҳаммад домла икки марта кепкетганда, бир марта келмадинг-а. Ўзининг онаси бор бўлса кўргани келармиди, дедим, – кампир кўзидан тинмай тўкилаётган ёшларини артди, тириш лабларининг титроғи босилмади.

Турғун сўрига чўкди. Бошини қуйи эгди.

– Иложи бўлмади, буви. Қизлар бор, ўғил болалар ўрлиги ортган вақти, ташлаб кетсам бўлмасди. Муҳаммад ака уйкучи одам. Борлигида ҳам... Ишқилиб яхшимисиз?

– Ўтган пайшанба кечаси худди нари бориб-бери келдим, болам.

– Нима бўлди? Мазангиз қочдимми?

– Ошқозоним тошдай бўлиб, жоним чиқиб кетай деди.

– Бирорта ёқмаган нарса еганмидингиз?

– Ким билсин, бирпасда кўнглим озиб... Қутлуғни боласиям бор бўлсин. Кичкина бўлган билан хушёр. Кечаси билан беш марта уйғониб, хол сўради. Шукур, бугун учлашиб ётарканмиз.

Арик лабида чўлтоқ супургини ушлаганча тоғасига кўзи жавдираб Яшнар турар, кир қўлларидан хижолатланиб, орқасига яширар, қандай сўрашишни билмай каловланар, мол тагини тозалаб, ховлиларни супуриб юрганидан бурнининг ости қорайиб кетган эди. Турғун унга жилмайди. Қўлини чўзди. Яқинлаб келган жиянининг бошини кўксига босиб, ияк тиради, оқиш чанг ёпишган сочларини силади.

Яна бир оқшом борлиққа бош қўйиб келар, тун кўрпаси ҳамма томонни тугалай энлаб бўлганди. Қурбақалар куриллар, чигирткалар чириллар, сув шилдираб, ора-сира кўчадан ўтаётган отларнинг туёғи бирдек тақирлар, ҳамма-ҳаммаси сокинликнинг, хотиржамликнинг ўзга-ўзга оҳангли алласи бўлиб туюларди. Неча қонлик хушёр тунларни ўтказиб келган йигит ўз уйидаги осуда оромни соғинган, боши ёстикка етмай, қотиб ухлаб қолган эди.

Душанбадан дарслар бошланди.

Мана, бугун ўша киз ўқийдиган ўн биринчи синфда аранг дарс ўтди. Энди ҳар кирганида шунақа бўладими? Ўғринча син солса, киз бечораям замбилбоп бўлиб ўтирибди. Бир нуктадан кўзини узмайди. Кўнгил иши қийин экан-да. Бошқа болалар бўлса домласига ўйчан-ўйчан қарашади. Орада бир-бирларига ҳам маъноли разм солиб қўйишади.

Шивирлашган уч бўлса сир ётмас дейишган-ку.

Дард бўлди, бало бўлди.

Нима қилсин энди?

Йўл дегани бир яхши нарса. Ниманики мушкулга чора қилиб топган бўлса, шу йўл билан бирга-бирга, шу йўл билан ҳамроҳ-хамроҳ бўлиб топган.

Манзилларни манзилларга, чанқокни сувга, ҳожатмандни ҳожатбарорга, беморни табибга, ошиқни маъшуқага етказувчи йўл бўлмай нима?

Бироқ бугун йўл ҳам йўл кўрсата олмади.

Кампир маккасоқол ивигилган сувни катта пиёлада сузиб олиб хўплаб ўтирарди.

– Қандок эдим-а, отликқа йўл, пиёдага сўз бермасдим. Эндигитдан бери мени ёлғиз ташлаб ётоқларга бормагин, болам.

– Яшнара қани?

– Болагина уйини соғинди-я. Борақолгин, онангга ҳам кераксан, дедим, сал бурун чўмилиб, сочини тараб, чиқиб кетди. Ўғил бола бўлса ҳам, бир покиза. Ҳамма ишни билади, кўғирмочдеккина-я.

Турғун ариқ сувига қўлини солганча жимиб кетди. Жияни билан кеча тузукрок гаплашмаганига ўқинди. Битта китобни унга атаб қўйганди. Бериб юбормабди-да – хурсанд бўларди.

– Битта овқатнинг кўчасидан ўтайлик.

– Нима егингиз келяпти? Ўзим зўр қилиб пишириб бераман.

– Менинг иқим овқат тиламайди, болам. Сен ишдан келдинг, ўзингга ёққан бирор нарса...

Тарақлаб эшик очилди-да, Бектурди кириб келди.

– Толик, холапошша, қалайсизлар?!

– Бектурди-и-им, келдингми? Бормисан сен ҳам?

Кампир сўри ёғочига таяниб ўрнидан турмоқ бўлди.

– Эй, эй, қани, ўтиринг-чи. Қимирлаш йўқ!

– Бу арвоҳчи лўли холам бор эди, хабар олай демасанг. Кун-кун кўзим эшикда бўлди-я, – кампир томоғи ҳирқираб йиғлади.

Бектурди Турғун билан бағирлашиб кўришгач, кампирнинг елкасидан кучганча сўрига чордона курди.

– Бўлди, бўлди, нима йиғи-сиғи, холаш? Ўзимам роса соғиндим. Келдим-ку.

– Болаларинг тузукми? – кампир овози қисилиб юзини рўмолига яширди.

– Рўзгор курсин-да. Шундан ортмай ўлиб кетасан, бор бугун, хабар ол Суммабидан дедим ўзимга. Юрибсизми чигирткадай сакраб? Қандоксиз энди? Чолларни йўлдан урмаяписизми? Бемалол уворинг. Тушимда опокдадами кўрдим. Ўша ошнаси айтгани рост экан. Битта ўрмонда *военный* кийимида юрибди. Беларусмикан шу ер дедим. “Холабувимни эрга беровраиними, харидори кўпайиб кетяпти?” десам, “Беровир, *толка пенсаси* бақувватига бер”, дедилар. Хах-хах-ха. “Ҳайт, бу ёғи ош ерканмиз” дедим, “Ўв раҳматли, раҳмат сизга”, дедим. Қалай?

– Сен жўнаган куни ўлиб қоламанми деб кўрдим. Бек гўрга кўярди. Энди Турғуним шунча кўргилиги камдай, ёшгина бошига ўзи кўядими дедим. Дийдорини кўролмийман, келгунича қаро ерга кириб кетаман шекилли, дедим.

Бектурдиннинг лаблари аянчли бурилди. Кампирнинг елкасини бўшатиб, сўри кирғоғига мушт урди:

– Санларга нима бўлган ўзи, ҳамманг келишиб олганмисанлар? Ана у ёқда Ризвониям шунча йўл босиб келдим, борайин ёнида бирпас чўзилиб дамимни оламан, бир пиёла кайноқ чой ичаман, десам, юрган-турганимни бурнимдан чиқариб, ўламан дувдим, ўлмадим, дейди. Бу ёқда буниси! Хе ўлмай ўл ҳамманг. Ўлмай ўл! Ўлмай ўлиб кет-а!

Кампир жиянининг гапига ҳам кулар, ҳам йиғлар, Турғуннинг ҳам кўзига ёш мийғига кулги келган, меҳмон эса жағи тинмай ёзғирар, юзларидан данакдек-данакдек ёш юмаларди.

Кампир амаллаб йиғисини босди. Енгига қайириб жойлаган рўмолчасини олиб, юз-кўзини артди:

– Тошкентларингга бориб-келдингми?

Турғун хола-жияни ёлғиз қўйиб, гузарга шошди, гўшт олиб келиб қозонга босди. Бувиси то суюмли жияни билан аймоқлашгунча дастурхон тузатди. Бектурди ўзи олиб келган иккита қўқон папири билан бир ўрам ҳолвани дастурхонга қўйди. Боғ томонларга айланиб, мол-ҳолга ул-бул деган бўлди. Кейин то Турғун чой дамлагунича сўритокда осилиб пишиб ётган кишишдан бир бош узиб келди. Энди у ҳар икки гапида хахолаб кулар, кампирнинг ҳам чехраси очик, ажинлари ёйилиб кетгандек эди.

– Холаш, битта антиқа одам билан келдим, денг. “Ким бўлиб ишлайсиз”, десам, “Устаман”, дейди. “Уй соласизми?” десам “Ҳа”, дейди. Жа ажойиб топишмоқ одам экан. “Мен ҳам уй солдирмоқчиман, биз томонларга бормайсизми?” дебман. “Йўқ, мен ўзимиз томонга соламан, холос”, дейди. “Менга яхши уста керак эди-да, битта уйни қанчада битирасиз?” дедим. “Менга ўхшаган усталар ҳамма жойда бор. Соладиган уйимга кўп вақт кетмайди. Мен шошилич уйларни соламан. Биткизиб киритиб ҳам қўяман. Қоронги-ёруғлигига жавоб бермайман. Дераза-пераза ўрнатмайман. Не-не устолда ўтирган коттаконлар ҳам ўзимга уй солдиради”, дейди. Нима дейсиз шунга, Сумматбиби?

– Гўрков эканми?

– Во, – Бектурди бош бармоғини баланд кўтарди, – ҳар балога акли етади. Эс-хуши жойида. Кўриши тўй, ейиши қўй, бу холашкани, ўламан деса, миям ачийди-да.

– Ҳа энди деразаси йўқ уй гўр бўлмай нима бўлсин, болам.

– Э, *маладес*. Лекин биттаси машина сотаркан. “Жигули”. Ўшани оладиган бўп турибман. Индинга опкелади.

Кампирнинг пешонаси тиришди. Бектурдини нукилаб, бошига ёлғон мушт босди.

– Мошинни нима қиласан, акли паст? Ғалва қўпайтириб. Нарса ташиб сотмасанг. Пул топиб ҳисоб топмайсанми? Қўй, чигал соколга темир тароқ қилиб олма. Дарров қайтар. Ўзича юрадим у жонивор. Эскини тузаб эсинг кетади.

– Вох, жа гапирасиз-да. Қандоқ қилиб оламан, деб қўйдим, билмайман, – Бектурди пешонасига шапиллатди. – Лафз кетди, *бабуля*, *уже опоздали*. Майли, энди. Ўзи эски мотоциклим ўлгур ҳеч қаёққа сиғмай ётибди. Э-э, бўлари бўлди. Толик бу ёққа ўтир. Биз тарафда бир гап юрибди. Сенга тегишлик. Янгиной оқпалакнинг кизини олармишмисан? Мактабда топишиб қолганмишсан. Ростми?

Турғун кўзига қадалган икки жуфт кўзининг тигидан кочолмай, сўри суянчигига ўзини ташлади.

– Йўқ, канака киз?

– Таннимийман демагин тагин. Ўзинг дарс бераркансан-ку?

Кампир ўнғайсиз қолган неварасига ачиниб қаради-да, ўзи жавоб қилди:

– Ҳа, ана у кун хотинлар бир шама қилгандек бўлди. Айтдим, булар жуда ўсоқчилаб қолди. Атай гапни уздим, йўқ нарсага йўлқарчи бўлмай деб. Шип этганга олам жаҳон гап.

– Жиян, агар кўнглингга ўтиришган бўлса, шартга бориб ҳал қилайлик. Бир тоқа бўлиб юрибсан, энди бундан бу ёғи холабибишқаям олвали билан ғайрали бўлармиди. Кун сайин пайкалдан кетяпти, тўғрими Сумматби? Энди бу шўрлик уруш эридан жудо қилган старуха Изергилга иссиқ-иссиқ овқат керак, қаров керак. Йўқ деб кўр-чи.

Кампир Турғун томонга ўгринча қараб, лабини тишлади. Бектурди сўзига амрона тус берди:

– Бунақа бўшашма! Хотинингга манаман деганлардан жовчи чиқиб ётганмиш. Раиснинг кичкина келини туғолмай қора босиб ўлди-ку, шунга битта жовчиси раисмиш. Нега рангинг оқаради? Э, ука, бу дунёда милтиқ билан хотинга ишониб бўлмайди...

Бошқа гапларни эшитмади.

Овқат сузиб келганида, сўзлашув бошқа бир нарсаларга бурилганидагина тилга кирди.

Бектурдини кузатиб юборгач, бувисидан кўзини олиб қочиб, аланглаб турди-да, магнитофон қулоғини бураб, кўшиқ кўйди, ховли этагига юриб, ишларига тутинди.

\* \* \*

Бу гал мактаб эшигида дуч келдик. Гапиролмай узоклаб кетдинг.

Атай у ёқ-бу ёққа ўтиб юргандирсан-да.

Намунча озиб-тўздинг, Ойдин? Кўзларинг лак-лак бўлиб, бувимнинг сўзича, қаҳрига тортиб кетибди.

Кўп сиқиялсанми?

Э-э, ер ҳам юмалаб юрибди-да. Силликкина. Сакраб юрганда менга ўхшаганлар битта-битта тушиб қоларди.

\* \* \*

– Болам, Қаюм тоғанни тушимда кўрибман. Ҳассамни йўлга тўғрилаб кўй. Эгнимни кийиб чиқай. Хабар олмасам бўлмайди.

– Нима қиласиз? Тинчгина уйда ўтиринг, буви. Уйлари қаёқда ётибди-ю. Ўтган ҳафта автобусда кўрдим Қаюм тоғамни. Сизни сўраб кўйдилар.

– Менга айтганинг йўқ-ку, хах ўлмагур.

– Эсимдан чиқибди-да.

– Биров бировни сўраб юборса, ўша захоти “Сиз ҳам саломат бўлинг”, деб кўйгин. Шундоқ қилсанг, эсингдан чиксаям, бўйнингга қарз бўлмайди.

– Хўп, хўп. Лекин, буви, керак бўлса ўзлари сизни кўргани келишсин. Жиянларингиз бўлса. Узокқа овора бўласизми?

– Энди буниси менинг ишим. Катта уйда тоқчага тугунча қилиб қўйганман. Қора атлас белбоғда. Бор, опчик. Ишинг бўлмаса юр сен ҳам. Қариндош-уруғинг билан мундоқ яқин бўлишни ўргангин. Шўртумшук бўлмагин бунақа.

– Шаҳарга тушаман. Битта этик оладиганман. Кейин печкага чеканак ҳам.

– Мўрилиги бор эканми?

– Ҳа, иккита чеканак<sup>2</sup> опкелсам бўлди. Сизни машинага солвораман.

– Йўқ-йўқ. Ўзим бораман. Мошинлари курсин. Ҳали кучим бор.

Кампир ҳеч таянмайдиган, лекин узок йўлга эҳтиётдан олволадиган хассасини қўлтиқлаб, бошига Турғуннинг эски кўйлагини ташлаб олган, бир кўлида тугуни, кўчага чиқди.

\* \* \*

Юмалаб юрган ерда яна учрашдик-а, Ойдин. Ўзи у кун кўрганимдан бери ўзимга келолмай юрганимда...

2 Чеканак – печка мўрисининг тирсаксимон қисми.

Бу гал шаҳарда, бозорда.

Бизни ҳеч ким танимас эди.

Яқин келдинг. Жилмайдинг.

“Юрибсизми? Сизни кўрсам эзилиб кетаман, виждоним кийналади. Нималар бўлди-я ўзи?” дединг. Кейин кўзингга ёш олиб, одамзорга сингиб кетдинг.

Нега йиғлайсан?

Бозорга нимага келганимни унутиб, “Форд” дейдиган уловга чиқиб олибман.

Энди бу тун мен ҳам йиғлайман. Йиғламасдан йиғлаш нималигини биласанми? Билмайсан-да, ўқиб юрган йилларим, учинчи курслигимда кўз олдимизда бир қизни автобус босиб кетди. Тўрт киши эдик. Миямда бир нарса чарсиллади, кўзим бирпас ҳеч нарсани кўрмай қолди. Ёмғирли кун эди. Одам кам жой. Автобусчи қалтираб тушиб келди. Беш-олти йўловчиси ойнага ёпишиб бошини сарак-сарак қилади, юзини юлади. Одам тўпланди. Нечталарининг юраги ёмон бўлиб қолди. Ердан кўтариб четга олдик, ҳамма ёқ қон. Милиционерлар билан дўхтирлар: “патанатомга” деб жўнатишди. Курдлошларим ҳаммаси вой-войлаб йиғлади. Мен эса, йўқ. Ичимда йиғи бошланса, сиртимга чиқмайди.

Йўқ, асли кичиклигимдан йиғламаган эканман. Дадам уйланаётганда бувим, “Бориб дадангнинг этагига осилиб йигла, зора сенга ачиниб бирор йил туратурса”, деди. Сира тушунмайман. Нега бувим даданинг ҳеч бўлмаса бирор йил уйланмай туришини истади экан. Барибир, йиғлолмадим. Этагига осилиш тугул, яқинига боролмадим. Нега бундай бўлди, буниям билмайман. Эртаси бувим йиғлаб-йиғлаб онаминг бошига сув қуйиб келди. Келиб ҳам ҳовлини айланиб, овозсиз-овозсиз йиғлади, ичкари яланбувининг уйига кириб увиллаб-увиллаб йиғлади. Мен эса, йўқ.

Сен бир кўриниб кетасан. Мен туни билан йиғлайман.

Тўйимиз ёдинглами?

Менга бир марта бўлсин, қарамадинг. Қарамаганинг ҳам қанчалик ёқимли эди-да, Ойдин. Жон-жонимни ширин-ширин ўртантирарди. Сен фақат меникисан, менгагина муносибсан, деб ўйлардим. Қара, ўзимни қандай баландга кўярдим. Кўлмак ўзини кўл санаркан.

Келиндек юрган кунларингда, “Ҳеч йўқса уйимда-ку, бировнинг қўли етмайди”, деб ўзимни овутган чоғим ҳам бўларди.

Сен эса бировга...

Ҳа, буям пешона экан-да. Нодонман, ҳеч нарсани англамабман. Ҳали уйимда яйраб-яшнаб юрасан, хали дўмбиллаган болаларимиз бўлади деб ўйлабман.

Опам биринчи жиянимга бошқоронғилигида ғўра сўрагани-сўраган эди. Шунча дарахти бор боғимизда аксига олиб битта қўтиру битта аччиқ данакдан бошқа ўрик йўқ экан. Бувим мени Сойвали тоғанинг боғига юборди. “Болам, онанг бор бўлса, ўз боғинларга ўзинглар эгалик қилардинглар. Ўриги ҳам кўп эди, – деб кўзига ёш олди. – Бор ғўра топиб кел. Жиянинг пучуқ бўлиб қолмасин тагин”.

Бир халта олиб келдим. Опам кеч тушгунча тузга ботириб, ғирс-ғирс чайнаб ўтирди.

Сен ҳам ғўрага бошқоронғи бўлардинг. Мен Сойвали тоғанинг боғидан бўйлаб-бўйлаб қиролмай қайтиб келардим. Чунки энди ёш бола эмасман, боғнинг ҳам деворлари баланд бўлиб кетган. Сен бувимга менинг эртдан кечгача куттириб тўрттагина ғўра топиб келолмаганимдан шикоят қилардинг. Бувим сенга, “Ҳа, кизим-а. Бекорга айтганларми, эрингга ишонгунча эрганак эшигингга ишон, деб. Қўявур. Турғунбойимнинг бунақа ишларга уқуви йўқ. Дарвозаси баста бўлса нима қилай, деб ўтирибди. Ўзим ҳозир топиб келаман. Камбағалга битта эшик ёпик бўлса, биттаси очик. Бу домлалигини қилсин”, дерди. Кейин Ойимби холанинг уйига чиқиб, неварасига айтиб бир коса уздириб чиқарди.

Ҳали биринчи боламизни бешикка белаганда сенга “Бойчечак”ни айттираман, дердим, Ойдин. Айтмасанг ўзим айтаман, дердим. Биринчи боламиз киз бўлармиди?

*Бойчечагим бойланди,  
Қозон тўла айронди,  
Айронингдан бермасанг,  
Қозон-товозинг вайронди.*

Ҳа, менинг болам, менинг қизим бойнинг чечагидек гап. Ўзингга ўхшаган чип-чиройли бўларди. Бойланиши билан сен унга насибасини бермасанг, қозон-товозингни вайрон қилиб чирилларди. Мен котиб-қотиб кулардим.

*Бойчечакни тутдилар,  
Тут ёғочга осдилар.  
Қилич билан чопдилар,  
Бахмал билан ёндилар.*

Ҳа-ҳа, маҳалланинг бешиқсолдига йиғилган болачалари менинг оғзимдан илиб кетиб атрофингга шуни айтарди.

Биласанми, Маман чолнинг айтишича, қилич билан чопди дегани бешиққа солинган боланинг устига иримига пичоқ теккизиб қўйганини билдираркан. Яна кейингиси ўғил бўлсин дегани экан. Яхши тушунолмадим, балки, ўғил бўлса чипронгўй бўлади, деб шунақа дейишганми. Яна у айтадики, бўй дегани қичкина маросимни, тўй дегани катта маросимни билдираркан. Бойчечак бўйчечак бўлган экан. Қичкина маросим кўпда янги туғилган болага аталар экан. Яна ким билсин.

Бувим боламизнинг икки елкасидан тутиб енгил силкитиб, тут бешиққа ётқизарди.

*Бойчечакни тутдилар,  
Тутёғочга осдилар...*

Қўлпеч билан оёқпечларини боғларди. Бешиқ устига бахмал ёпқич ёпарди. Сени имлаб ёнига ўтқазарди.

*Бойчечагим хуллоли,  
Ҳамён-ҳамён тиллоли...*

“Ҳа, энди тушундим, – дердинг сен, – ҳамён-ҳамён тилласи тувагида бўладими?” Кейин кулардинг.

Мен сочқи сочардим. Сен қизимиз боғланаётганда нон тишлаб турардинг. Жияним Яшнар нонни олиб қочарди. Сен уни қувардинг. “Етолмайсан”, дердим орқаларингдан юриб. Яшнарга тайинлардим, у қаттиқ қочмасди. Ахир йиғирма кун аввал туққан бўлсанг. Секин юриб ҳам етиб олишинг керак. Етиб олардинг, кўзларинг чарақлаб, лабларингдан аввал куларди. Нонга қўл узатардинг. У бермасдан тихирлик қилиб бир-икки айланарди. Боламиз ёнига қайтардик. Бувим этагингга солган сочқини бешиқ устидан сочардинг. Кейин қанд териб юрган болаларга нонни ушатиб-ушатиб берардинг. Мен ҳам нарида турган бир калла қандни олиб сочардим. Тишлаган жойингни ушатиб ўзингга колдирардинг, кейин ея олмай, менга узатардинг, Ойдин. Тишлаган нонингни тишласам ҳам, биз уришиб колмасдик. Яхши эдинг, ҳаммадан яхши, Ойдин.

Кейин бувим кулчатой пишириб келарди. Эварам кулчатойлоқдай бўлиб ётсин, дерди. Сен бир коса кулчатойни ичиб олардинг. Мен боламнинг ризки бутун бўлганидан севиниб тўйиб қолардим. “Ишга кетдим”, деб сенга кўз қисиб қўярдим. Сен бувим томонга кўз қилдиратиб, унинг қилиғимни кўрмай қолганига хотиржам бўлардинг, жилмаярдинг. Опшок юзингдаги кулгичларинг ўйнади.

Ишдан келсам, “Боламиз кучаняпти. Бувим кигиздан бақа кесиб бераман, дедилар”, дердинг. Кейин бувим бешик кўрпачалар тагига бакага ўхшатиб кесилган кигиз бўлакчасини солиб кўярди. “Энди кучанмайди. Турғунбой, эсингдами, опангинг каттасиям шунақа кучаноқ бўлганиди. Иримини килганимиздан кейин яхши бўпкетган”, дерди бувим.

Сен кир ювишга тутинардинг. Бувим ўчоқбошига кетарди. Боламиз бешикда йиғласа, бувим, “Отаям қарасин-да, хўкки<sup>3</sup>дек сўппаймасдан, ўтир хўйё-хўй<sup>4</sup> айтиб овутиб тур”, дерди.

Боламизни бувим тўлпоқдай қилиб кагта қиларди, Ойдин. У опамнинг болаларини ҳам жуда папалаб тетилтириб<sup>5</sup> берган. Опам ҳеч қийналмади. Сал иситма чиқиб қолса, югургилаб олиб келаверади. Бувим аввал бола билан экалашади-да, охири тинчиб кўларини мўлтираиб турганда, боланинг тилидан: “Таттабуви, биз яна телдик. Ойқамизга туқум кисилиб полди. Яқши оқат еданда сиззи эсламадик. Энди кейак бўлдиндиз. Чунақа гаплай”, деб кўярди хазил-чин аралаш. Эртасига мени хабар олишга жўнатарди. “Боласи куюгига кулча бўлсин. Бориб хабар ол, – дерди, кейин яна тайинларди. – Сигир соққан номи бор, ён-вери қўшни тугул ким сўраса пул олмай берсин. Шу сут-қатик сотиш бир вақтлар уят эди. Бир-бирига узатмаган одам бўлмасди. Айтиб қўй, кўлининг хайрини қилиб, қари-қарангта сўрамасидан бериб турсин. Оқликка чикканлардан сира-сира айирбош олмасин. Оқлик сотган оқармайди”.

Ана, дарвозамизга ҳам келибман.

Турғун хаёлини йиғди, кўча эшик сув сепиб, супурилибди. Кўнгли бир ағдарилди, ўйноқлаб тушди. Елкаси бир босилди. Ҳалкага қўл юборди.

Сўрида жиянлари ўтирибди экан. Юзига севинч ёйилди. Ана, уй тўлибди. Ҳали хаёлидан ўтувди. Опаси Турғунни кўриб, ўчоқбошида шошиб ўрнидан турди. Жиянлари чопиб келишди. Кичиги сўрида ўтирган жойида кўлини чўзди.

Сўрашиб бўлиб, кўрпача четига чўкди.

– Ишляяпсанми? – деди опаси кўзида ёш айланганча жилмайиб.

– Ҳа, бўп турибди.

– Бўйинг янаям баландлаб кетибдими, ё кўзимгами?

Турғун жиянининг сочларини кўли билан тўзғитаркан, елка қисди.

– Буви, ўтираверинг, ўзим сузиб келаман, – опаси ўчоқда кўйманиб юрган кампир томонга кетди. Кампир сўрига яқинлашди.

– Калнинг нимаси бор – темирдан тароғи. Тўрвангни қўй, хадеб кучоқлаб ўтирмасдан.

– Кийиниб чиқарман.

– Манави қорамайизни қара. Сени кўтаради деб интила бўлиб мўлтираб ўтирибди. Ол кўлингга.

Турғун йўлга қирмаган жиянини кўтариб олди-да, бир кўлида сумкаси билан уйга кириб кетди.

Қайтиб чикқанда дастурхонда бир оштовоқ палов турарди. Кампир ўчоқбошидан туриб Турғунга хабар берди:

– Тарғил сигирни тоби йўкми, кўпам тертга қарамади. Яшнар этаккача бир кур юргизиб келди.

Кутлибека бошини тебратди:

– Буви-ей, қариганда мол-ҳол ҳам ўзингизга қолиб ўтирибди. Турғунингиз бунақа кеч келса, қийин экан.

– Кучим етганини қиламан, болам. Эртаман бостирмани тагига чиқармаган экан. Шунга емишини соп қўя қолай девдим. Уканг ўзи етиб келарди. Бугун кечикди-да.

<sup>3</sup> Хўкки – эгилмайдиған букри.

<sup>4</sup> Хўйё-хўй – ота алласи.

<sup>5</sup> Тетилтирмоқ – тетик қилмоқ, оёққа қўймоқ.

Кутлибека пиёлаларни арик сувида чайиб келди. Боласига сузган овқати билан қошиқларни олишга кетди. Дамлаб ўчоқ оғзига чўғ устига қўйилган чойнакни кўтарганча, сўри томон келаётган кампир бирдан тўхтади.

– Ий, оймомо янги бўптилар-ку. Бу жужуқларим шунга момасини уйига йўрғалаган экан-да.

Кампир чойнакни Турғуннинг олдига қўйиб, ой томонга ўтирилди, тик турганча қўлини фотиҳага очди.

– Омин, Яратган Худоё, кўрсатган кунингга шукур. Етказган янги ойларингга шукур. Келар шунақа ой, келар шунақа кунларга тўрт кўз тугал, катордан камимасдан, санокдан ўчирилмасдан ўйнаб-кулиб етайлик.

Кампир пичирлаб яна бир нарсалар деди-да, қўлини юзига сийпаб, сўрида қатор ўтирган болаларни чақириб, битта-битта бағрига босди. Кичик эвараси ҳали бувиси чақирмасидан кети билан судралиб ачом-ачомдан қолмаслик учун интилди. Кампир ҳар бирини кучоқлаганда, “Боладай беғам бўлайлик”, деди. Кейин невараларига хитоб қилди:

– Сенлар ҳам ачомлаб қўй, янги ойни кўрганда бола кучоқлайди.

Турғун жилмайди, бувисининг ўзи ҳали болалигида ҳам шундай қилганларини эслади.

Кампир икки катта эварасига буюрди.

– Қани, туриглар, бу ер тор. Ана у супага бориб у ёқ-бу ёққа юмалаб келинлар. Боринглар.

Болаларнинг бири онасига, бири тоғасига осилиб, сўридан тушиб, палос солинган супага чопиб кетдилар.

– Нон кўтариб келмасанг, эшикдан киритмасидик, – деди бувиси нон синдираркан Кутлибекага.

– Йўқ, энди... Бугун ёпувдим. Сингиб пишибди. Қизаравермади. Кўпроқ хашак қалаб қўйибман, шекилли.

– Ўтинингни аяма, нонингни таяма, деган. Ғўзапоянг қолмадим?

– Тугаб кетди-да.

– Бошидаёқ аралаштириб ёққин эди. Хала хўп, кунжара кўп қилаверсанг, шунақа бўлади-да. Ҳовли-ҳарамни супурганда, ер-андизни йиғганда тишқовлагичдек калтакни ҳам йиғиб тандирга тиқиб қўй. Уволга йўл бермасанг, барака келаверади.

– Ҳа, йиғаман. Аввал ҳам айтгансиз-ку.

– Таг-тагини тозалаб ишлат ўтинни. Ўйганники ўн кунга, қирганники қирк кунга.

– Ҳури қайнсинглимнинг ўртоқлари қайноналаримникида сумалак пиширганда ғўзапоялари йўқ экан, бизникидан опкетишувди-да, катлама-бўғирсоқ пиширишга деб. Шунгаям сал етмай қолди.

– Майли, эрингга ғиқ этиб ғишава қилма. Қайнотанг солиб берган уйда ўтирибсан. Ис-тис қилмагин, оғзингни очма, болам.

Кутлибека энгил қулди.

– Оғзимни очиб бўлганман-ку.

– Қўй-а, эси йўқ, тугади, деб айтсанг, келтириб беради. Қўли тошни орасида бўлмаса. Ишли бўлса. Мана, Қамбар акангни қара, бекорчи. Ишлагани ор – егани зор бўлиб ўтирибди. Кечаги кун хотини, “Мол-ҳолингизни тагида хашаги бўлса опчиқиб кетай, нон ёпишга ўтинимиз йўқ эди”, дейди шўрлик. Яшнарни бостирмага чиқариб ўн-ўн беш боғ ғўзапоя ташлаттириб бердим. Эридан гапирсам, “Йўқ, мана, душанбадан ишга чиқадилар, қурилишда иш бор экан”, дейди. Қошки Қамбарни билмасам. Булар қишдан қанақа чиқар экан. Ўғли ҳали кичкина. Янаям хотини бечора пишиққина, кепагини сичқонга олдирмайди. Учма-уч кун кўрсаям кулиб тураверганини айтгин.

– Кишининг иши қийин экан, буви. Печка гумбураб турмаса, овқат пишмайди.

– Қаттиқ ўтинни эҳтиёт қилгин. Ёз ичи тўнғалак топсанг қазноққами, томгами

отиб кўявур. Кир-пирга сув иситсанг, ўтинни увол қилмай тезак-пезак, эски калиш-палиш қалагин.

– Ҳа, ўтган киш боғдаги олмурутни ҳам кесворганмиз. Яхшиям кунлар исиб кетиб, ўшандан оз-моз қолган.

– Ҳа, оқпон<sup>6</sup>дан кейин илиб қолди. Олмурутни бекор кестирибсан-да. Ўзи қуриб тўкиларди, кориногрикка дорийди-я. Одамлар ёзи билан қокисини ахтариб юради. Сенларга қайнотанг боғ қилиб берган бўлса, кесиб битирасанларми энди?

Кутлибека қулди.

– Дадам ўзлари келиб кестирдилар, буви. Тепасида тераклар бор. Шира босиб қояпти. Бир-иккита олма кўчат экиб бердилар.

– Ҳа, тузук. Ўзимизни нондан ол сен. Жизза солганман.

– Вой-вў, намуноча жizzesи кўп?

– Камбағалнинг бир тўйгани – бир бой бўлгани, – деди Турғун опасига кўзини қисганча, бувисининг жавобини чамалаб.

Кампир кичик эварасини этагига солиб оёғига тиклади-да, икки қўлидан дам-дамаки тортиди: “Ўроқчи, кетмончи, қу-қу қушни болоси, пўпалагим, пўпалагим”. Бола қикир-қикир қулди. Кампир болани ёнига ўтказди. Қиёфаси бирдан жиддийлашди.

– Мен камбағал бўлсам ҳам, хуржунимнинг икки кўзи тўла. Пичоғим ёғ устида. Ҳар йил иккита жонлик сўймасам, киш чиқарганча бўлмайман.

– Ҳа, буви, қўлингизда барака бор. Ўзимдан қиёс, бир кун ёғим тугаб қолади, бир кун гуручим. Бир куни битта гугурт тополмай Дамарикқача кеп-кетдим, – деди Кутлибека.

– Аввал рўзғорни бутлаб олинглар. Ҳайҳаяк<sup>7</sup>ни кейин қиласизлар. Йўқ кўрганим – кетида шими йўқ, оти Шоҳжаҳон бўлганлар.

Опа-ука бир-бирларига қараб хахолаб қулиб юборишди.

– Куёвингиз битта сотиладиган ер чикди, пул бўлса олардик, дейди. Ўзи рўзғорга арағ етказамиз-ку, ер олармиш.

– Майли, ният қилиб юравурса, эртами кеч ажабмас. Мол-қол қилиб олди-ку. Уйни қути хотиндан. Минг айтдим, намоз ўкигин, сахарлари онангга, синглингга, яқинда ўтди – эрингнинг момосига бағишлагин деб. Ер-сув эгаларини эсдан чиқармасанг, уйингга шайтон доримайди. Болаларинг ҳам дастурхондан оминсиз турмасин. Ҳадиғиринг қилиб чопавурмасин. Каттанга алҳамдулилло билан калимани ўргатдим. Ўйинини ўйнаб келгандан кейин Худо дейишсин. Ота-онасига умр тиласин, олим бўлай деб ният қилсин.

– Менга ўхшабми? – гап ташлади Турғун.

– Ношукурсан, болам, сендай бўлолмаганлар қанча. Хотинлар тўй-тўйчиқда домла неварангиз ҳам ишлаб юрибдими деса хузур-хузур қиламан.

Кутлибека укасига мамнун тикилди.

– Нон ёпишга қийналмаяпсизми? Кўз дўхтири иссиқдан эхтиётланг деганиди-я, нима қияптилар экан, деб хар тандирда сизни ўйлайман, буви.

– Хамирини Асқарнинг қизи ишлаб беради. Нон ёпиштирганда кўзимни юмиб-юмиб қираман. Қўлда Санамби ёпиб беряпти. Иккита қалла қанча нон ердик. Кичкинанинг бу ёққа узат. Ўзинг унис билан оворасан. Томоғи тушиб кетди аялимнинг, – кампир гапни бошқа ёққа айлантирди. – Қайсинглингни ўша Туроббойнинг ўғлига берадиган бўлишдими?

– Ҳм, шунақа, шекилли.

*Энам чойдиш қўйдила,  
Қайнамасин дедила.*

<sup>6</sup> Оқпон – январдаги олти кун.

<sup>7</sup> Ҳайҳаяк – янги кийим кийиб юриш, ўйин-қулги, байрам.

*Мани чолга бердила,  
Ўйнамасин дедила.*

Кутлибека укасига каради. Иккиси яна кулишдилар.

– Энди биз ҳам киз бермасак, Эркинбой ёлғиз ўтмасин дедик-да.

– Туроббойни ўгли ўзи пасманда, кўнгли осмонда бола бўлган экан. Э, Худо, ўзинг кечир. Бировнинг устидан гапириб қўйдим-а. Кулгилик эмас, тақдир-да, болам. Хукмида нима бўлса шу бўлади. Раҳматли энам айтардилар, ўзингда турибди бир айб, кишига кулмагин кинкайиб.

Неваралар ерга карашди. Кутлибека жимликни бузди.

– Сен ҳам юравермай, турмушингни бир изга солишни ўйласанг бўларди, ука. Кўрганга сўроқ бераман. Нега ажрашишган, дейишади. Анов куни Ортикпошша опа ҳамманинг ичида, “Ишқилиб, укангнинг тани соғми? Бувингга саксондан ўтган чоғларида кийин бўлди-да. Янаям кучлари бор экан”, деди. Биров билан бизнинг килдек ишимиз йўқ. Одамлар изза бўлсанг, мазза қилишадими дейман.

Кичкинанинг нон тўғралган сутини қошиқда ичираётган Турғун пиёлани дастурхонга қўйди-да, ўрнидан туриб кетди.

– Бувим ҳам рўзгорга қийналяптилар ахир. Бизни шу умидда катта қилганмилар? Келинимизнинг аммаси гапириб юрибдиммиш. Ярашаман, деса, сен кўнмаётганмишсан. Ўзингмасиди, бошқа ҳеч ким, бўлса шу, деган? Нега энди бунақа қилиб юрибсан?

– Бўлди, Куллугча, еган овқатини заҳар қилмагин, Худо бир йўлга солар. Тақдири чала бўлмаса, ярашиб кетади. Келгунича қачон келади, деб эсинг кетди. Энди сиркадек сидирганинг нимаси? – Кейин оёқлигини қияётган Турғунга каради, – ўтир, ноннинг юзини қил.

– Ўзингиз қийналяпсиз-да, буви.

– Мен нимага қийналаман? Бўлди. Кўп дакки берма, қоқбош.

– Эртага нон ёпиб бериб кетайми?

– Қўй, йўлдан чиққан йўлдош бўлармиди. Нонимиз бор. Сен ёш бола билан ўзингни эпла. Ўзи кўзимдан нари у ёқда юрасан, тагин дастёрини олиб қўйдим, бир ойлаб ишимни қилдирдим, деб ичим тўқилди.

– Нега энди? Қийналадиган ишим йўқ.

– Онанг раҳматли бор бўлса, бола туққанингни ҳам, қандай катта бўпқолганини ҳам билмай қолардинг. Бирам болани яхши кўрарди-я. Кичкинанингни олакунга ўтиргизиб тургин. Гулофтобпараст бўпти. Филмаккина-я. Рангида кони йўқ, танасида жони йўқ бўлмасин. Ҳадемай йўлўргамчик бўлади.

Кутлибека бош силкиди.

Кампир катта киз неварасига тикилди.

– Олдингдаги тишинг қани?

– Қимиллатдим-қимиллатдим, тушди. Жичча қонади.

– Аянгга бердингми?

– Беювдим, “Аййа тишим сенга, болта тишинг менга”, дегин дувдила, дедим, кейин томга о-отвойдила.

Кизча қўлини том томонга силкиди.

– Қайтиб тушмадимми?

– Йў-ўқ. Каттабуви, – кизча ҳалидан бери аясию тоғаси билан бир нималарни гаплашиб тўхтамаётган каттабувисининг ўзига қараганидан севиниб кетди, чоғи, кўзи чақнаб ялинди, – битта топишмоқ айти-инг.

– Оғилдан чиққан оқ эшак қайтиб жойига кирмас. Нима?

– Эшакни боласими?

– Йўқ.

– Эчкими? Улоқми?

– Сенинг тушиб кетган тишинг-ку, билмасвой.

– Тишимми? Ҳа-а. Яна айтинг.

– Тополмасанг-чи?

– Топаман.

– Акасини укаси китиклайди, чикқунимча топ бун.

Кампир шом намозини ўқиш учун уйга кирди. Қизча тоғасининг тиззасига уриб, ёрдам сўради. Турғун унинг кулоғига пичирлаб, “Кулф-калит”, деди. Жияни митти қўлчаларини бир-бирига уриб, чапак чалди.

Ойсиз кечада у ёқ-бу ёққа ағдарилиб ётган Турғун, охири, секин ўрнидан турди-да, пиш-пиш ухлаётган жиянларининг оёқ томонидан охиста қадамлаганча, ховлига чиқди. Сўрига чўкиб, суянчиғига елкасини тиради. Юлдузлар чарақлаб ётган кўкка тикилиб турди-ю, Ойдиннинг юзларини топиб олди. Ана у! Жилмайиб турибди. Кўйлаги ҳарир-ҳарир.

Кулоғига ғамгин бир куй эшитилгандек бўлди.

*Тинглагил, най не ҳикоят айлағай,*

*Айрилиқлардан шикоят айлағай.*

“Ойдин, энгингга бирор нарса ташла, шамол тегиб қолади. Нега куласан? Одам ҳам ўзидан-ўзи куладими? Биласанми, сен менинг хув ўшанда топган бойчечагим эдинг. Болалигимда кўй боқиб юриб, бойчечак топиб олдим. Олдидан сира кетолмасдим. Узай десам, қуриб қолади, узмай десам бирам чиройли. Ёнида ўтираверибман, ўтираверибман. Эчки-кўйларим кетиб қолибди. Икки кун кидирганмиз. Янаям инсофли одамнинг уйига бориб қолган экан.

Ойдин, ҳа-ҳа, сен ўшандай бойчечаксан. Узса қурийдиган, узмаса бўлмайдиган...

Эй, нима ўзи? Бойчечак болами, гулми?

Бола, ҳа, аввал бола, кейин гул. Гул – одам дегани.

Ойдин, бугун опамнинг алла айтишини роса кутдим. У бўлса яна бир хилда гингиллаб боласини ухлатди. Эшитяпсанми, мен аллаларни ҳам билардим. Агар сен айтолмасанг, ўзим ўргатардим. Бувим, “Болага яхши-яхши ният кўшиб алла айтиш керак, чин-чиноғичи билан айтиш керак”, дейдилар.

Агар сен Йигитни эмас, мени яхши кўрганингда эди...

Биз ой ёруғида сўрида боламизни ухлатардик. Сенга ривоятлар айтиб берардим. “Шарқ ривоятлари” китоби эсингдами? Бир куни ишдан келсам, сен уни ўқиётган экансан. Кўриб қолганимдан ғашланиб, китобни нарига итकिдинг”.

Катталар ухламаган эса ҳам, жим ётишарди. Кўча томондан *магнитофон* кўтариб юрадиганлардан бири ўта бошлади, чоғи.

*Севганим бир ёр эди,*

*Ҳурматим бисёр эди.*

*Бевафо эркан малак,*

*Мен эса жони ҳалак...*

Эшиттувчиларнинг бариси осуда окшомда баралла таралаётган кўшикни тинглаб, бир одам ҳақида ўйлашар, бирида афсус билан тадбирга, бирида ўкинч билан умидга, бирида муҳаббат билан нафратга қоришиқ ўйлар эди.

*Риштани узди ўшал,*

*Аҳдини бузди ўшал,*

*Янги ой чиққан кеча,*

*Янги ой чиққан кеча.*

Оҳанрабо овоз кўча бошига етди. Чала-чала эшитилар бўлди:

*Эски дард янги бўлар,*

*Янги ой чиққан кеча...*

\* \* \*

Жума – кишлоқда бозор ёйиладиган кун бўлади.

Сахардан машиналарнинг у ёқ-бу ёққа гизиллаши кўпайди.

Бувиси тайинлаган энгилгина бозорликни қилиб, тор кўчага йўналган эди, шундоқ гўшг дўкони олдида турган Ботирга кўзи тушди. Ботир ҳам уни кўриб яқинлаб келди-да деди:

– Домла, бугун гап меникида, эсдан чиқмасин-а.

– Ҳа, бораман.

– Домлавой, пулли каттароқ оббраверинг. Ҳозир зарил ишлар бор. Ўзингизникида *крупнийроқ* тушади.

Кўрсина жавоб қилди:

– Майли, кўрайин-чи.

Аллақачон ойнинг охириги шанбаси кепти-ку.

Кўнгли алланечук ғашланди. Бу гал Ботирникида. Долим билан юзма-юз келиш бор. Бир ой ичида қанча гап-сўз айланди. Яқинда ўзини кўрмаганга солиб ўтиб кетди Долим. Уфф!

Мактаб йиллари синфдошлари бири “агроном”, бири “буғалтир”, бири “дўхтир” бўлман, деб юрганлари-ю, ҳеч бири айтганидек бўлолмаганларидан, ҳали шаҳарда ўкиб юганида, “Кишлоққа қайтсам, синфдошларим ҳаммаси менинг оғзимга қарайди, тўй-тўйчиқни қачон ўтказишдан тортиб, кекса ўқитувчим, бетоб бўлган синфдош ё ота-онасини кўришми, маслаҳатим билан бўлади”, деб ўйлаганди. Тўдаланишса, савобли бир-икки ишларни дилига тугиб юганди. Қаёқда. Ўнмаганнинг ўқи қия кетаркан.

Мактабда энди иш бошлаган йили биринчи гал Тошмирзаникидаги гапга борди. Бу синфдошлар ичишни қачон бунча яхшилаб ўрганиб олишибди экан. Тошмирза отига мос дағал йигит, ўзининг уйида бўлса ҳам аяб ўтирмади, тап тортмади.

– Дарс беряпсанми? Эркак кишиям она тили муаллими бўладими? Ўқиркансан, *юристми, прокурорми, дўхтирми* бўлмайсанми?

Иззаси ичига тушди. Гапиргувчи бурнини жийирди. Бошқа бир-иккиси ҳиринг-ҳиринг қулиб, гапга аралашди. Бировлари кўзини олиб қочиб ўнғайсизланди.

– Бирортаси сўраса математикадан бераман, деб қўявур. Бизниям уятга ўлдирасан бўлмаса.

– Йўқ, яхшиси, ота тилидан дарс бераман, десин.

– Вах-хах-ха!

– Бўлди эй, она тили ўқитса нима, яхши-ку?!

Ўшанда бир-икки тузук муомала қиладиган синфдошларининг-да нописандлиги ошган бўлди. Шу-шу зиёфат деган жойда тикан устида ўтиради.

Шанбадаги дарсларини ҳам ҳузур қилиб ўтди. Ўқувчилар пахта мавсум эрта тугаб қолганидан хурсанд, яна ўқишга зўр беришган эди. Адабиёт дарси бор кунни доимгидек кута-кута ўтказишган олтинчилар пешиндан кейинги охириги соатни тугатиб, энди қизикдан-қизик дарсда кечган гапларни бир-бирига қайтадан айтиб, тасдиқлашиб, “Менга ундоқ дедилар”, “Сенга бундоқ дедилар”, деб дарвозадан чиқиб боришарди.

Турғун уларга аралашмай бирпас кутиб турди-да, ташқарилаб, уйи томонгамас, ўнг томонга, Ботирларнинг уйига қайриди.

Ботирнинг ўзи ташқарида экан. Қўшнисидан нимадир сўраб турибди. Уни кўриб, шу ёққа юриб келди.

– Э домла, хайрият, кеп турибсизми? Саломат, – қўл узатиб сўрашди. Эшик олдидаюқ кўтарилган сўри бўйлаб юриб зиёфат қизиётган уйга олиб кирди.

– Турғунбой домла, келинг, келинг.

Картабозлик авжида эди. Синфдошлар икки тўп бўлишибди. Бировининг ичи тўкилган, бирови ғолиб бўлаётганидан кўзлари ўйнаган, бирови норизоланиб писинг<sup>8</sup> отмокка ўтган.

– Ий, домламиз кептилар-ку. Қани, тўрга ўтинг, тўрга.

– Тўрда бало борми? Кеч қолиб ўтирибди-ку. Ўзи болаларни нима қилади – бурчакка турғизади. Домла, туринг бурчакка!

Долимни кўриб ранги ўчди, талмовсиради. Бирови елкасига қокди.

– Бунча бўшасиз? Маҳкамрок бўлинг. Бунақада хотин эшигингизга оёк босмайди. Юрасиз орқасидан ялини-иб.

– Бўлди, эй, гап кўпайтирмай... – бирининг гапи оғзида қолди.

– Унақамас. Домла *гордий*. Ўзимиздан. Тўғри қилади, ялинмайди.

Зиёфат эгаси изза қилгувчиларга ишора қилиб, жимитган бўлди.

Турғун кўз кири билан тўр томонда ранги бўзариб ўтирган Долимга қаради. Ичи зиркиради.

Бириси ўтираётган жойида шарт ўгирилди:

– Бошқа бир гап эшитдим-ку мен. Мактабда бекор юрмаган экансиз-а, домла? Тўй қачон энди?

Кимдир гапиргувчини туртиб тахмон пардага тикилиб турган Долимга ишора қилди. Ботир гапни чалғитмоқ бўлиб, “Ҳой, қани, у ёкка”, деб турган эдики, Долим шартта ўрнидан турди:

– Сен нега хотинингни хайдаб энди ҳамма ёкни булғаб юрибсан? А? Кимсанки, қиз болани йўлдан урасан? – оғзида гапи, дастурхон бўйлаб Турғунга яқинлаша бошлади.

– Ҳеч кимни йўлдан урганим йўк. Жамила ўқувчим, холос. Ўйлаб гапир!

– Менга қара, ўв, отиниям атама! Нима, сенга масхарамизми?! Хотинингни эпполмасанг, қиз боланинг номига доғ тушириб янгитдан уйланаверасанми?

– Ким сенга мени уйланмоқчи деди? Мен ҳеч ким...

– Менинг синглимда нима айб? Хотининг бирортаси билан искашиб қўйганки, хайдайсан?

– Хайдаганим йўк. Ўзи кетган. Бас қил, Долим, ноҳаксан!

– Нўхтасини тортолмаганиндан кейин юрармиди? Ўша ўкишингда хотин билан қанақа гаплашишдан ўқитмабди-да-а?

– Аралашма, бу менинг ишим!

Йигитлар ўзлари билиб-билмай ўринларидан туриб кетиб, хай-хай қилишга ўтишганди.

– Ие, ишинг нима ўзи?! Мактабда қизларнинг номига қора ёпиштириш ҳам сенинг ишинг!!! Сен ўзи бола ўқитасанми ё қиз пойлайсанми?! Опкелиб яша хотинингни! Эполмаяпсанми?! Менга айт, сакраб кетмайдиган қилиб нўхталаб бериб тураман!

Турғун қачон Долимнинг ёқасига қўл юборди, қачон уни ерга босди, қачон юзига муштлади, билмади. Кўзи кўра бошлаганда, қарасаки, икки елкасию қўлидан оғайнилари тутиб турарди. Ярим гавдаси дастурхон устига чўзилиб қолган Долимнинг оғиз-бурни қон, ўртага қўйилган нарсалар сочилиб тўкилган, сингани синган, қон томчилари дастурхонда ҳам, сочилган егуликлар устида ҳам кўринар эди.

Турғун ташқарига юрди. Долим оғзини тўлдирди:

– Ҳе, онангни!..

У сапчиб ортига қайтган эдики, синфдошлари икки елкасидан ушлаб, куч билан ҳовлига чиқарди. “Бор, уйингга кет!”

– Тўхта! – деди орқадан бирови. Буниси ичкарида синфдошлари елкасидан босиб турган Долимнинг оғайниси Кенжа эди. Чопиб келди-ю, қорнига мушт

<sup>8</sup> Писинг – пичинг.

солди, ўнгангунича бошига ҳам зарб тушди. Турғун рўпарасидаги синфдошини ўхшатиб тепди. Кўллари бўшалди. Шу пайтда Самад етиб келди. Турғуннинг кўлини куч билан қайриб турганларни силтаб ташлади. Икки синфдош энди бўралаб сўкинаётган Кенжани ичкарига судрашди. Бирови анча нарига боргач, бакирди: “Бор дедим сенга! Ўлмайн десанг, тезроқ кет!!! Самат, юр!”

– Ҳа, кетади, йўқол сенлар! Ҳамманг *тварсан!* Ажратишнинг ўрнига ушлаб бериб ўтирибсан! Одаммисан сенлар?! *Тварлар!*

У ёқдагилар сўкинди.

– Ким ушлаб берди?

Ботир уларнинг ҳовурини босиб, Самад иккиси томонга чошиб келди. Тинчитишга уринди. Зиёфати бузилганидан ранжиган эди. Қовоқ осиб, “кетманглар”, деган бўлди.

Узун йўлакдан гандираклар кўчага йўл олди. Самад Ботирга узрхоҳлик қилди. Ортларидан аёл кишининг қарангани эшитилди: “Худоё домла бўлмай ўл! Ҳамма ёкни ҳаром қилпти. Келмай ҳам ўл!”

Кўча бошидаги майдонда ўтирдилар.

– Қайтиб кир, ошна, сениям гапдан қолдирмайин.

– Йўқ, бўлди. Жа мазза қивордим ўзиям. Ёмон тепиб қўймадимми?

– Йўқ.

– Парво қилма. Ўзи ҳаммаси аҳмоқ. Ана у... Долим сен билан бирор марта якка гаплашмадимми?

– Йўқ.

– Хотиндан фарқи йўқ унияем. Сен ўйлама. Юр, Тўйчи тоғада ўтирамин.

– Йўқ, – Турғун лабини тишлаб, ингрокни қайтарди, – уйга бораман. Сен кир.

Ошнаси кўчасининг бошигача шерик бўлди. Ўнғай келмаса ҳам далда қилиб у-бу деган бўлди-да, уйига кетди. Турғун ариқ бўйида ажрикка ўтирди.

Куз осмони жунжикканидан булутларга бурканган, фақат бир томонда, худди кўрпанинг бир четидан мўралаётгани каби, икки юлдуз кўринарди.

Оғир хўрсинди.

Шундоқлар қиласанми, Ойдин.

Ор талашсам, оримиз бошқа-бошқа бўлса.

Кўзида ёш айланди, лекин юзларини ювиб тушмади. Кўнглининг ғуборларини ҳам...

Туни билан боши ковоқдек бўлди. Бу зарбданмиди, алам ё ғазабданмиди, билолмади.

Ағанайверди, ағанайверди.

Ниҳоят, уфқ томон қизариб келди.

Тонг отди.

Нимкоронғи уйда жойнамозга чўккан кампир кўлидаги тасбеҳнинг шиқир-шиқири билан Турғуннинг ора-сира оҳ аралаш уф торгани эшитиларди. Ниҳоят, кампир оғиргина кўзгалди. Мехробга жойнамоз билан тасбеҳни қўйиб, Турғуннинг очилиб ётган елкасини ёпди-да, бир хўрсинди, ташқарилади. Молхонага кириб кетди. Соққан сутини қозонга сузди, кечкурунгисини ҳам устига оқ доқа ташлаб чангакка олиб қўйилган жойидан олиб қозонга қўйди. Тагига хас-хашакни ҳаволгина ташлаб гугурт чақди, ўтин қалади. Сут тошмасин деб хўқачадан сариёғ олиб, қозон четига суртди. Қора кумғонни оловга яқин суриб қўйди.

Эчкихона қийини супуриб, ташқарига олиб чиқиб тўдага қўшди. Сигирнинг янги гўнгини қўлқоп билан деворга ёпиштирди. Қайтиб келиб ариқ бўйида уч кадамча жойда барқ уриб ётган совунўтдан бир тутам юлиб олди-да, устига туноқа ёпилган чуқурча ёнига ўтириб, човгумдан сув қўйиб, кўлига ишқалади. Ўчоқка яқин келди. Олов гуриллатди. Чой тайёрлаб, Турғунни чақирди.

Сўрида чордона қурган Турғунга қосада сут олиб келаркан, деди:

- Бугун тузук ухламадинг? Сахардан кейин кўзинг илинди, шекилли?
- Турғун кўзини олиб қочди.
- Бир еринг оғридими дейман? Инградинг. Гапирай десам...
- Йўк, яхши. Ҳамма ёқни тинчитиб бўлдингизми?
- Бунақа қилиб юравургунча хотинингни олиб кел, гап-сўз ҳам тамом, бошқасиям.
- ...

\*\*\*

– Эшитдингизми, Юлдуз, Турғун домланинг хотини дори ичиб қўйибди. Кечаси *скорий* опкетибди.

– Во-ой, ростданми? Нимага дори ичади? Жинними? Эри ярашмаганигамикин?

– Билмасам, ҳозир ҳамма ҳар хил гапиряпти. Ҳали миси чиқади. Хушига келмаган эмиш. Домла бўлса ҳеч гап бўлмагандай юрибди.

– Нимага бунақа қилдийкин-а?

– Ўладиганмасаканми?

– Ўлмабди-ю, ундан сал бери бўпти.

– Булар ўзи қанча яшади?

– Яшаб-яшамади.

– Бай-бай-бай, шунча гап бўлди? Қўшни, нимага мен шунақа гапларни эшитолмай қолавераман-а?!

– Кеча чиқинг, гаплашамиз деб имо қилдим, чикмадингиз-да. Вой, жим. Қаранглар. Эшакни гапирсанг қулоғи кўринади.

– Домла-ку. *Баниссадан* келаётган бўлмасин.

– Кўргани борганмикан?

– Кўргани бориш ҳам гапми. Кеча Тўтихон *медсестрани* кўрувдим. Эри уч кун кечасию кундузи *реанимационний*ни эшигида турди. Бугун эрталаб *камисса* келади, деб ҳаммасини кетказворишди, дейди.

Хотинларнинг бириси олдинга чиқиб, хамроҳларига ўтирилди-да, шивирлаб сўради:

– Бу бетинг кургурни Ойдинни опалари юлиб ташламабдими?

– Йўк, кўряписизлар-ку, Деви Сафиддай юрибди. Уругингга шумғия чиккур. Азларнинг кўнгли куртова тилар деб, шундоқ кизни увол қилди. Ўзи юз марта совчи қўйиб олувди-ку.

– Жим.

Четлаб Турғунни ўтказиб юборишди.

– Тавба-тавба.

– У келин роса чиройли-а? Тентак бўлмаса, битта эрни деб дори ичадими? Бошқасига тегмайдими ё эрсиз юравермайдими? Дунёнинг бир қавати-я!

– Домланглар ҳам ғалати экан. Хотин олдингми, яша. Бир мусулмоннинг кизини бунақа қилиб ташлаб қўядими. Туяга минма, жазига бекинма деган.

Тор йўлакка сиғиб-сиғмай орқа-олдин бўлиб келаётганлардан бири, ҳалидан бери қулоқ солиб индамай юриб тургани, ўйланибгина гапга қўшилди:

– Менимча, бу ерда бошқа гап бор.

– Ҳамма бало хотинларга-да, туғиб жони оғриган ҳам, бола қараган ҳам, эрни жаврига чидаган ҳам хотинлар.

– Йўк, барибир бошқа гап бор.

– Бу тўнка ўзи ҳеч кимга қўшилмас экан. Ошналари билан гапдан ҳам чиқиб кетган экан. Тавба-ю, агар мени куёвим шунақа қилиб қизимни кўчага хайдаб қўйса, бир кунда пилта-поғонасини битта қилиб ташлайман.

\*\*\*

Ой олти бор янги бўлди. Орада кампир Турғундан сўраб ўтирмай касалхонада

икки ой ётиб чикқан неварра-келинини олишга борди. “Ажрашишмасин. Арқок кўриб бўз олдиқ, она кўриб қиз олдиқ”.

Биринчи гал кудалари андалар<sup>9</sup> билан аралашиб ўтиришган экан. Ойдиндан сўрайдиган бўлиб, яхши гаплар ясаб кузатишди. Кейингисида узр-маъзур айтишди. Кампирнинг ёши ҳурматига аччиқ-тиззиқ сўзларини ҳам ўраб-чирмаб билдиришди. “Сиз учун жон деб юборардиқ. Лекин бизга боламизнинг боридан фойда. Узатибмизки, бўларимизча бўлдиқ. Неварангизнинг бир оғиз гапини чиқариб ёмонлиқ қилган бўлса, уни айтинг. Тағинам қизимиз оғирқарвон. Қўйинг, ёпиғлиқ қозон ёпиғлиқ. Эртага яна икки ўт орасида қуйиб юрмасин. Қон қон билан топишади, ётга бало ёпишади. Майли, неварангиз биронта иси чиқмаган гулгунчага уйланаверсинлар. Шунақа экан деган гап ҳам бўлувди кузақа. Уйланиб кетганларида бунақа кўргилиқлар йўқмиди. Орада қизимизнинг шаъни сингани ёмон бўлди. Пешонаси экан-да. Одам балога ўз ихтиёри билан кирармиш”.

\*\*\*

Май ойи яқинлашганидан мактабда дарсларнинг таъсири қолмаган эди. Болалар ўйнайдиган қатор-қатор мажнунтоллар тагида уч-тўрт ёш жувонлар сўзлашишар, энг кизик гапларнинг жони кираётган эди.

– *Обручалкангизни қачон тақишган? Тўйингиздами?*

– Йўқ, у вақтда *обручалка* тақишмасди-ку. Ўғлим туғилганда *роддом*дан чиқишимга қайнонам таққанлар, – гурур билан дейди ўртароқда ўтиргани.

– Зўр-ку. Мана буниси-чи?

– Буни дадам ўқишни битирган йилим обертанлар. Мана буниси қайсинглиминики. Уйга кепқолди-ку.

– Ҳа-я, уйингларда экан-а? Боласи қизмиди?

Жувон бурнини жийиради:

– Ҳа, қиз.

– Ким билан уришишибди?

– Билмасам, ҳали ундок гапиришади, ҳали бундок. Қайнонам, эримга бир оғиз гапиришимга қўймай, “Уйдан фаришта қочади-фаришта қочади”, дердилар. “Энди уришсиз уй йўқ, азобсиз гўр йўқ”, дейишга ўтволганлар.

– Ий, айтганча, битта гап эшитдим. Ану домланинг хотини бор-ку, Ойдин, яхши бўп қопти-ю, эридан одам борган экан ярашмайман деганмиш.

– Яхши бўлиб қаёққа боради. Ич-бағри эриб тугаган унинг, уксус ичган-ку. Анув қуни кўчага сувга чиққан экан, кўрдим, ит ғажиган қошиққа ўхшаб қопти.

– Ярашмаса, буниси бошқа хотин олиб, ануниси эрга тегмайдами. Булар ўзи соғми?  
– Билмасам.

– Домлангиз ҳам анчагина писмиқ, шекилли. Ўн биринчи “Б” даги Жамила бор-ку, шунинг бошини айлантриб юрганмиш. Буниси оларман, униси тегарман бўпти, деб эшитдим. Мактаб тугай деб қолди, кейинги ойларга тўй бўлсамикин.

– Э, хув қачонги гап-ку. Сиз анча орқада қолиб кетибсиз. Минг қилмаса даштда ўтирасиз-да. Ишга яқинда чиқдингиз. Бу қиз билан эскитдан гаплашарди. Домлаям домла номига доғ тушириб юрибди. *Пазор*, а? Яхши бўлганда ўша Ойдин ҳам кетмасди. Бир гап бўлгандирки, ажрашган-да.

\*\*\*

Каттақон шаҳарнинг қоқ ўртасида ўн олти қаватли бино қурилишида бригада ишлар, ишчилар орасида камгапгина, кўп ишларга укувсизлигидан юк ташиб юрадиган оқиш юзли, баланд бўйли, қора қошли йигит ҳам бор эди. У қурилишга учинчи қаватга балкалар ётқизилаётган чоғдан келганди. Қўлида ё цемент ташийдиган челақ, ё замбил, ё қоп. Бир-икки ишбилар, бақирок усталар билан

<sup>9</sup> Анда – қуданинг қудаси.

тезикишиб қолган вақти ҳам бўлган. Тинмай кимирчилаб юрса ҳам, қилган ишининг *прорабга* кўрсатарли жойи йўқлигидан, ҳамма ердагидек майда иши сонга кирмасди. Бир иш хато бўлса, катик ичган кутулиб, хурмача ялаган тутилганидек, айб кўпда унга тушарди.

Катта йўлнинг нариги юзидagi мактабда чалинган кўнғирок ҳар гал унинг юрагини дукурлатарди.

Тушлик маҳали *Толик* лакабли бу йигит дастурхонга мактаб эшиги кўринадиган томонда ўтирар, ўқувчиларнинг гурас-гурас чиқишларини кузатарди. Уларни, ўғилми, қизми, кимларгадир ўхшатиб юборар, кўзлари жавдирар, хўрсинар, баъзан кўлидаги косасини ҳам унутиб қўярди. Кўнғирок чалинганда болалар орасида ҳар турли ёшдаги ўқитувчилар, кўпроқ аёллар чикиб келишарди.

Баланд бўйли камган йигит тушликдан сўнг ҳар кун осмонга қараб кишлоғининг ҳам осмони шу экани, анави булутлар у ерда ҳам сузиб юрганани ўйлар, бувисини соғиниб энтикиб қўяр, ҳар гал ой охирида бутунлай кетарман деб диллар, ўзининг ўрнига бувисини ёлғиз қўймай қарашиб юрган жиянига ҳар турли ўйинчокми, китобми олишни мўлжал қиларди. Иш кун сайин кўпайиб, кишлоғига икки-икки ярим ойларда бир – шанбадами ё байрамдами, бирров бориб келар, кўзлари сўник бўлгани билан ўзи ҳали тетик кампир йиғламсираб кутиб олар, ўтқизгани жой топмасди. Лекин энди уни кетма деб кистамас, келган куни гузарга чиқишини ҳам, тўй-тўйчикка қўшилишини ҳам унча хушламас, “Болам, ишингга бор, бошинг омон бўлса бўлгани”, деб тезгина жўнатиб юбориш пайдан бўларди. Ҳатто кейинги ой охирида келолмаслигини эшитиб, андак хотиржам торганини сездириб қўярди. Кампир сафари қаригани важдан чоғини чоғлаб қўйган, ҳар кунни даргоҳида яшатиб юрганига шуқуру, кўп қатори невар-эвараларига тилак тилаш билан бошлаб, ўзига оз оғрик, осон ўлим беришини сўраш билан тугатарди.

Турғун эса туш кўраётгандек қарахт эди. Вақт дегани, кесик дарахтнинг халқаси каби, болалик хотираларини энг ичкарида қолдириб юборганди. Хотираларнинг теграсини яна-яна бошқа халқалар ўраб ташлаганди. Халқалар гўё уни бардошли этиб борарди. Дарахтнинг пўсти ичидагини кўрсатмаганидек, унинг нигоҳлари ҳам, қиёфаси ҳам ичидагиларни англамасди.

Улар ўн учинчи қаватда ишлаб бошлашди.

Энди мактаб болалари кўринмас, уларнинг овози ҳам пастда қолиб кетган эди. Оқшомлари ишчилар ҳар нима билан андармон бўлгани чоғда у бувиси, Ойдин, яна ўша уни севиб қолган қизнинг тинчини бузганидан ўз-ўзидан-да қочгиси келар, ўз кунидан ўйлай-ўйлай бир яхши томон топиб юраги тафтани босарди. Баъзан кун сайин юқорилаб бораётган зиналар ҳеч тугамайдигандек, бино юз қаватли бўлиб, шунақаси осмондан яна бир қайси дунёларга бориб етадигандек туюларди.

Ҳазилакамдек бир йилу етти ой ўтиб кетди. Бир оқшом *прораб* туғилган кунига зиёфат қилиб берадиган бўлди.

Ётар жойни қишда ярмининг ён девори битирилган тўққизинчи қаватга кўчиришгандан ҳаммани пастга туширгандан кўра зиёфатни ўша қаватда уюштиришга келишилди.

– Бундоқ қилсак-чи, энг тепага чиқақолайлик, *Баха*, сен ўзинг айт *прорабга*. Ҳамма ёқни кўриб ўтирамыз. Бу ерда девор тўсиб қолади.

– Билмасам, энди айтган жойида қилиб бераверсин-да. Қандок айтаман?

– Бирор нарсага бош қўшоласанми ўзи? Бўлди, айтолмадингми, энди *вечерни* нарсаларини ташишасан. *Всё*. Ўзимиз айтамыз.

Сал ўтиб беш йигит егуликлар, ичимликлар солинган елимхалталарни тўққизинчи қаватга ташиб чиқа бошладилар.

Охирги гал кўтарилишларида бири бошқасига деди:

– *Сашка*, бу, оқининг чўғи камми? Бир ўзим жойлаворадиган бор-ов.

– Ҳа, тепада тинчгина деб камрок олишганмиш. Ўзи тепада ўтирамыз деган гап

кимдан чиқди? Аҳмоқлар. Индамай турсаларинг, “Подснежник” да қилиб берарди.

– Ана у пастимиздаги *ресторанда-я?*

– *Канешна*, ўзи айтувди. *Класс* бўларди.

– *Толик*, *подснежник* нимаиди, бинафшамиди?

– Бойчечак, – Турғун шундай деди-ю, ўзининг ғалати чиққан овозидан боши айланиб, тебраниб кетди.

– Во, зўрсан, *Толик*. Бекор илмингни хўр қилиб юрибсан бу ерда.

Ҳамма қизил елим човгумларга катта сувдондан сув куйиб олиб, юз-қўлини юва кетди.

Зиёфат қизиди. Унинг эса негадир боши оғрир, буни чарчашдан деб билганидан тезроқ кеч бўлиб уйкуга ётишни ўйлар, эрталабгача тарқаб кетишидан умид қиларди.

– *Толик*, эркакмисан ўзи? Буни эркаклар олади. Қани, битта кўтаргин-чи. Бе, шуям олиш бўлди-ю.

Уялди. Пиёлани лабига теккизди. Бунақа захарни қандай ичишади-я.

Гангир-гунгир суҳбат авжига чиқди. Ора-чора кўтарилиувчи хаҳолаган овозлар осмон кенгликларига сингиб кетарди. Дастурхон соявурлашди<sup>10</sup>. Елимидишлар, кетидан шиша идишлар одамларнинг ён-верида юмалади. Юмалаш навбати одамларга келди.

Энди ким нима чекса, шунга ёпишиб, суҳбат авж олди.

Турғун иккинчи зина томонга бориб, пастдаги чироқлар, кичкинароқ кўринаётган машиналар, одамларга қаради. Ер чексиз кенгликлар аро ястаниб ётармиди ё кенгликлар ер узра ястаниб ётармиди, ишқилиб шунақа эди. Ҳалигина куёш ботиб кетган томонларда антика ранглар жилваланар, улар борлиқнинг мангу киёфасини яна бир яхлитлик бағрида, бир ибтидонинг интиҳосида намоён қилганча, аста яқинлаб келаётган тун қоронғилиги қаърига сингиб боришарди. Кеч бўлса ҳам одамлар тинмай ғамирлашар, тирикчилик кўйидами, шошиб юришар, кийимларидан аллакимларга ўхшаб кетишарди. Турғун жомакорини икки тахлаб оёғи остига ташлади-да, устига ўтирди. Яна пастга тикилди. Симёғочлар, қават-қават хонадонлар, дўконлар, машиналар – ҳамма-ҳаммасининг чироқлари секин-секин уйқашиб кетди, ажиб чароғонлик ичиди ҳеч нарса кўринмай қолди. Сал ўтиб бир-бирлари билан бийрон-бийрон сўзлашаётган яқинларини таниди. Топди. Дакки бериб ва ҳам кўзига ёш олиб турган Қутлибекани, мўлтираган Яшнарни, кичкинтой жиянларини, битта гапни ўн марта ўлчаб гапирадиган акасини, нарсаларини йиғиштирган куни қўлидан тортиб мактаб ҳовлисидан чиқишига қўймай анча ушлаб қолиб кўп ялинган Жўравойни, ўша куни нари-берида кўзлари қизариб гапини айтолмай турган тўда-тўда ўқувчи болалар, қизларни, хонаси деразасидан қораси кўриниб хайронгина турган мактаб директорини, ишшайиб кузатган Тўравой қоровулни, кечда уйига келиб тушунтириш ишлари олиб бормоқ бўлган Муҳаммад акани, Асқар аканинг хотинидан узр айттириб юборган Рукия муаллимани, хонасига бир кеп-кетсин деб чақиртирган қишлоқ оқсоқолини, жўнар куни бекатга, “Туни билан ухламадим, Турғун”, деб чиққан, кучоклаша туриб аччиқ йиғлаб юборган Самадни кўрди. Кейин эса уйга, ёнингизга қайтай деб ялиниб юрганида кўрганича қайтиб кўрмагани... – Ойдинни! Ҳа, уни ҳам топди. Ота уйи суласида рўмолча тўкиб ўтирибди. Ўша-ўша – чиройли, юзлари лўпшигина.

Кўчада эса одамлар тинимсиз у ёқ-бу ёққа ўтиб юришибди.

Ҳамма тириклик кўйида эди, кимлардир зерикканларидан бир нарсаларни гапиришар, кўргандек ишонтиришар, бировни маҳлиё қилганларидан хушнуд бўлишар, шу билан ўз вақтларини чоғ этишарди. Яна кимлар ернинг одам яшайдиган жойларидагина юз бериши мумкин бўлган ва юз бераётган мудхиш одамқушликлар, ўт бало, сув бало, темирбало, одамбалолар олиб келган ҳалокатларни биринчи бўлиб эшитиб, бир-бирларига етказганларидан ўз кўнгилларида мамнун эдилар.

Ана, кадрдон ховлиси. Ие, аввалгидек эски бўп коптими? Яхши-да, эскилигича колгани яхши. Эски уйга кирганида Ойдин қўшни бўлиб кирганиди, дард бўлиб эмас.

Шу ховлида Турғун деган неварасига бир олам умид тиккан бувисидан у кўп билгисизларини билган эди.

Одам деганининг иккита юзи борлигини, бегона бўз эмас, сўз беришини, ёт отган тошдан жигар отган увада каттик тегишини, ўзингдан ўтганни ўзагинг билишини, ёлғиз қиз – ялама тузлигини, болали қўрғонга боғ етмаслигини, жиннини жинни деса бир пичок дами ошишини, бир қўлтиққа икки тарвуз сигмаслигини, ит гадой билан чиқишмаслигини, куруқ қўлга куш қўнмаслигини, кўз ўзига, кулок бошқага ишонишини, дастурхон устида душман ҳам дўст кўринишини, қорачанинг қори қор бўлмаслигини, талашган ерда тарик битмаслигини, харом қўл бор жойда барака бўлмаслигини, қора булутдан тиник сув томишини, ўртага тушгандан ўт ушлаган яхшилигини, игнанинг ишини найза қилолмаслигини, номус ярим ўлим эканини... яна анчайин гапларни укқан эди.

Қават бино ҳеч экан-ку. Баландга чиксанг, бир учи уйингга қараб йўл экан-ку. Ана, уй, ўчоқхона, товукхона. Ана, бувиси, ўчоқбошида нимадир пиширяпти. Кейин сўрига келди. Этак ёйиб устига бир челақ куруқ ўрик тўқди-да, тозасини ажрата бошлади

“Ах, топдим, сизни, буви! Бир қўлимни узатоламан сизга! Буниси билан мана бу темирни ушлаб турай. Ҳар калай керакка ўхшайди. Буви, нималар қиялпсиз? Мен келдим. Қаранг, мана мен. Елкамга қокиб кўришасизми? Мана, кўришинг. Юзимдан ўпасизми? Хўп. Қалампирмунчоғингизнинг ҳиди мунча ёқимли? Шунақа соғиндимки. Бугун билла ухлаймиз. Гапчи қишлоқда қолиб нима қилади, деб мени жўнатасиз, кетақолганимдан севиниб ҳам кўясиз, кейин роса йиғлайсиз-а, буви? Ҳаммасини биламан. “Пайкалдан анча кетиб қолдим”, дейсизми, буви? Кетманг пайкалдан. Сира кетманг. Умрингиз болаларингизнинг болаларини бокиб ўтаркан-да, буви. Энди эвара боқяпсиз. Эварам менга қарайди, дейсиз. Ким кимга қараркин ўзи. Ётар бўлсам, икки кун ётай, оз оғриқ билан ўлай деб юрган бўлсангиз. Бораман, буви, бораман, кейин яна келаман, бошқа нима ҳам қиламан. Боққанларингизнинг эвази шу бўлди. Етим боққанинг етти томири курир экан-да.

Бошимга савдолар орттирдим. Атай қилгандек...

Ғалвасиз бош бош бўлибдими.

\* \* \*

Даврада хахолашаётганлар саросималаниб қолишди.

– Ана у ким? Сатторми?

– Нега осилиб турибди?!

– Домла-ку! Ҳа, домла! Иий, қаранглар! Кетди!!!

– То-о-ли-ик!!!

– Жин-н-н-ни!!!

– Во-о-ой!!!

– Ҳе-ей!!!

Кўли юмалоқ темирқозикдан чикиб кетди ё қозик қўлидан чикиб кетдими. Ўзи учиб бора бошлади. Қулоғида хув ўша оҳанглар янгради, қаватма-қават, бир унинггина агрофида янграйверди:

*Бола-бола-бола-бола,  
бола-бола-бола-бола,  
бойчечак,  
Бо-о-й-че-е-ча-а-к...*

Тамом

# АДАБИЁТ ТАРАҚҚИЁТИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛ



**Нафас  
ШОДМОНОВ**

2019 йилда адабиётшунослик доирасида ёзилган, турли китоб, тўплам, журналларга киритилган, ҳатто ҳисобини ҳам аниқлаш имконияти йўқ мақола ва тезисларнинг ҳаммасини камраб олиш мумкин эмас. Шунинг учун адабиётшунослик ютуқларини ёритиб келаётган марказий нашрлар – “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси ҳамда “Жаҳон адабиёти”, “Шарқ юлдузи”, “Ўзбек тили ва адабиёти” журналларида чоп этилган асосий мақолалар билан чекланамиз.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси ўтган йилнинг илк сонини атоқли олим Баходир Каримнинг “Танқид кимга ёқади?” деб номланган баланд руҳдаги мақоласини босиш билан бошлаганида соҳадаги муаммога бу йил жиддий эътибор қаратилади, газета бунинг масъулиятини ўз зиммасига олибди, деган умидни уйғотган эди. Лекин мақола ҳақида сўзлашдан олдин айтишимиз керакки, бу масъулиятни ҳеч ким ўз зиммасига олмади. Жараён худда аввалги йиллардагидек давом этди.

Баходир Каримнинг мақоласида бундай нофаолликнинг сабаблари анча кенг ва чуқур ёритилган. Ҳақиқатан, А.С.Пушкин айтганидек, ҳамма вақт ҳам гўзал адабиёт бўлган жойда юксак адабий танқид ҳам бўлавермайди. Лекин тан олиш лозимки, адабий танқид юксалиши учун давомли ютуқларга эришаётган юксак адабиёт шарт. В.Г.Белинский ана шундай адабий муҳит бағрида улғайди.

Олим мунаққиддан талаб қилинадиган шартни қисқа ва лўнда баён қилиб берган, бу – “танқидчидан бадий асар тўғрисидаги барча илмий ҳақиқатни айтишидир”. Лекин унинг йўл-йўриғи, усули, этикаси, мавриди, макони, адиб ва ўқувчи кўнглига қарашдек нозик жиҳатлар бор.

Мақолада бундай нозик масалалар билан бирга ҳақиқий бадий асар дунёга келишининг омиллари, ижодкор ва унинг ўз асари ўртасидаги муносабатлар, адабий танқиднинг туғилиши ва бошқа бир қатор масалалар атрофида ёритилган. Унда бир масал ўз ўрнида маҳорат билан келтирилган. У маймун, ёнарқурт ва қушча ҳақидаги машҳур масал. Мен мақолани ўқиб тугатганимда бошқа бир ҳикоят ёдимга тушди ва уни ҳам адабий танқидга татбиқ қилиш мумкин. Унинг маъноси шундай: Бир ўғил ҳар куни отаси олдидан балиқ овига боряпман, деб чиқиб кетар, лекин

---

*Нафас ШОДМОНОВ – филология фанлари доктори. 1961 йилда туғилган. Қарши давлат университетининг филология факультетини битирган. “Темурийлар даврида муסיқашунослик”, “Ҳожа Абдулқодир Мароғий”, “Жон жавҳари”, “Аруз вазни асослари”, “Муаммо жанри ва уни ечиш амаллари”, “Мумтоз адабиёт тарихи” каби илмий рисоалар ва ўқув қўлланмалари муаллифи.*

овдан ҳар куни куруқ кўл билан қайтар экан. Кўп кунлар ўтибди, тоқати тоқ бўлган ота ўғлидан нега балиқ олиб келмаётганини сўрабди. Шунда ўғил дебди: “Ҳар куни балиқ тутгани чувалчанг олиб бораман. Чувалчангларимни юта оладиган балиқ йўк. Шунинг учун балиқ тутмаймаман”. Ота бу сирнинг охирига етиш учун ўзи қўшилиб овга борибди. Ўғли ҳар куни балиқ тутадиган жойини кўрсатибди. Қараса, ўғли денгиздан ажралиб қолган бир кўлмақда балиқ тутмоқчи бўлар экан. У ерда кўп балиқчалар бор экан-у, ҳақиқатан чувалчангни юта оладиган балиқ йўк экан. Ота ўғлидан нега денгиздан эмас, бу кўлчадан балиқ тутмоқчи бўлганини сўраса, ўғил: “Денгизда катта балиқлар чувалчангимга қўшиб ўзимни ҳам ютиб юборса нима қиламан?” деб жавоб берган эмиш.

Қиссадан ҳисса маълум: гоҳ чувалчангга лойиқ балиқ, гоҳ балиққа лойиқ балиқчи топилмайди. Боз устига зиёлиларимизни бир асрдан зиёд давом этган кўркүв хисси ҳамон буткул тарк этмаган.

Газетада бир йил давомида адабий танқидга яқин усулда ёзилган бир мақола – Исломжон Ёқубовнинг таникли шоир Икром Отамурод қаламига мансуб “Ишора” достонининг таҳлиliga бағишланган мақоладир (6 декабрь). Мақолада “Ишора” достони поэтик ифодаси катига яширилган ғаройиб сирлар кўнгил асрори – иштиёқ, интилиш, интизор, соғинч, қувонч, дард, афсус, надомат, каноат, сабр каби турфа туйғуларга йўғрилган самимий изҳорлари орқали ўз маъно-мазмунини очиши ҳақида фикр юритилади. Лекин унда достоннинг тўла маънодаги баҳоси учун зарур кўпгина фикрларга ҳам фақат “ишора” қилинган.

Газета ўз номи билан газета. Унда адабий танқид намуналарини учратиш мумкин, лекин ундан чуқур илмий таҳлилий мақолалар, адабиётшунослик илмига доир тадқиқотларни талаб қилиш ноқоиз. Унда фақат бу илмга тегишли баъзи муаммоларнинг маълумот, ахборот қисми, шунингдек айрим бадий асарларга кичик тақризлар билан танишиш мумкин. “ЎзАС”да ҳам худди шундай мақолалар тизими шаклланган. 2019 йилда чоп қилинган бу туркумдаги мақолалар орасида Дилинавоз Юсупованинг “Навоийнинг мусаммани ўз ғазалига боғланганми?” (22.02.19), Муҳаммаджон Холбековнинг “Хамса”нинг янги талқини” (05.04.19), Баҳодир Каримнинг “Ижод ва таржимаи ҳол талқини” (12.04.19), Барно Бўронованинг “Юлдузли тунлар” ҳақиқати” (26.04.19), Бахтиёр Назаровнинг “Ноеб адабий-маданий ҳодиса” (21.06.19), Узок Жўракуловнинг “Хузун йўли”, Содик Мўминовнинг “Туюқ – қадимий жанр” (5.07.19), Нусратулла Жумаҳўжанинг “Илмий ва ишончли таҳлил зарур” (04.10.19), Муҳаммад Алининг “Икки буюк дарё мавжлари” (6.12.19), Сувон Мелининг “Чин инсоннинг улугвор қалби (13.12.19) ва Мунаввара Усмонованинг “Тар одамсен, муҳаббат ихтиёр эт” (20.12.19) кабиларни алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин.

Газетада босилган Узок Жўракуловнинг “Хузун йўли” (шоир Икром Отамурод ижодий йўли қисқача таҳлил қилинган) мақоласини истисно қилганда, мазкур мақолаларнинг аслида адабий танқидга дахли йўқ, улар адабиётшунослик илмий жараёни манзараси нишонлари сифатида аҳамиятга эга. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, илмда катта тадқиқотларни тўлдиришга хизмат қиладиган, алоҳида йирик тадқиқот олиб боришни тақозо қилмайдиган кичик илмий хулосалар – газета учун мақолабоп материал ҳисобланади. Тадқиқотчилар бунга яхши билишади ва газета орқали уларни эълон қилиб боришади. Лекин адабий танқидий мақолалар тезкорликни ҳам талаб қилади. Шунинг учун уларни газета саҳифаларида бериш бориш мақсадга мувофиқ. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, асосий адабий газетамизда берилган адабий-танқидий мақолаларнинг миқдоридан қониқиш ҳосил қила олмаймиз. Йил давомида газетада бирорта ҳам асар тўла маънода танқид қилинмаган, яъни илмий баҳоланмаган. Умид қиламизки, ижодкорларимиз бу бўшлиқни тўлдиришни ўйлаб кўрадилар ва ҳаракатларини бошлайдилар.

“Жаҳон адабиёти” журналидан биз ўзбек адиблари асарларига ёзилган танқидий мақолалар талаб қилишга ҳақли эмасмиз. Шундай бўлса-да, унинг ўтган йилги биринчи сонида ёзувчи Ғафур Пўлатовнинг “Журналхон фикри” рукни остида берилган “Адабий турғунлик қачон тугайди?” деб номланган мақоласида кўтарилган муаммолар бадиий адабиётимиз қатори адабий танқидга ҳам тегишли.

“Социалистик реализм” эркин ижодга қанчалик сиртмок бўлмасин, шўро даври ўзбек адабиёти майдонида бир қатор дарғалар етишиб чиқди, – деб ёзади муаллиф. – Уларнинг кўплари мустақиллик йилларининг маънавий неъматларидан баҳраманд бўлдилар. Лекин орадан йигирма етти йил ўтганига қарамай, истиқлол даври қаҳрамонлари ҳақида жиддий бадиий асарлар яратиш масаласи ҳануз очик қолмоқда”.

Муҳтарам ёзувчимиз назарда тугган масалага ҳеч қандай эътироз бўлиши мумкин эмас. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Адабиёт муҳит меваси. Ижодкор икки ҳолатда ёзмасликнинг ёки дангасаликнинг ихтиёрий банди бўла олмайди. Уларнинг биринчиси – талаб. Бу талаб ким томонидан бўлишининг аҳамияти йўқ. Талаб муҳитда вужудга келади. Нима бўлганда ҳам, моддий ёки маънавий рағбатли истеъмолчи талаби ёзиш масъулиятини юклайди. Иккинчиси, ижодий дард. Бу ижодкорнинг изланиши, ўрганиши, эътиқоди ва ҳаётий таассуротлари қабилир билан боғлиқ. Ўзлаштирилган янги билим ёки бошқа маънавий озуқа ижодкор учун илҳомлантирувчи куч бўлиб хизмат қилади. Бизда кейинги йилларда ижодий дард билан асарлар яратиш уйғонаётганини тан олишимиз керак. Бунга мисоллар кўпайиб бормоқда, буни 2019 йилда эълон қилинган бир мисоли Исажон Султоннинг “Билга ҳокон” романидир. Афсуски, бу роман ҳақида ҳам хали танқидчиликда бирор муносиб сўз айтилганига гувоҳ бўлмадик.

Биз, ёзувчи айтмоқчи, йигирма етти йиллик муҳитда ҳеч қандай ижодий талабни сезмадик. Адабиётимизнинг оксашига, эҳтимол, ўша талабсизлик сабаб бўлгандир.

Ғафур Пўлатов “Танқидчилик адабиёт қозонига ёқилган оловдир. Олов бўлмаса, овқат пишмаганидек, танқидчиликсиз ўзбек наصري ва назмининг даражаси чала пишган таомдек бўлиб тураверади”, дейди. Муаммо англанишининг ўзи ечим сари ташланган қадамдир. Матбуот нашрларимизнинг йиллик кузатувида биророрта арзирли адабий танқидий мақола бўлмаслиги ачинарли ҳол, албатта.

Журналнинг иккинчи сонида атоқли олим ва адиб Улуғбек Ҳамдамнинг “Истиқлол даври ўзбек адабиёти ҳақида икки оғиз сўз” деб номланган мақоласи эълон қилинди. У аввалги сонда босилган Ғафур Пўлатов мақоласига муносабат билан бошланади. Муаллиф унга “Истиқлол даври ўзбек адабиёти мавжуд ва у ўзига хос кўнгил адабиётидир” сўзлари билан киришади ва энг янги адабиётимизнинг асосий йўли ҳамда моҳиятини тушунтириб беришга ҳаракат қилади. Шу билан бирга, мақола ёзувчи Улуғбек Ҳамдамнинг ўз ижодий дастурига ҳам ўхшайди. Бу бир томондан яхши, лекин иккинчи томонини ўйлаб кўриш керак. Яхшилиги шундаки, дунё адабиётидан яхши хабардор, ўзбек адабиётида насрда ҳам, назмда ҳам етакчилардан бири, шунингдек, қатта тажриба ва илмга эга Улуғбек Ҳамдамнинг истиқлол даври адабиёти йўли ва моҳияти тўғрисидаги қарашлари уни, истиқлол даври адабиётини янада кенгрок идрок этишга, тадқиқ қилишга ёрдам беради.

Ўйлаб кўриш керак бўлган томони шуки, адабиётга бундай ёндашув ижодкор социоантропологиясини чеклаб қўймайдими? Ғафур Пўлатов тилга олган, совет даври дарғаларидан бири Чингиз Айтматовнинг жаҳонга чиқишига нега ҳеч нарса моне бўла олмади? Гап шундаки, бизнинг адабиётимизда илғор ижодий методларни татбиқ этишда етишмовчиликлар бор. Аслида-ку, ҳар қандай янги усул кўҳна анъаналар бағрида ўсиб чиқади. Ижодкор ўз феноменини, ўзи ижод қилган асари, яратган образ, сюжет, усул ва адабий вазиятини, охир-оқибат ўз адабий-маънавий портретини ўқувчи онг ва шуурида ўзлаштирилиб акс этишини таъминлашга

эришиши ортидан муваффақият қозониши эскидан бор гап. Бусиз яхши асар дунёга келганига ишониш қийин. Дунё адабиётида қайси машҳур асар ана шу хусусиятларга эга эмас!? Назаримизда, худди шу жиҳатларнинг адабий танқид муаммосига айланмагани, социоантропологик ва феноменологик таҳлиллардан бир қадар узоклиги, маълум маънода кичик масалаларни катта қилиб кўрсатишга уринилаётгани адабиётимизнинг доврўгли адабиётга айланиши йўлидан чалғитиб қўяётганига кўп кечиктирмай чек қўйишимиз лозимдир. Кўнгил ҳақида сўзлаш мароқли, албатта. Лекин унинг баъзи номуайян, мавҳум ирода манзилларига йўналган кўчаларидаги кўнгилсизликлар сари етаклаши ҳам борлигини унутмаслик керак.

“Жаҳон адабиёти” журнали саҳифаларида босилган адабиётшунослик илмига доир бир қатор мақолалар эътирофга лойик. Биз бунда, аввало, ўз тадқиқотчиларимиз мақолаларини назарда тутмоқдамиз. Чунки савол шундай – биз бир йил давомида нима қилдик? Бинобарин, журналнинг учинчи сониди босилган Раҳмон Кўчқорнинг “Озод Шарафиддинов феномени” мақоласи эътиборга молик. Унда Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг олимлик, таржимонлик ва танқидчилик фаолиятлари эсланиб, адабий портрет яратишга ҳаракат қилинган.

Тўртинчи сонда берилган Баҳодир Каримнинг “Бобурнома”дан “Ўткан кунлар”га” мақоласи Абдулла Қодирий бадиий тилининг жозибаси сирини очишга бағишланган. У қалам аҳлига бадиий асар тилини мукаммаллаштириш йўлида катта сабоқ бўлади. Таҳририят бу мақолага муносиб баҳо берди – унинг муаллифини ўзининг Озод Шарафиддинов номидаги йиллик мукофоти билан тақдирлади.

Ана шундай эътиборга молик яна бир мақола журналнинг олтинчи сониди босилган катта салоҳият билан ёзилган профессор Дилмурод Куроновнинг “Бир ижодий баҳс хусусида” мақоласидир. Унда олим ўзбек ёзувчиси Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Жимжитхонага йўл” ҳикоясини чуқур таҳлил қилар экан, унинг италян адиби Дино Буццати қаламига мансуб “Етти қават” ҳикояси билан ижодий баҳс натижасида яратилганини илмий асослайди.

Лекин журналда босилган айрим мақолаларда муаллифларнинг юзаки ёндашуви кўзга ташланади. Масалан, “Тоғай Мурод қиссалари: аслият ва таржима” деб номланган Умида Расулованинг журналнинг ўн биринчи сониди босилган мақоласи миллий тилимиздан усталик билан фойдаланилган асарларнинг рус тилига таржимасига бағишланган. Унда таржимонларнинг маҳорати эътироф қилинган. Лекин муаллиф таржималарни янада такомиллаштириш борасида ҳеч қандай фикр билдирмайди.

Раҳмон Кўчқорнинг “Чингиз Айтматов ва адабий танқид” (№12:173 – 176) мақоласида буюк ёзувчининг адабий танқидга муносабати ёритилган. Унда ёзувчининг ўзбек адабиёти вакиллари, хусусан Пиримқул Қодиров асарлари ва уларга ёзилган танқидларга ҳам кизикиш билан қараши, ўзбек адабиётига кириб келаётган ёрқин истеъодларни қўллаб-қувватлаши ва далда бериши каби фазилатлари ҳақидаги маълумотлар ҳам келтирилган. Бу фактлар келтирилиши сабаби “Юлдузли туллар” романининг салбий танқидга учраши ва улуг ёзувчининг ўша танқидга муносабатини йўл-йўлакай эслаб ўтишдан иборат. Лекин Раҳмон Кўчқор Чингиз Айтматов ва танқид мавзусида катта билимга эга экани маълум, лекин негадир уни далиллар билан бойитишда, мавзуни янада кенгрок ва чуқуррок ёритишда ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланмайди.

“Жаҳон адабиёти” журналининг адабиётшунослик рукнида берилган яна бир неча мақолалар бор. Уларнинг илмий қимматини ҳеч қамситмаган ҳолда улар хусусида батафсил тўхталмаймиз. Чунки улар ҳозирги адабий жараёнга ёки адабий танқидга доир эмас. Шундай бўлса-да, умумий адабиётшунослигимиз учун Ҳомиджон Ҳомидийнинг “Маърифатни олқишлаб”, Каримбой Курамбаевнинг “Алишер

Навой ва туркман адабиёти (№2), Омонулла Мадаевнинг “Чўлпонни англаган олим” (№3), Махкам Махмуднинг “Чўлпоннинг шоғирди” (№4), Муҳаммадҷон Имомназаровнинг “Алишер Навоий даври адабиётининг ривожланиш босқичлари” (№8), Насимхон Раҳмоновнинг “Қора квадратдаги одам” (№9), Минҳожиддин Мирзонинг “Дорилфунунлардан бири”, Музаффар Мирзонинг “Навой ва ҳайъат илми”, Нилуфар Султонованинг “Адабиётда модификация жараёни” (№10), Наим Каримовнинг “Лолахон Сайфуллина ким бўлган?” (№11) каби мақолаларининг аҳамияти катталигини таъкидлаш лозим. Шунингдек, журнал саҳифаларида босилган турли адибларнинг адабий-танқидий мақолалари таржималарини амалга оширган таржимонлар иши ҳам эътирофга лойиқ.

■ “Шарқ юлдузи” журнали ўз тарихида адабиётшунослик ва адабий танқиднинг энг сара намуналарини эълон қилиб келган журнал. Унда 2019 йилда эълон қилинган мақолалар фақат таҳририятнинг эмас, ижодкорларимизнинг ҳам ўз салафлари анъаналарига нечоғлиқ содиқ эканини кўрсатади.

■ Журнал мақолаларининг бир туркуми таниқли адабиётшунослар томонидан ёзилган бўлиб, улар кўпроқ адабиётимизда аллақачон ўз ўрнига эга бўлган ижодкорлар фаолиятига бағишлангани билан ажралиб туради. Масалан, биринчи сонда профессор Шавкат Ҳасановнинг “Истеъдоднинг рангин жилолари” мақоласида адабиётимизга ўтган асрнинг 60-йилларида кириб келган иктидор эгаси Жамол Камол ижоди – шеърлари, дostonлари, таджикот ва таржималари таҳлил қилинган бўлса, учинчи сонда босилган Раҳмон Қўчкорнинг “Истеъдод истехзоси” мақоласида таниқли ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст ижодининг “ҳозирча энг юксак авжи” бўлган “Лолазор” романининг ифода усули тадқиққа тортилади.

■ Журналнинг иккинчи сонидagi профессор Йўлдош Солижонов томонидан ёзилган “Ҳақиқат излаган адиб” мақола алоҳида эътиборга молик. Сир эмас, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳаёт йўли ва ижодий мероси кекса авлодга яхши таниш бўлса-да, ёш авлод уни яхши билмайди. Ҳамзанинг халқни саводли қилиш учун ғайрат кўрсатиб, янгича усулда мактаблар очгани, дарсликлар яратгани, муаллимлик қилгани, сермахсул драматург, жадидчилик ҳаракатининг атоқли вакили сифатида фаолият олиб боргани кўп айtilган. Аммо ҳозирги ёшлар унинг октябрь тўнтаришини хайрихоҳлик билан қаршилагани тўғрисидаги маълумотларга қарши тарғибот соясида қолиб кетаётган адиб ижодини юзаки билади, шахси тўғрисида эса бир-бирига зид нотугал маълумотларга эга. “Чунки ўтган юз йилликдан кўпроқ вақт мобайнида Ҳамза фаолияти ва ижодий мероси турли мезонлар билан ўлчаб келинди, ҳар хил фикрлар айtilди. XX асрнинг 10-йилларидан 30-йилларигача Ҳамза ҳаётда ҳам, ижодда ҳам, маърифатпарварлик соҳасида ҳам, жадидчилик ҳаракатида ҳам ниҳоятда фаол бўлди, элга танилди. Вафотидан кейинги ўн йил мобайнида эса шахс сифатида ҳам, ижодкор киёфасида ҳам унутилди. Ҳеч ким уни эсламай кўйди. Шу ўн йилликнинг охиридан бошлаб у бирданга янги ўзбек адабиётида биринчи “инқилоб куйчиси”, социалистик реализм методининг асосчиси деб тан олинди ва кўкларга кўтарилди. Бу мавқеини асрнинг то сўнгги ўн йиллигига қадар сақлаб турди. 90-йиллардан бошлаб эса Ҳамза “Яша, Шўро!” деб инқилобни куйлагани, “Бой ила хизматчи” драмасида революционер Ғофир образини яратгани учун яна айбдор деб топилди ва унинг номини адабиёт тарихидан ўчириб ташлашга уринишлар бошланди”. Олим бу вазиятдан ташвишга тушиб, Ҳамза адабий меросини замонавий тамойиллар билан қайта ўрганиш асосларини илгари суради.

■ Бешинчи сонда эълон қилинган Нусратулла Жумахўжанинг “Шоирона шуур ва илмий тафаккур” деб номланган мақоласида Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидовнинг ғазал шарҳлаш маҳорати таҳлил ва тадқиқ этилган бўлса, саккизинчи сонда босилган Нурбой Жабборовнинг “Мирзо Улуғбек ва аҳли шуаро”

мақоласи адабиётшунослигимизда академик В.В.Бартольддан бошлаб бу мавзуда давом этаётган тадқиқотлар силсиласини тўлдирувчи талайгина маълумотлар берилгани билан аҳамиятли. Жумладан, Мирзо Улугбекнинг шеърини таъби ва у билан мулоқот ва мусохабада бўлган, шунингдек, шеърят билан шуғулланган ўғилларидан иборат тўққизта шоир ҳақида батафсил маълумот берилади.

Журналда босилган мақолаларнинг бошқа туркумида ёш тадқиқотчиларнинг катта журъат билан адабиётшунослигимизга янги руҳ олиб киришга интилаётганларини илғаш мумкин. Жумладан, Саъдулло Куроновнинг “Ижтимоий шеърятнинг яралиши” мақоласида ижтимоий шеърятнинг ўзбек адабиётида шаклланиши ва тадрижи атрофлича ўрганилган. Завқиддин Сувоновнинг “Ровий ва муаллиф” деб номланган мақоласида нарий асарларда ровий, баёнчи ва муаллифнинг ўрнини ва иштирокини бир неча илмий ва бадий асарлардан олинган парчалар орқали аниқлаб олгандан сўнг ўз объекти Тоғай Муроднинг бу борадаги кашфиёти тавсифланади. “Ҳажвий ҳикоялар устаси” деб номланган мақола Гулбахор Саидғаниева томонидан ёзилган. Унда “Янги Фарғона” газетасининг 1930 йиллардаги сонларини ўрганиш орқали ўзбек адабиётининг шаклланишида фарғоналик ижодкорларнинг роли ёритилади. Газетада бадий ижодлари билан иштирок этган Усмон Қўзи, Фулом Ғофур, Расул Мухаммадий, Амин Умарий, Хусайн Шамс, Адҳам Раҳмат, Наби Юсупов, Карим Раҳимий қабиларнинг фаолликлари, жумладан Фулом Ғофур (Фуломназир Ғофуров – 1909–1944)нинг ҳажвий ҳикоялар ёзиб миллий кадрятлар ва манфаатларни ҳимоя қилгани ҳақида маълумотлар берилади.

Ойбарчин Абдулҳақимовага тегишли “Ижод оламининг сирлари” номи мақолада адабиёт миллий шаклда намоён бўлиб, моҳиятида миллий руҳ тажассум топиши, баъзан бошқа-бошқа миллатларга мансуб, адабий-эстетик тафаккур ўзга-ўзга асосларга таянувчи буюк ижодкорларнинг бир-бирдан таъсирланиши натижасида ҳам мутлақ мукаммал, оригинал асарлар дунёга келиши, бундай асарларни қиёсий ўрганиш бадий адабиёт сирларини, шунингдек, ижодкор рухиятини англашда алоҳида аҳамиятга эга экани Оврўпо Уйғониш адабиётининг асосчиси Данте Алигьерининг “Илохий комедия” ва ўзбек шоири Абдулла Ориповнинг “Жаннатга йўл” драматик дostonларидаги умумий ва хусусий жиҳатлар ижод оламининг тамомига ўзгача қонуниятлари махсули сифатида қиёсий тадқиқ этилган. Яна бир ёш тадқиқотчи Отажон Норовнинг “Ҳозирги ўзбек шеърятинида поэтик шакл” деб номланган мақоласи ҳам эътиборга лойик. Мақолада Икром Отамурод, Ўроз Ҳайдар ва Чори Аваз каби шоирларнинг шеър ва дostonларидаги поэтик шакллар таҳлил қилинган. Зотан, Ҳақиқий ижодий ишда онг ва туйғулар қаърида яширин руҳ реал борлик каби намоён бўлади. Шунинг учун ҳам руҳнинг адабий ёхуд бадий шаклида намоён бўлиши уни озиклантирган онг ва туйғуларнинг ҳаракат дастурига ёки уларнинг фаоллигига боғлиқ. Фақат ҳаракатдаги фаол онг, туйғуларгина бадий асар шакли ва мазмунида муаллиф қалбини, руҳини ва кайфиятини зоҳир қилади.

Ёш тадқиқотчиларнинг назарий масалаларга ҳам дадиллик билан кириб келаётганлари кўзга ташланади. Журналнинг ўн биринчи сониде адабиётшунослик руқнида учта мақола берилган. Уларнинг биринчиси, Дилшод Хурсановнинг “Ирфоний шеърятда бадий вақт масаласи” номи мақоласи бўлиб, унда биринчи бўлиб шоир Абдували Қутбиддин шеърятини мисолида бадий вақт концепцияси илмий тадқиқ қилинади. Бунда шоирнинг диний-маърифий ва тасаввуфий шеърларидаги бадий вақт муаммосига диққат қаратилган.

Иккинчиси, Комилжон Ҳамраевнинг “Ҳикояда илк жумла поэтикаси” деб номланган мақола. Унда Абдулла Қаҳҳор, Шукур Холмирзаев, Хуршид Дўстмухаммад, Назар Эшонқул ва Исажон Султон каби ёзувчилар ҳикояларидаги илк жумла тадқиқ қилинади. Тадқиқотчи “илк жумла ижод жараёнидаги психологик ҳолатлар бадий асар ритми ва асар бадий ғояси билан поэтик алоқага киришиб,

ҳикоя композициясининг таркибида карвон кўнғироғи сингари йўл бошловчилик вазифасини бажаради”, деган хулосани беради.

Учинчиси, “Шахсият динамикаси ва инсон қалби” деб номланган мақола бўлиб, Муҳаё Исмоилова томонидан ёзилган. Унда ёзувчи Зулфия Қуролбоева яратган образлар, қаҳрамонлар характерининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Адабиётимиз тарихида унутилган шоирлар номларини тиклаш, уларнинг адабий меросини ўқувчиларга етказиш борасида ҳам тадқиқотлар олиб борилаётгани қувонарли ҳол. Олим Равшановнинг адабий саҳифаларимизда номаълум келаётган Махзун Шахрисабзийнинг ҳаёти ва адабий мероси ёритилган мақоласи ана шундай тадқиқотлар сарасига киради.

Тўғри, ёш тадқиқотчиларнинг мақолаларида ҳали гўрликлар, масала моҳият кирраларининг тўлиқ очилмаслиги каби айрим нуқсонлар ҳам кўзга ташланади. Бирок улар томонидан адабий ҳодисалар текшируви кўламининг кенгайиб бораётгани катта умидлар уйғотади.

Журналда эълон қилинган яна бир туркум мақолалар ижодкорлар томонидан бошқа ижодкорлар адабий портретига чизгилар сифатида ёзилган. Бу туркум мақолалар ижодий йўл, услуб ва психология билан боғлиқ жиддий муаммолар ечимига асос бўладиган далил ва маълумотлар тақдим қилиши билан аҳамият касб этади. Рустам Мусурмон томонидан ёзилган “Ҳаёлнинг бепоён осмони” деб аталган мақолада шоир Турсунбой Адашбоев, Раҳим Қодирнинг “Эзгулик абадий қўлланар” номли мақоласида Амирқул Пўлкан адабий портретига ана шундай чизгилар мавжуд.

Республикамизда адабиётшунослик масалаларини ёритувчи фақат мутахассисларга мўлжаллаб чиқарилаётган “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида ҳам жуда кўп мақолалар чоп этилди. Унинг 2019 йилги сонларида эълон қилинган банд салоҳият билан ёзилган салмоқли мақолаларнинг асосий қисми Алишер Навоий таваллудининг 578 йиллиги, Аваз Ўтар таваллудининг 135 йиллиги, Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллиги, Огаҳий таваллудининг 210 йиллиги ҳамда Фуркат таваллудининг 160 йиллиги муносабати билан ёзилди. Уларда мазкур шоир ва адибларимиз ҳаёти ва фаолияти бўйича муҳим масалалар илмий тадқиқ қилинди. Бунда Иброҳим Ҳаққул, Абдусалом Абдуқодиров каби йирик олимлар ўзларининг соҳага доир катта аҳамиятга эга мақолалари билан фаол иштирок этилди.

Журналнинг бу йилги энг фаол тадқиқотчиси сифатида муҳтарам олимимиз Иброҳим Ҳаққул номини келтириш ўринлидир. Олим томонидан журналнинг олтита сонидан бешта жиддий мақола босилди. Булар орасида бир мақола алоҳида диққатни тортади. У Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов шеърлятида учрайдиган маломатийлик мотивлари хусусида. Бу бир қарашда ноодатий, шоир шеърлятига ёпишмаган мавзудек таассурот уйғотади. Бирок, ўйлаб кўрилса, Абдулла Ориповнинг мумтоз адабиётимиз тарихини нақадар чуқур ўргангани маълум ва унинг ижодий тафаккури фонида тасаввуфнинг жуда кўп гоёлари қатори маломатия ҳам ижод заҳира манбаси сифатида жой олганига шубҳа қилмас бўлади.

Журналда босилган Қодиржон Эргашевнинг “Мотив ва талкин” номли “Лайли ва Мажнун” ҳамда Лодовико Ариосто (1474–1533)нинг “Телба Роланд” поэмаси киёсий ўрганилиши, Буробия Ражабованинг “Бир рамзий образ талқинига доир” (чумоли), Зебо Қобилованинг “Татаббуда анъана ва ўзига хослик” (Навоий ва Амирий), Зарий Қувонунинг “Татаббуда анъана ва ўзига хослик” каби мақолаларида ҳам илмий янгилик ахтариш ва уни далиллаганга интилиш кузатилади. Иккинчи сонда академик Наим Каримов томонидан ёзилган “XX аср ўзбек фалсафий-интеллектуал шеърляти” мақоласи ўзбек фалсафий-интеллектуал

шеърятининг вужудга келиши ва тадрижи ҳақида маълумот беради. Шоира Аҳмедованинг “Мағёқуб Қўшжоновнинг адабий портрет яратиш маҳорати” мақоласи атоқли мунаққид маҳоратини очиб беришга қаратилган. Баҳодир Жовлиевнинг ёзувчи Назар Эшонқулнинг “Тобут” ва “Ажр” ҳикоялари таҳлиliga бағишланган “Ҳикояларида мифологик талқин”, Қаҳҳор Йўлчиевнинг “Лирик хронотопнинг шеър матнидаги ўрни”, Камолитдин Шаҳобовнинг “Олабўжи” романида авлодлараро муносабатлар талқини”, Дурдона Зоҳидованинг “Исажон Султоннинг “Озод” романи поэтикаси”, Маҳфуза Давронованинг “Усмон Азимнинг интеллектуал шеърлари хусусида” мақолалари адабиётимиз насри ва назмидаги ноёб ҳодисаларга бағишлангани билан аҳамиятли. Умуман, журналда босилган даярли барча мақолалар адабиётшунослик илми ривожига хизмат қилиши билан қимматга эга. Лекин улар орасида бир мақолани алоҳида таъкидлашни лозим топамиз. Бу журналнинг биринчи сонида босилган Сувон Мелининг “Фарҳод ва Ширин” достонида фано концепцияси” мақоласидир. Унда олим тасаввуфнинг, шунингдек Навоий ижодининг асосий концепцияларини қандай ёритиш кераклиги борасида ўзига хос намуна кўрсата олган.

Олим мақолани инсониятнинг бу дунё ва охираат фарзанди эканини таъкидлаб, миллатдошларимиз “Имони муфассал” калимасидаги “Вал баъсу баъда-л-мавт”, яъни ўлимдан кейинги тирилишга имон келтирмаса ва шунга бутун вужуд ва кўнгил ила инонмаса, Ҳазрат Алишер Навоийнинг муаззам ижоди биз учун яримбеғона бўлиб қолавериши ҳақидаги ўз концепциясини ўртага ташлайди. Шундан сўнг машҳур япон файласуфи Китаро Нисида (1870–1945) Шарқ ва Ғарб фалсафаси ўртасидаги принципиал фарқ ҳақида фикр юритиб, “Шарқ маданиятининг ўзига хослиги унда етакчи бўлган йўқлик гоёси (идея небытия)да” деган қарашини Навоий ижодини, хусусан, “Фарҳод ва Ширин” достонини ўрганишнинг методологик асосларидан бири сифатида келтиради.

“Йўқлик гоёси, одатда, мусулмон Шарқ адабиётида фано истилоҳи билан ифода қилинади”, дейди олим ва достонни чуқур таҳлил қилиб, унинг фановий талқинини юксак савияда асослаб беради.

Мақолада унинг русчага қилинган таржималаридаги айрим ўринлар, шунингдек насрий баёнда йўл қўйилган камчиликлар ҳақида ҳам тўхталинган.

Мақола Алишер Навоий асарлари шарҳи ва таҳлили учун ҳам намуна бўла олади.

Биз бу ерда фақат марказий нашрларимиз ҳақида тўхталдик. Бунинг сабаби, бир жиҳатдан, мана шу нашрларимизнинг бугунги рақобат муҳитидаги обрўсини кўтариш масаласи билан ҳам боғлиқ. Чунки бугунги кунда матбуот нашрлари кўпайган, ижтимоий тармоқлар ривожланиб бормоқда. Уларда ҳам адабиётшунослик ва адабий танқидга доир чиқишлар кундан-кун ортиб бормоқда. Мен уларда Қозоқбой Йўлдошев каби олимиз ва Карим Баҳриев каби ижодкорларимизнинг фаоллигига амин бўлдим. Қозоқбой Йўлдошевнинг “Адабиёт” газетасидаги чиқишларида анча салмоқли масалалар қаламга олинган. Карим Баҳриевнинг фейсбукда шоира Адиба Умирова ижоди бўйича ёзилган адабий-танқидий чиқиши ҳам кишини қувонтиради. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Адабиётшунослик ва адабий танқид бўлимининг 2019 йилдаги фаолияти хусусида хулосаларимиз шундай: олим ва ижодкорларимиз жуда катта ва самарали меҳнат қилдилар. Адабиётшунослик соҳасида олиб борилган ишлар катта эътирофга лойиқ. Лекин адабий танқид ишини матбуот нашрларида замонавий талаблар асосида жонлантириш ва ривожлантириш бўйича жиддий тadbирлар ишлаб чиқилиши лозим.

# БОЛАЛАРГА БАХШИДА АСАРЛАР



Дилшод РАЖАБ

2019 йилги ўзбек болалар шеърляти ҳосили қўзни қувонтирадиган бўлиқ ватўлиқлиги, салмоғи билан эътиборли бўлди. Бу йилда Ўзбекистон халқ шоирлари Пўлат Мўмин ва Анвар Обиджоннинг сайланма китоблари Чўлпон нашриётида “Ўзбек болалар адабиёти олтин фонди” рукнида чоп этилди. Яна Вали Аҳмаджоннинг “Дурдонаой – бир дона ой”, Одил Абдурахмоннинг “Шамол қандай яшайди”, “Беланчак”, Собир Олимжоннинг “Жавлонбекнинг шумликлари”, Набижон Эрматнинг “99 тез айтиш ва топишмоқлар”, Яхё Тоғанинг “Қарчиғайнинг жияни”, Нурилло Остоннинг “Соғлом болалар”, Даврон Улуғмуродов ва Иззат Йўлдошевнинг “Китоб ўқиш одоби”, Муҳайё Мирсаидованинг “Саломатлик алифбоси” ёш ижодкорлар Наима Анварова, Мўътабар Ҳасанова, Моҳидил Абдуллаеванинг ҳаммуаллифликдаги тўпламлари, Шаҳина Абдуллаеванинг “Орзу йўли” каби китоблари турли нашриётларда нашр қилинди. Шунингдек, катталар ижодкори бўлган таниқли адиблар Зулфия Мўминованинг “Болаларга китоб беринг”, Зикрилла Неъматнинг “Марду майдонлар юрти” каби болажонларга мўлжалланган китоблари ҳам кичикларга каттақон совға бўлди.

Устоз адиблар Пўлат Мўмин ва Анвар Обиджоннинг “Олтин фонд” рукнидаги китоблари, уларга кирган шеър, эртак, сценарийлар шубҳасиз ўзбек болалар адабиётининг нодир ва ёрқин саҳифалари ҳисобланади. Хусусан, Анвар Обиджон ўзбек болалар шеърлятига янги оҳанг, фавқулуд топилма образлар, оҳорли тасвир усули ва воситаларини олиб кирган новатор яъни кашфиётчи ижодкор сифатида эътироф этилган. Ушбу сайланмада шоирнинг ана шундай ноёб ижод намуналари жой олган бўлиб, улар кўп бора таҳлил-тадқиқ этилган. Энди 2019 йилги янги китоблар сирасига кирувчи отахон шоирлар Одил Абдурахмон, Вали Аҳмаджон, Собир Олимжонларнинг юқорида тилга олганимиз тўпламлари шонли тарихимиз, улуг аллома боболар, бебаҳо кадрлятиларимиз, обод юртда озод ва бахтиёр яшаётган ёш авлоднинг ғурури-ю сурури, осмон бўйи бахту қувончлари, орзу интилишлари баралла жўр овозларда қуйланади.

Собир Олимжоннинг бошқа турли мавзудаги шеърлярида болалик оламининг ёрқин лавҳалари берилган. Хусусан, “Жавлонбекнинг шумликлари” туркумидаги қахрамоннинг шумлик-шўхликлари “шум боланинг” баъзи қилиқларини эслатади. Қахрамон дилзор эмас, беозор шумлиги билан китобхонда илиқ кайфият уйғотади. Фақат баъзи шеърлар жиддий сайқалланиб, қайта ишланса, лирик қахрамон қиёфаси янада ёрқинлик касб этар эди.

---

*Дилшод РАЖАБ – 1964 йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг (ҳозирги ТДПУ) ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатган. Унинг “Отанинг боғи”, “Дарё кўнги”, “Жилвон ўғлони”, “Таниш товушлар”, “Ўн ўртоқ”, “Ҳамро полвон”, “Поезднинг боласи” каби китоблари чоп этилган.*

Одил Абдурахмон ҳам болаларнинг ўзига хос ва мос табиатидан келиб чиқиб, уларнинг хатти-ҳаракати, ҳолатини чизади. Китобда хусусан, кичик мактаб ёшидаги болаларни завқлантирувчи шеърлар жой олган.

“Пўчоғи қолди” шеърдаги воқелик болажонларни яйратиб қулдириши шубҳасиз:

*Кеча шоиқалоқ Муқим  
Ўчоққа солди тухум.  
Бироз этмай “ПАК” этди,  
Гўё бақа “ВАҚ” этди.  
“Мазза” қилди ўчоғи  
Унга қолди пўчоғи.*

Вали Аҳмаджон кичик воқеликлардан фалсафий маънолар чиқариб, уларни ёш китобхон онгига осон ва раvon етказишга ҳаракат қилади. “Кекса ўрик” шеърда ўриқнинг ҳосил бермай қўйиб, энди кесилиб, ўтин қилингани айtilар экан, шеър шундай хулосаланади:

*Қора қозон қайнайди,  
Багрин тутиб оловга.  
Хайрлашар чоғда ҳам,  
Хисса қўшар паловга.*

Бу ерда ўрик сўнги нафасигача эзгуликка хизмат қиладиган фидойининг образи. Шоир шундай бўлиш керак деган ўғит-даъватни билвосита, ўрик образи орқали айтиб, кўрсатиб берган.

Яхё Тоға ва Нурулло Остоннинг кўпгина шеърларида кичкинтойларга турли нарса ва ҳодисаларни, воқеаларни кизиқарли тарзда таништириш, уларнинг турфа жиҳати ва сифатини бадиий бўёқларда чизиш кузатилади. Яхё Тоға шеърлари қисқа сатрли, тезкор ритм ва жарангдор, тўлиқ қофиялари билан “ялт-юлт” этган чироқ ёғдуларидай кичкинтойлар кўзларини қувнатиб, дилларига ёруғлик солади.

Нурулло Остонда кизиқарли, раvon, ўқишли шеърлар кўп. Масалан:

### Ғамхўр хўроз

*Эринмайди юришдан,  
Ҳамда барвақт туришдан.  
Уйғотади саҳарни,  
Очади тонг-дафтарни.  
Бизни чорлаб ўқишга  
Кетади дон чўқишга.*

Шу тарика аини шеърларда турли нарса-ҳодисаларга шоирона, образли таъриф-тавсиф берилар экан, атрофдаги оддий оламнинг бундай бадиий тасвири ва талқини ёш китобхоннинг завқ-хайратини ошириб, бадиий дидини тарбиялайди, шакллантириб боради. Бу худди нарса-ҳодисаларга ранг-баранг шишалар орқали боққанга ёки кино санъатида бўлганидек, уларни турли ракурслардан туриб кўрсатганга ўхшайди.

Шу ўринда топишмоқларда ҳам нарса-ҳодисаларнинг, воқеликнинг муайян бир сифат ва қирралари, моҳияти образли тарзда айтилиб, унинг асл номи яширин қолдирилишини эслаб ўтсак. Босиси, топишмоқ ва тезайтишлар бўйича деярли ихтисослашган қаламкаш Набижон Эрматнинг ўтган йилда “99 тезайтиш ва топишмоқлар” китобининг 7-китоби ҳам болажонларга армуғон этилди. Айтиш керакки, топишмоқ ва тезайтишлар нисбатан кам ижодкорлар ижодида учрайди. Бу камёб тур Набижон Эрмат ижодида бисёр. Юқоридаги китобда алфавит тартибда

хар бир ҳарфга тезайтишлар ёзилган ва 99 та топишмоқ образли тасвирларда берилган. Масалан:

*Қўлини чўзиб ёнга,  
Кўтарилар осмонга.*  
(Самолёт)

*Беш оғайни ботирлар,  
Кўп ишларга қодирлар.*  
(Бармоқлар)

Даврон Улуғмуродов ва Иззат Йўлдошевнинг “Китоб ўқиш одоби” китобида турли жонзотларнинг феъли, табиатидан келиб чиқиб, китобга бўлган муносабати қисқача изоҳланади. Масалан,

### Бўри

*Сўйлоқдир унинг тиши  
Ёмондир қилган иши.  
Йиртиб ташлаб китобни  
Унутибди одобни.*

### Кирпи

*Кирпи китоб ўқийди,  
Ўзича шеър тўқийди.  
“Минг тиканли чопоним,  
Келинг, бўлинг меҳмоним”.*

Бўри одобсизлик қилиб, китобни йиртса, Кирпи уни ўқиб, шоир бўлган, ҳатто шеър ҳам тўқийди. Шу тариқа турли жонзотлар мисолида ўқувчи учун фойдали ва зарарли одатлар, ҳолатлар кўрсатилади. Бу ҳам яхши сабоқ, албатта.

Китоб ўқишга даъват, ёш авлодни илм-маърифатга чорлаш таниқли шоира Зулфия Мўминованинг “Болаларга китоб беринг!” китобидаги етакчи мавзулардан бири. Маълумки, муаллифнинг “Болага китоб беринг!” шеъри, хусусан, ўтган йили республикамизнинг юзлаб катта-кичик саҳналарида, турли маданий-маърифий тадбирларда жаранг берди. Бир пайтлар “Аёлга гул беринг!” деган канотли иборани битган шоира энди “Болага китоб беринг!” деган ҳаётбахш хитоби билан катта-ю кичикни маънавий уйғоқлик ва огохликка чақирди, десак хато бўлмас.

Аслида оддийгина “болага китоб беринг” ёки “китоб бериш керак” деган хабар ё буйруқ гапни бадий бўёқлар фониди ярқиратиб, порлатиб, катта пафос билан айтиш, бу шоирнинг маҳорати маҳсулидир. Ҳа, бир қарашда бу оддий сўзлар бирикмаси. Лекин шеърда уни айтиш учун жозибали бадий замин, ҳиссий иқлим яратилган:

*Осмонларда юрганлар,  
Олтин қаср қурганлар,  
Не берай деб турганлар,  
Болага китоб беринг!*

Халқона оҳанг, қатъий хитоб беихтиёр ўқувчини ўзига қаратиб олади. Шу тариқа осмоний мансабу мартабалар, олтин қасрлар, катта сарвату мол-давлат соҳибларига бундай матоҳларнинг баридан маърифат устунлиги, болага китоб бериш, яъни илму ҳикмат ўргатиш зарурлиги таъкидланади.

Тўпلامдаги “Хўроз нега учмайди?” шеъри ҳам илм-маърифатнинг, дарс-сабоқнинг ҳаётда нақадар муҳим ўрин тутиши ҳақида. Анча фанлардан яхши ўқийдиган Хўроз бир куни дангасалик қилиб, дарсга бормайди. Қанотли дўстлари уни эрталаб мактабга боришга ундаса ҳам, кўнмасдан ухлашга берилади. Шу куни “учиш” дарси ўтилиб, барча дўстлари қанот қоқиб, парвоз қилади. Шу дарсга боролмаган Хўроз эса уқолмайдиган бўлиб қолган экан. Бу эртақнамо шеърда катта ҳаётий ҳақиқат маҳорат билан сингдирилган. Шоира “ўқиш, илм олиш керак” ёки дарсларни қолдирманг, деб қуруқ яланғоч насиҳат қилмасдан, қизиқарли воқелик орқали дарснинг, илм олишнинг аҳамиятини, дангасалик, лоқайдликнинг қанчалик зарару зиёни борлигини кўрсатади.

*Шундай қилиб, қиссадан*

*Чиққан ҳисса аёндир.*

*Дарсни бир кун қолдирган*

*Бир умр пушаймондир.*

Ушбу тўпلامдаги “Қурбаканинг совғаси”, “Тулки шоир бўлмоқчи”, “Лайлақлар”, “Кўроқларга қувноқ кўлланма” каби шеърларда ботирликка ундаш, кўроқликни қоралаш, дўстлик ва тинчликни улуглаш каби эзгу ғоялар ёрқин образ ва деталлар орқали ўқувчига сингдирилади.

Умуман, “Болаларга китоб беринг!” китобига кирган аксар шеърлар ёш авлодни илм-маърифатли, мард, ботир, табиатсевар, ота-онага меҳрли, дўстга садоқатли ва она юртга муҳаббатли бўлишга қақиради, маънавий камолотига хизмат қилади. Айтиш мумкинки, шоира болалар тилини ва дилини топиб ёза олган. Бирок шуни ҳам айтиш керакки, тўпلامдаги “Бир данакда бир боғ бор” достони ҳамда “Лайлак ва ёз ҳақида” эртақлари чўзилиб кетган, айрим ўринларда баёнчиликка йўл кўйилган. Уларни ихчам ҳолга келтириш мақсадга мувофиқдир.

Яна бир катталар шоири Зикрилла Неъматнинг 2019 йилда чиққан “Марди майдонлар юрти” китоби эса Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг “Ватан учун яшайлик!” кўрик-танловига фахрли ўринни олди. Чиндан бу китобга жамланган ҳарбий-ватанпарварлик мавзудидаги аксар шеърларда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари балкиб туради. Таъбир жоиз бўлса, сатрлар аро юрт деб урган юракнинг зарби, садолари сўзлар ва оҳанглар қатига сингдирилгандай. Китобдаги шеърларни 2 та катта йўналишга бўлиш мумкин. 1-элпарвар ва эркпарвар, жасоратли ва заковатли аждодларимизнинг улуғ ишларидан фахр-ифтихор этишга қақирадиган шеърлар. Булар Широқ, Тўмарис, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Бобур каби улугларимизга бағишланган. 2-катта йўналиш бутунги ёш авлоднинг юртга садоқати, Ватан хизматида ҳаммиша шай ва тайёрлиги, юрт ҳимоясини улуғ шараф деб билиш каби юксак фидойиликни қадрловчи ва олқишловчи оташин шеърлар ташкил этади. Гўё бу икки йўналиш шовуллаб турган икки дарё-ю, уларнинг бағрида Ўзбекистон деган Ватан виқорли ястаниб ётгандай.

“Темур Малик қайиғи” шеърда аждодларимиз нафақат жасорати, балки заковати билан ҳам ёвни лол қилгани қизиқарли ҳикоя қилинади. Дарё соҳилини ёвлар эгаллагач, Темур Малик қилқалар атрофини кигиз-намат билан ўратиб, уларни сирка ва лой билан шуватади. Кигиз ёнларидан тешиқ-туйнуқлар очиб, улардан душманга ўқ узилади. Душман ўқлари эса кигизга санчилиб, қайиқдагиларга шикаст етказолмайди. Натижада соҳилдаги кўплаб душман сузиб кетаётган қайиқларга ноилж довдираб қараб келади. Шоир бу ҳолни мана шундай тасвирлайди:

*Гала маймун орасидан*

*Ўтгандай тоғ айиғи.*

*Сирдарёда сузар эди  
Темур Малик қайиғи.  
Аламзада ёвлар додлаб  
Чопишарди ҳар томон.  
Темур Малик қайиқлари  
Сузар эди соғ-омон.*

Қисқа лавҳали кинога ўхшаш бу шеърда аждодларимизнинг ҳарбий жанг санъатлари ҳам улуғланиб, ўқувчида фахр ҳиссини уйғотади. Шоир ёвларни “гала маймунга” ўхшатар экан, дарҳақиқат, уларнинг саргардон аҳволига маймунлар йиғлайди, гўё.

Китобдаги шеърларда ҳарбий соҳага оид чегарачи, разведкачи, қоровул кўшинлари, взвод, батальон командири каби турли касб ва атамалар, уларнинг талқини ҳам ёш китобхоннинг бу борадаги тушунчаларни кенгайтиради.

Асосийси булар қуруқ санаб ё айтиб ўтилмайди, барчасининг замирида Ватан ҳимоясидек буюк шарафли вазифа борлиги, улар тинчлик деган олий неъматни асрашга ҳамиша камарбаста эканлиги ёниқ ҳис-туйғуларда ифода этилади.

Умуман Зулфия Мўминованинг “Болаларга китоб беринг!” ва Зикрилла Неъматнинг “Марди майдонлар юрти” тўпламларини 2019 йилги энг яхши шеърый китоблар деб айтган бўлардим.

Энди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” фонди томонидан “Биринчи китобим” рукнида чиққан уч муаллифнинг жамоа тўпламини ўқисак, унда болалар шеърятининг келажигига умид учқунлари кўринади. Наима Анварова кузатувчан, топқир. Атроф, борлиқдаги нарса-ҳодисалардан ёркин лавҳалар чизади. Унинг “Макка ва ҳаққа” тўпламида шундай нозик тасвирлар бор. “Балиқ” шеъриси:

*Сувда балиқ сузади  
Қанотлари капалак.  
Ажойиб товланади  
Гўё тилла-зарпалак.*

Шеър якуни шундай:

*Аммо балиқлар жони  
Қил устида тураркан.  
Чувалчангли қармоқлар  
Уни кутиб юраркан.*

Балиқ жонини “қил устида” дейиш қармоқ ипига ишора. Бу тасвир бадиий топилма. Мўъгабар Ҳасановада ҳам жонзотлар ва бошқа табиат унсурларини шундай образли тасвирлари бор.

Моҳидил Абдуллаева болалар феъл-атвори ва турли пайтлардаги рухий ҳолатларини яхши тасвирлайди. Қаранг:

*Укамнинг коптоғидай  
Сакрайвердим эшитиб.  
Мен қанчалар кутгандим,  
Зомин, сенга етишни.*

Қувончдан сакраш ҳолати болаларга хос бўлиб, у сакровчи тўпга киёс этилган. Бу ажойиб топилма-тасвир ёш истеъдоддан учқун бериб турибди. Умуман Ёзувчилар уюшмасининг мана шундай истеъдод ғунчаларини кашф этиб бориши эътиборга молик.



**Машхура  
ШЕРАЛИЕВА**

## 2019 ЙИЛ ЎЗБЕК ҚИССАЛАРИ

2019 йил давомида “Шарқ юлдузи” журналида тўртта, “Ёшлик” ва “Жаҳон адабиёти” журналларида иккитадан, жами саккизта қисса чоп этилган<sup>1</sup>.

“Шарқ юлдузи”, одатдагидек, қиссаларни чоп этишда пешкадамлик қилган. Журнал орқали Саъдулла Сиёевнинг “Дашти қипчоқ лочини ёхуд Муҳаммад Шайбонийхон қиссаси” (№2-3), Солим Исҳоқнинг “Она йўлбарс ҳамласи” (№3-4), Нурали Қобулнинг “Кулон қудуққа куласа” (№4) ҳамда Убайдулло Йўлдошевнинг “Биринчи муҳаббат” қиссаси (№9) дунё юзини кўрган.

Саъдулла Сиёевнинг “Дашти қипчоқ лочини” қиссаси Муҳаммад Шайбонийхон ҳақида. Устозлардан таълим олаётган ўн олти ёшлардаги ўспирин Муҳаммад билан таништиришдан бошланган қисса Шайбонийхоннинг ўлими билан якунланади. Ушбу қиссадаги Шайбонийхон образи “Юлдузли туллар” (П.Қодиров) таъсирида тасаввуримизга муҳрланган қиёфадан тамоман фарқ қилади. Ёзувчи Шайбонийхоннинг юришларини тасвирлаш билан бирга, унинг шоирона нозик таъб эгаси эканини ва шарият аҳкомлари борасидаги билимини ҳам урғулаб кўрсатишга ҳаракат қилган. Айрим ўринлардаги баёнчилик, Шайбонийхонни ижобий қиёфасини чизишга интилишдаги атайинлик қисса бадиятига соя солганки, адиб асарнинг кейинги нашрларида бу жиҳатларни эътиборга олади деб умид қиламиз.

Солим Исҳоқнинг “Она йўлбарс ҳамласи” қиссаси воқеалари бадий вақт нуктаи назаридан XIX асрнинг иккинчи ярмида содир бўлган. Қисса мутолааси давомида негадир орадаги юз эллик йиллик фарқ сезилмайди, айти пайтда воқеалар XIX асрга тегишли экани ҳам ёддан чиқмайди. Бунинг боиси ёзувчи танлаб олган ракурсда: қисса қаҳрамонлари неча минг йиллик анъаналарга таяниб, идиллигига хос оламда яшаётган кишилар бўлиб, ёзувчи уларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар таъсиридан холи ҳаётини акс эттирган. Персонаждаги ўзгариш жараёнини ишонарли асослаш, деталлаштириш маҳорати қисса охиригача ўқувчи диққатини тутиб туради. Солим Исҳоқ худди ўзи кўриб тургандек тасвирлайди, баёнчиликка, ортиқча кўп сўзликка йўл қўймайди. Тасвир ва муаллиф муносабатидаги меъёр

<sup>1</sup> “Жаҳон адабиёти” журнали эълон қилган Эврил Турон (Мамадали Махмудов)нинг “Туманли қушлар ёхуд Богдон қашқир” қиссаси аслида бундан қирқ беш йил илгари чоп этилган асар бўлгани учун у ҳақда тўхталмаймиз.

*Машхура ШЕРАЛИЕВА – филология фанлари бўйича фалсафа доктори. 1976 йилда туғилган. Андижон давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Адабиётшунослик лугати” (ҳаммуаллифликда, 2010), “Бобурнинг андишаси” номли китоблари, “Ҳозирги ўзбек насида киноя” номли монографияси чоп қилинган.*

туфайли воқеа зўриқишсиз қабул қилинади, ровийдаги завқ беихтиёр китобхонга ҳам юқади. Ижобий ечими йўқдек кўринган конфликтнинг дафъатан осон ҳал бўлиши ҳам ёзувчи танлаган ракурс билан изоҳланиши мумкин, яъни анъанавий қадриятлар асосида яшаётган кишилар ўртасидаги зиддият эртақлардаги каби ақлди аёлнинг тадбиркорлиги билан ечим топади.

Нурали Қобулнинг “Қулон қудукка қуласа” киссаси Нурмалик исмли хикоячи-персонажнинг ўқишга кириш жараёнлари тасвиридан бошланади. Сиртдан ўқишга кириб, аввалига мактабда етакчи бўлиб ишлаган қаҳрамон туман газетасига ишга ўтади, тез орада вилоят, сўнгра республика миқёсидаги газетада ишлай бошлайди. Шу тарзда муаллиф Нурмалик воситасида бир тўда манфаатпараст, иккиюзламачи кишилар билан танишишимизга имкон яратади. Асарда биз одатдаги киссалардан кутадиған ахлги сюжет чизиги мавжуд эмас, ўз навбатида Нурмалик ҳам кисса бошланишидаги бош қаҳрамонлик мақомидан жуда тез тушиб кетади, асарга навбати билан тўда аъзоларининг одатлари, қилиқлари, гап-сўзлари олиб кирилади. “Қулон қудукка қуласа” адабий-бадиий асардан кўра кўпроқ публицистик руҳда ёзилган хотира-эссе каби таассурот қолдиради. Маърифий-публицистик характердаги мазкур асарга бу соҳанинг мутахассислари муносиб баҳо беришади деб умид қиламиз.

“Биринчи муҳаббат” киссасининг муаллифи Убайдулло Йўлдошев аввало шоир эканлиги асарга таъсир этмай қолмаган, кисса бошдан-оёқ лиро-романтик кайфият таъсирида ёзилган. Муаллиф қаҳрамон чеккан изтиробларни унинг ўз тилидан батафсил ифода этиб берган, бундай изтироблар тасвири ва тавсифи ҳатто бир неча ўнлаб саҳифаларни эгаллаган. Албатта, бу ҳол киссанинг фазилати бўлиши ҳам мумкин. Бироқ ошиққаҳрамон хиссиётлари ифодасига ортиқ даражада эътибор берилиши кўп ҳолларда ҳаракат-ҳолатларнинг бир хиллигига олиб келган.

Ўтган йили “Ёшлик” журналида иккита – Жамила Эргашеванинг “Ёпик деразалар” киссаси ва Шодикул Ҳамронинг “Муаззам” киссаси чоп этилган. “Ёпик деразалар” киссасида (“Ёшлик”, №3) шаҳарга кўчиб кетган ёлғиз ўғли ва набираларини соғиниб яшаётган аёлнинг турмуши акс этган. Қиссада бугунги кунимиз учун ғоят долзарб бўлган миллий анъаналарни қадрлаш, киндик қони тўқилган жойга муносабат каби масалалар кўйилган. Долзарб проблема кўйилгани ҳолда конфликт “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи” кўрсатуви сценарийларида бўлгани каби схематик тарзда талкин этилган. Схематизмга олиб келган сабаб эса муаллифдагина эмас, танланган ҳаёт материалда ҳамдир, зеро, “қайнона-ўғил-келин” муносабатлари реал ҳаётимизнинг ўзида ҳам азалий схемадан чиқиб кетолгани йўқ.

Шодикул Ҳамронинг “Муаззам” киссаси (“Ёшлик”, №2) тилида профессионал ёзувчининг қалами сезилиб туради. Бироқ кисса композицияси ҳақида бу фикрни айтолмаймиз. Асар алоҳида-алоҳида иккита хикоядек таассурот қолдиради, чунки ундаги киритма хикоя асосий сюжет чизигига боғланмай қолган, асарнинг ҳажмини одатдаги хикояларга нисбатан катталаштиришга хизмат қилган, холос. Қисса сюжети ечимининг тасодифга, англашилмовчиликка боғлаб кўйилиши худди сериаллар сюжетидаги қутилмаган бурилишни эслатади, психологик жиҳатдан асосланмаганлиги учун бу усул ўзини оқламаган. Шодикул Ҳамронинг ижоди билан аввалдан таниш одамга ушбу кисса ёзувчи потенциални бор бўйича кўрсата олмаган асардек таассурот қолдиради.

Исажон Султоннинг “Жаҳон адабиёти” журналида (№9) чоп этилган “Робия Балхий киссаси”да адибнинг шу кунга қадар ёзилган асарларидан фарқли жиҳатлар кўзга ташланади. Ёзувчининг аксарият асарларида ровийнинг персонажларга хайрихоҳлиги, ачиниш ёки ҳамдардлик ҳисси сезилиб туради. “Робия Балхий киссаси”да ҳам ровийнинг бош қаҳрамонга хайрихоҳлиги очик-ошқора берилган, лекин муҳим битта фарқ бор – Робия Балхий шахси ачиниш ва ҳатто ҳамдардликдан ҳам баланд туради. Назаримда, киссада иккита бош қаҳрамон бор, булар Робия ва

унинг севгани Бектош эмас, балки Робия ва унинг акаси Ҳорис. Қисса муқаддимаси ва хотимасида айтилган “инсонлар дин учун эмас, дин инсонлар бахт-саодати учун” деган тезис Робия ва Ҳорисни бир-бирига қарама-қарши икки кутбга ажратади. Ёзувчининг “Шамолли кеча” ҳикоясидаги ака ва сингил образларининг мажозий мазмунига қўра жисмоний куч ва маънавий руҳий-ғўзаллик муносабати акс эттирилган эди. Қиссада айна ўша масала талқини реалистик тасвир томон силжиган.

2019 йил давомида турли нашриётлар томонидан ўндан ортиқ қисса нашр этилган. Улар орасида Санобар Нишонovanнинг “Ортда қолган йўл” қиссаси, Ҳалима Маликованиннг “Армонли дунё”, Гуландом Бадалованиннг “Ягона тухфа”, Воҳид Исмоиловниннг “Ҳаёт синовлари”, Мурод Човушниннг “Ҳеч”, “Қора денгиз” қиссалари, Нодира Содиқованиннг “Ҳикоя учун сюжет”, Бахтиёр Абдуғафурниннг “Ўзбечка” ёхуд снайпер қиз ҳақида қисса”сини санаб ўтиш мумкин. Уларни аксарияти қайта нашр этилган, китобхонларга таниш қиссалар бўлгани учун айримларигагина тўхталамиз.

Нодира Содиқованиннг “Ҳикоя учун сюжет” қиссаси (“Академнашр”, 2019) муаллифниннг бошқа асарлари каби автобиографик характерда. Қиссада асосий битта калит жумла борки, бу жумлани нафақат ушбу қисса ёки ушбу муаллиф ижодига нисбатан, балки ҳозирги ўзбек насрчилигининг муҳим билан хусусиятига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Бу жумла – “мозаика парчалари”. Нодира Содиқова ёки у каби турмуш тақозоси билан хорижда ишлаётган, яшаётган одамларниннг ижтимоий воқелигимиз билан муносабати мозаика парчаларига ўхшашлиги табиий. Лекин шу воқеликда яшаб туриб ижтимоий воқелик билан фрагментар тарзда муносабатда бўлиш ҳақида қуйида тўхталамиз.

Бахтиёр Абдуғафурниннг “Ўзбечка” ёхуд снайпер қиз ҳақида қисса”си (“Янги аср авлоди”, 2019) сюжет қурилиши, композициясидаги фазилатлар билан эътирофга лойик. Сюжетниннг сарғузаштлили хусусияти асар охирига қадар ўқувчи диққатини тутиб туради. Муаллиф ёш бўлса-да роман жанрига ҳам қўл урган, сермахсул ижодкор эканидан хабардормиз. Унинг асарларида, хусусан, “Ўзбечка” қиссасида битта ортиқча ва битта етишмаётган нарсани қайд этиш билан чекланамиз. Муаллиф кўп ҳолларда тасвирдан келиб чиқадиган ёки келиб чиқиши керак бўлган хулосани ўзи айтиб қўя қолади, бу ортиқча. Етишмаётган нарса эса тасвирдаги нуқтаи назар поэтикасини яхши ўзлаштиролмаганлигидан иборат.

Энди айрим хулосаларимизни умумлаштириб айтиб ўтсак.

1. Замонавий маънодаги қисса адабиётимизга реализм билан бирга кириб келган. Шунга қўра, унинг энг муҳим хусусиятларидан бири ижтимоий ҳаётдаги ўзгариш, янгиланиш жараёнларини оператив тарзда акс эттиришдан иборат. Бундай ўзгариш, янгиланиш аввало янги ижтимоий характерлар қўрилишида намоён бўлади, бу ерда гап “замона қахрамонларини яратиш” кабилидаги ижтимоий “казак” ҳақида кетмайпти). Зотан, қиссада мақсад бош қахрамон характери моҳиятини очиб беришга қаратилади. Характер моҳиятини очиб бериш учун ўз навбатида ҳикоядаги нисбатан қўламлироқ ҳаёт материални танлаш тақозо этилади. Ҳозирда яратилаётган, хусусан, ўтган йилги қиссаларниннг аксариятини кўздан кечириб, қисса жанр сифатида ўзининг нима-канака жанр эканини унутиб қўймайптими, деган андишага боради одам. Чунки аксарият қиссалар воқеалар қўлами ва шунга мувофиқ асар ҳажми нуқтаи назаридангина ҳикоядан фарқланиб туради, холос. Уларда биз яшаб турган ижтимоий ҳаётни англашга ёрдам берадиган характер эса йўқ, ҳисоби.

2. Диққат қаратиш зарур бўлган яна бир жиҳат шундаки, ўтган йили журналларда чоп этилган қиссалар муаллифларининг энг ёши эллик икки ёшда экан. Йилда ўн икки марта чиқадиган “Ёшлик” журналида бор-йўғи иккита қисса чоп этилган, улардан бирининг муаллифи Жамила Эргашева, иккинчиси Шодикул Ҳамро.

Ўттиз ёшлилар, қирқ ёшлилар орасида анча-мунча яхшигина ҳикоялар ёзаётганлар борлигини биламиз. Лекин уларнинг қиссалари қани? Қисса учун, роман даражасида бўлмаса-да, ҳикоядагига нисбатан кўламлироқ ижтимоий-бадний тафаккур зарур бўлади. 30–40 ёшлиларнинг қисса ёзмаётганлиги ёки кам ёзаётганлиги сабаби уларнинг ижодкор сифатида воқелик билан муносабатига бориб тақалади. Яъни уларда воқелик билан фаол ички муносабатга, диалогга киришиш эҳтиёжи йўқ, ижтимоий ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлганлик, воқеликдан қочиш, чекиниш кайфиятининг устуворлиги кузатилади. Бадний асар ижодкорнинг воқелик билан муносабатда юзага келадиган эҳтиёжини қондириш маҳсули эканини назарда тутиб айтиш мумкинки, ҳозирги 30–40 ёшлиларнинг воқелик билан фрагментар муносабатидан қисса яратишга эмас, ҳикоя яратишгагина арзийдиган эҳтиёж юзага келаяти, ҳолос. Афсуски, бу ҳол бадний тафаккурдаги “кризис”дан дарак бўлиб, у адабиётимизнинг тараққиёти учун, келажаги учун хайрли эмас.

3. 2019 йил қиссалари мутолааси давомида сўнгги йиллар ўзбек насрчилиги борасидаги кузатишларимизни хулосалайдиган, бир тизимга солишга имкон берадиган мулоҳазалар ҳам пайдо бўлди. Фикримча, бу даврда ижод қилган ёзувчиларни бир неча тоифага ажратиш мумкин.

1) биринчи тоифа худди иссиқхонадаги майсаларга ўхшайди – озгина ўсади ва тўхтайтиди, иссиқхона шифтига яна қа-а-анча ўсиш имконияти бор, бироқ улар шунинг ўзи билангина кифояланишади. Схематиклиги, нормативлигига қарамасдан, айтиш мумкинки, бу тоифанинг ёзганлари ҳам адабиёт, унинг ҳам ўзига яраша мухлисари, китобхонлари бор.

2) иккинчи тоифа эса ўсиб бориб иссиқхона шифтига қадалгач тўхтаган, ҳамма нарса ҳақида абсурд деган тўхтамага келиб, барча нарсани ана шу абсурд позициясидан баҳолаб, ҳукм қилиш билан банд ижодкорлар (модерн). Иссиқхона шифти деганимиз аслида ижодкорнинг воқелик билан муносабати, мулоқотидаги “кризис”дан бошқа нарса эмас. Бу нуктада кимдир ёзишни умуман тўхтайтиб қўйди, ўзини такрорлашни истамади, кимдир узоқ муддатли танаффусдан кейин яна ижодга қайтди, кимдир асарларида қайта-қайта битта ҳукмни ифодалаш билан банд бўлди.

3) учинчи тоифа ижодкорлар худди иккинчи тоифа ёзувчилар сингари “шифт”га етиб бориб кўтарилишдан тўхтаган, бироқ улар абсурд позициянинг ўзи билангина қаноатланмасдан, пастга-юқорига ўралиб-буралиб ўсишда давом этишади (постмодерн). Воқелик билан муносабатидаги кризис туфайли ўз ички дунёсига чекинган ижодкор воқеликни эмас, ўзини ўзи англашга интилиш билан банд. У реалликни англаш ёки ўзгартиришга умид қилмагани ҳолда, ўзини тушуниш ва тушунганларини ифода этиш билан кифояланади. Ушбу учинчи тоифанинг ёзганларида ўсиш бор, лекин кўтарилиш йўқ.

Кўтарилиш эса, бизнингча, адабиёт яна қайта реализмга “кўтарилган” – модернистик ва постмодернистик ижодий изланишлар ҳисобига бойиган ва теранлашган янги реализм босқичига чиқиб олган нуктадан бошланади.

Юқоридаги ҳар учала тоифада– бирида кўпроқ, бирида камроқ анъанавий реализм белгиларини учратиш мумкин.

Абсурд ва постмодерндан кейинги кўтарилиш модерн ва постмодерннинг айрим хусусиятларини ўзига сингдириб олган янги реализм босқичини бошлаб беради. “Рубия Балхий қиссаси” билан янги йўлда ёза бошлаган Исажон Султоннинг “Билга хоқон”ини ўқиган одам бунга кўпроқ ишонч ҳосил қилиши мумкин. Бу икки асарда тарих муаллиф учун ижтимоий воқеликдан чекиниш воситаси эмас, аксинча, тарих ижтимоий воқелик билан мулоқот, диалог воситаси бўлиб хизмат қилган, яъни ижодкор тарих орқали ўз даври воқелигини англаш ҳаракатида. Зотан, XX аср бошларида ҳам Абдулла Қодирийнинг тарих воситасида ўз даври ижтимоий воқелиги билан диалогга киришиши адабиётимизда реализмнинг қарор топишига олиб келган эди.



**Охунжон ҲАКИМ**

## **Саодатни сабот билан топгил**

### **Менга аввал**

Менга аввал ёр висоли, жамики роҳат кейин,  
Ҳар гўзаллик, ҳар фароғат, ҳар ширин суҳбат кейин.

Ёр дудокидан тўкилган ҳар бир сухани дурдир,  
Бу асалу бу наботдин ўзгача неъмат кейин.

Менга дунё ваъда қилма, давлатингдан ўргилай,  
Биргина ёр васлин дерман, минг ҳашам, давлат кейин.

Бас, нечун, бу телбалик деб, таъна қилма, зоҳидо,  
Ёрни ҳар бир сўзни ҳикмат, бошқача ҳикмат кейин.

Не балолар бўлди сенга, бўлма девона дема,  
Аввало, сен ишқни англа, таънаю қудрат кейин.

Насли муслимман, Охунжон, даҳрий эмасман, вале,  
Аввало, мен ёр деурман, разваи жаннат кейин.

### **Не мудаолар қилдилар?**

Ўсма тортиб бу малак қошин қаролар қилдилар,  
Қора қошига тикилсам, иддаолар қилдилар.

Мен карам истар эсам, кўзимда не-не илтижо,  
Вожаб, минг бир ситамни ихтиролар қилдилар.

---

*Охунжон ҲАКИМ – Ўзбекистон халқ шоири. 1935 йилда туғилган. Фаргона давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини битирган. Ижодкорнинг “Қўлларим кўксимда”, “Тафаккур боқий”, “Ватан қасидаси”, “Ўшал кун келур”, “Муҳаббатни кўзлардан изланг”, “Малаклар сурати”, “Дунё, дунё” шеърӣй тўпламлари ҳамда насрий асарлари нашр этилган.*

Илтифот қилсанг нетар, эй гули жаннат десам,  
Хўп дея, дўзах азобини атолар қилдилар.

Мен жунунлар ҳолатига қулмаган эрдим сира,  
Вох, жунунлар қилдилар, телбанамолар қилдилар.

Қўл чўзиб унга топиндим, оҳларим етмас бироқ,  
Бизни тупроқ билдилар, ўзни самолар қилдилар.

Бағритошдан кеч десам, кўнглим сўзимга кўнмади,  
Ёки афсун қилдиларми, бир балолар қилдилар.

Давлатинг кам бўлмагайку илтифот қилсанг десам,  
Биз учун битта нигоҳни тўтиёлар қилдилар.

Билсангиз, дўстлар, Охунжон мудаоси васл эди,  
Билҳамдиллоҳки, ул малак, не муддаолар қилдилар?

### Омонат

Имонинг бут эрмас эса, омадинг омонат,  
Давронларинг, ёронларинг, роҳатинг омонат.

Кибрларинг устун юрса диёнатингдан,  
Довруқларинг омонатдир, қудратинг омонат.

Давлат магар, осон келса, осон кетмоғи бор,  
Манглай теринг тўкмай топган давлатинг омонат.

Бошингни кўп баланд тутма, донсиз бошоқ мисол,  
Англаб етким, санинг бундоқ сувратинг омонат.

Донишларга танкид қилиб, доно бўлдим дема,  
Ўзгалардан тилаб олган хислатинг омонат.

Не тиласанг, бир Эгамдан тила, Охунжон,  
Бўлмасин эл аро кадру қимматинг омонат.

### Кўкрагида ори бор

Гулга қўлингни чўзма, ҳай-хай, гулнинг хори бор,  
Демакки, ҳар ғунчанинг сохиби ғамхўри бор.

Муҳаббатга магарким, боқар эрсанг беписанд,  
Қадинг буқарга қодир, зарбию залвори бор.

Нор йигит бўлгин, вале, қўлинг кўкракка урма,  
Сендан устун жаҳонда йигитларнинг нори бор.

Чин муҳаббат биноси зар ила қад тикламас  
Етгай чин маҳбубига зари эмас, зори бор.

Номардлар самоларда юрса ҳамки хасга тенг,  
Элда азиз, мукаррам, чин аҳду қарори бор.

Охунжондан рафиқлар бойлигинг на деб, сўрса,  
Дерман: бошида дўши, кўкрагида ори бор.

## Бўладирсан

Хирс бирла магар бойликка мафтун бўладирсан,  
Куфрона неча ишларга маҳқум бўладирсан.

Ағёрни дўсту дўстни ғаним этгай зар ишки,  
Ўз қавмингида хўрлабон мамнун бўладирсан.

Лаълу дури мўл кимсаларнинг ҳоли на кечди,  
Ким дер: “Дунёга зар ила устун бўладирсан?”

Гар олтин сени асир этса, басирда айлар,  
Имондан буриб юзингни, бедин бўладирсан.

Олтин, гуҳаринг вафосидан восвоси кўпдир,  
Оёгинг чўзиб, ҳажрида беун бўладирсан.

Олам сахнида турфа ўйин бисёр, Охунжон,  
Дунё ишидан, кўй, бунча дилхун бўладирсан.

## Жаҳоннинг лаззатин топдим

Умидим кўп эди, дўстлар, ҳаёт роҳи равонидан,  
Вале, ўтдим унинг доим укубатли довонидан.

Гоҳи йиғлаб, гоҳи сиктаб, гоҳида қарғаб қисматни  
Ўтиб боргуси ҳар инсон замона имтиҳонидан.

Фаришта сувратинда гоҳи маккорнида кўрдим,  
Ногаҳон, фарқ эмиш душвор яхши касни ёмонидан.

Умр бир кун сўнар шамдир, ҳаётинг эрса гардкамдир,  
Не тонг, хоконнида қисмат аюрса хонумонидан.

Ўтар дунёнинг, эй дўстлар, заридан қўлни силтарман,  
Бўлса, басдур, бир парирў жунун шоирнинг ёнидан.

Охунжон бир умр излаб, жаҳоннинг лаззатин топдим,  
Малаклар жилваси бирла шароби арғувонидан.

## Бу муҳаббат

Бу муҳаббат лочину бургутсимон айлар сени,  
Пастда қолгай тожу тахтлар, осмон айлар сени.

Минг рақибу минг ғанимни мисли хасдай кўргузиб,  
Ўт ёқиб томирларингга арслон айлар сени.

Заъфароний дашту чўлни лозордай англатар,  
Телбаликда доврўфингни дoston айлар сени.

У куёшлар ёлқинини кўзларингга жой қилиб,  
Мисли чақмоқдай жаҳонга намоён айлар сени.

Гоҳи қадингни букар, у мисли тоғдай юк билан,  
Даҳри дунда гоҳи пайдо, гоҳ ниҳон айлар сени.

Ақлу хушингдан аюргай, айлагай девонавор,  
Бир санамнинг эшигига посбон айлар сени.

Бу муҳаббат, эй Охунжон, оташида ўртагай,  
Бир париваш кўйида, умринг поён айлар сени.

## Ҳамроз билан

Сўзламоқ эрсанг гапингни бежама пардоз билан,  
Келса ким кошингга бокқил эътибор, эъзоз билан.

Жисму жонинг бирла тингла, дўсту ёрлар суҳбатин,  
Инсон инсондир ҳамиша ҳамфикр, ҳамроз билан.

Тома-тома кўл бўлармиш, эл аро бордир накл,  
Бир тутун олам яралмиш кам-каму оз-оз билан.

Ўз камолингга ўзинг сен посбону соқчи бўл,  
Хокисору хор этма улфату носоз билан.

Қолма олтин тоғи бирла, қол саодат истасанг,  
Одамийлик деб аталмиш бебаҳо мерос билан.

Йўк, умр йўли узунмас, зое кеткурма уни  
Қайдаги нокасу номард, қайдаги вос-вос билан.

Рост дединг умринг бўйи, бошингни мағрур тут яна,  
Тоабад, Охун, жонингни боғла маҳкам рост билан.



**Рафик  
САЙДУЛЛО**

## ЯПРОҚ ҚОЛМИШ ЮРАК ҚАТИДА

### Сўз излаб

#### 1

Мойчечак гул япроғидаги  
шудрингларни сезмаганидай  
сен кулсанг,  
ҳеч кулмайсан атай.

Хат ёзсанг  
тонг чоғи суманбар,  
хат ёзсанг,  
о,  
энтикиб, тўлиб,  
шудринглар  
кетмаса тўкилиб...

#### 2

Юзларингга  
ботса кулгичлар,  
мойчечакдай  
парво қилмайсан  
ва  
тонгдан нарига  
жилмайсан.

Жилмайсанг,  
о,  
юрагим пора  
сўзлар рангин

---

*Рафиқ САЙДУЛЛО – 1992 йилда туғилган. Россиянинг Архангелск шаҳрида тилишунослик бўйича таълим олмоқда.*

капалақлардай,  
айт,  
нелардан қилар  
ишора...

### 3

Сўзлар  
рангин капалақлардай  
учиб келиб  
қўнар хаёлга,  
балки  
ҳали узок висолга.

Хат тугамас,  
вақт ҳам тин олар,  
майли,  
орзуйимни ушатма,  
агар  
истамасанг тугатма...

## Сезги ва чизги

Иккимиз бир қайиқда:  
жонимиз бир танзимиз.  
Тушга ўхшайди висол,  
гўё,  
висол туш эмас.

Ой шуъласи денгизда  
оқ кулгилар парвози.  
Қушга ўхшар кулгилар,  
гўё,  
улар қуш эмас.

Тушларга кетдик бир кун,  
олиб қочдим мен сени  
ўзим чизган тушларга.

Сени пайқамаган у,  
мени пайқамаган у,  
ўнгни сочдик қушларга...

## Камгап одамлар

### 1

Тонгда,  
гулбарларни шудринг қоплабди.  
Қуёш нурларига чўмилиб,  
бир ажиб кўринди кўзимга.

Аста ёнларига бориб,  
сўз қотдим:  
“Хей, сиз қаердан келдингиз?”

Ич-ичимдан губорлар ариб,  
кечгача  
ўзимга келолмай юрдим...

## 2

Йўлдаги сиз тепиб ўтган тош –  
эйтиборга арзимас бир нарса.  
Бировга  
тош отсангиз,  
сизни айблашар,  
уни эмас.  
Синдириб кўринг –  
китиги ҳам келмайди, ҳатто...

## 3

О,  
қандай ярашар  
тошнинг юзига  
тонг чоғи ложувард томчилар.  
Афсус,  
буларни ўзи сезмайдида.  
Мен эса,  
тунлари кўчада ётмайман.  
Шудринг  
ғашимга теккан бўларди...

## 4

Шудринг,  
хей,  
шудринг.

Шовкинларга тўла дунёда  
кимга дардимни ёзай,  
айт?

Кел,  
мени тинглашга  
уриниб кўр:  
Шудринг,  
хей,  
шудринг...

## Кутаётган...

Нураётган уй.  
Деворда осиглик соат миллари  
унинг кўзларига чанг солар тинмай.  
Энди,  
у токчада ётар чанг босиб,  
булутлар ортига беркинган ойдек.  
Аммо,  
кўнгил...  
Кўнгил ҳамон ҳалос  
вақт заррасидан,  
кўнгил деворлари жиҳозланмаган.  
Фақат,  
у кўнмас  
ва  
тинмай оқ кўнглини  
чўмилтирар у.  
Қачонгача  
лекин?

## Уч шеър

### 1

Ойни ўпгим келар яноқларидан,  
хуснингга кўзгулик қилолмаса ҳам,  
гарчи, у сендайин кулиб,  
термилиб,  
сендек малоҳатли бўлолмаса ҳам.

Ойни ўпгим келар яноқларидан,  
менга шундай бахтни бергани учун,  
ҳар тонгги вадасин устидан чиқиб,  
ҳар тунда,  
албатта,  
келгани учун.

Ойни ўпгим келар яноқларидан...

### 2

Деразамга якин келди ой,  
вожаб,  
мен нимани кўрдим?  
У яланғоч эди,  
хойнахой,  
тун қаърига ўзимни урдим.

Уйким кочди тун бўйи.  
Кўча  
айлангани чиқдим эрталаб.

Ногоҳ  
очилди бир дераза  
ва нимани кўрдим,  
вожаб!..

### 3

Олиссан,  
олиссан,  
чунон,  
манзилинг қай бўлса осмон.  
Шодман,  
бир кун етолсам соғ,  
йўлларингда кечиб туфроғ.

Лек  
ойсан,  
қўлим етмайди.  
Сен кетасан – тонг отмайди.  
О,  
мен ким чеккани озор:  
сен – малаксан,  
мен – гунохкор...

### Гербарий

Бир япроқда қолмиш парвоз шавқидир,  
зеро,  
япроқ қолмиш юрак қатида.  
Сенинг вужудингга инганида муз  
эсиб турар,  
балким,  
Ҳаёт ҳақида.

Ёзиқсиз юракни китоб дейишга  
арзир,  
балким,  
айни,  
ҲАҚИҚАТ сабаб.  
Фақат, теран нигоҳ киприк ортида,  
фақат, забон – боши чайналган ақраб.

Бездим,  
безиб кетдим кулоқ солишдан,  
Йиғлай олсам эди ҳафсала билан,  
ичимда тўлқиндек тўлғонар овоз.

Япроқда қолмиш ул парвоз шавқидир,  
умидсиз пичирлар лабларим,  
аммо:  
“Япроқлар парвози – энг сўнгги парвоз...”

## БУГУННИНГ БОЛАСИ УЧУН ҚАНДАЙ ЁЗИШ КЕРАК?



Хуршида  
ҲАМРАҚУЛОВА

Ҳозирги ўзбек болалар адабиёти маълум вақт турғунлик даврини бошдан кечирган бўлса-да, янгиланиш ва тараққиёт йўлига чиқди. Бугунги ўзбек болалар адабиётида яратилаётган бадий асарларнинг тасвир камрови кенг, бадийлик жиҳатидан жаҳон болалар адабиётининг сара намуналари билан бемалол бўйлаша олади. Бошқача айтганда, қаддини тиклаб олган болалар адабиётимиз ҳақида фақат яхши сўз айтсак бўлади.

Ўзбек болалар адабиётининг ютуқ ва камчиликлари гоҳ умумий тарзда, гоҳ муайян ижодкор мисолида кўп ва ҳўб таҳлил қилинган. Хўш, ҳозирги болалар адабиётининг ўзига хослиги, бадий сўз қўллаш, тасвир ва характер яратиш жараёни қандай кечмоқда?

Ўзбек болалар насрида Шукрулло Абдуллаев, Муҳаббат Ҳамидова, Кавсар Турдиева, Замира Иброҳимова, Муаззам Иброҳимова, Муҳайё Тўлаганова, Зулфия Мўминова, Ҳамидулла Муродов сингари адибларнинг ижод намуналари алоҳида эътиборга молик.

Шукрулло Абдуллаев мажозий образларни жонлантиришда ўзига хос услубига эга. У болани ҳайвонот дунёсининг ўзига хос оламига моҳирлик билан етаклайди, табиатнинг сирли ва табий хусусиятларни ўқувчига осон тушунтира олади. Адиб асарларидаги образлар донишмандона фикрлари билан китобхонни ўйлашга мажбур қилиш баробарида болага завқ ҳам улашади.

Расом ҳар бир ҳаракатни тасвирлашда энг нозик деталгача эътибор берганидек ёзувчи ҳам қушчанинг хатти-ҳаракатини, ўй-кечинмаларини қадам-бақадам жонлантиради. Қушчани фикрловчи, изланувчи, тадбиркор образ сифатида гавдалантиради. Муаллиф қушчанинг ҳолатини “Онаси олиб келган овқатни қорни тўқлигидан ҳатто емади ҳам” жумласи билан изоҳлар экан, ўқувчида энгил табассум уйғотади. Ўзини қатта қушлардай кўрсатишга уриниши ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Чунки ҳар қайси одам ўзини ҳеч қачон ожиз ва қучсиз деб ҳисоблагиси келмайди. Хусусан, болалар яқинлари, айниқса тенгдошлари, ука-сингиллари олдида ўзларини қатта одамлардай тутишга ҳаракат қиладилар. Асар содда тилда яратилганлиги боис бола асарни ҳеч бир зўриқмай ўқийди ва осон англайди. Шу аснода унда синчковлик, қузатувчанлик каби хусусиятлар шаклланади. Бу каби ҳикоялар бошланғич синфларнинг “Ўқиш китоби”дан жой олса, фанлар орасидаги

*Хуршида ҲАМРАҚУЛОВА – 1976 йилда туғилган. Наманган давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган.*

интеграцияни ҳам таъминлайди. Шунингдек, ўқувчи инсон сингари ҳайвонот ва наботот олами ҳам табиатнинг ажралмас қисми, жузви эканлигини англаб боради.

Шукрулло Абдуллаев асарларида қаҳрамон у хоҳ инсон, хоҳ мажозий образлар бўлсин, ҳамиша ҳаракатда, униб-ўйиш жараёнида тасвирланади. Ёзувчи қутилмаган образлардан салмоқли бадий хулоса чиқаради.

“Кенгуру” ҳикояси ўқувчида энгил юмор ҳиссини уйғотади.

Ҳикоя она ва бола муносабати, оилада фарзандга муносабат самимий бўлиши кераклиги, берилган ваъданинг устидан чиқиб муҳимлиги каби таъкидларни уқтиради. Кичик ҳикояда кенгуру ҳалтасига жойланган гольф таёқчаси, копток, катта қизил копток, ўғилчасини ўйинчоқ машинаси каби буюмларнинг кетма-кет икки марта саналиши адибнинг бола психологиясини яхши билишидан далолат беради.

Табиатан Турнанинг емиши илон бўлса-да, Шукрулло Абдуллаев “Илончанинг туғилган куни” ҳикояси мисолида ундан бошқача манзара ясади. Илон образи японларида гўзаллик тимсоли, хитой ва хиндларда донолик рамзи, ўзбек адабиётида эса ижобий образ сифатида тасвирланмайди.

Ёзувчи ўрмон ҳайвонларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳар бирига алоҳида маъно юклайди. Ҳайвонларнинг номланиши ҳам бола учун кизик: Тўтикуш – Рури-Рури, сергап маймунча – Моли-Моли, чопкир шалпанқулоқ куёнвой – Чопи-Чопи, тиниб тинчимас митти олмахон – Саки-Саки, раҳмдил типратикан – Типа-Типа каби. Илончанинг туғилган кунига тўтикуш Рури-Рури “Эртаклар олами” китобини, маймунча Моли-Моли бир жуфт кроссовка, чопкир шалпанқулоқ куёнвой Чопи-Чопи кўзойнак, раҳмдил типратикан Типа-Типа соябон, Олмаҳон Саки-Саки қўлқоп совға қилади. Турнавой эса “орамиздаги дўстлик асло йўқолмасин”, дея торт совға қилади. Илончаги килинган совғаларнинг ҳеч бири унга мос эмас. Аммо ёзувчи ғаройиб ечим топадики, бу эртак қаҳрамонларига ҳам, китобхонга ҳам бирдай маъқул бўлади. Илонча кроссовкани янаям тезроқ чопиш учун Чопи-Чопига, Кўзойнакни дарахтларни устидан ҳаммани кузатиш учун Моли-Молига совға қилади. Қўлқопни ўрмондан турли меваларни териб келиб бошқалар учун ширин мураббо тайёрловчи типратикан Типа-типа олади. Соябонни ёмғир остида ҳам бемалол ёнғокларни териши учун Саки-Сакига беради. Шундай қилиб Илончанинг туғилган куни баҳонасида ҳамма совғали бўлиб қолади.

Бундай эртак ва ҳикоялар болани ҳайвонот оламига яқинлаштиради, уларга меҳр уйғотади, шу билан бирга, уларнинг ҳаёти мисолида хулоса чиқаришга ундайди. Мухими, адиб ҳар бир образнинг характери унинг хатти-ҳаракати орқали англатади, қаҳрамонларига панд-насихат бериш вазифасини юкламайди. Адиб айтмоқчи бўлган фикрни асарни ўқиш жараёнида ўқувчининг ўзи англаб етади.

Болаларнинг ўзига хос қилиқлари, феъл-атворларини кўрсатувчи бундай ҳикоялар болаликнинг ўзига хос оламига олиб қиради. Уларнинг ҳам катталар адабиётидан кам бўлмаган ўрни борлигини кўрсатади.

Болалар учун ижод қилиш ҳамма даврда ҳам осон бўлмаган. Боланинг бегубор оламига кириш, нозик қалбида кечаётган тугёнларни ҳис қилиш, боладек фикрлаш ижодкордан сабр-матонатни, тинимсиз изланишни ва катта қалб эгаси бўлишни талаб этади. Шукрулло Абдуллаев ижоди билан танишар эканмиз мана шу фазилатлар адиб шахсиятида ва ижодида мужассам эканига амин бўламиз.

# “МЕН ШОИРМАН, ИСТАСАНГИЗ ШУ...”



**Исоқхон  
НОСИРОВ**

Давримизнинг нуқтадон шоири ва носири Абдусайд Кўчимовнинг кейинги йилларда “Эл сув ичган дарёлар”, “Қор”, “Баҳор” каби насрий ва назмий асарлари бирин-кетин нашр этилди. Айниқса, “Мен шоирман, истасангиз шу...” рисоласининг чоп этилиши китобхонларни шеърят уммони дарғаси қароргоҳига чорлаб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилиниши хайрли амаллардан бири бўлди.

Абдусайд Кўчимов ушбу рисолада Абдулла Орипов қалб кўзгусида зухурланган ишқ натижасида уфурган жазабанинг бевосита, билвосита шеърятга кўчиши ва бу важд-ҳол макомининг сизу бизга номаълум, ўта сирли томонларини ғоят теран, нуқтадонлик билан ҳис қилиб, жозибали бир лисоний лафз, ҳаяжонли ташбеҳлар воситасида ифодалаб, шоир оламига олиб киришга муваффақ бўлган. Шунингдек, бу суҳбат-бадиалар бир китоб сифатида жилдланиши ва ўқувчиларга тортиқ қилиниши муаллифнинг Абдулла Ориповга бўлган чексиз эҳтироми, адоқсиз ҳурматининг самимий намунаси деб ҳисоблаш мумкин.

## Биринчи суҳбат латофати

“Мен шоирман, истасангиз шу...” мажмуа таркибига кирган ҳар бир суҳбат вақт ва макон нуқтаи назаридан ҳамда мазмун-моҳият жиҳатидан ўзгача воқелик баёни. Абдулла аканинг ҳар бир мисра шеъри ва лафзида зоҳирий, ботиний кўриниш мавжуд.

Абдулла ака билан бўлиб ўтган беш суҳбат ва унинг қайноқ лаҳзалари Жалолддин Румий айтганларидек “ҳодисадан моҳиятга қараб бориши” рисоланинг матлаб ва мақсади ҳисобланади. Асарда Абдулла аканинг жамиятда тутган ўрни, миллий тафаккур ва бадиий адабиётга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда муносабати ақл кўзи билан идрок қилинган

Дастлабки суҳбатнинг қатор фазилатларидан бири тобе томони шундаки, Абдулла ака бу ўринда адабиёт илмининг чуқур, теран ҳис этган ворис сифатида тасвирга тортилади. Мустабид шўро замонида зулм, ҳадик исқанжасида яшаб, ижод қилган миллий адабиётимиз дарғалари саналмиш Абдулла Қодирий,

*Исоқхон НОСИРОВ – 1947 йилда тузилган. Қарши давлат педагогика институтини (ҳозирги ҚарДУ) тамомлаган. Тўрт жылдли “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати”нинг тузувчиларидан бири. Республика матбуотида элликдан ортиқ илмий ва услубий мақолалари эълон қилинган.*

Чўлпон, Усмон Носир, Ойбек, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Миртемир ва қатор улкан шоир, ёзувчи, адибларимизнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятлари хусусида Абдулла ака томонидан билдирилган ниҳоят тоза, пок, оҳорли маълумотларнинг рисолада акс этиши ўқувчи-китобхонлар ва адабиёт ихлосмандлари учун янгилик ҳисобланади. “Ойбек ижодининг шуҳрати ўзбек халқининг шуҳратини орттиради, халқимизнинг ифтихор қилишига асос бўлади. Унинг шахсияти шундай азамат бир дарёки, бу дарёдан бир ҳовуч сув ичган одам умрбод лаззатланади”, дейди Абдулла ака. Ўзбек халқининг жўшқин, бетакрор шоири Ғафур Ғулом ҳақида: “... Худо берган талантли шоир, тили ботир, ҳеч кимни аямайдиган паҳлавон эди ...Мен Ғафур Ғулом сингари халқ ҳаётини, тарихини, катта Шарқнинг мураккаб адабий анъаналарини яхши билувчи хуштабиат кишини ҳалигача учратган эмасман... Ғафур Ғулом сўз қидирмасди – сўзлар унинг қошига дарёдек оқиб келарди” Шунингдек, Абдулла Қаҳҳор борасида: “Абдулла Қаҳҳор эса ҳар битта сўзни мина изловчилардек қидириб топар ва сумалак пиширгандек узок “қайнатиб”, пишириб-пишириб олар эди”. “...улкан оқин Миртемир қаламига мансуб бетакрор ...жонли халқ тилида ёзган шеърларини ўқиганда кўз олдимизда ҳақиқий, руҳли, эркин инсон пайдо бўлади... Унинг Шарқ шеърятининг муборак нафасига ҳос асарлари бачки, чучмал ҳис-туйғулардан йироқ” Одилона, сидқу карам ҳурмат туйғуси ила йўғирилган дил рози бу шогирд – Абдулла Ориповники. Оққа кўчирилган ноёб шоир хотираларини адабиёт илми мундарижасига кўшилган улуш деб ҳисоблаш мумкин. Шунингдек, дастлабки суҳбатда Абдулла аканинг ёру дўстлар, сафдошларга, самимий муносибасти, Давлат мукофотига сазовор бўлиши, Халқ шоири унвони берилиши, китоб мутолааси, шеър ёдлаш қобилияти, истеъдод ва уни парвариш қилиш йўллари, йўқолган қўлёмалар ҳамда шоирнинг ижоди ва турмуш тарзида содир бўлган турли ҳаётий воқеа-ҳодисалар баён қилинган.

Муаллиф ҳар бир суҳбат жараёнида мажлис ахли томонидан изҳор қилинган фикр-матлабларни жамлаб, уни бир қолишга тизиб, ҳар бир суҳбатга ўзгача маъно ва мақсад юклаб, Абдулла аканинг ҳаёти ва ижодига доир қимматли маълумотлар билан матн мазмунини бойитиб, уни янада файзли бўлишига эришади.

## **Камолот. Иккинчи суҳбат**

Замонамизнинг зукко ёзувчиси мухтарам адиб Одил Ёқубов (Оллоҳ раҳмат қилсин) Абдулла Ориповни ўзбек бадиий тафаккури марказида “феномен” деб таъриф бериши оддий баҳо эмас. Ҳақиқатда, Абдулла аканинг адабий жараёнга кириб келиши, ўзбек шеърятини майдони саҳифасида хур фикрлилик ғоясини қайта жунбушга келишида туртки бўлган омиллардан бири. Натижада адабиётда юз берган фикрий ўйғониш, шеърятнинг ғоявий-эстетик таъсир кучини янада оширишда ҳамда бадиий тафаккурда янгича фикрий-фалсафий муносабатларнинг шаклланишида муҳим ижобий ҳодиса деб қараш лозим. Муаллиф тамонидан бу мавзу қадам-бақадам суҳбатлар тадрижида ривожлантириб ягона бутунликка жамланади.

Хусусан, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Иброҳим Раҳим, Маъруф Жалил ва қатор талантли шоир, ёзувчиларнинг ижоди, ҳаёти фаолияти борасидаги қизиқарли, қимматли маълумотлар, хотиротлар ҳам бу суҳбат жараёни баёнида зикр қилинган.

Суҳбат мундаражасида битилган диққатга молик ҳолатларнинг яна бири шундаки, Абдулла ака бу ўринда адабиёт илмининг билимдон адабиёшуноси

сифатида қайд этилади. “...рост айтадиган бўлсак бизга қисқа рубоидан тортиб улкан ижтимоий воқеаларни юксак бадиий даражада талқин қилиб берадиган шеърӣ романлар ҳам, ҳаттоки ўзига хос “Шоҳнома”ю “Хамса” ҳам керак. Ҳамма гап савия, қобилият ва истеъдодда. Адиб ўз фикрини ҳар қандай шаклда ифодаласа бўлади. У трилогия ҳам, фард ҳам, танка ёки хокку ҳам бўлиши мумкин. Лекин бадиий ифоданинг қонуниятларидан бири шуки, фикрсизлик ҳамisha адабиётнинг қуяси – душмани... шеър кросворд ҳам эмас. Сунъийлик, сўзга ҳурматсизлик гуноҳи азим... Японларнинг танкаси ва хоккусининг мухтасарлиги шундаки, унда олам ҳақида тасаввур берилмайди, балки оламнинг ўзи янгидан яратилади – қўйилади... Шеърӣят ҳам ўсиб бориши зарур. Жуда улуғ даргоҳ бу. Ҳатто Бобурдай император ҳам шеърӣят саройидан паноҳ топди. Унга она шеърӣят паноҳ бўлди” Бу ўринда муаллиф Абдулла аканинг шеърӣят илми ва технологиясини мукамал эгаллаган шеършунос олим сифатида билдирган илмий-назарий мулоҳазалари ҳам рисоладан ўрин олган.

Иккинчи суҳбатнинг даражаси нима билан ўлчанади деган саволга жавобан Абдулла аканинг шеър ўқиш маҳорати деб таъкидлаш лозим. Бир даврада ҳозир бўлган шоирлар Азим Суён, Қўчқор Норқобил, Турсун Али, Муҳаммад Исмоил, Ўткир Жўраевлар Абдулла Ориповнинг “Ўзинг Алп Тўнғасан”, деб бошланадиган шеърини шоирнинг ўзи ўқиб беришини илтимос қиладилар.

Бу ҳолни муаллиф шундай тасвирлайди: “Абдулла ака чорпоядан тушиб стулга ўтирди, тирсагини тиззаларига қўйиб букчайиб олди, терлаган қорамтир ковокларини юмди. Шу тарика бу ёруғ дунёни унутиб, нариги дунёга кулок солаётган авлиёдай бир неча сония турди. Кейин кўзларини катта очиб, қадини кўтарди ва... ҳар бир ўзбек шоири қўл ковуштириб, бошини ерга теккунича эгиб таъзим бажо қилиб турса арзийдиган сеҳрли овоз кўркам салобат билан жаранглаб кетди:

*Ўзинг Алп Тўнғасан ёки Тутанхамон эслаёлмассан,  
Боис улким, бошингга туиди кўп гаврон, эслаёлмассан...*

Турли доираларда, учрашувларда Абдулла ака шеър ўқиганини кўп кўрганман. Аммо ҳозиргидек жўшиб ўқишини, Худо ҳақи биринчи кўришим! Унинг ўқтам ва мағрур овози сатрдан-сатрга ўтган сайин кўтарилиб, ёллари елкандек ҳилшираб, заминни зир титратган қўйи баланд тепаликлар сари ўқдай учиб бораётган арслон наъраси янглиғ ғулу кўзғарди... Ғалаён шу қадар қудратли эдики, ҳозирок бутун дунёни кучоклаб, бағрига босиб, номаълум мамлакатларга учуриб кетгудай ёввойи шиддат бор эди гўё унда... Абулла ака шеър ўқур, у бундан атиги бар неча дақиқа аввал муштайгина бўлиб ўтирган одамга сира-сира ўхшамас, кўз ўнгимизда афсонавий алпга айланиб бўлганди!”

Келтирилган парчада акс этган воқелик шу қадар реал ва аниқ, бежирим бадиий тасвир воситаларида ифода этилганки, киши ҳайратдан лол қолади. Ҳар бир суҳбат аҳли нигоҳида ҳосил бўлган оний лаҳзалар, руҳий кечималар, қалқишлар адиб тасаввурида нақшланган оддий чизгилар эмас, билакс ижод “қоргоҳи”да қайта-қайта сайқалланиб, оройиш ва даражот топган ботиний сийрат ва зоҳирий гўзаллик таровати ила йўғирилган қалб жилвагоҳида зухурланган тахайюл ҳосиласининг яшноқ мавжи.

## Учинчи суҳбат. Дард. “Одил Ёқубов”

Учинчи суҳбатнинг дебочаси “Худо ҳақи, кўча-кўйда кўрганымда таниёлмасдим: хамиша йигитларникидай навқирон юзлар хамирдай кўпчиган, манглай ва оғиз бурчаклардаги ажинлар дазмоллангандай теп-текис бўлиб кетган, киртайган кўзлар эса пилладай шишган қавоклар остида хира милтирайди...” ва: “Келган пайтимизда устознинг аҳволини кўриб бугунги суҳбатимиз қисқа ва узук-йулуқ бўлади деб ўйловдим. Хайриятки, адашибман. Ора-чора нафас ростлаш учун тўхташи демаса, устознинг гурунги ўша-ўша: жонли, қизиқарли, ҳазил-хузуллари ҳам чуқур маъноли эди” деб, узок вақт Абдулла аканинг ўзимизда ва Туркияда даволанганлиги, оғир дард чекишига қарамай, ақлан, руҳан тетик, маънавий баркамол, қувваи хофизаси бутун инсон сифатида сафарда ҳам, ҳазарда ҳам ижод қилиш шарафидан тўхтамаганлиги қайд этилади асарда. Хожа Убайдуллоҳ Ахрор “Рисолаи хавроийа” рисоласида: “Дўстларни дўстлар йўқлаб туриши суннат эканлиги кифоядурки, дўстнинг йўлиқиши иллатнинг шифосидир” дейилган ибратли ҳикматга мувофиқ Абдусайд Кўчимов ва Муҳаммад Исмоилнинг ташрифи Абдулла ака томонидан хуш бир кайфият билан қабул қилинади ва жисмига қувват иниб, Одил Ёқубов хотирасигига бағишлаб шеър битганини изҳор қилади. “Бу қаранг-а, иккалангиз ҳам Одил ака кадрлайдиган одамлар... Одил ака жуда олағовур, шовқин-суронли даврда уюшмамизга раис бўлди. Кўп ғавғоларни бошидан кечирди. Кўп тухматларга дуч келди. Яхшилик қилган дўсту биродарлари орасида ҳам иккиюзламачилар чиқди, сотқинлар чиқди... Муҳаммаджон ука, кўп ажабланадиган жойи йўқ”, деб шеърни ўқий бошлайди:

*Саксонинчи йилларнинг талатўп даври эди,*

*Ижод отхонасига сайис бўлиб қолдингиз.*

*Ташқаридан боққанда гўёки омад келди,*

*Ёзувчилар аҳлига раис бўлиб келдингиз.*

Давомини ўқиш учун варағни Муҳаммаджонга узатади. Шеърнинг бу тўрт сатри оддий воқеа баёнига ўхшайди, аммо бадий тўқималар реал воқеликни ифодалаган ташбеҳ-қочириклар воситасида Одил Ёқубовнинг Ёзувчилар уюшмасида раҳбар бўлиб ишлаган тарих тасвирга олинган. Талатўп-қайта қуриш; ижод отхонаси – Ёзувчилар уюшмаси; сайис – отхона бошлиғи; сайис-раис каби тил бирликларида ифодаланган маъно ўша даврга оид бош-бошдоқликнинг аниқ хос акси. Шеърнинг давомида жасур адибнинг катта минбарлардан ўзбекнинг шаънини ҳимоя қилиш тасвири ва бағрикенглик, меҳрибонлик эвази ўрнига “...Йўлбошчи бўламан деб оддий мулладан тортиб, Ҳаваскор шоиргача чикқан эди ўртага...” деб билдирган эътирози, ўз ниятларини амалга ошириш йўлида сотқинларнинг ҳар қандай қабихликдан тоймасликлари, шунингдек, “...фелингиз мулоиймдир, ҳалимдир, бир қараса, қаҳрингиз нортуядан зиёда” деб муҳтарам зотнинг буюклиги ва хотимада эса “Имонли инсонларга чин йўлдош бўлдингиз”, деб эъзоз, ҳурмат билан Одил Ёқубовнинг кадрланиши шоир кўксидан отилган нидонинг жаранги. Эл ва жамият ғамида юрган қалби бутун самимий инсонларнинг руҳлари ойнадек шаффоф, сўзлари ибрат, феъл-атворлари – маърифат. Жумладан, муаллиф, Абдулла аканинг “Муножот” номли сайланма китобига Одил Ёқубов томонидан ўн беш-йигирма варақот сўзбоши ёзганлиги ва сўз бошида: “...агар биз рўй-рост айтадиган бўлсак, инқилобдан кейин азалий кўркини йўқотган санъатга аввалги жозибасини

кайтрганлардан бири Абдулланинг шеърятидир. Абдулла Орипов феномени ҳали охиригача англамаган тилсимдир”, деб билдирилган эътироф Одил Ёқубовдек улкан адиб томонидан Абдулла Орипов ижодига берилган юксак баҳоларнинг эътиборлиси ҳисобланиб, ўзбек шеърятда янги саҳифа очилганининг далилидир, ҳақиқатда.

## Тирик сатрлар. Тўртинчи суҳбат

Абдулла ака билан 2014 йил 14 декабрь кунда бўлиб ўтган суҳбатнинг асосий йўналиши шахсни жамиятда тутган ўрни, ижодга муносабати, ҳамкасб ижодкорлар, ёру дўстлар орасида кечган кизиқарли воқеа хотиралар тафсили, отаси – Ориф бува ҳақида лавҳа, мунофиқлик белгилари – сотқин, тухматчи, шуҳратпарастлик таърифлари, бир шогирднинг мансабдор бўлгандан кейинги ҳолати, Абдулла Қаҳҳорнинг мунофиқлик акс этган ҳикояси баёни, Данте китоблари таржимаси жараёнида руҳий таъсирланиш ва маърифат ҳосил қилиши, хусусан, кибр ҳақида тушунча, Ботир Зокиров шахсиятига дўстларнинг муҳаббати, олқиши, Гагариннинг таърифи, 1997 йилда биринчи Президентимиз билан учрашув тафсилоти, “Буюк китоб” шеърининг ёзилиш тарихи, ижодкор зиммасига юклатилган вазифа, куллик фалсафаси таърифи, Маъруф Жалил ҳақида ажиб самимий, дўстона хотирот, сомса ейиш ҳангомаси, Шоим Бўтаевнинг “Пушкин тоға”си лавҳаси, нодонлик иллати, Миртемир домланинг ўт ўчирувларнинг кўкрак нишонини олгани воқеаси ва Воҳид Зоҳидовнинг юбилейида қаҳқаҳага боис деталь, Ҳамид Ғулом хусусида қатор ҳикоялар, Тўра Сулаймонга оид ҳангомалар, Ёзувчилар уюшмасида бир ўрис фаррош кўриниш бериши билан мажлис рус тилига ўтилиши ҳангомаси, Қуддус Муҳаммадийни мажлис деса бульдозер билан ҳам судраб келиш қийинлиги ва бир оғиз ҳам рус тилини билмаслиги, Ғафур Ғуломнинг “Менинг оғзимдан чиққан ўрисча сўз иккинчи марта ишга ярамайди” дейиши ва ижод аҳлининг ўтмишга доир ўта кизиқарли, киноявий, ҳазиломуз хотираларнинг рисолада Абдулла ака томонидан кўтаринки руҳда эслаб, ҳикоя қилиниши рисолада бирма-бир, батафсил акс этиши эътирофга молик хусусиятлардан.

Абдулла ака ҳаёти давомида отадан мерос қолган ҳалоллик, ростлик, тўғрилиқ, покликка бир умр қатъий, оғишмай амал қилиб, шеърят оламида шу эътиқод, ишонч билан кириб келгани ва қалам сургани ҳамда шу муқаддас мақсад йўлида ижод қилгани беш суҳбат мавзусининг асосий таркибий мазмунини ташкил этади. Азалдан инсон мавқеини белгилашда унинг маърифий хислати етакчи омиллардан бири. Биринчидан, муаллиф суҳбат жараёнидан Абдулла ака шеърят моҳиятида бош ғоявий йўналиш ҳисобланган маърифий комиллик фалсафаси – ўқувчи-китобхонни тахайюл олами сайрига чорлаб, мудроқ хиссий туйғуларини жунбушга келишига туртки бўлган омилларни аниқлаш бўлса, иккинчидан, унинг матлаби Адулла ака билдирган фикр-мулоҳазалар орқали советлар мафкураси зуғумига бардош бериб, бадий адабиётимиз равнақиға улкан улуш қўшган жафокаш шоир, адиб, ёзувчилар ҳаёти ва фаолиятига доир марокли хотираларни ўқирманга тортиқ қилиш ҳисобланади. Шунингдек, Абдулла аканинг бадий адабиёт истиқболи ва келажағига оид таҳлилий мулоҳазалари ҳам рисолада ўз ифодасини топган.

## Орифлар учрашганда. Бешинчи суҳбат

Ушбу суҳбатда Абдулла ака билан Анвар қори ўртасидаги маърифий суҳбат баёни берилади. “Олдиндан айтиб қўйишим керак: ора-чорада у-бу ким аралашиб тургани демаса, суҳбат бошдан-оёқ шарқона одоб доирасида, асосан, Абдулла ака билан Анвар қори ўртасида кетди. Улар сўзладилар, бизлар тингладик”, дея муаллиф ва Анвар қорининг: “Устоз, чиройингиз яхши. Аввалгидан бутунлай бошқача бўлибсиз, Худога шукр”, дея шоирнинг бир тўртлигини ўқиб бериши суҳбатнинг мароқли бир тарзада бошланишига ишора бўлиб, кейинги воқеалар тафсилоти бир-бирига уланиб, Абдулла аканинг Туркияда икки марта операция бўлгани, совет замонида Ҳиндистонга борганида ҳинд миллиардери билан бўлиб ўтган воқеани сўзлаб бериши ва унинг саволига жавобан Абдулла ака: “Худого нола қип келаётувдимки, шунақа кунни халқимнинг бошига солмагин деб” истиффор айтиши, “Ҳаж дафтари”ни... Диний оламдан, муборак ҳадислардан боҳабар одамгина ана шундай улуғ асар ёза олади!” деб қорининг эътирофи, “давримизнинг улуғ шоири” ва “диний-замоनावий илми ўта чуқур ва мукамал бу доно имом”и дея адибнинг таърифи, бизнингча, бу улуғ икки зот орасида содир бўлган суҳбат-мулоқот, учрашув оддий воқеа эмас, балки тарихийликка нисбат бўладиган маърифат саҳифаларини безаши мумкин бўлган маънавият.

Абдулла ака: – Имон-эътиқоди бутун зотлар ҳали кўп, бу олам шундайлар билан обод, фаравон, тўқис.

Анвар қори: – Шеърларингизда имон ҳақида, тафаккур ҳақида жуда кўп ёзгансиз... Ғаззалий ҳазратлари дунёни тафаккур қилувчи инсонлар ушлаб туради дейдилар.

Абдулла ака: – Ижодкор деганимиз, биринчи навбатда, тафаккур қилувчи жонзотдир. Бу қавм фикрлашсиз яшамаслиги, яшолмаслиги лозим.

Анвар қори: – ...инсон зоти фикрлашни, биринчи навбатда, Қуръон билан ҳадисдан ўрганиши керак. Пайғамбаримиз марҳамат қиладиларки: “Бир соат фикрлаш бир йиллик ибодатдан афзалдир”. Қайдлар икки мўътабар зотнинг маърифий-маънавий камолидан далолат. Шу ўринда Навоий ҳазратлари “Насойим ул-муҳаббат”да Абу Ҳадод (к.с)дан нақл қиладилар: “...зохир – хусн адаби, ботин – хусн адабининг унвонидур” Ҳақиқатда Абдулла ака ва Анвар қори зохирда ҳам ботинда ҳам ана шу унвонга муносиб ва улар Раббоний файз соҳиблари.

Суҳбатда Анвар қорининг иштироки Абдулла ака қалбида узоқ вақт мудроқ ҳисларни жунбушга келишига сабаб бўлган дейиш мумкин ва суҳбат мавзусининг деярли катта қисмида Қуръон илми ва диний маданият хусусида мулоҳаза юритилади. Абдулла ака: “Мен доимо фахрланиб гапираманки, Қуръони Карим – бу дунё илмлари жамланган улуғ фан – муқаддас энциклопедия. Бу китобни ўқиган кофир ҳам мусулмонга айланиб қолганини сезмайди. Мана, ўриснинг энг яхши кўрган одами Лев Толстой... Ўз динидан айрилди, жаноза ўқилмади. Устига хоч ҳам қўйилмади”. Бу фикр маъносида ислом маърифатининг нақадар ҳаётийлиги, улуғворлиги ва имон руҳи билан сугорилганлиги таъкидланади.

Фикримизнинг далолати сифатида Абдулла ака томонидан битилган “ТАВАЛЛЮ” номли шеър бунинг исботидир .

Ўқинг Анвар қори, ўқинг, биродар,  
Муқаддас Қуръоннинг оятларидан.  
Рухимга тинимсиз ёғдулар ёғар,  
Чексиз самовотнинг қаватларидан.

Ўқинг “Фотиҳа”ни, ўқинг “Ёсин”ни,  
Тавба эшиклари очилсин ланг.  
Тазарру деб билинг кўзда ёшимни,  
Ўқинг, барчамизга шафоат тиланг.

Ўқинг, бор гуноҳлар буткул тўкилсин,  
Аришгача юксалсин савобнинг ҳадди.  
Ўқинг ёвузликнинг бели букилсин,  
Токи эзгуликнинг рост бўлсин қадди.

Инсонни минг йиллар жаҳолатдан  
Аслида қайтарган имон-ку, ахир.  
Ўқинг, илоҳий сўз ҳароратидан  
Эрисин ҳаттоки тош қотган багир.

Ўқинг, зарра зубор қолмасин дилда,  
Кундуз кўёш гувоҳ, тунда гувоҳ ой,  
Мўминлар қатори ўша манзилда  
Бормикан менга ҳам тангачалик жой?..

Бешинчи суҳбат давомида Дантенинг “Илоҳий комедия”си таржимасига доир мулоҳазалар баён қилинади ва Абдулла ака томонидан амалга оширилган таржима таржимашунослик фани ривожига кўшилган меҳнатнинг энг улуғи, кадрлиси деб эътироф этади муаллиф. “Мен учун бу таржима катта дорилфунун бўлди. Ёзувчилар боғида бу асарнинг таржимаси устида ўн йил меҳнат қилдим... Бу асар ҳаётимнинг иккинчи қисмида мени баҳолайдиган асар бўлди”. Ва таржима жараёнида кечган воқеаларни эслайди. Асарнинг поэтик ва шакл жиҳатдан мураккаблиги, Европа шеърӣ услубда ёзилган бу асар терсина – учлик деб аталиши, таржима қилишда энг катта қийинчилик терсинасини ағдаришда деб таъкидлаши, сатр уч қатор бўлгани билан қофиялар бир-бири билан занжир бўлиб боғланиб келиши, асарда юз минглаб қофия бир-бирини такрорламай келишини таъминлаш ниҳоятда мушкул деб изоҳ беради. Шунингдек, Италия сафаридан кечган воқеаларни фахр билан хотирлайди.

“Мен шоирман, истасангиз шу...” эсселар мажмуаси гоят мароқли, илҳомбахш безаклар билан безатилган, қисқа фурсатда адабий воқеликка айланган Ўзбекистон Қаҳрамони ва халқ шоири Абдулла Орипов сиймоси ва ҳаётӣ лаҳзалари инкишоф этилган мукамал рисоаларнинг сарасидан бири дейишга ҳақлимиз.

# Адабий ҳаёт

3 февраль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Мурод қаламига мансуб “Танланган асарлар”нинг 3-жилди тақдироти бўлиб ўтди. Тақдиротда ёзувчи, таржимон, адабиётшунослар ва адибнинг оила аъзолари иштирок этишди.

\*\*\*

5 февраль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ёш ижодкорлар билан 2019 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда жорий йилда режалаштирилган вазифалар ва уларнинг муҳокамаси юзасидан ёшлар иштирокида очик мулоқот ташкил этилди. Унда уюшма раҳбарияти, масъул ходимлар, “Ижод” жамоат фонди раҳбар ва бўлим бошликлари, уюшма муассислигидаги газета ва журналлар вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

\*\*\*

5 февраль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Алишер Навоийнинг Гафур Ғулوم номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Саъбаи Сайёр”, “Садди Искандарий” дostonлари жой олган китобларнинг тақдирот кечаси бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунослар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва адабиёт мухлислари иштирок этдилар.

\*\*\*

8 февраль. Пойтахтимиздаги “Туркистон” санъат саройида мумтоз адабиётимизнинг буюк вакиллари – Алишер Навоий таваллудининг 579 йиллиги, Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 537 йиллигига бағишланган “Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз” деб номланган “Назм ва наво кечаси” бўлиб ўтди. Тадбирда ёзувчи-шоирлар, адабиётшунос олимлар, жамоат арбоблари, санъатшунослар, адабиёт ихлосмандлари, ёш ижодкорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

\*\*\*

9 февраль. Алишер Навоий номли Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ёнидаги шоир ҳайкали қад ростлаган майдонда Алишер Навоий таваллудининг 579 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда кенг жамоатчилик, илм аҳли, турли вазирлик ва идоралар, миллий маданий марказлар, ижодий ташкилотлар, юртимиздаги хорижий дипломатик корпус вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, хорижлик меҳмонлар, талаба-ёшлар иштирок этдилар.

Шу кунги пойтахтимизнинг Навоий кўчасидаги Ўзбекистон Фанлар академияси Давлат адабиёт музейига туташ ҳудуддаги шоир ҳайкали пойида ҳам мумтоз адабиёт мушоираси бўлиб ўтди.

\*\*\*

12 февраль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Боку давлат университети “Туркология” кафедраси мудир, филология фанлари доктори, профессор, Бобур номидаги халқаро мукофот совриндори Рамиз Аскар билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. У “XX аср ўзбек шеърини антологияси”ни, Хусайн Бойқаро девонини, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Девони”и ҳамда “Бобурнома”сини озар тилига таржима қилиб нашр эттирган. Шунингдек, Алишер Навоийнинг “Хамса” асарини озар тилига ўғирди ва ушбу китобларнинг намуна нусхалари чоп этилган.

Тадбирда Рамиз Аскарга ўзбек адабиётини, хусусан, Алишер Навоий ижодини узоқ йиллардан бери тадқиқ ва тарғиб қилиб келаётгани учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фахрий аъзолиги гувоҳномаси ҳамда “Фахрий ёрлиғи” топширилди.

\* \* \*

14 февраль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Бадий публицистика” кенгашининг 2019 йил якунига бағишланган йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда матбуот публицистикаси, публицистик асарлар, телерадиожурналистика, электрон оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинган материаллар муҳокама қилинди.

\* \* \*

15 февраль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 537 йиллигига бағишланган “Бори элға яхшилик қилғил” деб номланган адабий кеча бўлиб ўтди. Тадбирда ёзувчи-шоирлар, адабиётшунос олимлар, афғонистонлик ижодкорлар ва ёшлар иштирок этди.

\* \* \*

17 февраль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Шеърят кенгашининг 2019 йил якунига бағишланган йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2019 йилда нашр этилган шеърӣ китоблар, газета журналларда чоп этилган шеърӣ туркумлар, шунингдек, дostonлар ҳақида маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

Бадий публицистика кенгаши фаолиятининг 2019 йил якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши ўтказилди. Унда уюшма аъзолари, ёзувчи-шоирлар, адабиётшунослар, “Янги Ўзбекистон” ва “Правда востока”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Ўзбекистон овози”, “Адабиёт зиёси”, “Адолат”, “Ишонч” газеталари муҳаррирлари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

\* \* \*

20 февраль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Наср кенгашининг йиллик ҳисобот йиғилиши ўтказилди. Унда 2019 йилда нашр этилган насрий китоблар, газета-журналларда чоп этилган роман, қисса, ҳикоялар ҳақида маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

\* \* \*

20 февраль. Шоир Матназар Абдулҳаким таваллуд топган санада Урганч шаҳри суратлар галереяси (ҳозирда музей)да хотира кечаси ташкил этилди. Тадбирда ижод аҳли, унинг шеърӣти ихлосмандлари ва дўст-биродарлари ташриф буюришди.

\* \* \*

25 февраль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Бадий таржима кенгашининг йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2019 йил давомида эълон қилинган таржима асарлар юзасидан маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

\* \* \*

27 февраль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Театр ва кинодраматургия кенгашининг йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

\* \* \*

29 февраль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати Зулфия Исроилова таваллудининг 105 йиллигига бағишланган адабий-маърифий анжуман бўлиб ўтди.

МУНДАРИЖА

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Тўра СУЛАЙМОН. Зора субҳ еллари келтирса мужда. ....4

МУНОСАБАТ

Гофуржон МИРЗАЕВ. Сир бўйида гуллаётган воҳа. ....9

НАЗМ

Ҳаётгон ОРТИҚБОЕВА. Кўнгилга шиддатлар, викорлар кайтар. 12

Абдулла ШЕР. Жунун водийсида. ....22

Зилола ХЎЖАНИЕЗОВА. Бир насим эсади руҳимда. ....28

Мухиддин АБДУСАМАД. Менга йўл кўрсатиб борар йўл. ....46

Ҳанифа УММАТҚУЛОВА. Дил катиға беркитилган сир. ....51

НАСР

Рустам БОЙТЎРА. Кўзгудаги киефа. *Ҳикоя*. ....17

Муҳаммадали АҲМАД. Полвон. *Ҳикоя*. ....32

Нодира ДЎСТМАТОВА. Ганимат дунё. *Ҳикоя*. ....35

Шахло АБДУСАИДОВА. Кўнгли ярим кизгина. *Ҳикоя*. ....37

Бахринисо НОРЖИГИТОВА. Деразанга исминни ёзиб кетаман”. *Ҳикоя*. ....39

Музаффар МИРЗО. Шам ва шамшир. *Роман*. ....55

Маъмура ЗОҲИДОВА. Бойчечак. *Қисса*. ....109

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Абдунаби ТҒЙЧИЕВ. Характер яратиш маҳорати. ....95

Умида РАСУЛОВА. Замонавий қиссалар поэтикаси. ....101

Хуршида ҲАМРАҚУЛОВА. Бугуннинг боласи учун қандай ёзиш керак? ....165

МУШОИРА

Анвар ТОҒАЕВ. Сукунат кўйинида мусаффо бир тун. ....104

Насирли Али ГЕЙДАР ўғли. Севги ва баҳор. ....105

Бахтиёр ВАТАН. Мона Лиза. ....106

Норинисо ҚОСИМОВА. Жўнатилмаган мактуб. ....107

Ҳаким АБДУЛЛА. Кетар бўлсанг. ....108

ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Нафас ШОДМОНОВ. Адабиёт тараққиётини белгилловчи омил. 139

Машхура ШЕРАЛИЕВА. 2019 йил ўзбек қиссалари. ....152

Дилшод РАЖАБ. Болаларга бахшида асарлар. ....147

БУ БЎСТОН САҲНИДА

Охунжон ҲАКИМ. Саодатни сабот билан топил. ....156

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Рафиқ САЙДУЛЛО. Япроқ қолмиш юрак катида. ....160

МУТОЛАА

Исоқхон НОСИРОВ. “Мен шоирман, истасангиз шу...” .....167

Адабий ҳаёт. ....174

# Шарқ юлдузи

2020

2-сон

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

\* Муаллифлар фикри тахририят ижодий жамоаси нуқтан назаридан фаркланиши мумкин. Тахририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 «Ўзбек адабиёти» ихтисослиги бўйича рўйхатиға киритилган.

\* Журналға обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шуғullanувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:

100066, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўча, Адиллар хибони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

Телефонлар:

231-23-65, 231-23-66, 231-23-68

www.sharqyulduzi.uz

e-mail: sharqyulduzi@umail.uz

sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишға рухсат этилди:

Қоғоз бичими 70x108 1/16

Офсет босма усулида офсет қоғозида

босилди. Босма табоғи 11,0.

Шартли босма табоғи 15,4.

Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.

Адади 2900 нуска.

Буюртма № 12

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатға олинган.

“PRINT RABEL” МЧЖ

матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,

Ўрозбоев кўчаси, 35-уй

Журнал ойда бир марта

чоп этилади.

Мусаххиллар:

Дилфуза Маҳмудова

Моҳира Ҳусанова

Саҳифаловчи-дизайнер:


Элёржон Незматов

Copyright © «Шарқ юлдузи»

# Унутилмас лаҳзалар



Тўра СУЛАЙМОН ҳаётидан лавҳа ва янги нашрлар



**«Карвон»**



**«Сирдарё»  
АНОРБОЙ асарлари**

*Хурматли журналхонлар!*

*2020 йил учун “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока”  
журналларига обуна давом этмоқда.*

*Журналларимизга барча матбуот етказиб берувчи  
ташкilotлар ёки тахририятимиз орқали  
обуна бўлишингиз мумкин.*

*Обуна индекслари: “Шарқ юлдузи” – 911  
“Звезда Востока” – 831*